



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
[бош редактор ўринбосари],
Омон МАТЖОН,
Хайриддин СУЛТОНОВ
[масъул секретарь],
Худойберди ТУХТАБОЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,
Урие ЭДЕМОВА,
Уткир ҲОШИМОВ.

(26)

1984

ЙИЛ,

ФЕВРАЛЬ

2

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон ЛҚСМ
Марказий Комитетининг
«Еш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

«ЕШЛИК» ЙЎҚЛАМАСИ

Абдурашид ҚОДИРОВ. Шижоат 3

НАСР

Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Юк. Ҳикоя 20
Эркин УСМОНОВ. Назокат Саидовна. Ҳикоя 26

НАЗМ

Омон МАТЖОН. 37
Носир МУҲАММАД. 19
Момоҳол ЭЛМУРОВОА 13
Назар ШУКУРОВ 13
Ўроз ҲАЙДАРОВ 14
Нафас ШОДМОНОВ 14
Жўра АЛИМАРДОН 15
Абдумўмин САЪДУЛЛАЕВ 15

ҚАЛДИРҒОЧ

Ҳамид МАЛЛАЕВ. Рақиблар. Ҳикоя 4
Шарофат АШУРОВА. Кудук. Ҳикоя 16
Чори АВАЗОВ. Зебога. Шеърлар 19
Холмўмин ТҲУХТАЕВ. «Ўзбексельмаш»да. Шеърлар 29

САДОКАТ

Хизмат давом этади... Фоторепортаж 30

МАЪМУРЧИЛИК ПРОГРАММАСИ

Анорбой ҚУРОНБОЕВ. Меҳнат билан санъат муштарак 32

ПУБЛИЦИСТИКА

Қодиржон СОБИРОВ. Улуғбек осмони 33

«ЕШЛИК» БАХСИ

Абдулла ВОҲИДОВ. Саодат сарчашмаси 39

ҚУТЛАЙМИЗ!

Саъдулла СИЁЕВ. Созингиз синмасин 41
Тўра СУЛАЙМОН. Гулжаҳон. Достондан парча 42

НАВОИЙХОНЛИК

Иброҳим ҒАФУРОВ. Ишқ ҳамда мурувват 44
Алишер НАВОИЙ. «Сўздурки, нишон берур...» 46

ЖАХОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ҳенрих ҲЕЙНЕ. Германия 47

АДАБИЙ ТАНҚИД

Умарали НОРМАТОВ. Севги сеҳри 55

ХАЕТ БЎСТОНИ

Юрий АНДРЕЕВ. Бахтли бўл, ўғлим! 61

ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Музаффар ТУРСУНОВ. Эрмакнома 79
Нормамат ТОҒАЕВ. Ақлимни олиб кетди 79

МУҚОВАДА

Биринчи ва тўртинчи бетлар: «Ил-86 аэробусининг командири Улуғбек ҒОЗИНАЗАРОВ; Самарқанддаги Мирзо Улуғбек музейи [33-бетдаги «Улуғбек осмони» очеркини ўқинг].



«ФАРҲОД ВА ШИРИН»нинг ўлмас ғоялари, гўзал оҳанглари санъаткорларимизга ҳамisha илҳом бағишлаб келмоқда. Еш рассом А. Васихонов чизган бу расм «Висол» деб аталади.

**Абдурашид Қодиров,**УзЛКСМ Қашқадарё область
комитетининг секретари

ШИЖОАТ

Бир пайтлар Қашқадарё деганда киши кўз ўнгида чексиз Қарши чўллари, бир «тутам»-гина пахта берадиган узоқ жанубий воҳа гавдаланарди. Албатта, бу бежиз эмас эди. 50—60-йилларда областда бор-йўғи минг тоннача пахта етиштирилди. Сув танқислиги туфайли Зарафшон водийси билан Амударё оралиғида миллион гектардан зиёд ўзлаштирилмаган ер ястаниб ётарди. Бу ерлар Амударё соҳилидан 130—200 метр баландлиги сабабли кўп миқдордаги сувни чиқариш осон эмасди. Шу сабабли асрлар давомида Қарши чўли қуш учса қаноти куюдиган дашти биёбон бўлиб келди.

Коммунистик партиямизнинг XXIII ва XXIV съезди қарорларига мувофиқ Қарши даштини сўғориш ва уни ўзлаштириш бўйича катта ишлар бошлаб юборилди. Қудратли насослар Амударё сувини қақраб ётган ерларга бошлади. Кўплаб сув омборлари, замонавий сўғориш иншоотлари барпо этилди. Кўҳна карвон йўллари ва сардобалар ўрнида ям-яшил воҳалар, бир-биридан гўзал шаҳар ва қишлоқлар қад кўтарди. Қарши даштини ўзлаштириш иши Бутуниттифоқ қурилиши деб эълон қилинди. Дастлабки кунларданок бу улкан вазифани комсомол ўз оталиғига олди. Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан, бир қанча социалистик мамлакатлардан ўтюрак ёшлар етиб келишди. Улар бугунги кунда чўлга ҳаёт бағишлашдек эзгу ишда, янги посёлкалар ва саноат корхоналари барпо этишда ҳаловатдан кечиб меҳнат қилмоқдалар. Амалга оширилган ишлар салмоғи жуда катта. Аммо режалар бундан ҳам улугвор. Келажакда Қарши даштида 1,8—1,9 миллион тонна юқори сифатли пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши лозим. Бу ерда 134 совхоз, 70 га яқин турли хил корхоналар барпо этилади.

Бугунги кунда Қашқадарё саноати ва қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан юксалаётган воҳадир. Ҳозирги пайтда областда йилга 600 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилмоқда. Фаллачилик, боғдорчилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам қувончли ютуқларга эришилмоқда. Саноатнинг янги тармоқлари вужудга келмоқда. Кейинги йилларда нефть ва газнинг катта запаслари аниқланиб, мазкур соҳа саноати пайдо бўлди. Ана шу мислсиз ишларни амалга ошираётган фидойи чўлқуварларнинг олдинги сафларида комсомол-ёшлар бормоқдалар.

Чўлда барпо этилган янги посёлкалар, колхоз ва совхозларга бориб қолсангиз, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги ёшлар эканлигини кўрасиз. Улар боболарнинг азалий орзуларини рўёбга чиқармоқдалар, асрлар бўйи томчи сувга зор тақир ерларни гулзорларга, боғу роғларга айлантирмоқдалар. Ёшлар орасида ўз меҳнати билан обрў-эътибор қозонган, юсак мукофотларга сазовор бўлган, катта-катта хўжаликларни моҳирона бошқараётганлар кўп.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорларида, ВЛКСМ XIX съездида ёшларни коммунистик идеаллар, оталар ишига садоқат руҳида тарбиялашнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Областида халқ хўжалигида эришган ютуқлар идеология соҳасида, маданий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар билан узвий боғлиқ.

Ҳозирги кунда областда Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги музикали драма театри ва Шахрисабз халқ театри, бир қатор халқ рақс ансамбллари фаолият олиб борапти. 50 га яқин халқ маданият университети, 270 дан ортиқ клуб ва маданият уйлари ишлаб турибди. Корхоналар, колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли олимлар ва ёзувчилар билан бўлаётган учрашувлар ҳам яхши самара бермоқда. Ишлаб чиқариш ва маданият соҳасидаги ютуқлар учун область комсомоли мукофоти таъсис этилган.

Қашқадарё воҳасида ижодкорлик узоқ анъаналарга эга. Бу ерда ажойиб меъморлар, санъаткорлар, шоирлар яшагани тарихдан маълум. Қарши ва Шахрисабз адабий муҳитида камол топган кўплаб ижодкорларнинг номилари тазкираларда, жумладан, Алишер Навоийнинг машҳур «Мажolis ун-нафoис» асарига қайд этилган. Бугунги кунда ана шу бой анъаналар муваффақиятли давом эттириляпти. Қашқадарёликлар юртдошлари — Ҳамза номидаги Республика давлат мукофоти лауреати Абдулла Орипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Нормурод Нарзуллаев, филология фанлари доктори, адабиётшуно Очил Тоғаев ва бошқа ижодкорлар билан ҳақли суратда фахрланадилар. Улар бугунги кунда республикамиз пойтахти — Тошкентда яшаб, самарали ижод қилмоқдалар. Яна бир қатор ижодкор ёшлар республика газета ва журналларида ишламоқда.

Областининг ўзида ҳам кейинги йилларда кўплаб истеъдодли ёшлар пайдо бўлди. Бунда албатта Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг область бўлими ташкил этилганлиги муҳим роль ўйнади. Бўлимга истеъдодли адиб ва журналист Самар Нуоров етакчилиги қилмоқда. Шунингдек, педагогика фанлари кандидати, жангчи шоир Шарофжон Орифий бошчилигида Шахрисабзда фаолият олиб бораётган «Навқирон», Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёт факультетида ташкил этилган «Шалола» адабий уюшмалари ҳам ижодий муҳитнинг шаклланишига сезиларли улуш қўшмоқда. Илк китобларини адабиёт ихлосмандларига тақдим этган ёки дастлабки машқлари билан кўзга ташланиб қолган Жўра Алимардон, Бозор Номозов, Носир Муҳаммад, Саодат Тожи, Гелди Бердиев, Муҳаммад Очилов, Момоҳол Элмуродова, Нормурод Норқобилов, Норқул Тилолов, Қурбон Назаров, Сайёра Зоирова, Турсунбой Очилов, Исмоил Тўхтамишев, Икром Отамуродов ва бошқа кўпгина ёш қаламкашлар ўз асарларида чўлқуварларнинг меҳнат жасоратини, замондошларнинг орзу-интилишларини тараним этмоқдалар.

Маълумки, бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тантанали суратда нишонланади. Бугунги кунда республикамизнинг барча аҳолиси қатори Қашқадарё области меҳнаткашлари, шу жумладан, комсомол-ёшларининг, ёш шоир ва адибларининг диққат-эътибори ҳам ана шу қутлуғ санани ҳамма соҳаларда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга қаратилган. Область комсомол комитети шу муносабат билан бир қанча тадбирлар белгиланган. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг область бўлими билан биргаликда чўлқуварлар ҳузурида шеърят кечалари, долзарб мавзуларда сўхбатлар, қизиқарли учрашувлар ўтказиш кенг йўлга қўйилди.

Қашқадарё воҳасида амалга оширилаётган ҳайратомуз ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг миқёс ва шиддатлари бастимиз ёш ижодкорларига бундан буён ҳам илҳомбахш мавзу бўлиб хизмат қилиши, уларга янги-янги ижодий режалар ва ижодий қувончлар бахш этиши шубҳасиз.



Ҳамид
Маллаев

РАҚИБЛАР



ҲИКОЯ

аътил даврим ниҳоялаб қолган кунлар эди. Бекорчиликдан бостирма устидаги ғарамда алламаҳалдан бери қалин бир романни варақлаб ўтирардим. Роман шу қадар семиз, ясама тўқнашувлар билан шу қадар лиқ тўла эдики, уни охиригача ўқиб чиқишга Азроилнинг ўзи ҳам мени мажбур қилолмасди. Мен китобдан кўз узиб, этак тарафдаги ўркач-ўркач адирлар узра қиялаб ботиб бораётган офтобни, унинг қирмизи нурига чулганган қишлоқни томоша қилардим. Уртадан кумушдай ярқираб кесиб ўтган Оқсув кунботишда ёйдай эгилганча кўздан ғойиб бўларди. Тераклар шивирлар, кекса толлар номозгар елида салобат билан чайқалар, уйларнинг пештоқлари, сал наридаги бошқа пичан ғарамлари ҳам шу қирмизи рангда ловиллаб ёнар эди.

Даладан ҳали мол қайтмаган. Қишлоқ осуда. Одамлар чанг йўлда у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришар, гўё дунёнинг ташвишлари уларга бегонадек, сира шошилишмас эди. Мен эса эртага шаҳарга қайтишим керак. Бунинг учун аввал биронта йўловчи машинада район марказига бориб олиш лозим. Худо билади, бу йўловчи машиналарга нималар ортилган: сомонни, гўштга жунатилган қўйларми? Тағин, совхознинг шофёрлари ўлгудай димоғдор — тош йўл қанча қуюқ чангиса, уларга шунча маза! Нима ҳам дердик, машина уларники, билганларини қилади-да.

Қишлоқни томоша қилишдан зерикиб, гузардан отни суғориб қайтган Қўзибойга мурожаат қилдим:

— Оламда нима гап, Қўзи полвон?

— Оламда хотиржамлик, — деди у ҳовли ўртасидаги гулмих ёнига отдан сакраб тушаркан.

— Наҳотки, ҳеч гап бўлмаса?

— Шундай, ҳеч гап йўқ. — Бола ўзини катталардай тутиб, шошилмасдан отни гулмихга боғлади. Сўнг айилини бўшатаркан, шунчаки айтаётгандай қўшиб қўйди: — Тўра жунчиникига бир машина ем келибди. Машина ҳозир районга қайтиб кетаркан, юкни туширишяпти. Хў-ўш, яна... Холиқул почтачи мага-

Расмларни Т. ЖАМОЛИДДИНОВ чизган

..мир қозик.

зинда ароқ ичиб олиб, Махсумнинг ўғлини урибди. Устидан ёзган экан.

— Нимани ёзибди?

— Нимани бўларди, одамларга газит-журнал тарқатмайди, деб ёзган-да. Холикул почтачи: «Сенга газета ўқишни ким қўйибди, тирранча? Ундан кўра, бориб отангнинг чор китобларини варақлагин, мулла бўласан! Отанг қартайди, яқинда ўлса ҳам керак, ахир, қишлоқда энди никоҳ жанозани ким ўқийди?», дебди. Махсумнинг ўғли уни «Қари пиёниста!», деб сўкибди. Шундан кейин почтачи уни тутиб олиб урибди. Ҳозир Махсумнинг кампири почтачинини қарғаш учун магазинга боряпти. Олдимдан чиқди: желлагини қўлига олволган, шашти баланд...

— Отнинг емини илсанг-чи, вақвақа! Холикул почтачи билан сенинг нима ишинг бор? — Айвонда нимадир йўниб ўтирган отам Қўзибойнинг сўзини бўлди.— Ҳа, айтмоқчи, Турди ем обкелди, дедингми? Қанча? Бир машина?... Ана, одамлар аллақачон қишгинини ҳам ғамлаб оляпти. Сен ҳам, Нурали, шаҳарда ошна-пошналаринг бўлса, бирор тонна ёрма чиқариб берганингда, иликузилди маҳали молларга асқатармиди?

Бу гаплар, албатта, менга тегишли эди. Лекин, «шаҳардаги ошна-пошналарим» базага ёки фермага мудир эмас, балки оддий студентлар эканини айтиб отамнинг ҳафсаласини пир қилишдан нима фойда? Шаҳарда ўқиганим учун отам мени кўлидан кўп иш келса керак, деб ўйлайди ўзини. Мен эса, ўша машина билан жўнаб юборсамми, деб хаёл қилиб турардим.

— Машина кимники?— дея Қўзибойдан ҳар эҳтимолга қарши сўрадим.

— Утаган аканинг «ЗИЛ»и.

Баданимга илон ўрмалагандай сесканиб кетдим. Рухимдаги беғам, ҳузурбахш сокинлик ўрнини ғалати ваража эгаллади. Ҳар сафаргидек, унинг отини эшитиб ғазаб ва уятнинг зўридан лов ёнгандек бўлдим...

Бу ўша Утаган эди! Менинг азалий рақибим. Ешликнинг пўртана уммонида биз ҳануз йўл талашиб келамиз. Бироқ ҳар сафар мен пёвда, у йўрға отда. Бу «пойган»нинг охири нима билан тугаши эса номаълум. Йўрға от уни аллақачон эгардан итқитиб ташлаши керак эди, аммо у шундай итоаткор жониворки, жиловини ким қаёққа бурса, ўша ёққа елади. Ҳали далада кўзи боқиб, чиллак ўйнаб юрган кезларимиз ҳам у мени ғиромлик билан ютиб, зувлатарди. Биз бамисоли қарама-қарши икки кутб эдик. Мактабда худди атай қилгандай уни мен билан бирга ўтиргизиб қўйишди. «Шу бола синфдан кўчмаса, сен жавоб берасан!— деди директориниш.— Шахсан ўзим шугўлланаман бу масала билан. Сенга шу пионерский поручения! Уқдингми? Дангасаликни хаёлингга ҳам келтирма! Аълочиман деб мағрурланма. Одамни билиб бўладими? Эйнштейн мактабда ўқиб юрган чоғлари физикадан икки баҳо олар экан...» Директорнинг гапларини ўшанда ғиринг демай тинглаган бўлсам-да, Утаганга ҳеч қачон, ҳеч нимани ўргатмадим. Ургатганимда ҳам у менга қулоқ солармиди? Лекин у, шу кундан бошлаб уй вазифаларини дафтаримдан бемалол кўчириб олаверди. Нияти ҳам шу эди-да ўзи. Танаффусда эса, мени қандай болаганини— яшириб қўйилган жойидан дафтарни топиб, жуда «гажакдор» қилиб кўчирганини, хуллас, мени «эш-шакдай» ишлатиб маза қилаётганини болаларга сўзлаб берарди. Болалар қийқириб чапак чалишар, навбатдаги ҳангамани эшитиш учун худди Темирнинг шотирларидай уни ўраб олишар эди. Мен, албатта, бу шотирлардан бирининг ҳалқумига ўхшатиб туширардим. Шундан кейин Утаган ҳангамани бас қилар худдай бошини эгиб, мўмин — мусичадай яна ёнимга ўтириб олар эди:

Ақаси Мирзахон совхознинг директори, Утаган эса — қовоққалла. Шундай бўлса ҳам у уddaбурунлик билан синфнинг ярмини, ҳатто ўқитувчиларнинг кўпини ўзига оғдириб, тарафдор қилиб олган эди. Бориб-бориб Утаган зигир ёғдай кўнглимга урди; синф раҳбаримизга арз қилдим. Йўқ, арз қилмадим, фақат бошқа партага ўтказишларини сўрадим, холос. Бироқ, ҳаммаша нимадандир чўчиб, ён-верига тез-тез қараб қўядиган бу юпқақулоқ, ориқ муаллимнинг бошидан капалаги учди: «Нима дединг? Бошқа партага дейсанми? Бор, бор, ошна, дарсингни қил,

Утаган билан ишинг бўлмасин. Нима қилиш кераклигини у сендан яхшироқ билади!»

Ниҳоят, мактабни ҳам битирдик. Йўлимиз айри тушди — мен институтга ўқишга кирдим, у ҳарбий хизматга жўнади. Шундан кейин, балки ўтган-кетгани эслаб суҳбатлар қурадиган дилкаш жўралар бўлиб кетишимиз мумкиндек эди, лекин ошначилик қилиш бизнинг манглайимизга ёзилмаган экан. Асл рақобат — энди болалик шўхликлари деб бўлмайдиган можаро кейин бошланди.

* * *

Одамлар қизиқ-да: ўзлари билан иши йўқ, бўй етган қизларини эрга бериш ҳақида сира қайғуришмайди. «Тенги чиқса, узатамизда, шунга ҳам ташвишми?», деб юраверишади. Аммо Турди раис қизини кимга беради? Таърифи кетган бу гўзал қиз кимга насиб бўларкан охири? Мана, муаммо! Кайвони хотинлар урчуқларини ёнларига қўйиб шу ҳақда бош қотиришар, турли гапларни бичиб-тўқишар эди. Бу ҳол то бутлургача — Утаган армиядан келиб Гулсанамга совчи юборганию менинг қизга жазман-ошиқ эканим элга ошкор бўлгунича давом этди. Лекин, барибир муаммо ечилмади, қайтага баттар чалкашиб кетди. Кўпни кўрганлар дарров бир қарорга келишди: «Албатта, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, раис қизини Утаганга беради, вассалом! Мен буни ярим йил бурун айтганман, энди ҳам гапимдан қайтмайман!» «Рост,— дея ақлларини ишга солишарди бошқа бирлари,— Утаган қарчигадай бола, берса шунга беради-да, Нуралига йўл бўлсин!» Аммо, бировнинг гапига эргашмайдиганлар ҳам йўқ эмасди. «Нега энди шундай бўларкан? Билиб гапиринглар-да гапни. Утаган бу қизга лойиқ эмас, Нурали — бошқа гап: узун бўйли, хушрўй йигит. Гулсанам ҳам унга ошиқ эмиш. Ушанга тегса керак. Қиз ҳам, ахир, бир нарсани дидлаб ошиқ бўлади-да одамга!»

Мен бу гаплардан бало-қазодан қочгандай четланиб юрардим, лекин ҳаммасини, барибир, менга оқизмай-томизмай етказиб туришарди.

Утаган қизга аллақачон совчи юборган ва энди башанг қийиниб олиб, гоҳо улфатлари билан, гоҳо бўлимнинг эски, шалоқ машинасини тарақлатиб Турди раиснинг уйи олдидан ўтиб юрар эди.

Қишлоққа келган пайтларим бостирма томига чиқиб, Гулсанамларнинг гузар бўйидаги боғ ҳовлиси тарафга кўз тикардим. У гоҳо йироқдан мени кўрар, рўмолчасини силкитиб, саломлашар эди. Бизнинг ошиқ-маъшўқлигимиз шундангина иборат эди. Бироқ янгаларим «оёқ олишимдан», раиснинг уйига тез-тез қарайверишимдан масалани осонгина тушуниб олишди ва менга: «Етар энди шунча муғамбирлик қилганингиз, совчи юборайлик, кеккайиб юриб, тагин бировга олдириб қўйманг», дейишди. Отам бўлса, Турди раис ўзининг ошнаси экани ва «Бир қиз бўлса, бор-э, ана, келин қил, сен билан биз энди кўрибмизми бунақа савдоларни!», дейишини айтиб роса мақтангач, шарт турди совчиликка жўнади. Кечқурун худди иш битгандай, оғзи қулоғида, хурсанд кириб келди. Суриштиришса, бор-йўғи: «Ҳали сал эртароқ, тарадудимиз битган эмас. Кейин бир хабар олинг, ўйлаб кўрамиз», дейишган экан, холос.

Энам, одати бўйича, олдиндан тайёрлаб турган таънаю маломатларини ёғдира кетди:

— Қуринг сиз, чол, ахир, Утаганнинг совчиларига ҳам шундай дейишган. Гапни кавлаштириб кўрмадингизми? Ойжон кампирнинг диди кимда — шуни билинг эди аввал.

— Ойжонга йўл бўлсин, раис турганда.

— Нима деди ўша ордона раисингиз?

— Айтдим-ку, нима деганини. Сенга дарров майли, дермиди? Қизини тошга чиқариб ўтирибдими? Ана, ўғлинг хат ёзин, жуда билгинг келаётган бўлса!

Отам Турди раиснинг қўлида кўп йиллар ҳосилот бўлиб ишлагани ва у замонлар кўп яхши замонлар экани ҳақида узундан-узоқ гурунғ бошлади: «У бировга асло ёмонлик қилмаган, етим-есирни йиғлатмаган, аммо-лекин бургутдай назари баланд эди: одамлар оч бўлса — оч, тўқ бўлса — тўқ. Ҳозиргилар-й?.. Э, қўй, гапирма, одамнинг номуси келади, эп қилиб уч сўм берсанг, олишади бу арбоблар!»

Гапни қаранг: «Бургутдай назарибаланд эди», эмиш! Бир пайтлар бўлса бўлгандир, аммо ҳозир бу назарибаландликдан асар ҳам қолмаган. Раисликдан аллақачон бўшаб, шундан кейин дарҳол қартайган, яъни хиром этикни маҳсига, сур телпакни симоби саллага алмаштириб кўркамгина чолга айланган. Утаган баҳорда шаҳардан келган муҳбир уни бола-бақраси билан суратга олди. Рангдор бир журналда чиққан бу серҳашам суратда у талай орден-медалларини кителгага тақиб, ўртада гердайиб ўтирарди. Фарзандлари уяли-жойли бўлиб кетган, энди суюкли қизи Гулсанамни узатиши керак. Утаган билан биз шу қизга талабдор.

... Отни сугориш учун кечкурун гузарга тушиб борарканман, беихтиёр хаёлимдан Махсумнинг — ўғлини Холиқул почтачи урган ўша Махсумнинг сўзлари ўтарди: «Ердаги ҳамма нарса, курт-кумурсқа, ҳатто осмондаги ой, юлдузларга ҳисобли. Худойим бир улоқни яратибди, унга атаб бир туп шувоқни яратибди. Оллога шак келтирманг, азизлар». Демак, Утаган ҳам атай жигимга тегиш учун яралган экан-да. Бўлмаса, келиб-келиб шу қизга совчи қўядими? Акаси директоса, қўлини қаерга узатса — етади. Атрофда қиз демаганингиз...

От жилловини силтаб, тумшугини сувга ботирди, лекин қадам шарпасию сатилнинг шиқирлаган товушидан чўчиб, шу заҳоти бошини кўтарди. Мен ҳам ўгирилдим: Гулсанам! У сатилларни бир қўлига олиб, иккинчиси билан рўмолини ва ўримдан қочган жингала сочларини тузатар эди. От безовталаниб пишқириб юборди ва тагин сувга интилди. Гулсанам сатилини чайиш билан машғул, атроф кимсасиз. Мен қизга на бир оғиз гап гапира олар ва на отнинг жилловини буриб йўлимга кета олар эдим. Саросар бўлиб турарканман, бирдан қизнинг жаранглаган қулгиси эшитилди. У сатилларни чайиб бўлган, сочини ўйнаганча қўзларини пориллатиб менга тикилар эди.

— Отингиз сувга қонди-ку, нега кетмаяпсиз?

Мен қиз болани кўрганда юраги пўкиллайдиганлардан эмаслигини аңлатмоқчи, унга ҳатто ҳазил-хўзил қилмоқчи эдим, аммо қизнинг сира тап тортмаётганини кўриб, довдираддим. Отнинг қийшайиб қолган нўхтасини тўғрилайман деб қамчинни тушириб юбордим. Номус кучли, шартта ерга энгашдим, бироқ от яйдоқ эди, қамчиннинг ёнига ўзим ҳам гуппа қуладим. Гулсанам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Айтсангиз ўзим олиб берардим-ку, Нурали ака! Яйдоқ отда туриб қамчин олиб бўларканми!

— Сендан биров шунга сўраятими?

Уст-бошимни қоқиб отга қайта минарканман, зарда билан унга қарадим. Гулсанам энди кулмас, гўё отдан ўзи йиқитгандай гуноҳкорона ерга боқар эди.

— Қачон келдингиз ўқишдан? Кўринмайсиз? — У гўё кетиб қолишимдан чўчигандай бошини тез кўтарди.

— Кўриниб нима қилардим?

У яна кулди.

— Эҳтиёт бўлинг, тагин битта-яримта обқочиб кетмасин!

Кулгидан унинг юзи лоладай қизариб кетган, шу тобда ўзи ҳам номозшома тлас кўйлақда қирда ёниб турган лолага ўхшар эди.

— Менда гапинг борми, Гулсанам? — дея сўрадим ундан отнинг ёлига бармоқларимни ботирганча.

— Йўқ, шундай ўзим сўраяман-да. Нима, сиздан гап сўраб ҳам бўлмайдими? Айтмоқчи, менда битта китобингиз бор эди, ўшани...

— Уйга, Раҳимга бериб қўявер. Эртага қурилишга кетяпман, Тюменга... Анави иш бўйича отамлар яна боришадди, хабаринг бордир?

Гулсанам уялиб, рўмали билан юзини бекитди, мен эса сувлиқни шақирлатиб чайнаганча тайсалланиб турган отни йўлга бурдим...

Орадан бир ярим ойча ўтиб Тюмендан қайтдим. Тахминимча, ҳаммаси мана шу бир ярим ойда ҳал бўлиши керак эди. Мен қишлоқ йўлида, совға-саломлар билан лик тўла жомадоннинг оғирини ҳам сезмай, худди ўшанда Гулсанам билан гузарда учрашиб қайтганимдаги каби мастона хаёллар қанотида келардим.

— Ассалом алайкум, мулла Нурали!

Қаршимда кўк тойхарга неварасини мингаштириб олган бир мўсафид турарди. Чол билан қўл бериб кўришдим.

— Одамни уялтирасиз-а, Алим бобо! Саломни олдин биз айтишимиз керак-ку.

— Сиз айтишингиз керак, лекин кўрмадингиз, бўтам. Айби йўқ, ҳеч айби йўқ. Хў-ўш, қайтингизми? Ўқишдан денг? Ўзи қачон битади, а, Нуралибой?.. Икки йил қолди? Ҳа, дуруст. Домулла бўласизми энди? Манов шўртумшўқни сиз ўқитаркансиз-да?

— Бўлмасам-чи, ҳозир нечанчида ўқийди? Нечанчида ўқийсан, ошна?

Бола жавоб ўрнига бурнини тортди ва уялганидан бобосининг орқасига яширинди. Гўё бобоси бир ёққа қочиб кетадигандай унинг сурп белбоғига маҳкам ёпишиб олди.

— Иккига боради, тоғаси. Насиб қилса, бу йил иккига, — деди чол боланинг ўрнига. — Хў-ўш ўқишлар бир нав-ку, локин яширишининг кераги йўқ: пича дангасалиги бор. Бу, ҳалиги денг, оти нимаиди, ҳа... Ҳа, рубоб, шунга ишқивоз! Ҳайитмуротнинг ўғлида бор, бунда эса йўқ. Ҳамма жанжал шунга. Нуралижон, бўйингдан, жиянинга шаҳардан битта обкелиб бер, хўпми? Пулини бераман. Ҳозир ёнимда йўқ эди.

Шу маҳал орқадан устига қападай қилиб похол босилган машина кела бошлади ва ёнимиздан шитоб билан ўтиб кетди. Гилдиракларидан отилган қуюқ чанг чолнинг саллачопонини белади.

— Ҳе, падрингга лаънат! Кутурган энағар-а! — Чол салласини чуватиб қоқаркан сўкинарди. — Бу, ҳалиги Ҳалимининг ўғли — Утаган. Бўйингдан суяк тушгур, ўша! Садқан одам кет-э!

Кетишга чоғланиб зилдай жомадонни қўлга оларканман, сўрадим:

— Узингиз қаердан келяпсиз, Алим бобо?

— Турди раис кенжа қизини узатган. Шунга, эски ошначилик, чол қурғур бўшашиб ўтирган бўлса, бир ҳангамалашай, деб бориб эдим. Бояги эси йўққа берди қизини... Тўйга Мирзахоннинг ўзи бош бўлди. Бир ёқда кино, бир ёқда артист, денг! Кўсам серканинг ўзидан олтита сўйилди, тўртта панжи қўчқор. Ҳали бу — раисниқидаси, тўйнинг зўри келин тушиб борғач, у ёқда бўлди-да...

Чол салласини қайтадан ўраб олиб, Мирзахон қилган тўйни, унга келган казо-казоларни таърифлар, мен эса, кўз олдим қоронғилашиб, худди бошимдан совуқ сув куйилгандай, йўл устида серрайиб турар эдим.

— Хўп, панои худо. Ҳалиги эсингдан чиқмасин, Нурали! Отанга айтиб қўй, эртага Шаҳрисабзга жума намозига борамиз-ов!

Бошимни кўтарсам, чол аллақачон нарида кўк тойхарини жадаллатиб кетмоқда эди. Беихтиёр унинг ортидан югургим, ҳалиги гаплари чинми, ёлғонми — сўрагим келарди, чол мени жўрттага лақиллатиб кетганга ўхшар эди.

Сатил кўтарган бир тўда қиз гузар томонга ўтди. Баъзилари салом берди, бошқалари зимдан кулди. Уларнинг ичиде илгари мен назарга «илмаган»лари ҳам бор, энди гўё «ўч» олаётгандай бир-бирига имо қилар, «Нурали ака, тўйдан кеч қолибсиз, қайнонанингиз суймас экан», дея гап отар эди. Аламдан, уятнинг зўридан тилларим тарақлаб кетди, ўзимни қаёққа уришни билмай қолдим. Ҳатто гап отган ўша ориқ қизни сўкиб юбораёздим. Бироқ... тўсатдан атрофимни қоп-қора губор қоплади ва бу губордан ҳеч нарса кўринмай қолди...

— Бордим, ўшандан кейин раисниқига икки дафъа бордим. — Уйда мен ҳеч нимани сурштирмаган бўлсам ҳам, отам Гулсанамни олиб беролмаганига узр сўраётгандай палағда товушда воқеани сўзларди. — Раиснинг дарёдай тошиб юрган даврлари ўтиб кетган. У пайтлар гапи гап, сўзи сўз, қиличдай кесар эди. Мирзахон совчи бўлиб боргандан кейин нима қилсин? Мирзахон-катта одам, министрлардан ошналари бор...

— Ай, чол-а, минг қилса ҳам ўзбаклигингизга борасиз-да! Ота-бобонгиз кўчманчи ўтган, ҳамма гапга ишонаверасиз, — дерди урчуқ йигириб ўтирган энам. — Ойжон кампирнинг ўзи қизини Утаганинг қўйнига солибди. Кеча менга Менглихол айтди. Қилар ишни қилиб қўйиб, энди ўзлари андавалаб ўтиришибди.

— Менглихолинг бекорларни айтибди! Гийбатнинг уйини куйдиради у.

— Бўлмаса, сизнинг раисингиз оппоқ экан-да! Нега олдиндан орани узмади? Менинг боламга хотин топилмай қолибдими? Рози бўлганида ҳам келин қилмасдим ўша маккорнинг қизини!

Чол-кампир мени жуда хафа деб ўйлашар, сал-пал бўлса-да кўнглимни олиш мақсадида муғамбирлик билан гап талашшар эди. Бу тортишувнинг беҳуда эканини ўзлари ҳам яхши билишарди. Мен бу ҳийладан баттар ториқиб, меҳмонхонага чиқиб кетдим. Раҳима кириб ўрин солди. Лекин, кетишга шошилмай, ўзини эшикнинг пардасини тузатганга солиб, пича ҳаяллади.

— Ака, сизга бир гап айтсам майлими?— деди ниҳоят.

— Айтавер, нима гап экан?

— Гап эмас-у, шундай бир... Манави китобни сизга Гулсанам берди.

— Берган бўлса яхши. Кўй, тураверсин ўша ёқда.

— Қўлига берасиз, деб кўп сўради-да. Тўйдан олдинги куйи. Кейин йиғлади...

— Нега йиғлайди?— Томоғимга алланима тикилди, кўзларимга ёш қалқди, секин тескари ўгирилдим.

— Сизни яхши кўрармиш. Барибир эсидан чиқармасмиш. Шунга айтиб қўйишимни илтимос қилди.

— Балки, Утагандан чиқиб, менга тегмоқчидир, сўрамадингми?


— Сўрамабман,— деди Раҳима кинояни тушунмасдан.— Баримиз бир қишлоқнинг боласи, куёвим билан қасдлашиб юрмасин, дейди.

— Шундай де? Уни яна кўрсанг, айтгин: сен билан ҳам, куёвтуранг билан ҳам акамнинг бир чақалик иши йўқ, ҳатто дунёда шундай бандалар борлигини билмас экан, дегин, хўпми?

Лекин, ўзим ёлғиз қолгач, ўринга чўзилдим уқраб йиғлаб юбордим. Билмас эмишман, Гулсанамни билмас эмишман-а! Бундай шармандаларча чиранчоқликка асло тоқат қилиб бўлмасди. Лекин... нимаси шармандалик? Фақат мен шунақа — ориятли, чумчуққа ҳам озор бермайдиган одам бўлиб яралганман!

Кўксимни қасос олиш истаги ёндирди; деворда осиглик турган пичоқни олиб қиндан сугурдим. Унинг ялтираган тиғи қонга ботгандай алвон тусда товланарди. Шахт билан эшик томон юрдим ва беҳосдан гиламда ётган алланимага қоқилиб кетдим. Бу ўша китоб эди — Навоийнинг «Сабъан сайёр» достони. Тўзиган саҳифалар орасида ипак ҳошияли атлас рўмолча ётарди. Ундан атир иси келар, буржигга атиргул тасвири туширилган, ипак билан байт битилган эди. Кўз ўнгимда гўзал қизнинг сиймоси жонланди. Нозанин латиф бир тарзда рўмолчани узатиб турар, гулгун чехраси табассумдан лола янглиғ ёнар эди. Сал ўтиб эса, ҳадеб бўйинимдан қучиб ўпар, «Сизни севаман, севаман!» дея шивирлар, гўнча лаблари эҳтирос-ла титрар эди. Шу он гиламда ётган пичоқнинг дами совуқ ялтираб кетди. Мен уни олиб, қучоғимдаги қизнинг нақ юрагига санчдим. Қиз оҳиста гиламга йиқилди...

Тўра жунчиникига айна пайтида етиб келибман. Юк тушириб бўлинган, машина аллақачон йўлга шай бўлиб турар эди. Қанор қопдай барваста, майкачан Тўра жунчи капотга қўлини тираб Утаганга ниманидир сўзларди. Саломимга алик олиш ўрнига, афтимга шунчаки бир қараб қўйди, холос. Писанд қилмагани учун эмас, муҳимроқ гап билан банд бўлганидан шундай қилди, шекилли. У ҳар йили икки маҳал — қирқим пайти одамлардан жун йиғиб, давлатга топширади. Жун йиғишда у аввал рўйхат тузарди, кейин бригадир билан уйма-уй юрар, гоҳо саҳийлиги тутиб кетган бойваччадай уй эгасининг боласини чақириб, қўлига бир сўм-икки сўм тутқазар, каттақон оғзи ёйилиб, қулганча: «Дафтар оласан, биродар, қалам билан ўчиргич олсанг ҳам майли, фақат, йўқотма!» деб қўяр эди. Жун учун тўланадиган пулнинг катта қисми унинг чўнтагига тушишини одамлар биларди, албатта, бироқ Тўра жунчи одамларнинг салкам ярми билан қариндош, қуда-билиш ва тагин қанча балои баттар ошначиликлари бор эди. У ҳар ерда ҳозир нозир, қишлоқнинг уста кайвониларидан. Айниқса, совчилик билан от савдосида ундан ўтадигани йўқ бу атрофда...



— Шундай қилиб, бир пиёла чой ҳам ичмай кетасизми?— деди у Утаганга ёқимли илжайиб.— Ҳай, майли, нима ҳам деймиз. Насиб бўлса, ўғил тўйингизда бел боғлаб хизмат қиламиз. Матоси бизнинг бўйинга. Искаладда ошман бор, дангал йигитлардан, худди сизга ўхшайди. Ревизор-певизордан кўркмайди, ҳатто бултур биттасини урган ҳам. Тўғри-да, ошиқни таваккал ташламасанг иш битадим? Кейин, денг, ўша билан ошна бўлиб қолди, қизтаоли!

Кап-катта одамнинг илжайиши, яна бунақа чалакам-чатти гапларни гапириб ўтириши номатлуб туюлади. Лекин Тўра жунчига ҳаммаси кетаверади. Бичимсиз, ўркакчи бурни кулганда ҳатто чиройли кўринади.

Утаган унга қарамас, гўё гапини эшитгиси келмаётгандай қўлларини чўнтагига суқиб, кеккайиб турар эди. «Мана, кўрдингми, одамлар мени қанчалик ҳурмат қилади, сенинг бўлса саломингга ҳам алик олмади», дегандай менга бепасанд нигоҳ ташлади у.

— Ҳа, айтгандай,— деди Тўра жунчи ёрмага беланган шимининг киссасидан пул чиқариб.— Манглайингизга суртиб олинг, ахир буям чавандозниқандай бир гап-да. Мен отангиздан жун ҳам олиб ўтирмайман, олинг.

Утаган жавоб қилмади. Пулни бармоқлари орасига олиб, чўтлаб кўрмоқда эди. Лекин, улар ҳаммаси бир сўмлик бўлгани учун охиригача санашнинг иложини топмади шекилли, ҳеч нима демая, бўклаб-бўклаб чўнтагига тиккида савол назари билан менга қараб кўйди.

— Уқишга қайтман. Районгача олакетсанг,— дедим шоша-пиша.

— Бемаҳалда борамиз-да, қаерда тунайсан?

— У ёғи бир гап бўлар.

— Ҳм-м, йўлда ҳаяллаймиз, иш бор озроқ...— У қуюқ мўйловлари тағидан тилла тишларини ярақлатиб, паст овозда чертиб-чертиб сўзларди.— Ҳа, майли, ўтир, бари-бир районга борамиз-ку.

Машина қишлоқдан чиқди. Устига тикан босилган пахса деворлар ортда қолиб, шип-шийдам дала бошланди. Утаган соябони кенг шапкасини дўнг пешонасига кўндириб олган, қайроқдай юзи қилт эмас эди. Гўё шу кетишда районгача миқ этмай борадигандек. Бироқ, сал ўтмай ўртадаги адоватни ҳам унутиб, беҳткёр гапга тушиб кетди:

— Мана шунақа ишлар. Одамлар Утаган бундоқ, Утаган ундоқ, лева ишлайди, деб сўқади. Лекин, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди бу иш. Тўра жунчининг ёрмасини Бақирчининг доводидан олиб чиққунча эна сутим оғзимдан келди. Уч тонна юк билан ҳали бу довогча одам бөласи чиққан эмас! Тўра жунчига қолса, дунёни сел боссин. Нима эмиш, отамни жундан озод қилармиш! Закон бўйича жунингни олавермайсанми, баччагар! Ҳа, ишқилиб орқанг-да бир кимсанг бўлгани яхши. Қайсидир ўтиришда шундай десам, Абдугани муаллим: «Бўлмаган гап, ҳамма вақт шундай бўлавермайди, беш қўл баробар эмас», дейди. Қарасам, роса маҳмаданалик қилмоқчи! «Узингиз ким бўлибсиз, четдан келадиган даромадингиз йўқ, бировга фойдангиз тегмайди», дедим. «Нега тегмас экан? Мен, масалан, болаларни ўқитаман. Бундан ортик фойда борми? Одамлар ўқимишли бўлса, турмушимиз ҳам фаровонлашадим», дейди яна. Мен унга: «Бу сизнинг тенгламаларингиз эмас, яхшиси, бошни қотирмасдан битта бошпана қуриб олинг, муаллим ака! Кейин ҳар қанча қариласангиз ярашадим», дедим жаҳлим қизиқиб. Шунақа-да, ошна...

У гўё ҳамма нарса ни бир ўзи биладигандай, бу ишларнинг мағзини қақишга унинггина ақли етадигандай мақтаниб борарди. Ҳаёт тўғрисидаги фалсафаларини тинглайдиган одам топилганидан кайфи чоғ бўлиб кетган эди гўё. Барча ақли ноқис, майдагап одамларга ўхшаб Утаганга ҳам қилинган ишлар, эришилган муваффақиятларнинг ўзи озлик қилар, бу нарсаларни яна кимгадир айтиб мақтаниб керак эди. Мен унинг мақтанлишларини, дўриллаган овозини «мириқиб» эшитиб боряпман. Дилим ғаш, борлиқни қоплаб келаётган оқшом каби хира. Унинг «Йўлда ҳаяллаймиз», дегани менга оғир ботди; эманнинг ҳай-ҳайлаб қаршилиқ кўрсатишига қарамай бемаҳал йўлга чиққанимга пушаймон едим.

Утаган машинани Бақирчига бурди.

Чоққина қишлоқ. Даладан сурув қайтган. қиз-жувонлар қутиларни кўтариб қўтон олдидан туришар, ҳар ким ўзининг улоқ-қўзисини пойлар эди. Утаган уларни ва

қаршидан ҳуриб чиққан итларни четлаб ўтиб, пахса деворли ҳовлилардан бирининг ёнида тормоз берди. Бошига худди Утаганникидай соябони кенг шапка кийган бир ўспирин дарров шар қўзини шеригига қолдириб, ёнимизга келди. Эски беқасам тўнининг кўкрагига, афтидан, яқинда армиядан келган акасининг медалу нишонларини тақиб олган яна бир болача ҳам унга эргашиб келиб нарироқда тўхтади. У ўнг қанот теварагида ўралашиб турар, кир қўлларини машинанинг буферига авайлаб теккизиб кўраркан, орқасидан келган бошқа болага шивирлар эди: «Зўр машина экан-а! Яп-янги! Чўлдаги акамнинг ҳам худди шунақа машинаси бор...»

— Отанг уйдами?— деб сўради Утаган шапка кийган ўспириндан.— Бу ёққа қақириб қўй, ошна. Эй, сен, қизил аскар! Машинага айланишма, биродар!

Ўспирин бирпасда отасини бошлаб чиқди. Унинг эғнида ҳам худди кичик ўғлиникидай эски беқасам тўн ҳалпиллаб турарди. У узун, сирик соқолини силаб, аввал Утаган билан кўришди, кейин менга қўл узатди.

— Жунқайчи чархлаётган эдим, келганларингдан хабарим йўқ. Машина бир гуриллагандай бўлди-ёв, ҳаёлимда. Қани, Утаганбой, тушинлар.

— Тушмаймиз,— деди Утаган унинг елкаси оша қўтон тарафга қараркан,— вақт йўқ. Сизни қора қилиб келдим, Бойпўлат ака. Озгина хари бор, ўшани машинага олишиб юборинг. Районда катта бир одамга ваъда берганман, олакетаи.

— Мен... боролмайман, ука. Узинг биласан, хирмонда кечаси билан уруғ элаймиз. Наҳоргача тахт қилиш керак, бўлмаса тележклар тўхтаб қолади.

— Оббо, Бойпўлат ака-ей! Хўп... энди бир ишим тушган эди-да, минг қўйли бойнинг бир эшаклига иши тушгандай.

— Ҳа, ҳа, бу гапинг ҳалоли гап бўлди.— Бойпўлат ака носдан сарғайган, лекин терилган гуручдай бир текис тишларини кўрсатиб тиржайди.— Сенга ҳам арзимиз бор. Мана, яқинда нўхотни бозорга элтиб сотиш керак. Анави гирой укангизнинг қўлини ҳалоллаш зарур.

У шундай дея, тўнига медаль таққан болани кўрсатди. Утаган папирос олиб чекди.

— Ана, кўрдингизми! Нўхотни биз элтамиз-да бозорга. Қўй-пўй бўлса ҳам ортаверасиз. Сиздан йўлқира ҳам олмайман, дуо қилсангиз— бас. Оилангиз катта, кира ҳақи сўрасам сизга жавр бўлади.

— Ҳа, ҳа, яқинда еттинчи азамат дунёга келди, бари ерман-ичарман,— деди Бойпўлат ака ва боздан бери гурунгга диққат билан қулоқ солиб турган болаларига қараб кичқирди:— Ҳов, нега турибсанлар, энанг у ёқда шошиб ётибди, қани, марш!— Болалар қўтонга тирақайлаб югуришди.— Шундай қилиб, нўхотни ортишинг чинми? Янаги шанбага-я? Яхши. Хари қаерда ўзи?

— Гаваз¹ да. Чўпонларга ёзда кестирганман, нақ бўлмаса эсимдан ҳам чиқиб кетаёзибди.

Гавазда бўлса, йўл чап экан-да. Машина борадимми ўзи?— дея ташвишланиб сўради Бойпўлат ака.

— Боради. Уша чўпонларнинг кўч-кўронини ўзим ташиганман. Деҳқонободлик гирой чўпон бор-ку, Амирали Эшбоев, ўша одам қўйларига ҳар йили Гавазнинг йўнғичқасини едиртириб кетади. Биз у билан Тўрақага, ҳов Оқсувнинг бошига ҳам борганмиз. Эҳ-эй, бормаган ерим қолдими бу машина жонивор билан!

— Лекин, Гавазнинг Қизилқияси ёмон-да сабил, айниқса, кечаси,— деди Бойпўлат ака, ҳали ҳам эйтироз билдириб.

— Қизилқия? Емонлиги чин, фақат мишиқи шофёрлар кўрқади унақа ерлардан, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин!

Утаган қўтондаги қиз-жувонларни ўзига қаратиб, хо-холаб куларди. Унинг кулгиси Бойпўлат аканинг иккила-нишларига чек қўйди, шекилли:

— Мен қалинроқ кийиниб олай бўлмаса,— дея уйига шошиди.

Бирпасдан кейин у бошига жиякларининг қири кетган қулоқчин, эғнига пахталик кийиб чиқди. Кейин, зарур бир нарса эсига тушгандай тўхтаб, Утаганга қўл силтади:

¹ Ужар қўзи.

² Қишлоқнинг номи. (Аслида, зотли сигирнинг қадимги бир тури.)

— Шошма, Утаган! Биз ҳали ўғилчани ўпиб қўймабмиз-ку.

Кўган ёнида унинг хотини қўй соғиб ўтирар, шапка кийган бояғи ўспири совлиққа талпиниб ҳадеб типирчилаётган олабаш кўзичоқни оёғидан ушлаб турар эди. Нарироқда эса, сочлари майда қилиб ўрилган чиройли қизча чақалоқ кўтариб олган. Чақалоқ ҳам худди олабаш кўзичоққа ўхшаб энасига талпинар, унча қаттиқ бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ғайрат билан инга-ингалар эди. Қизча уни овутиш мақсадида, алла оҳангида қандайдир сўзларни хиргойи қиладди.

— Тезроқ бўлинг, эна. Кўнмайди бунингиз,— деди қизча сабри тугаб.

Бойпўлат ака бориб чақалоқни қўлига олди.

— Қани, бу ёққа кел-чи, полвонтой! Бизга келса, дарров юпанади-да, а, шоввоз?..

Бола эса юпанишни хаёлига ҳам келтирмас, отасининг соқолини тимдалаб тинмай биғиллар эди.

— Ма, бунингни эмиз! Жуда хумор бўлкетганга ўхшайди. Қорни тўймагунча ота-потани танимайди энағар!

Бола онасининг қўлига ўтган заҳоти тинчиди. Энди қўлчаларини силкиганча маза қилиб эмарди. Аёл унинг сийрак сочларини силар, бундан ўзи ҳам ором топаётгандек, ёқимли жилмаяр эди. Чақалоқ эмиб бўлгач, бошчасини чайқатиб атрофга аланглади ва тагин кўкракка интилди, лекин аёл боланинг бошидаги қалпоғини тўғрилаб, отасига қаратди. Бойпўлат ака ўғилчасини яна қўлга олиб ўпди.

Бу орада қўйлар соғиб бўлинди, чўпон уларни шомлатиш учун қир томонга ҳайдаб кетди. Утаган эса тоқати тоқ бўлиб папирос кетидан папирос тутатар эди.

— Оббо, роса соғинган экан-ку чақасини!— деди у хуноби тошиб. Кейин кетма-кет бобиллатиб сигнал берди.

— Ҳозир, ҳозир! Мана, бўлдик, тойчоқни бир ўйнатдик-да энди. Боряпман!— деб қичқирди Бойпўлат ака.

Чақалоқ энди унинг қўлидан кетишни истамас, қанот қоққан полапондай ҳадеб жажжи қўлчаларини силкитар эди. Бойпўлат ака уни хотинига тутқазиб, ўрнидан турди.

Машина бир-бирига мингашган тепаларни орта қолдириб, шитоб билан Гавазга қиқиб борарди. Бу пахмоқ чангалзорларни шом қоронғиси аллақачон забт этган, ҳавода чириган арчаларнинг намхуш ҳиди анқир эди. Бу ёввойи ҳидлар шу қадар тоза ва ўткир эдики... бунини шаҳардан келган кишигина тўлиқ ҳис эта олади.

— Хў-ўш, шуйтиб, сен нима қилиб юрибсан?— дея мендан сўради Бойпўлат ака. Азбаройи кайфи чоғлигидан қўлларини бир-бирига ишқалади.— Уқишга кетялсанми? Нималикка ўқияпсан? Муаллим? Яша! Ғайрат қилибсан, укам. Менинг ҳам катта ўғлим армиядан келди, ҳозир чўлда ишлаб юрибди. Пича пул топсин, кейин ўқишга бераман.

— Лекин асло ўқитувчиликка эмас!— дея Утаган унинг гапини бўлди.— Нега деганингизда, бу асли хотинларнинг иши. Йигит одам сал ориятли касбнинг бошини тутгани маъқул.

У гапининг нишонга қанчалик аниқ текканини билиш мақсадида мен томонга кўз қирини ташлади. Башараси негадир совуқ йилтирарди, бу башарага беҳос мушт туширишдан ўзимни зўрға тутиб турар эдим. Менга тош отишдан қачон тийилар экан? Қишлоқда мендан ўзга ҳамма билан, ҳатто дўстларим билан ҳам апоқ-чапоқ. Бу туганмас ғаразнинг сирини нимада экан?

— Янги иморат соляпман,— деди у Бойпўлат акага, кейин ўзича ўнғайсизлангандек бўлиб, сўради:— Тომини шифер қилсамми ё тунука? Сиз нима дейсиз?

— Билмадим, ука, умримда шифер билан тунукага ишим тушмаган. Лекин, бу зормондани топиш қийин дейишадди, чинми?

— Қийин ҳам гапми! Ҳозир ҳам шунинг дардида чопиб юрибман. Районда бир одам билан гаплашдим. Анави харилар ўшанга. Ўғлига саккиз хонали уй қурапти, тўсинига арча ёғочидан қўймоқчи. Ҳиди яхши эмиш, уйнинг ҳавосини хушбўй қилиб турармиш.

— Эҳ-а, одамлар арчанинг ҳидига ҳам ошиқ, денг. Бизга соя бўлса бўлди, ҳид-пиди билан ишимиз йўқ.

— Шунақа, Бойпўлат ака. Одамлар илгарилаб кетяпти. Насиб бўлса, ёғочларни омон-эсон етказиб борсам, эртага шифер юклаб қайтаман.

— Қўлга тушиб қолма-да, ишқилиб. Ҳозир назорат қаттиқ, нега деганингизда, тоғларда арча камайиб кетяпти.

— Урмончилардан кўркмайман. Ҳатто Дилмуроднинг отасидан ҳам! Ушласа, киссасига беш-ўн сўм солиб қўяман. Қайтанга раҳмат айтади.

Кейин Утаган хўштак чалиб, ашула айтиб юборди:

О-ой, шофёр бўлодурман:

Тормозини тўғрилаб,
Бензиндан ўғирлаб,
Ер, сани боқодурман!

О-ой, ферма мудир бўлодурман:

Қоғозини тўғрилаб,
Қўйларидан ўғирлаб,
Ер, сани боқодурман!

— Қўй, дўриллама! Ундан кўра «Келиной»дан айт, биров баракалла десин!— дея уни тўхтатди Бойпўлат ака.

— Билмайман-да, билсам ялантириб ўтирмасдим. Узингиз айтинг, ака. Бир эшитайлик, сиз кўхнанинг одами. Хирмонда айтгансиз, эшитанман. Ҳа, бошланг.

Бойпўлат ака уни яхшигина ялантириб олгач, ниҳоят томоқ қириб, ҳазин овозда «Келиной»ни бошлади:

Келиной келар кийиниб,
Кийинганига суюниб.
Индамасангам қўймайди-я
Қошларини қоқиб, тийиниб.

— Аҳ-ай! Кам бўлманг, ака!— Утаган қўлини рулдан узиб, чапак чалиб қийқирди.— Жуфт бўлсин, жон ака! Емон юракдан олдингиз-да!

Чиққан товнинг-а сўринди,
Жамолнинг ойдаи кўринди.
Ойлар ботиб борарман-а,
Каттароқ солинг ўринди.

Олмалар отдим ортингдан,
Ошиқлар бўлдим сиртингдан.
Кўриблар-кўриб-а қувондим
Кўчиблар кетган юртингдан.

Бойпўлат ака энди жўшиб айтарди. Товуши борган сари очилар, қўшиқнинг авжини қайтарганда юраклар зириллаб кетар эди. У қўшиқнинг ҳар бандини айтиб менга бир қараб кўяр, гўё бу кўхна қўшиқ худди менга аталгандай, барча сирларим, азиз туйғуларим, унга маълумдай бошини оҳиста тебратиб қуйлар эди.

Машина инграна-инграна баланд қирга чиқиб борди. Қаршида кенг дара, даранинг тўрида арчазор қуршаган очик майдон кўзга ташланади. Гаваз дегани мана шу жой. Бир пайтлар бу ерларда ҳақиқатан ҳам гавазлар маскан қургандир; дикир-дикир қилиб юрган бўлса ажаб эмас. Лекин ҳозир Гаваз кимсасиз, чўпонларнинг гулханлари ёнмас, итлари ҳурмас эди. Ҳамма аллақачон киш кўтонига қайтиб кетган. Энди Гаваз муаззам тоғлар оғушида тунги кўл сингари қорайиб ётар, гўё сулув қизнинг соч ўримларидай қоп-қора ўрмон унинг елкаларини кучган эди. Машина ақл бовар қилмас тик йўлдан аста-секин зулмат қаърига шўнғиб борарди. Ўнг тарафда қат-қат қоялар тизилган, сўлда эса — Қизилқия! У шу қадар тик ва тубсиз эдики, пастда қоп-қора бўшлиқдан ўзга ҳеч вақо кўринмасди. Даранинг аллақадаридан, жуда йироқдан сойнинг шовиллаган овози келарди, холос.

— Бу йўллардан кўп юрганман. Бундан баттарроқлари ҳам учраган,— деди Утаган парвойи фалак.

— Қайтишда ҳам шу йўлдан келасанми?— деб сўради Бойпўлат ака.

— Бўлмасам-чи! Гавазда бошқа йўл йўқ. Қўрқяспизми? Қўрқманг, ака, мен сиз ўйлаган мишиқи шофёрлардан эмасман. Мана сойликка ҳам тушдик... Аҳ-ай! «Кели-

¹ Мол-қол боғланадиган жой.

¹ Сўлим эди.

ной»дан айтинг, «Келиной»дан! Э-ҳов, қоч, шайтон!— У чакалакзор орасидан отилиб чиққан сап-сарик тулки устига машинани бўкиртириб ҳайдади.

Аммо тулки лип этиб, йўлнинг нариги тарафига ўтди ва масхара қилгандай тишларини иржайтириб, арчазорга кириб кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳах, падарлаънати!— дея афсус билан бош чайқади Утаган.— Қутулиб кетди-я!

— Бошқа нима ҳам қилардинг жониворни? Сенга огири тушаётгани йўқ-ку,— дея пунғиллади Бойпўлат ака.

— Оғирлиги тушаётгани йўқ, лекин йўлнинг тулки кесиб ўтди — тамом, ишинг бароридан келмайди. Бўри кўрсанг, бошқа гап. Милтиқ бўлганида, шартта отардим лаънатини!

Машина энди Гавазнинг чим йўлидан равон елар, чироқ нурлари қадимий арча ва зарангларнинг қув шохларини ёритиб, водий бағрини тилганча қир тубига югурар эди.

Утаган машинани зич ўсган арчазор ёнида тўхтатди.

— Келдик, қани, тушинглар, биродарлар.

Машинанинг мотори, чироғи ўчган, ўрмон зулмат кўйида ваҳимали гувлар эди. Аҳён-аҳёнда шохларни потирлатиб қандайдир қушлар учади, пастда эса сой шовиллайди.

— Чирогингни ёқиб қўй, Утаган. Егочлар қаерда ўзи?— деди Бойпўлат ака телпагининг қулогини тушираркан.

— Шу ерда. Фақат, ҳаммаси бир жойда эмас.

— Қани, бошла бўлмаса. Тўплаймиз, ортамиз, бошқа нима ҳам қилардик. Сен ҳам қарашасанми, Нурали? Ё кабинада ўтираверасанми?— деди Бойпўлат ака менга ўгирилиб.

— Қарашади, нега қарашмайди? Кабинада бало борми бунга? Уни сайрга олиб келганим йўқ!— деди Утаган ва чирт этказиб туфлади. Тупуги юзимга сачраб кетди.

Агар Утаган ҳазилми, чинми — ишқилиб шу гапларни айтмаганида, тупуги юзимга сачрамаганида, мен яна бир марта одоб сақлаб, индамай кўя қолганимда ҳеч нима бўлмас, ҳатто унга бемалол ёғоч ташишаверар ҳам эдим. Лекин Утаганнинг гапи суяк-суягимдан ўтиб кетди. Қалт-қалт титраганча, унга еб юборгудек тикилдим.

— Ташишмасам, хўш, мабодо ташишмасам, кўлингдан нима келади?!

Утаган бир зум каловланди, кейин бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Кулгиси кимсасиз ўрмонда жуда хунук янгради.

— Ха-ха, ҳали шундайми? Кекирдагингни узиб ташламасимдан, қани, марш!..

У қаршимда кўлларини чўнтагидан чиқармай, худди ғажиб ташламоқчидек қаҳр билан тикилиб турар, ғиринг демай олдига тушишимни кутар эди. Мен эса унинг қайроқдек йилтираб турган башарасига қулочкашлаб мушт туширдим. У гандираклар кетди, ҳамон кўлини чўнтагидан олмай менга ҳайрат билан ўқрайди.

— Нурали! Пушаймон қиласан, бола! Гаваздан ўлигинг чиқади, худо урсин, агар!

— Майли Утаган. Иккимиздан биримиз яшашимиз керак ўзи!

Мен унинг йўғон бўйинини кўзлаб яна уришга чоғланган эдим, Бойпўлат ака ҳай-ҳайлаб орага кўндаланг бўлди. У бизнинг жанжалимиз ҳазил эмаслигини энди пайқаган эди.

— Ия, икки ошна шўхлик қияпти десам, сизлар чинакамига оляпсизлар-ку! Уят бўлади, ҳов, Нурали!

— Менга нима! Нега фақат мен уялишим керак?! Сизлар шундай: номусли одамдан уят талаб қиласизлар. Уялмаса, устига мағзава тўкиб юрасизлар!

Шундай дея Бойпўлат акани орадан итариб ташладим, лекин шу он чаккамга тарсиллаб мушт тушди, кўзларимдан ярқ этиб олов чиқиб кетди. Чалқанча ағдарилишимга сал қолди. Мени оёқда тутиб турган сеҳрли куч шу эдики, ҳозир йиқилсам, яна бир марта, эҳтимол охириги мартадир, шармандаларча энгилиб, хароб бўлишим аниқ эди. Узимни ўнглаб, Утаганга тикка ташландим. Расмона муштлашув энди бошланди. Бойпўлат ака энди бизни айиролмай, чапак чалиб атрофимизда гир-гир айланарди. Утаганнинг кўллари тошдай қаттиқ, лекин қамрови калта эди. Бунни сезиб у ўзини олиб қочди, пайт пойлаб туриб, қутирган йўлбарсдай яна



отилди. Мен чаққонлик билан чап бериб, энсасига туширдим. У ерга думалаб кетди, сўнг яшин тезлигида ўрнидан туриб бўйинга ёпишди, омбирдай қўллари билан гиппа бўғиб, ерга ағанатди.

— Ҳа, итваччал! Менга қўл кўтардингми ҳали сен?! Менга-я! Итдай бўғиб ўлдираман, қизалоқ!— деб ўдағайларди у.— Гулсанамга ошиқ бўлгансан-а, ҳароми! Менинг қонуний хотинимга-я? Уни ўзингга дуо қилдиргансан, ҳе, ўша жодугар онангни... Бизга тенг бўлишни ким қўйибди сенларга?!

Мен бу маҳал оёғимни бир амаллаб йиғиб олдим-да, унинг нақ қорнига тирадим ва бор кучимни тўплаб тепиб юбордим. Утаган чалпақдай отилиб кетди. Ўрнидан тураётганида кўкрагига тепдим, яна ағдарилиб тушди, яна тепдим.— тагин йиқилди. Ниҳоят... ўрнидан турмади. У аянчли бир алфозда — яраланган йиртқичдек тўлғаниб ётарди.

Қоқ ярим кеча. Тарози юлдузи Темирқозиқ устига келган. Ўрмон тошқин дарё мисоли гувлар, атрофга қоп-қора тўлқинлар отиб мавжланар эди. Қув арчаларнинг ялангоч таналарини изғирин ялар, у ер-бу ерда тубидан қирқилган навиҳол арчаларнинг шох-шаббалари сочилиб ётар эди. Мен тўнқалардан бирида мажолсиз ўтирибман. Елкаларим шол бўлиб қолгандай қақшайди, мушт зарбидан ёрилган чаккаларим лўқиллайди, гўё хунук ва уят иш қилиб қўйгандек юрагим увишади. Уйларим ҳардамхаёл, турли кўланкаларга ўхшаш учи-қўйруғи йўқ нарсалардан иборат эди.

Утаган ҳеч нарса бўлмагандек, Бойпўлат ака билан бирга ғайрат қилиб машинага ёғоч юкляпти. Утаганнинг бунчалик жон кўйдиришининг бориш нимада экан? Нега муштлашдим? Еки, файласуфларнинг тили билан айтганда, яшаш учун курашмикан бу? Лекин, у мендан итдай калтак еган бўлса ҳам, шунча ёғочни йиғиштириб келган, энди пишиллаб, ўлиб-тирилиб машинага ортяпти. У бундан кейин ҳам тўплайверади, болалик-чақалик бўлиб, давру даврон сургандан кейин, қариб-чириб ўлиб кетади. Унинг ўрнига яна ҳам ғаддорроғи чиқади. Шундай қилиб, уларга Алломининг ўзи бас келмаса...

«Дунё худди майдонга ташлаб қўйилган улоққа ўхшайди. Бу қаттол кўпқарида кимнинг оти зўру ким олғир, чапдаст бўлса, улоқ шуники. Олғирнинг тўдада кучли ҳамдами, ҳайбаракалланичи бўлса, у билан улоқ талашиш қийин. Дармонсиз отинг билан ур-сурнинг остида қолиб абгор бўласан!»

Мен бир маҳаллар саҳройи «Файласуф»дан эшитганим бу гапларни, шакл-шамойилсиз ўйларни дилимдан қувишни, улардан тезроқ халос бўлишни истардим, бироқ улар ўргимчак тўридай атрофимни ўраб келаверарди. Мен бундан баттар бўғилар ва «Дод, қўтқаринглар!», дея ҳайқирар эдим. Бироқ, ҳайқирғимни ҳеч ким эшитмасди. Кейин билсам, овозим чиқмаётган экан. Шунда мен чираниб, тўрни узиб ташламоқчи бўлдим, чунки уни узиб ташласамгина овозим чиқишини билардим. Аммо тўр чаккамни икки ёқдан шундай сиқдики, агар яна озгина чирансам ёрилиб кетадигандек...

Шу он зулмат сукунати ичра, олисда — тоғнинг энг баланд чўққисида нолон бир овоз янгради, қоп-қора ўрмон узра таралиб сингиб кетди. Бир оздан кейин мунгли овоз яна қайтарилди. Тоғда ҳилол сайрарди! Сайраши қиз боланинг овозидек тиниқ ва мусиқий. Йироқ-йироқлардан кимнидир ёнига қорлар, ушалмаган асрий орзуларидан ҳали ҳам умидвордек, ноласи юракларни сим-сим эзар эди. Чаккамни сиқиб ётган ўргимчак тўри аста бўшашиб, қайгадир чекилди — қушдай энгил сездим ўзимни. Бир оздан кейин ўрмон узра суза бошладим, кўксимни нурафшон ҳислар тўлдириб, қайгадир ошиқар, талпинар эдим. Ниҳоят, баланд чўққига етдим. Гўзал, париваш бир қиз менга пешвоз чиқди ва рўмолчасини силкитди...

Енимда кимдир оҳлаб юборди. Чўчиб бошимни кўтардим. Кўрганларимнинг ҳаммаси туш экан, ўнгимда эса... Бойпўлат ака белини ушлаганча, ингранарди. Ёнига югуриб бордим.

— Нима қилди, Бойпўлат ака?

— Ҳеч. Белим сал оғригандай бўлди. Хирмонда мертилган.

У ёғочнинг йўғон томонини қўлидан қўймай нафрат билан тикилиб турган Утаганга гуноҳқорона кўз ташлаб, яна энгашди. Бироқ, ёғочни ердан узишга кўзи етмасди.

— Сиз пича дамингизни олинг,— дедим ёғочнинг иккинчи учидан олиб.

Машина бортига чиқариб жойлаганимиздагина унинг зилзамбил эканини сездим. Пайларим зўриқиб, увишиб кетди. Утаган эса хирсдай эди, унга бу оғирлик сира қор қилмасди.

— Нечта бўлди, Утаган?— дея сўради Бойпўлат ака навабтағи ёғочни олиб ўтаётганимизда.

— Уттизта. Нима эди?— деб тўнғиллади Утаган.

— Етар энди. Машина тортолмай юрмасин тагин.— Кейин у ялинишга тушди:— Хўп де, ука, кўплик қилади-да, мана мени айтди дерсан...

Лекин Утаган бирдан сенсираб, уни жеркиб ташлади:

— Ақл ўргатма менга! Ҳе, яримжон! Сени олиб келган мен аҳмоқ. Уша ёқда чақанг билан ўпишиб ётганинг яхши эди қайтага!

— Бас! Етади шуниси, кетдик,— дедим мен секин, аммо қатъий.

Бу сафар Утаган бўйсунди. Бойпўлат ака билан бирга ёғочларни уч жойидан тортиб бортга боғлади. Ручка айлантириб, моторни ўт олдириди.

Йўлга тушдик. Орқада ҳувиллаб қолаётган Гаваз билан ҳаёлан хайрлашдим. Бойпўлат ака телпагининг қулоғини қайтариб қўйди. Ишнинг битганидан кўнгли тинчиб, ўрта-мизда илжайиб борарди.

— Сен хафа бўлма, Утаган,— деди у ёнидан носкадисини олиб, бафуржа нос чекаркан.— Боя ёғочни ташлаб юбордим. Белим зирқираб кетди-да. Хирмонда мертилган. Бўлим бошлиғи Холбўтаев билан сўкишиб қолганимиз ўшанда. Холбўтаев бўлса — ўзига, жонинг оғригандан кейин худо бўлса ҳам сўкасан-да, тўғрими? Мен хирмонда ўлиб ишлаб юрибман, у кишим райондан келган вакиллар билан ароқ ичиб юрибди. Келиб бизга яна дағдаға қилгани ортиқча, денг. Нима эмиш — беда уруғ плани бажарилгани тўғрисида эртага рапорт бериш керак, белингнинг мертилган-пертилгани билан ишим йўқ, нима бўлса, ўзинг қилгансан, жавобини ҳам ўзинг берасан, эмиш! Вакиллар хоҳлаб кулишади, денг. Ҳар қайсисининг қўлтиғида биттадан семиз папка!

Утаган унга қайрилиб қарамас, хумдай бошини орқага ташлаб, бир оғиз ҳам гапирмай тумтайиб борар эди. Йўлнинг тик жойига етганда зўриқиб, юриши секинлаган машинани абжирлик билан қуйи тезликка олди. Ниҳоят, ҳеч тугамайдигандек туюлган ваҳимали ўрдан чиқиб олдик. Буни мен машинанинг тумшуги секин паслаганию моторнинг энгилгина гуриллаб кетганидан пайқадим. Бу ерда йўл ҳатто бир оз нишаблаган, бироқ кичкина сойчадан ўтган, тубсиз жар ёқалаб тагин тик кўтарилиб кетар эди. Утаган машинани тўхтатди. Кабинадан тушиб, баллонларни кўздан кечирди. Кейин бир тормозни, бир газни босиб, моторнинг овозига қулоқ тутганча ишлашини текшириб кўрди.

— Бир марта гапимга кир, жон ука...— Орага чўккан совуқ сукунати бузиб Бойпўлат ака яна ялина бошлади.— Ёғочдан ўнтасини туширайлик. Бошқа пайт келиб олиб кетарсан, ахир...

— Сиз менга яна ақл ўргатяпсизми? Ингирмата ёғочни филдиратиб бориб бошимга ураманми? Шиферни сиз катта холангизнинг уйдан олиб берасизми, а?!

Утаганнинг ранги бўздай оқариб кетган, боя мен билан муштлашганида ёрилган лаблари титрар эди. У нималаргадир сифинди, пахталигининг энгини шимарди. Моторнинг бор қувватини ишга солиб, машинани сойчадан ўқдай учириб олиб ўтди.

Машина шиддат билан пишқириб, олға интиларди. Лекин тобора сўниб, ҳадемай буткул ҳолдан тоядиган ўткинчи шиддат экани кўриниб турарди. Биз таҳминан Қизилқорнинг ярмига чиқиб бордик. Пастдан сойнинг баралла шарқираши, машина тумшугининг нақ юлдузларга рўбарў бўлиб бораётгани шундан дарак берарди. Мотор азбаройи зўриқиб кетганидан ҳансирар, аянчли ингранар эди. Утаганнинг юзидан дувиллаб тер қуйилади. Шизир-шизир

қилиб тинмай сифнади. Бир пайт... машина навбатдаги бурилишдан ўтгач, мотор бирдан гиппа ўчди.

— Тормозни бос, тормозни!— дея қичқириб юборди Бойпўлат ака.

Утаган ричагни куч билан силтаб тортди, аммо бу сафар ричаг унинг бакуват қўлларига итоат этмади. У жон талвасада тормозни босиб, бақирди:

— Туш, Нурали! Тош қўй ғилдиракка! Туш... тезроқ!!!

Кабинадан отилиб тушганимда, уни ўчган машина орқага — тик нишабга тисарилиб борарди. Ендаги ғадир-будир қояга юзимни уриб олаёздим ва ғичирлаб, тобора тезлашиб бораётган машина тагида қолмаслик учун қояга қапишиб, ўзимни ўнгладим. Оёғим остида ётган тошлардан бирини олиб ғилдирак орқасига ташладим. Ғилдирак тошга сал илингандек бўлди-ю, бироқ мен иккинчисига энгашганимда машина тошни бир четга суриб ташлаб, ғизиллаб пастга кетди. Мен фақат кабина эшигининг қарсиллаб ёпилганини Утаганинг: «Қоч, Бойпўлат! От ўзингни кабинадан! От!», деган телбаларча ҳайқиригини эшитдим, холос. Бирпасдан кейин бошқа бир қасирлаган даҳшатли шовқин бу ҳайқириқни босиб кетди. Тоғлар гўё қиёмат кўпгандай ўкирар, гумбуллаб акс-садо қайтарар эди.

Ниҳоят, еру кўкни ларзага келтирган қасир-қусур тинди, шовқин сой тубига сингиб, йўқ бўлиб кетди. Фақат тоғлар ҳамон бир-бирига садо бериб, заифгина фарёд урарди. Яна бир неча лаҳзадан кейин бу фарёд ҳам ўчди.

Мен йўл устида танҳо қаққайиб турардим. Энди бу машъум йўл бўм-бўш эди. Унда энди ёғоч ортилган машинадан ном-нишон йўқ. Энди Бойпўлат ака ҳам унга сўнги бор «Қоч!» дея телбаларча ҳайқирган Утаган ҳам йўқ. Гаваз, ўлжасини ютиб кўнгли ором толгандек, дами ичида, қора кийган борлиқ сас бермайди; тепада фақат юлдузларгина живир-живир чақнар, гўё ерда содир бўлган фожиадан ҳаяжонга тушгандек бетиним пирпирар эди. Даҳшатдан қалтироқ турди. Кимсасиз, зим зиё сукунат мана-ҳозир ютиб юборадигандек тезроқ бу ерлардан қочгим, одамлар орасига отилгим келарди.

Ногаҳон жар тарафдан ҳирқираган бўғиқ овоз эшитилди. Беихтиёр қичқириб юбораёздим. Инграётган ахир одам эди, Одам! Ҳозир у менга дунёдаги жамики нарсалардан азизроқ эди.

Мен пастлаб, овоз эгасини ахтариб кетдим. Овоз жуда яқиндан эшитиларди, бироқ ҳеч қаерда қораси йўқ. Шунда мен юрак ютиб жар лабига энгашдим ва қоя бағрини ёриб чиққан заранг шохига осилиб қолган гавдани кўрдим. Гавда заранг шохини жон-жаҳд билан чангаллаб олган, бир оёқлаб бошқасига таянганча, нақ жаҳаннам узра зўрға илиниб турар эди. Энди уни бу жаҳаннамдан тортиб олиш керак, лекин бунинг сира иложи йўқ эди. Салгина қалтис ҳаракат уни ҳам, мени ҳам жаҳаннам қаърига тортиб кетиши мумкин. Барибир нимадир қилиш, ҳеч бўлмаса уриниб кўриш керак. Уни бу аҳволда ташлаб кетолмайман-ку, ахир. Пастга, унинг ёнига эниш, заранг тубига оёқ қўйиб гавдани тепага тортиш... йўқ, бу хавфли; гавдани кўтариб яна жар устига қайтиб чиқишга эса кўзим етмасди.

Ниҳоят, таваккалига камар-қоянинг лабига тиззаладим ва бир қўлим билан зарангга таянганча юзтубан энгашиб, иккинчиси билан гавданинг қўлтиғидан кўтардим. Бироқ у ниҳоятда оғир эди. Тошга янада маҳкамроқ таяниб, бор кучим билан чираниб тортдим. Гавда юқорига бир газча кўтарилди, лекин худди шу пайт тиззаларим бўшашиб, ўзимнинг жар томон сурилиб бораётганимни сезиб қолдим.

Гавда заранг шохларини чангаллаб тинмай типирчилар ва шу билан мени ҳам тобора жарга тортқилар эди. Иккимиз жаҳаннам узра тебраниб, муаллақ осилиб турардик. Роса терладим, дармоним қуриб, чанг ёпишган танглайим қақраб кетди. Қўлларим эса бўшашгандан бўшашиб борарди. Агар яна озгина ҳаялласам, машъум Қизилқия бизни ўз қомига тортиб кетиши муқаррар эди.

Оғирлигимни орқага ташлаб, иккинчи қўлимни ҳам қоядан уздим ва қўшқўллаб, ғайритабiiий куч билан силтаб тортдим. Гавда худди пастдан улоқтириб юборилгандай отилиб чиқди ва иккимиз бир-биримизга чирмашганча шағал аралаш тупроқ йўлга қуладик...

— Вой, оёғим! Ох, Нурали! Оёғимни кўр, синиб кетди! Мен шундагина унинг Утаган эканини пайқадим... Оёғини пайпасладим — болдирдан пастроғи синган эди. Жароҳат атрофида қон қотиб қолган, бир чеккасидан ҳамон сизиб турар эди. Бўйнимдаги юпка шарфни ечиб, маҳкам тангиб боғладим.

Утаган хийла ўзига келиб, қўлларига таяниб қаддини ростлади. Унинг пахталигини, юзи ва қўлларини заранг шохлари аёвсиз тилиб ташлаган эди. У ён-верига алангларкан, бирдан инграшдан тўхтаб, менга ўғирилди:

— Машина... Бойпўлат ака қани?!

— У ҳам сакраганимди?

Утаган жавоб қилмади, пастга — қоп-қора бўшлиққа тикилиб, қотиб қолди.

— Ўзинг қай маҳал тушиб қолдинг?

— Билмайман нима бўлганини, худо урсин, билмайман! Хаёлимда, у мenden олдин тушиб қолгандай, йўқ, эшикни очолмади, чоғи. Эҳ, пешонам шўр экан, унинг қонига замин бўлдим. Лаънати заранг!.. Нимага кутқардинг мени, Нурали?! Нимага? Менга душмансан-ку, ахир! Лекин абгор бўлдим, абгор...

У ўзини тупроққа отиб, олдинга чўзилган қўллари билан шағал тошчаларни ғижимлар, бешини тўлғаб, ўкраб-ўкраб йиғлар эди.

— Алжирама!— дедим.— Балки у тирикдир... Мен қараб келай-чи. Урнингдан қимирлама!

Мен яна пастладим. Ун қадамча юриб, йўл устида ниманингдир тўппайган қорасини кўрдим. «Топдим!» деган қувончли ўй кечди хаёлимдан. Мен ҳатто Утаганга қичқириш ҳам бўлдим. Лекин, сабрим чидамай қора ёнига югурдим ва унинг кичик, ҳатто жуда ҳам кичик нарса эканини пайпаслаб кўрганимдагина пайқаб, юрагим орқага тортиб кетди. Қўлимга илинган нарса ҳаддан ташқари енгил! У Бойпўлат аканинг телпаги эди! Бурилишда эса, йўлнинг жар томони ўпирилиб кетган, афтидан, машина худди шу ердан Қизилқияга ўқдай ўчган эди.

Мен ҳамон Бойпўлат акани ахтариб, атрофга беҳуда зир чопардим. Номини айтиб қайта-қайта чақирардим — овозим тоғларга бориб урилар, у ёқдан гумбирлаган акс-садо қайтар эди...

Буткул ҳолдан тойиб Утаган билан қир устига чиққанимизда тонг ёришиб қолган эди. Қуйида аввал Бақирчи бир ҳовучгина бўлиб кўринди. Кейин катталашди. Узоқда бизнинг қишлоқ. Милтилаган яккам-дуккам чироқлар, итларнинг ҳурган овозлари кишини оҳанрабодай ўзига чорлайди. Орқада эса бургутлар кўналғаси — муаззам чўққилар этагида гўзал Галаз ястаниб ётибди. Сулув водий ҳеч нимадан беҳабар, тонгнинг оплоқ, совуқ ёғдусига чўмилиб, аста уйқудан бош кўтармоқда эди.



Назар
Шукуров



Сиеҳдонинг аро қотибди, мана,
Дийдорга айланмай қолган бўёқлар.
Чиз, чиқиб келганда Ватан сурати
Тарих, жўрофия хоналаридан.
Бўёқлар юрт бўлган шаклин кўради
Қутулиб ўйларим тағналаридан
...Яшиллик чайқалар,
Чайқалар ранглар,
Шўх еллар — кундузги бўёқсиз тағбир.
Дарахтлар сочидан ювилган чанглар...
Еллардан қизғониб чизгин, мусаввир!

Кеч кузда...

Қишсиз диёр, олис баҳорлар
Турналарни териб кетади.
Чўққилардан мўралар қорлар,
Совқотади тоғлар этаги.
Йигиб кетган ёз аллақачон
Ҳароратли нурлар гарамин.
Ажинсифат булутлар ҳамон
Ҳаммасини кузатар гамгин.
Қолмасин деб қорлар остида
Қуёш кетган кўкликни териб.
Муздай еллар — қишнинг шарпаси
Кетар бунда ҳозирча эриб.
Булбуллар ҳам жўнаб қолар тез
Бўлолмасдан боғларга безак.
Меваларни териб олгач биз,
Териб кетар баргларни кузак.

Мусаввирга

Емғирдан ювишиб чиққан рангларнинг
Топ-тоза баданин ўлмақда қуёш.
Чўққилар кафтида тугтай тонгларни...
Мусаввир, рашкнингдан тўксанг-чи кўз ёш!
Ван Гогнинг қулоғи кесилган, қара,
Қип-қизил рангларга анордай тўлиб.
Юрибди қулоғин арвоҳи — яра
Хонангда суратин кўрмоқчи бўлиб.
Кўрсатгин Кумушнинг чин суратини,
Қодирий орзусин рўёб этгин тез.
Ошиқлар унутсин ўз журғатини
«Йўқ, армон эмасман!» деганда у қиз!
Урушга ўғлини жўнатган она
Қирқ йиллик умидин йўқотмай сақлар.

Момоҳол
Элмуродова



Йигитлар, бўлсин-да омон бошингиз

Сиз она Ватаннинг кучи, қудрати,
Оналар кўз нури, ога қуввати,
Расида қизларнинг пок муҳаббати,
Йигитлар, бўлсин-да омон бошингиз.
Меҳрибон отасиз, суюкли ога,
Шўх ини, жиянсиз ва азиз тоға,
Умрлик йўлдошсиз-суянч, ҳимоя,
Йигитлар, бўлсин-да омон бошингиз.
Оналар гурури-давлати сизсиз.
Оталар шуҳрати, савлати сизсиз.
Гўдаклар ишончи, нажоги сизсиз.
Йигитлар, бўлсин-да омон бошингиз.
Сиз билан хонамиз равшан, билсангиз,
Ҳаёт завқли яшаш осон, билсангиз,
Сизларсиз бу ҳаёт зиндон, билсангиз,
Йигитлар, бўлсин-да омон бошингиз.
Рўзгорда кам бўлса, сизга қараймиз,
Булбулигўёдек гоҳи сайраймиз,
Сизларга сайрашдан бизлар яйраймиз,
Йигитлар, бўлсин-да омон бошингиз.
Сиз борсиз, тўжин бу дастурхонимиз,
Ноз-неъмат муҳайё, бутун нонимиз,
Аслида фидодир сизга жонимиз,
Йигитлар, бўлсин-да омон бошингиз.

* * *

Мен аёлман, ҳар эрталаб сизни ишга кузатиб
 Оргингиздан фахр билан, ғурур билан тикилган.
 Йироқларга отлансангиз, оқ йўл тилаб, узатиб,
 То саломат кўргунича юраклари тўкилган.
 Мен — фарзандман, гоҳ ўксиниб, толиққанам
 дамларда

Бир меҳрибон ўтбағирдан меҳр истаб қоламан.
 Гарчи бўйим билан бўйдош фарзандим бор ёнимда,
 Бир жуфтгина илиқ сўздан гўдак бўлиб қоламан.
 Мен — онаман, чақалоқнинг хушбўйидан маст бўлиб,
 Кипригига уйқу инмай тунни тонгга улаган.
 Саодати бекам бўлсин, умри узун бўлсин деб,
 Тонгга қадар боши узра соғдиғини тилаган.
 Мен инсонман, юзларимда қуёш акси, олу ранг
 Замин билан нафас олиб, замон билан яшайман.
 Кўҳна олам бу кун менинг қўлларимдан олу ранг,
 Давр билан баб-баробар қадамимни ташлайман.



**Урозбой
 Ҳайдаров**

Исаак Левитан

Европанинг яшил кенглиги
 Термулади қоғоздан ғамгин.
 Тўрғайларнинг бешакл куйи
 Россияни мадҳ этар тагин...
 Мусаввирнинг юпун ўйлари
 Алланечук зерикарли, жим.
 Оч ўтмишнинг дардли куйлари
 Бўёқларда қораяди жим.
 Сузаётур қишки қайинлар,
 Танасида оппоқ ҳасрати.
 Волга узра қотган қайиқлар
 Тўлқинлардан умрин асради.
 Полотнода кумуш қиш ҳиди,
 Қор тагида чинқирар бўйлар.
 Уфуради тўлин ой энди
 Ўрмон узра заъфарон ўйлар.
 У тинглади Россия кўксин,
 Тингламади Россия бироқ.

Ҷиза олди Ватанин рангин...
 Кўз ёшига қоришган фироқ.
 Усиз жимдир Россия сози,
 Усиз қушлар сукутда абад.
 Полотнога жасадин кўмди
 Левитаңсиз қолган Табиат.



**Нафас
 Шодмонов**

* * *

О, сен мени унутдинг, дединг,
 Юрагингда шубҳа, маломат.
 Агар сени унутган бўлсам,
 Тақдир менга этмасин шафқат.
 Рутубатли кузнинг боғида
 Барги хазон — жароҳат мисол,
 Инграмоқни хаёл қилмасман
 Хотираңга етказиб малол.
 Шароб ичиб гоҳи маст-аласт
 Кўринсамда кўзга бепарво,
 Сенсиз, ҳатто, тириклигимни
 Мен ўзимга кўрмасман раво.
 О! Жонгинам, унутдинг дединг,
 Бу сўзингдан бир бора қайтсанг.
 Мен дунёдан ўтганимда ҳам,
 Розимасман бу сўзни айтсанг.

* * *

Сеникидир безанган фазо,
 Сеникидир шу ёруғ олам.
 Севги сенинг юрагингда жо,
 Сеникидир менинг қалбим ҳам.
 Бутун борлиқ, бу барча хилқат,
 Сеникидир, сеники қумрим,
 Булар бари қўшиқдир албат,
 Қўшиқ эса — менинг бор умрим.

Тонг

Тўзғиб кетган қаро сочларни
 Елкаларда тўлқинлангириб,
 Мудрай — мудрай юлдуз
 кўзлари,
 Оппоқ чехра,
 Оқ сийна билан
 Бош кўтарар секин гўзалим...

Таянч нуқтаси

Шодлик юрагингда билмаса-да ҳад,
Руҳинг самоларда айласа парвоз.
Кимдир шодлигингдан яйрамас минбағд,
Сен учун у ғариб ҳаёлот, холос.
Кўнглинг дарз еганда, алам ва қадар
«Сокин юрагингга солса ғалаён»
Кимгадир дардингни айтолмасанг гар
Узингни муаллақ сезмогинг аён.
Ерни кўзгатмасдим ўқидан йироқ,
Шоирман, Архимед эмасман, зотан.
Мангулик ҳайкалин кўярдим бироқ,
Менга таянч бўлган зотга дафъатан.
Довруғ солмоқ учун дунёга бешак,
Е оддий одамдек ростламоққа қад,
Инсонга бир таянч нуқтаси керак,
Бир лаҳза толганда бўлгудай мадад.



**Жўра
Алимардон**

Туғилган иўдакка

Бош кўйдинг илк бора замин кўксига,
Онгинг оқ қоғоздай, йўқ зарра ғубор,
Жой бўшатди кимдир замин устидан,
Босган изларингга бермай деб озор.
Кўҳна дунё кўрди янги одамзод,
Сўрар бўлдинг сен ҳам яшаш лаззатин.
Мерос қолди сенга маслак, эътиқод,
Гарданингда бўлгай элнинг хизмати.
Сен туғилдинг, ҳаёт очди бир варақ,
Балки қайнар танда аждодлар қони.
Балки Спитамин, Тўмарис, Широқ,
Муқанна, Бобурнинг сенсан армони.
Мужассамдир балки сенда Беруний,
Навоий, Синонинг фазилати ҳам.
Балки сен элимнинг ғамхўр отаси —
Қалбида эзгулик бўлган мужассам.
Сенга сигинаман, жажжи чақалоқ,
Чунки сен ҳаётнинг сўнмас чироғи.
Ушбу кун йўрғакда бўлсанг ҳам бироқ
Сен инсон тарихин ноёб вароғи.
Донишлар наслига тугиб кўлингни
Беармон ўтганнинг йўлларида юр,
Тақдирингни қўшиб юртинг, элингни
Егдулар туташган манзилларга бур,
Сенга сигинаман ҳаёт ёшлиғи.

Бўрон

Гўдак нафасидай мулойим,
Мойил эди эзгу истакка.
Ел эди, севарди у доим
Қувват бахш этмакни юракка.
Дил розин уқмагач ҳеч жонзот,
Ғазабдан шамолга айланди.
Орзусин сўйлади, бир ҳолат...
Шунда ҳам йўллари бойланди.
Совуқлик кўрдию, совуди,
Сўнг бўлди аламдан изғирин.
Лоқайдни беаёв чимчиди,
Чимчиди ошкора, яширин.
Шунда ҳам боқдилар бепарво,
Ҳеч кимса тушуниб етмади.
Бекорга ўртанди овора,
Қалбидан бир ғашлик кетмади.
Даргазаб бўлдию бўронга
Айланиб кўрсатди кучини.
Ваҳима солдию ҳам жонга,
Олди у барчадан ўчини.



**Абдумўмин
Саъдуллаев**

* * *

Ой чиқиб келади — дилбар ва маъсум,
Нурларга тўлдириб азиз масканни.
Юлдузлар кўнглимни ёритаркан жим,
Бағримга босаман ойдин осмонни.
Энгика бошлайди юрак каптари,
Дардларим тўзғийди оппоқ, парсимон.
...Қуёшга яқинлаб борганим сари
Мен сени бағримга оламан, осмон!



Шарофат
Ашурова

ҚУДУҚ

ХИКОЯ

С

ой ва қирлар узра ёйилиб кетган юзлаб йилқини кўрган одам, шу атрофда чавандозларнинг бирор йиғини бўляптими, деган хаёлга бориши мумкин. Яқинроқ келгач, уларнинг бошига оғир мусибат тушганини — чавандозар сардори Чори дангалнинг оламдан ўтганини ва оломон видолашувга тўпланаётганини билиб, титроқ қўлларини беихтиёр фотиҳага

очади: «Жойи жаннатда бўлсин! Яхши одам эди раҳматли...»

Куни кеча Чори дангал от совитиб юрмабмиди? Бойловдан чиққан оқтуёқни, узун арқонидан селкиллашиб-селкиллашиб айлантормабмиди? Ниманидир хиргойи қила-қила от ёлини тараб-тараб қўймабмиди? Пастаккина чимдевор ёнида куймаланиб юрганини, ахир, ҳамқишлоқлари кўришган эди-ку! (Дангалнинг ҳовлиси қирнинг суйри жойида бўлгани учун кўзга яққол ташланиб туради.)

...Кечга яқин Дангалникига икки киши келди: бири — қишлоқ оқсоқоли Қодир пасон, яна бири — колхознинг собиқ раиси Мустафоқул. Кутилмаган бу ташриф Чори дангални минг хаёлга олиб борган бўлса ҳам, у сир бой бермади. Қуюққина зиёфат қилди. Об-ҳаводан, нарх-наводан, ўтган-кетгандан гурунглашиб ўтиришди.

— Чавандозниям мундоқ зиёрат қип кетайлик дебсизлар-да, тақсир. — деди Чори дангал оқсоқолга қараб. Бу вақтда ўтириш қиёмига етган эди.

Мустафоқул томоқ қирди. Оқсоқол «бошлайверинг» деган маънода хиёл бош қимирлатиб қўйди.

— Ҳа... Битиги қўшилган бўлса, қулчиликка келдик, чавандоз.

Совчиликка бегона одамни юбормай ўзи келгани Чори дангалнинг ҳамиятига сал теккан бўлса, бу ҳақда оқсоқол бир четда қолиб, бўлғуси қуданинг гап бошлаши унинг ғашини келтирди. «Қулчиликка келибди-ю, ўзини қулдордек тутуди-я! — деб ўйлади Чори дангал. — Раисликдан думи тугилган бўлса ҳам, одамларга тепадан муомала қилади, эгардан тушгиси йўқ. «Қулчиликка» келган эмиш!..»

Расми С. МАМАТХОНОВ чизган



— Чайналманг, чавандоз! Уғлимнинг назари қизингизга тушган экан, бўлмаса... Узи Тошканда ўқияпти, қозиликка. Жони эсон бўлса, районни сўрайди ҳали. Тагига мошин обериб қўйибман. Уй-жой... Отдан бошқа нарсани кўрмаган қизингиз бир юмалаб бойвучча бўламан деб турибди, чавандоз!

— Бекорга овора бўлибсиз-да, раис бова. Қизимиз мактабни битирмаган, ёш. Тайёргарлигимиз ҳам йўқ ҳисоб. Бундан ташқари, раис бова, тенг-тенги билан — тезак қоли билан, деган гап бор: мошини бўлмаса ҳам оти борлардан топилиб қолар...

Дангал бу гапларни овозини чиқариб айтди, кўнглида эса бошқа нарсани ўйларди: «Вой хумпар-эй, ўғлинг Хўжаан Хизрмидики, қизимга назари тушган бўлса!»

Хуллас, икки кўнқорнинг боши бир қозонда қайнамас экан...

Қишлоқда биттагина қудуқ бўлса, у ҳам Мустафоқулникида — раислик даврида қаздириб олган. Аллақандай пармаловчи машинада қавлатган, дейишади. Чавандознинг ўғиллари сатил кўтариб борган экан, Мустафоқулнинг зумрашлари сув бермабди. Болалар мулзам бўлиб қайтибди. От-уловга жарликдаги сув ҳам бўлаверадия, рўзғор учун бир тош жойга қатнаш керак. Сувни-ку етти ўғлон бир бало қилиб олиб келишар, бироқ одамлар кулмайдимиз? «Чори дангал ўғилларини сўқимга боқяптими, нима бало, еттовини ишга солиб, ҳовлисида битта қудуқ қазиб олса бўлмасмикан?», демайдимиз? Албатта айтади.

Уйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битибди. Чори дангал қудуқ қазигча аҳд қилди. Ҳовлиси қирда, лекин Мустафоқулники ҳам қирда — у ердан чиққан сув наҳотки Чори дангалникидан чиқмайди? Кўпчилик қўл силтаб қўйган ишга бел боғлаб киришишди; ўғиллари навбатма-навбат кавлайверди, Чори дангал йўл-йўриқ кўрсатиб турди.

— Ассалому алайкум, ҳормангизлар!

— Ваалайкум... Ие-ие, Зуфаржон! Кел, ўғлим!.. Ҳозиргина отанг раҳматлини эслаб турган эдим.

— Тоға, отимни бир қўриб берсангиз деб келдим, оёғига ем

тушганга ўхшайди. — Зуфаржон дарвоза олдидаги қозиққа боғлаб келган отига имо қилди.

— Йўқ, ем тушмаган, — деди Чори дангал бориб отни синчиклаб кўздан кечираркан. — Совитишни билмабсан. Бойловдан чиқарибоқ чоптирмаслик керак эди-да, ўғлим.

— Бир гап бўлар... Нима бу ҳаракат, тоға?

— Шу, қудуқ...

— Қарашиб юборайми?

— Вақтингга қара-да, ўғлим.

— Унда, отни ташлаб келай.

Зуфаржон от бошини бурар экан, ҳовлига ўғринча қараб қўйди.

«Бунинг келиши — от баҳона... Буларни ҳали ғўр деб юрсам, вояга етиб қолишибди. Вақтнинг ўтишини қаранг! Дўстим Эшонқул кўз юматуриб нималар деган эди?»

«Чорибой, билсанг, кўпқари — мардлар ўйини. Фалокат бош эгиб чиқишга мажбур қилди. Афсус... От одамни босмайди, лекин туёғининг остига тушиб қолсанг... отда айб йўқ. Жўражон, болаларим етим қоляпти. Эсингдами, қизинг туғилганда қўл ташлашганмиз? Уғлимни чавандоз қилиб тарбияла, кўпқарида ўрним билинмасин...»

Кеча Дангал меҳмонларнинг муддасини хотинига айтмаган эди, ўзи билиб олибди. Уғиллари сувсиз қайтиб келганида гап очиб қолди:

— Қиз бола бириники бўлгунча юзи оғиз солади, хўжайин. Совчиниям шунақа қилиб жўнатадимиз? Кўрармиз, деб қўя-қолсангиз бўларди-ку. Қиз бола — палаҳмон тоши, шу яқин ўртага тушса ҳарна эди-да.

— Биринчи совчи, мен сенга айтсам, қизинг туғилгандаёқ келган: раҳматли Эшонқулга ваъда бериб қўйганман. Зуфаржоннинг хабари йўқ чиқар, яна ким билади дейсан. Аммо, эсингда бўлсин: ўша палаҳмон тоши Мустафоқулнинг уйига тушмайди! Айниқса, бугунги «қулчилик»дан кейин. Минг метр кавласам ҳам, сув чиқараман!

Зуфаржон уч кун давомида Дангалнинг ўғиллари билан

бақамти туриб қудуқ қазишди. Бу ерга келишга баҳона топилганидан боши осмонда эди унинг. Ҳали чалоб, ҳали чой, ҳали яна бошқа нарса — баҳона, ер остидан, пинҳона кўз уриштиришлар...

Уларнинг бир-бирига кўнгли борлигига Чори дангал астойдил ишонч ҳосил қилди. Улар тўқнаш келиб қолганда қарамасликка ҳаракат қилар, тасодифан кўзи тушиб қолса, жўрттага тескари ўгирилиб олар эди. Тавба, Эшонқулга қўл берган маҳали фаришталар «Омин!», деб юборган экан-да! Дўстининг руҳи шод бўладиган бўлди. Ахир, у нималарни орзу қилмас эди!

«Чорибой, билсанг, чавандознинг ўғли ҳам, неварачевараси ҳам чавандоз бўлади. Мана кўрасан, ҳар бири Алпомишдай-Алпомишдай неваралар кўрамаз. У замонларда балки тўйлар кўпқарисиз ўтар, чавандозларга ҳам ўрин қолмас. Лекин... бакуват одамларнинг фикр-орзулари ҳам соғлом, паҳлавон бўлади!»

Эшонқулнинг ўзи ҳам нақ Алпомиш келбат эди. Ушандай одамнинг ўғлидан ёмонлик чиқмас. Тўғри, тагида мошини йўқ, ҳовли-жойи ҳам ўзимиз қатори, лекин илик узилди бўлиб ўсмаган — иликлари тўқ...

— Ота, эртақ эшитгим келяпти, онам мазам қочиб қолди, деди. Жо-он ота, ўзингиз айтиб беринг. Отлар ҳақида айтинг. Чори дангалнинг хаёлини тўрт яшар кенжатоғи тўзғитиб юборди. Қонида бор-да, шунисиям от ҳақидагисини хоҳлайди-я!

— Эртақни соғайса онанг айтиб берар, болам. Мен қўшиқ биламан, холос. Эшитаверасанми?

— Майли-майли... от ҳақида бўлса — бас.

— Қани, қўйнимга кел-чи, Дангал чавандознинг боласи! Дангал қудуқдан чиққан тупроқ устида ўтирган кўйи мароқ билан қўшиқ бошлади:

Ҳўй-й-й... ҳўй-й-й...

Чамбил элдан от қочирдим, изи йўқ,

Қирқ йигитга мой ичирдим, тузи йўқ.

Ҳўй-й-й... ҳўй-й-й...

Қудуқ роса чуқурлашганда тубидан харсанг тош чиқиб қолди. Йигитларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Белқурак, мисрангнинг учи тошга тегар, одамни гижинтирадиган овоз чиқарар эди. Пешиндан кейин ишни тўхтатдилар. Тўнғич ўғил сатилни отиб юборди:

— Нега одамни қийнайси, ота? Терак бўйи кавладик — қани сув?! Ундан кўра, кўчиб кетақолайлик бошқа жойга!

— Қазамиз! Сув қуриб кетмагандир! Бир бошладикми, энди, сув чиқмаса, темир чиқсин — барибир қазамиз! Одамлар устимиздан кулмайдимми?!

Шу пайт қаёқдандир Мустафоқул пайдо бўлиб қолди. Чори дангалнинг сўнги сўзини эшитган чоғи, илжайиб туриб жавоб қилди:

— Одамлар устингиздан аллақачон кулиб юрибди. Мана, яна бош эгиб келдик, чавандоз! Хўш... сув керак бўлса, ана, қудуғимиз тўла — ҳаммага етади.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, Мустафо тоға! — деди тўнғич ўғил ҳамон шиддат билан. — Отам бўлса, ер шарининг нариги томонига тешиб чиққудай!

— Суяган тоғимдан чиқаётган сўзларми бу? Ким айтади сени чавандознинг боласи деб? Мисрангни бу ёққа бер! Сен, раис, обрўйинг борида жўна бу ердан! Лекин, ёмон қиламан!

Дангал Мустафоқулнинг кетишини ҳам кутмасдан бир қўлида фонус, иккинчисидан мисрангни чангаллаганча қудуққа тушиб кетди. Қудуқнинг тубига етгач, фонусни деворга маҳкамлаб, харсанг атрофини кўздан кечирди. Енг шимариб анчагача кавлади. Лекин уни қимирлатиш амримаҳол эди. Ташга гуп-гуп урилайётган мисрангнинг бўғиқ товуши эшитилган сари асаблар таранглашарди... Ниҳоят, зарб билан урилган мисранг тошнинг ён томонига кириб кетди. Дангал уни сўғуриб олиш учун қаттиқ кучанган эди... бир нарса кўксига шундай қаттиқ урилдики! Жонҳолатда арқонга ёпишди ва:

— Торт! Торт! — дея ўкириб юборди.

Минг йиллардан бери ер остидан сиқилиб ётган сув ваҳимали товуш чиқариб отила бошлади. Чори дангал жонталваса типирчилар, бу билан юқорида туриб арқонни тортувчиларга ҳалақит бераётганини хаёлига ҳам келтирмас эди.

Дангални тортиб олишганида, у беҳуш, бемажол эди. Тирноқлари қон, юз-кўзи лой, эгни шалоббо...

Уйга олиб кирдилар, иссиқ жой қилиб ётқиздилар. Чори дангал кечга яқин ўзига келди ва хотинини қақирди.

— Яхшиям қудуққа ўзим тушганим... Каттагина тош босиб ётган экан, ўша кўчди... Лекин, билиб қўй: қизинг — Зуфарники! — деди заиф товуш билан.

Чори дангалнинг уйи атрофидаги сой ва қирларни саҳари мардондан от босиб кетди.

Шундан кейин ҳар куни етти ўғлон ёнида Зуфаржон саккизинчиси бўлиб, таъзияга келувчиларни кутиб олар, қудуқдан сув ташиб, келган-кетганининг қўлига қуяр эди.

Чори Авазов

Зебога

Салом! Сингилгинам!
Камгап, камтарим!
Топдингми излаган мушфиқ ҳисларни.
Деразам ёнида ўйлаяпман жим,
Пахтазор бағрида кечган кезларни.
У рангин хотира ҳуда-беҳуда
Мени ўз бағрига олади тортиб,
Сен пайдо бўласан митти жуссанг-ла,
Ун олти килони елканга ортиб.
Пахтазор ёмғир қордан кўпчиган,
Чақирим узоқда туюлар ҳар жой,
Сен-чи кетаяпсан пахта елканга,
Ун олти килою этик даҳсар лой.
Мен ўқий бошлайман сенинг ортингда
Лойга ботиб қолган оғир изларни,
Сен-чи маъносина хирмонга тўқдинг



Ун олти килою зилдай ҳисларни.
Деразам ёнидан мени нимадир
Чираниб тортади, кетаман кейин.
Пахтазор бағрида сен билан кечган
Ўзга дамларни ҳам эсламоқ қийин.

* * *

Тун чекинар киприкларингдан,
Чиқа бошлар кўзингдан қуёш.
Жон оламан кулгуларингдан,
Мен руҳингман ахир, қаламқош.
Гар ғам кўрсам ёноқларингда
Қуйилади кўзларимдан ёш.
Йиқиламан қайғуларингдан
Мен руҳингман ахир, қаламқош.



Инсон
ҚАСИДА

Носир
Муҳаммад

На бахтким, мен башар фарзандию соҳиби
давронман,
Бу кўҳна коинотни лолу ҳайрон этган инсонман.
Қанотсиз айладим парвоз, фалак пойимга тиз чўкди.
Шу инсонлик ғурури бирла доим кўкси осмонман.
Неча минг йил йўлимга зору муштоқ боқди ер яқкаш,
Замин тан бўлса, мен жисмида жавлон айлаган

жонман.
Унинг ҳасратларин, доғин аритмоқ мангу аҳдимдир,
Демасман бу заминга икки кунлик эрка меҳмонман.
Ақл бирла неча минг мўъжизотлар тилсимин очдим,
Курашлар, интилиш, излаш билан умри чароғонман.
Винокорман, шифокорман, муаллим ҳам муҳандис

мен,
Тақир тош узра гул бунёд этувчи уста деҳқонман.
Гаҳи тор хоналар кенгдир, гаҳи чексиз жаҳон ҳам

тор,
Гаҳи тан қасрига ҳоким, гаҳи оламга ҳоқонман.
Агар дунё садафдир, марварид шаксиз менинг
ишқим,
Унинг васфига камдир гарчи битсам мингта дoston
ман.

Асрлар оҳ чекиб, озод замонни айладим орзу,
Тўкилган ёшларим йиғсам, этардим неча уммон ман.
Аламли дамларимда баҳи этар қалбимга таскин деб,
Яратдим инжили таврот билан зобуру қуръон ман.
Тўкил сабрим, оёққа қалқидим қутлуғ бир оқшомда,
Буюк Ленин билан кўҳна замонни янчган исёнман.
На қирғинлар, на тўфонлар тўсолди шиддатим бир
дам,

Улимлардан омон ўтган метиндек собит имонман.
Вале бордир ҳали ер узра ҳақсизлик, алам, кулфат,
Бўлолма лаҳза бепарво ва ё роҳатда бир он ман.
Ясар кимдир бугун ҳам қасд этиб, нон ўрнига оғу,
Тўкилгай то ҳануз қонлар, разолат ичра нолонман.
Не тонг, сураатда одам, сийрати ваҳшийсифат ҳам кўп,
Халос этгай эдим ерни улардан, топсам имкон ман.
Негайки, хом суг эмган бандаман, ҳар дам эмас
ҳушёр,

Гаҳи турмуш аталган мавж аро мангуга пинҳонман.
Қачон ёлғиз эсам ожизману қисматга бир қулман,
Бириксам қудратимдан тоғу тош титровчи

вулқонман.
Қиёфам, рангу рўйим майли бўлсин турфа хил доим,
Буюк бурчим эрур танҳо-Замин бахтига посбонман.

Шарафдир, Носиро, Инсон бўлмоқлик бу оламда,
На бахтким, мен башар фарзандию соҳиби
давронман.

* * *

Дилбарим, сиз бирла ҳар он
тотли бир даврон қадар,
Ҳам азиздир менга ишқингиз
танамда жон қадар.
Сиз томонга талпинурда
шиддатим вулқонча бор,
Дилдаги тугёнларим мавжи
буюк уммон қадар.
Васлингиз орзуси доим
мен билан ҳамхонадур,
Гарчи мен ер узрадурман,
сиз баланд осмон қадар.
Эҳ, муҳаббат фасли бизга
мангулик эҳсон эмас,
Ешлигу ҳусну тароват
лаҳзалик меҳмон қадар.
Энг азиз неғматни мenden сўрсалар,
дердим: у ишқ,
Балки энг оғир жафо ҳам
бўлмагай ҳижрон қадар.
Айрилиқ айёми битсин,
азм этайлик бирга биз,
Гуллатайлик бу заминни
равзаи ризвон қадар.
Ҳисларингни зар қилиб сочгил
суюқлинг пойига,
Чин муҳаббат ганжи, Носир,
ҳеч туганмас кон қадар.





Нормурод
Норқобилов



ЮК



ҲИКОЯ

линг ўзингга буюрсин, ука. Биз солдат болалардан пул олмаймиз. Хўп, омон бўл!

Иўл бўйида, тоғу тошлар орасида ёлғиз қолган Дилмурод тепасида оғир юки билан имиллаб бораётган машина кўздан йўқолгунча орқасидан қараб турди. Сўнг қоялар ортига яширинаётган офтобга ташвишли бир назар солди-да, катта йўл қолиб, нишабликдан — торгина сўқмоқдан арчазор оралаб туша кетди.

У қишлоққа кириб келганида оқшом чўккан, салқин ҳавода тезак тутунига омухта пиёздоғ хиди анқир эди. Таниш бу ҳиддан Дилмурод вужудида ёқимли бир титроқ сизди, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди. Уйга қўққисдан кириб боргиси келди ва шундай қилса, туғишганларининг не ҳолга тушишини ўзича тасаввур этиб жилмайиб қўйди.

Ҳартугул, йўлда ҳеч ким учрамади.

Дилмурод табақалари ланг очик дарвоза остонасига қадам қўйганида, уни биринчи бўлиб ҳовлида ғимирсиб юрган опаси пайқади. Пойқадию кенг кўйлагини халпиллатганча, юракни тилкаловчи фарёд билан югуриб келди:

— Дилмурод! Отагинамдан айрилиб қолдиқ инжон!

Бошига бехос сўйил тушгандай гангиб қолган Дилмурод, бўйнига осилган опасининг елкаси оша ҳовлида бошқа туғишганларини ҳам кўрди. Бари мотамсаро қиёфада.

— Нима?! Қачон?!— дея ҳайқирди у ва опасини ўзидан кескин четлатиб, жонҳолатда уй томон югурди, эшикларни қарс-қурс очиб-ёпиб, барча хоналарга бир-бир бош сўқиб чиқди. Отаси, уй тўрини хирмондек тўлдириб ўтирадиган отаси йўқ...

Расми О. БОБОЖОНОВ чизган

Дилмурод гандираклаганча ташқарига йўналаркан, пешайвонда елкасидан қучган кимнидир нари итарди, йиғламсираб мингирлади: «Қачон?» «Кеча...», деди қандайдир эркак. Аёл киши ҳикматлаб кўшимча қилди: «Йўлингга кўз тутат-тутат... кетди шўрлик». У қарахт ҳолда ҳовли ўртасидаги каттақон товатошга бориб ўтирди. Юзини кафтларига босиб, у ён-бу ён чайқалиб турди-турди-да, Сўнгра елкалари титраб йиғлаб юборди. Йиғи аралаш кимнидир сўқди, кимларнидир лаънатлади; атрофини гир қуршаганлар фақат бир гапни тузукроқ англашди: «... санчиб юрмай, вақтида келақолсам, ўлармидим!»

Дилмурод хизмат жойидан Тошкентга уч кун бурун келган эди. Поезддан тушибоқ йўлни тўғри Студентлар шаҳарчасига солди. Қатор гиштин ётоқхоналардан бирида синфдош жўраларидан иккитаси турар эди, уларни осонгина топди. Уша кеч ярим тунгача базм қилишди. Эртаси жўралари ҳамкорлигида шаҳар айланди. Катта магазиндан отасига арзонбаҳо костюм-шим, энаси, ака-сингилларига ҳамда бозқа қариндош-уруғларига бир талай совғабоп нарса олди. Кейин жўраларидан бири таҳсил олаётган жисмоний тарбия институтига борди, самбо машғулоти томоша қилган бўлди. Курашнинг энг жайдари усулларини ҳам ўзлаштиролмаётган тренердан дакки эшитаётган баъзи талабаларни кўриб ҳафсаласи совиди. «Институтга ҳам ҳар кимни олаверар экан-да?— деди ташқарига чиқишгач, бошини сарак-сарак қилиб.— Булар шу туришда СССР шарафини ҳимоя қила олармикан?!» Жўралари унинг гапни маъқуллашди. Жўшиб кетган Дилмурод шу йил физкультура институтига ҳужжат топширишини, насиб этса, кураш тушишни бу мишиқларга ҳали кўрсатиб қўяжанини, ҳуллас, бутун орзу-мақсадини бир-бир баён қила бошлади. Жўралари уни базур тўхтатиб қолишди, чунки кеча ярим тунгача шу гапларни эшитишган, ҳарбийда кураш тушиб кўпчилиكنинг курагини ерга теккизганидан ҳам хабардор эдилар. «Узимиз ҳам биламиз!» деди ошналаридан бири. Яна бирови унга насиҳатомуз танбеҳ берди: «Амалинг зўр, кучинг бисёр, жўра! Аммо-лекин сен ҳар ерда мунақа шалдирайверма! Полвон киши босиб бўлгани маъқул!» Дилмурод шолғомдай қизаринди: «Айтдим-қўйдим-да энди. Тил қурғур бесужак...— Бирпас туриб кўшимча қилди:— Бизга ижарага бир уй топиб қўйинглар! Ун-ўн беш кунга қолмай қайтиб келаман. Бунда ётиб тайёрланмасам, қишлоқда юмуш кўп».

Уша кун кечки поездга чиқмоқчи эди, қўйишмади. Курсдошларидан бирининг туғилган куни экан, уни ҳам олиб боришди.

Дилмурод йигит бўлиб бунча қизни бир ерда йиғин ҳолда кўрмаган эди. Тагин бири бирдан кўхлик, қараб кўз тўймайди! У юрак ютиб бирор қизга гап отмаган бўлса-да, ўктам йигит эмасми, ўтириш давомида эриги, яширин нигоҳларни кўп пайқайди, кўнгли кўтарилди. Пойгакда ўтирган сулув қизни зимдан кўзатиб ўтирди: «Шуниси зўр экан! Жўралардан исмини сўраб билмоқ керак. Ана, тагин қараяпти!..»

Учинчи кун йўлга чиқа туриб, жўраларига қатъий тайинлади: «Сизларга боевой задача! Шу Шоирахонга кўз-қулоқ бўлиб юринглар! Тагин биров илиб кетмасин!»

Мана, энди... ўзини, ўзига қўшиб жўраларини сўқмоқда, лаънатламоқда, «Вақтида келақолсам, тирик кўрардим-а!» деб ўксимоқда.

Дилмурод тунни тиканга ағнаб ўтказди. Тонгга яқин кўзи илинган экан, гангир-гунгур овоздан уйғониб кетди. Кийини супадан тушди ва ҳовли ўртасидаги товатош ёнида гаплашиб турган акалари ёнига борди.

Шу дам дарвозадан ўнг овғини силтаб босиб тоғаси кўринди.

— Кетдикми?— дея сўради у кела солиб.

— Ҳозир,— деди катта акаси Холмурод ва тошга ёпишди. Лекин уни кўзгатишга кучи етмади, нега қараб турибсанлар, дегандай укаларига ўқрайди. Кичик акаси Элмурод дарҳол унинг қаватига кирди: икковлашиб тошни оғилхона томонга юмалата бошладилар.

Дилмурод аввалига ҳайрон бўлди, кейин аламли илжайди: «Икковлашиб бир тошга... Отам эса буни бир ўзи Тентаксоидан елкасида кўтариб чиққан!»

— Жиян, бугун отанг раҳматлининг учини ўтказамиз,— дея изоҳ берди тоға.— Оёқ остида ётмасин, деб...

«Четга чиқариб ташламоқчи! Отам елкасида кўтариб келган тошни булар четга чиқариб ташламоқчи!» Дилмурод шартта акаларининг йўлига кўндаланг бўлди.

— Қўйинглар, жойида тураверсин!— деди у қандайдир бегона, хирқираган овозда ва жиндек кўполлик билан акаларини тошдан четга сурди-да, уни қайта жойига юмалатиб қўйди.— Шундай ётаверсин!

Оғалар ажабланиб унинг пайларга ўйнаб чиққан билакларига жим қараб қолишди: эҳтимол улар Дилмуроднинг сиймосида оталарини кўраётгандирлар? Ҳар қалай иккови ҳам бараварига елка қисди. Афтидан, Дилмуроднинг бу кўпол муомаласи уларнинг ғашига теккан эди. Уртада муқаррар дилхиралик бўлишини англаган тоға дарҳол орага тушди:

— Ҳай, Дилмуродбой айтганча бўлақолсин. Энди, йигитлар, тезда бориб Абдиникидан қозон обкелайлик. Қани! Акалари тоғанинг ортидан кўчага чиқиб кетишгач, Дилмурод секин тошга ўтирди. Қишлоқни гир қуршаган кулранг қояларга, ёнбағир бўйлаб тартибсиз сочилган тошдевор уйларга, қишлоқни қоқ иккига бўлиб пишқириб оқётган сойга, тонгги юмуш билан андармон одамларга назар соларкан, чуқур хўрсинди. Орадан икки йил ўтибди-ю, сой ёқасига тушган қандайдир гиштин бинони демаганда, қишлоқ ҳали ўша-ўша — ҳеч нарса ўзгармаган. Фақат отасининг абадий мудроқ тоғу тошлар бағридаги кўриқхона назоратчисининг нафаси йўқ қишлоқда. Ундан манави кўрғонсифат ҳовли, уч ўғилу тўрт қиз, бир қўра чорва, шунингдек, кўпгина тотли хотиралар гувоҳи товатошгина қолган, холос...

Дилмурод товатошнинг ғадир-будир сиртини сийпалаб, беихтиёр хотиралар оғушига сингиди.

Ушанда у ўн ёшда эди. Отаси тошни Тентаксоидан елкасида кўтариб чиқди. Энаси, азбаройи ичи ачиганидан койиб берганида, у пинак бузмай: «Қампир, теваракнинг тоши келига ярамайди, урган сайин увоғи чиқади, бу тош сузда қотган, селда пишган. Бир кели ясайки, неварачеваранггача ҳузурини кўрсин!», деди. Шундан сўнг тошнинг устига тиззалаб олиб, ўткир чақмоқ билан қоқ тепасидан ўйишга тушди. Бироқ, бир мисқолча тош кўчар-кўчмас, бирдан ўнг кўзини ушлаб их-ихлаб қолди. Кўзидаги тош зарраси олиб ташлангач, аввал, кели топиб бераман, деб бир ой бурун ваъда қилган тракторчи ошнасини боплаб сўқди, сўнгра хўрайиб: «Уйинг куйгур, ўр тош экан, буй бергиси келмаяпти», деди.

Уша кун отаси у-бу юмуш билан овора бўлиб, тошни ўйишга фурсат топмади. Кечга яқин эса, кели ваъда қилган ўша ошнаси тракторнинг кўҳна цилиндрини кўтариб келиб қолди. Икки ошна цилиндрни ёғочга ўрнаштириб, қулинг ўргилсин бир кели ясашдики, энаси қувонганидан дарҳол буғдой туйиб, дастурхонга серқотиқ, хуштаъм гўжа ош торти.

Товатошга эҳтиёж йўқолди; шу-шу ҳовли ўртасида турибди.

Қишлоқ бўйича ёлғиз отасигина бу тошни кўтара олар, шуни айтиб Дилмурод тенгқурлари ўртасида доимо мақтаниб юрар эди. Албатта, бошқалар ҳам ундан қолишмас, болаларга хос шавқ билан оталарини кўкларга кўтариб мақташга ҳаракат қилишар эди. Лекин уларники қуруқ гап, Дилмуродники эса чин — ана, ҳовли ўртасидаги товатош гувоҳ! Бу тошни ҳатто Сайфи чавандознинг тўнғичи — Беғали полвон ҳам тиззасидан юқорига ололмаган!

Тош Дилмуроднинг ғурури эди, отаси эса — ишонган тоғи.

Уларниқига тез-тез дарвоза қоқиб, гоҳ дўст, гоҳ душман кайфиятидаги одамлар келиб турар эди. Ота яхшиларга эшик очар, иззатини қилар, ёмонларни эса дарвозаданоқ изига қайтарар эди. Аммо улар бир гапданоқ кета қолмасди: бошда роса ялинарди ота кўнавермагач, ёлвориб турган кимсанинг мулойим башараси дафъатан қаҳрли тус оларди ва у андиша-пандишани йиғштириб қўйиб, вақти-соати келса боплаб ўч олишини очиқ-ойдин айтарди, у билан бирга келганлар ҳам дўқ-пўписа қилар эдилар.

Бундай кезларда Дилмурод ҳовли ўртасида, тош ёнида тик қотганча можарони бамайлихотир кузатаётган бўларди.

«Анов кишининг бақирини... Уриб кўрсин-чи! Отам манави тошминан бир уриб ўлдириб қўйсин!» Аммо отаси у кутганичалик тошни боши узра озод кўтариб, ёт кимсага ҳамла қилмас, бало-қазони ўта хотиржамлик ҳамда совуққонлик билан даф этар эди. Кейин, ойда икки-уч бор, тортиб олинган милтиқ ва ўғринча дарахт кесганлар устидан тузилган актларни район марказидаги икки қаватли қизғиш бинога — идорага топшириб қайтарди.

Отасининг бу иши бегоналар тугул, хешларига ҳам кўпда ёқавермасди. Айниқса, тоғага. «Почча,— дерди у,— шу феълингиз ёмон-да. Арзимаган жондорни деб кўнглини хира қилиш яхши эмас». Еки: «Почча, битта арча кесилса кесилибди-да, нима, шу билан тоғда ўрмон камайиб қолармиди? Кўп қийнаманг бечорани. Кўз кўзга тушади-я!», деб эътироз билдириб турарди. Кейинчалик отадан алам еган кишиларни холи ерда учратиб, кўнглини овлашга тушарди: «Ўзинг кўрдинг, биродар, сени ёқлаб почча (поччам демасди) билан хўб уришдим. Бундан ортиқ нима ҳам қила олардим? Закунга ёпишиб, ўз фойдасидан юз ўгирган телба-да у!»

Қайинисининг орқаворотдан бу тахлит сўзланишларини ота пайқарди-ю, индамасди. Лекин бир гал индади.

Бу воқеа акаси Холмурод институтга киролмай қайтган йили юз берди. Ҳовлида у афти аламдан бужмайиб юрди-юрди-да, дардқаш истаб тоғаникига ўтди. Дилмурод унга эргашди. Тоғанинг қайфи чоғ экан, бир шиша ароқ очди. Акаси отасидан бекитишга тўй-маъракаларда оз-моздан ичиб юрар эди, тоғанинг қўлини қайтармади... Тоға жиянининг дардларини жим туриб тинглади, кейин томоқ кириб деди: «Хўш... энди, жиян, қаттиқлик қилди, ҳа! Кўрадаги чорвининг ярмисидан воз кечганида сен институт тугул, академияга кириб кетардинг... Мана, бизнинг Фозивой ҳам тўрттанинг кучи билан ўқияпти-да. Лекин, мен отанга айтган эдим. Эшитгиси ҳам келмади. Қаттиқлик қилди!»

Акаси шу гапларга ишонди! Кўнгли ўқиб, ўпкаси тўлиб, уялмай-нетмай кўзларига ёш олди... Отаси тоғда эди. Тунда қайтиб, Дилмуроддан бўлган воқеани эшитди, лекин тишини тишига босди, чидади. Эртаси эса, мис сим қўшиб ўрилган заранг сопли қамчинини белбоғига қистириб Холмурод ётган уйга кирди. Секин туртди. Тепасида бирпас тек турди-да, сизлаб гап бошлади: «Ўғлим, кеча бу, тоғанингизникида кўзёши қилибсиз, деб эшитдик! Бизнинг нажда бундайчигинлар бўлмас эди! Бунақа иснодга қандай қилмаймиз энди, а!» Илгари у болаларини ҳеч урмаган. Бу гал ўзини тутиб туrolмади, бунинг устига Холмуроднинг кўрқувдан қалт-қалт титраб туриши ҳам ғазабини ошириб юборган эди. Қамчин ҳавода физиллади, физиллайверди...

Холмурод тўшакка михланганч, отаси тўғри тоғаникига ўтибди. Тоға ишга отланиб турган экан, поччасининг вазоҳатини кўриб, ўзини деразадан ташлаб қочибди, ҳовлиси ортидаги арчазордан паноҳ топмоқчи бўлган-да. Кейинчалик отасининг айтишича, тоға бехос тошга қоқилиб, сой тубига коптоқдай юмалабди...

Орадан кунлар ўтиб, тоғанинг баданидаги майда жарроҳатлар битиб кетди-ю, лекин ўнг оёғи бир умрга мажруҳ бўлиб қолди. У отанинг устидан шикоят қилмади — злу халқдан уялди. Ота эса бу воқеани шундай шарҳлади: «Қумтоши тушмагур жуда мўрт экан, сал турткига уваланиб кетди».

Отанинг қизиқ феъли бор эди: у одамларни доим бирор хил тошга менгзар эди. Масалан, тоға билан Холмуродни «Қумтош» дерди, чунки буларни оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юргувчи имони суст кимсалар, тирикчилик деб ҳар қандай ҳаром-ҳаришдан қайтмайдиганлар, деб ҳисобларди. Янгиси Нигорахонни чақмоқтошга менгзарди; ҳар қанча учқун бериб кўзни олган билан тафти йўқ — Элмурод бечоранинг чаккаларига бекорга қиров қўнмаган, дерди у. Қўшни участка қоровули, оғайиниси Чўли ўрмончини эса — асрий харсангтошга: унинг имони бут, эътиқоди мустаҳкам!

Дилмурод отаси уни қайси тошга менгзаганини билмайди. Ҳаёт бўлганида, бир кун келиб, албатта ўхшатарди ҳам...

Ҳовли юзига офтоб бир текис ёйилганда пастанд катта қозон ортилган эшакарава, арава кетидан акалари ва уларга нималарнидир ўқдириб келаётган тоға кўринди. Тоғанинг

қийналиб қадам ташлашини кўриб Дилмурод кўнглида унга нисбатан ғалати бир илиқлик туйди: «Қариндош қариндош-да! Бечора, гина-кудратини унутиб, ҳамма ишга бош-қош бўлиб юрибди!»

У ювинишга тутинди, жамалакоч синглиси офтобада сув қуйиб турди. Энаси унга оҳорли қўйлак-шим ва юпка пахталик яп-янги тўн ҳамда дўппи олиб чиқди. У буларни киймоғи, яъни мотам либосида бўлмоғи лозим эди.

Отасининг йигирмаси ўтди. Келди-кетди ариди. Дилмурод ҳам кўп қатори жудолликка секин-аста кўникди. Шу кунларда Тошкентга жўнаш тараддудида эди.

Бугун у, сафар олдида кўнглини ёзиб келиш ниятида тоғни айланмоқчи бўлди. Тасмаси чирий бошлаган дурбинни елкасига осиб, отхонага ўтди: от жойида йўқ. Шундагина отасининг тўриғини тоғаси миниб юрганини эслади. Юрагининг бир чети жиз этиб қўйди-ю, пюда йўлга тушди. Қишлоқнинг кунчиқши тарафида юксалган Кампирқоя чўққисига чиқиб борди. Чўққидан атроф кафтдек кўзга ташланиб турарди. У тош устига ўтириб, теваракни кузата бошлади. Бир пайт қишлоқ ёқалаб ўтган йўлдан тимирикланиб келаётган иккита енгил машина кўринди. Қизиқсиниб, кузатишда давом этди. Ана, олдинда келаётган машина қишлоқдан ярим чақиримча беридаги кўм-кўк олмазор орасида оқариб турган қоровулхона биқинидаги шлагбаумга тумшук тираб тўхтади. Кимдир тушиб, қоровулхона эшигини тортиб кўрди. Кейин у ёқ-бу ёқ аланглаб, шлагбаум арқонини бўшатди. Машиналар олға интилди, шлагбаум очиклигича қолаверди.

Машиналарнинг қўриқхонага бамайлихотир кириб келиши Дилмуроднинг гашига тегди, хаёлида кечаги суҳбат жонланди.

Кеча кечкурун Чўли ўрмончи уни атай йўқлаб келибди. — Ҳа... Отанг раҳматли бир қоя эди! — деди, у узоқдан гап бошлаб. — Шундай одам-а!.. Эси!

— Иссиқ жон-да... ким йўлабди дейсиз! — деди акаси Холмурод.

— Армия-ку битди, — деди Чўли ўрмончи Холмуроднинг гашига эътибор бермаган кўйи, — энди нима қилмоқчисан, Дилмуродбой?

— Бу ўқийди, — деб Холмурод яна орага суқилди.

— Ўқимоқчиман, амаки, — деди Дилмурод ҳам.

— Нималикка?

— Шу, физкультура институтини қоралаб турибмиз.

— Ҳим, Тоҳир маълимдай болаларга «раз-два» ўргатаркансан-да?

— Йўқ, курашчи бўламан. Йўлланмам ҳам бор армиядан!

— Курашчи бўлиш учун институтда ўқиш шартми? Ахир, курашни ўзимизнинг тўйларда ҳам ўрганса бўлади-ку?


— Тўйдаги курашни гапирасиз-а, Чўли амаки! — Холмуроднинг жаҳли чиқди. — Ахир, бундан иттифоқ миқёсидаги курашчи етишиб чиқиши мумкин. Ахир, бунинг турган битгани... нима эди... талант-ку! Ана, Мели полвон телевизорларда чиқяпти. Отаси қишлоққа сиғмай қолди! Дилмурод уни Қарқарадаги тўйда оёғини осмондан келтириб урган!

— Талант-малантини билмадим-у, дўхтир, лекин кўриқхона қаровсиз қолди. Демокчиманки, бу отаннинг ўрнини босса! Тўрақул, Раҳмонбердиларга қолса, дунёни сел боссин: улар кўпроқ ўз томорқаларига қайғуришади. Қара, кўриқхонага ит ҳам қиряпти, бит ҳам. Яна ўзи билади, буниям ўзига яраша калласи бор!

— Эътибор берма гапига, — деди Холмурод, чол кетгач. — Унга қолса, бутун авлодимиз ўрмончи бўлсин. Жа савияси паст одам-да; курашни тўйда ўрганса бўлармиш! Тавба. Оғзиям ўлгудек сассиқ: бир кун мени тўхтатиб олиб, сенга дўхтирликдан кўра қассоблик кўпроқ ярашади, жасадини қара, дейди...

Дилмурод акасининг семиз, қип-қизил, барқашдай башарасига, тугмаларни таранг тортиб турган катта қорнига қараб туриб, Чўли ўрмончининг топқирлигидан ичида кулиб қўйди.

— Сен йўл тадоригини кўравер, мен эртага самолётга белат обхеламан, — деб сўзини тугатди Холмурод...



Машиналарнинг бемалол кўриқхонага кириб келиши Дилмуродга отасининг йўқлигини яна бир қарра эслатди.

Машиналар Дилмурод турган қоя остида — сой секинлаб оқадиган хушманзара сайхонликда тўхтади. Эшиклар очилиб ориқ-семиз, узун-қисқа саккиз киши тушди ва бири кўлини белига тираб, теваракни мароқ билан томоша қилаётгандек пича турди. Сўнгра бирин-кетин юмушга уннашди: кимдир болта тутиб арчазор оралаб кетди; кимдир калта солиб белжуракда тандир қаза бошлади; яна кимдир сой бўйига жой ҳозирлади; икки киши машина юкхонасидан оёқлари куллуқланган¹ семиз кўйни олиб, четроққа ўтди. Қолган учтаси — басавлат ва қориндорроқлари белигача ечинишиб, баданларини офтобга тоблаганча, қарта ўйнашга тушишди.

Уларнинг бу тахлит эмин-эркин юришларидан кайфияти бузилган Дилмурод, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, деб ўрнидан турди. Бир хаёли — уларни ҳайдаб юбормоқчи ҳам бўлди. Лекин ўзини ҳуқуқсиз сезди; ахир, кимсан деб сўрашга, ўлиб кетган Бегимқул ўрмончининг ўғлиман, дейдими? Қандай айтади?

Дилмурод пастга эниб, жар ёқалаб борди-да, Мингбулоқ тарафга ўрлади. У ерлар ёввойи олма, зирк буталари билан қопланган, зеҳн солиб қараган киши буталар ўз-ўзидан ўсмаганини, уларни миришқор кўл тартиб билан ўтқазганини пайқаш қийин эмасди. Бу ўрмонни таниган Дилмуроднинг кўнглидан ғашлик ариб, хаёлида ёқимли хотиралар уйғонди.

Ўшанда ўртанча акаси Элмурод ҳайкалтарошлик институтида ўқирди (ҳозир область марказида ишлайди. Таниқли ҳайкалтарош). Ердан қор ариб, ҳаво энди-энди исий бошлаган баҳор кунларининг бирида шаҳардан қайтиб, товатош атрофида қолди. Қўлида асбоб-ускуна.

— Нима қилаяпсан, ўғлим! — деди ота унинг ҳаракатларидан ажабланиб.

— Бюстингизни ишламоқчиман, ота! — деб жавоб берди акаси бир оз такаббурилик билан.

— Буйстинг нимаси?

— Буйст эмас, бюст, яъни сизнинг қиёфангиз!

— Э, ҳайкалми?

— Шундай деса ҳам бўлади.

— Ҳим... Кейин мактаб ҳовлисидоги анов ҳайкал ёнига ўрнатиб кўясанми?

— Нимани?

— Ҳайкалми-да.

— Э, йўқ. Проста так... ўзим учун-да, ота. Ижод...

— Ҳай, унда мен сенга бошқача ҳайкал ясашни ўргатаман, ўғлим.

— Отаси шундай деди-да, Дилмуродга юзланди: — Уғлим, оಂಬордан учта белжурак обчиқ!

Ота Элмурод билан Дилмуроднинг кўлига биттадан белжурак тутқазди-да, уларни Мингбулоққа бошлаб борди. Тақир ерни кўрсатиб, бир қадам-бир қадам оралиқ ташлаб, юзта чуқурча кавлашни буюрди.

Уша кунни учовлашиб намозгаргача кўчат ўтқаздилар. Уйга қайтаётиб ота йўлда Элмуродга деди:

— Манов арчаларни ким ўтқазганини биласанми? Билмайсан! Унда сен чақалоқ эдинг. Буларни раҳматли бобонг эккан. Қара, қандоқ ўрмон бўлган! Анов нишабликдагиларни Сайфи чавандоз, ҳув Бужурқоя этагидагиларни Сафарали, мана бу тошлоқдагиларни Тоҳирбек эккан. Э-э, санаб сановига етмайсан! Илгарининг одамлари йирик-йирик бўларди. Имони бут, илиги мустаҳкам эди! Ҳозир одамлар майдаллашиб боряпти, бўй-баста эмас, феъл-атворини айтаман. Мана, сени ким айтади Бердимурод полвоннинг невараси, деб?! Тагин, ҳайкал дейсан. Чўли, Нортўхталар устимдан кулиб юришсин, а? Унинг ўрнига бир туп дарахт эк! Биз — қариялар эслаб турамыз фалончининг ўрмони, деб!

Кўллари қавариб, қовоқ-тумшуги осилган акаси чурқ этмади. Лекин, шу-шу у ҳам тошга қайта яқинлашмади. Ушанга ҳам, мана, беш йил бўлибди.

Дилмурод хаёли оғушида бутазор оралаб бораркан, арчазорга етган жойида тўйқусдан кўзи буталар остида ўзаклаган чуқури¹ япроқлари орасидан хиёл¹ учи чиқиб

турган ёғочга тушди. Япроқларни оёғи билан нари-бери суриб, олиб кетишга тайёрлаб қўйилган иккита арча ёғочини кўрди.

Дилмурод қишлоққа қайтиб, тўғри Тўрақул ўрмончиникига борди, уйда йўқ экан, Раҳмонбердиникига ўтди. Раҳмонберди томорқасидаги тамакига ишлов бераётган экан, Дилмуродни кўриб ҳайрон бўлди.

— Раҳмонберди ака, — деди Дилмурод салом-алиқдан сўнг мақсадга кўчиб, — Мингбулоқда кимдир иккита арчани кесиб, тайёрлаб қўйибди. Ичкарида чет одамлар ҳам юрибди.

— Оббо, энағарлар-эй, — дея Раҳмон ўрмончи ғазабланган бўлди. — Тутамиз, жиян, гирибонидан гиппа тутамиз. Чет кишилар қаерда юрибди, дединг! Бўпти, ҳозир борибоқ тирқиратаман!

Дилмуроднинг назарида, у ҳозироқ кўриқхонага от кўядигандек эди: кўнгли тинчланиб кўчага йўналди. Юқори-га ўрлар экан, пасткам девор оша Раҳмонбердини кўрди: у аввалгидек бамайлихотир кетмон чопар эди.

Кўрганларини кечкурун акасига айтган эди, Холмурод унинг куйинишидан ҳайрон бўлди:

— Кўриқхона билан неча пуллик ишинг бор? Ана, эгалари қарасин — қуртдек санаб пулини оляпти-ку!

Айтадим-ку, қарашмади, деб! Бунақада...

— Э, бошни қотирма — Холмурод уни жеркиб, сўнг олдига паспорт билан битта билет ташлади. — Ма, эртага учинчи рейсда учасан.

Ғазабдан Дилмурод тирноғигача титраб кетди.

— Тош! — деди паст, лекин шиддатли овозда.

— Нима?

— Тош! Қумтош! Отам билиб айтган экан: Қумтошсан!

— Эсингни едингми?!

Дилмурод акаси ёнидан туриб, меҳмонхонага ўтди. Шифтга қараб узоқ ўйланиб ётди. Кейин илқис ўрнидан кўзғалди ва ёлдираб қўйди:

— Ҳали сенларга кўрсатиб кўяман!

У Мингбулоққа етиб келганда тоққа зимистон қоронғилик чўккан эди. Атрофни бир сидирға кўздан кечириб чиқди-да, бориб катта харсанг панасига ёнбошлади. Унинг тасаввурчча, ўғрилар сой тарафдан келиши лозим эди. Ҳақиқатдан ҳам, орадан кўп ўтмай сойликда икки отлик қораси кўринди. Улар суҳбатлашиб келмоқда эди. Шевасидан Дилмурод уларнинг юқори қишлоқдан эканини пайқайди. Бундан ғазаби ўн чандон ортди. Чунки уларнинг кўпи вақтида отасига ҳўб алам ўтказган эди...

Гуркираб турган арча ўрнида жудоликдан шохидлик берувчи кундани кўрса, отаси доим тўсатдан боди тутган кишидек афти бужмайиб, қадди дол бўлиб қолар эди. Унинг таърифича, юқори қишлоқ аҳлининг аксариси ернинг сийнасига ёпишган кана — унақалар уйини тошдан қуради, томига арча ёғочи ишлатади, чорваси тоғда ўтлайди, лекин ўзларидан билиб тоққа бирорта чўп ўтқазмайди.

Шу дамгача Дилмуроднинг юрагида чўкиб турган истиҳола бир зумда тарқаб кетди. Аксинча, у энди ўзини бурчли, кўриқхона учун жавобгар ҳис қилди.

Ҳайқирганча тош панасидан отилиб чиққанида, ўғрилар отдан тушиб, ёғочларни ўнгариб кетишнинг ўнғайроқ йўлини маслаҳат қилмоқда эди. Кутилмаганда пайдо бўлган Дилмуродни қоровул билиб, улардан бири қочмоққа тутинди, лекин энди эгарга тирмашган чоғида энсасидан тутган кучли кўл уни буталар остига улоқтирди. Иккинчиси қўрққанидан таёқдай қотди, кейин Дилмуроднинг марҳум ўрмончининг ўғилларидан бири эканини сезиб, дадиллашди.

— Ой-й, кимсон ўзи?! Бизни тутмоқча провонг борму? — дея урмоққа кўл кўтарди.

Дилмурод унинг қамчин тутган кўлидаёқ шаппа ушлаб, елкасидан ошириб урди; икки киши экан, шу тобда ўн кишини саранжом этмоқча чоғи, ҳадиси бор эди унинг.

Ўғрилар апил-тапил ўринларидан турдилар, лекин устларига тик бостириб келаётган йигитга рўбарў бўлишга юраклари дов бермади: отларига тирмашиб қочиб қолдилар.

Отлар дуқури узоқлашгач, Дилмурод ёғочларга қаради:

¹ Маҳкам танғилган (шева.)

¹ Равоч.

«Энди нима қилдим буларни? Бугун бўлмаса, эртага барибир ўмаради. Ахир, мен бир умр уларни пойлаб ётолмайман-ку!» Лекин юраги гашланмади, қайтага димоғи чоғ бўлиб, яйраб кулди. Кейинги кунларда биринчи бор юракдан чиқариб кулиши эди. Тун пардаси кўйнида тинч мудраётган тоғлар ёлғиз ўзига дахлдордек атрофга мағрур назар ташлади.

Холмурод кекчи эди. Укасининг кечаги гапини ҳали ҳам унутмаган эди, аллақачон йўл тадоригини кўриши лозим бўлган Дилмуроднинг товатош устида хотиржам ўтиришидан ажабланса-да, бориб сабабини сўрашга бўйни ёр бермади. Бироқ, ичи ёнарди. У чап қаноти сал пачоқланган яшил «Жигулис»ини узоқ артиб тозалади. Моторни ўт олдириб, бўлақол, кеч қолаямиз, деган маънода кетма-кет газ берди. Дилмурод эса, ўзи ўтирган тош мисол қотган. Синглиси кийим-кечак билан тўлғазилган жомадонни кўтариб чиқиб унинг ёнига кўйди: Дилмурод гўё меров — қиё боқмайди. Энаси келиб, ундан ҳол сўради: Дилмурод гўё гунг — миқ этмайди...

У то қишлоқ адоғида қандайдир машинанинг қораси кўрингунча шу тахлит ўтирди. Кейин шитоб билан пастга эниб кетди. Қоровулхонага машинадан сал олдин етиб борди. Шлагбаумни ёпди ҳамки, «Москвич» етиб келди. Ундан жонсарақ, ориққина бир йигит (афтидан шофёрга ўхшайди) ва чакка сочлари оқарган киши тушди. Бошқалар машинадан чиқмади, кўкракларини олдинги ўриндиқнинг суянчигига тираб нотаниш назоратчига ажабсиниб қараб ўтираверишди.

— Ишлар тузукми, ука?— деди оқсоч киши кўлини чўзиб.— Раҳмонберди кўринмайдилар?

— Бу ёққа кириш мумкин эмас!— деди Дилмурод кўрслик билан.

— Ия, ахир, олдинги ҳафта...

— Ака, мошинани қайтаринг!

Ҳайдовчи йигит оқсочга қаради, оқсоч Дилмуродни гўдак билиб аврамоққа тутинди, лекин...

— Ака, кўп мингирламасдан, мошинани қайтаринг! Йўқса...— Йўқса нима бўлишини унинг ўзи ҳам билмасди. Оқсоч ноилож қолди; гап талашиш фойдасизлигини билди. Бўйин эгиб кетмоқ кийин эди, шунингдек, йигитга аччиқ сўз айтмоқ ҳам қийин.

Машина изига қайрилди. Дилмуроднинг назарида оқсоч бошлаб сўкинди, на илож — парво қилмади. Бу унинг дастлабки сўкиш эшитиш эди, эҳ-ҳэ, ҳали ҳаммаси олдинда!

Бугун якшанба эмасми, тушгача йигирмага яқин машинани изига қайтарди. Бунгача акаси Холмурод икки келиб кетади. Дилмурод тош, Дилмурод гунг — акасига лоақал қайрилиб қарамади.

Сўнг тоға келди. Маълум бўлишича, у бозордан қайтиб Холмуроддан барча гапни эшитган, ҳўб ажабланган, сўнг отини қайта эгарлаб, бу ёққа йўл олган.

— Келинг, тоға,— деди Дилмурод уни оғиз очгани кўймай.— Зап келдингиз-да! Энди отдан тушинг. Бўлақолинг! Отнинг эгаси бор! Бировнинг отини минишга... уялинг, тоға!

Тоға анграйди, олдинига ҳазил қияпти, деб ўйлади, жиддийлигини билгач, зардаси қайнади: отдан шартта тушиб, камчинини четга улоқтирдию оқсоқланганча изига бурилди.

Дилмурод сакраб отга минди. Қишлоққа йўл тутди. Сайфи чавандознинг ҳовлиси ёнидан ўтаётиб, одатдагидек, ошхона туйнугидан кимдир мўралаганини пайқади. Уша ёққа ўғринча нигоҳ ташлади: чиройли рўмол танғилган бошнию катта-катта кўзларни кўрди. Юраги дуқиллаб, ширин энтикди. Бирдан кўз ўнгига Тошкент, ётоқхона ва Шоира пайдо бўлди, бироқ уларни худди тушдагидек тезда унутди. Беихтиёр ортига ўгирилиб, яна ошхона томонга қаради. У қараши билан чиройли бош кўздан ғойиб бўлди — уялиб қочди!..

Дилмурод уйга келиб, отни асли жойига қантарди ва ҳовлига ўтди. Кўзи товатошга тушди. Отаси ўшандан кейин бу тошни ҳеч қачон кўтармагани илк бор ёдига тушди. Ва лекин умр бўйи елкасида ундан минг чандон оғир, зил-замбил юкни кўтариб келгани, эндиликда бу юк ўзининг елкасида эканини юрак-юрагидан ҳис қилди.




Журналимизнинг келгуси сонида Бухоро области ёш қаламкашлари ижодидан намуналар билан танишасиз.



Эркин
Усмонов

Назокат Саидовна



ҲИКОЯ

Бъзан уларнинг турмуши изга тушиб қолгандек бўларди. Шундай кунларда ҳаммалари дастурхон атрофида аҳил утиришар, мазали таомлар еб, ширин суҳбатлар қуришар эди.

Шунақа пайтларда Азимжоннинг кўнглида бахт ва эзгуликка ишонч пайдо бўлар, унинг ҳамisha безовта, изтиробга тўла юрагига тароватли кунларнинг ёқимли эпкинни урилар, назарида олам нурга тўлиб, турмуши фаровонлашиб кетгандек туюлар эди. Кўзига хотини хушрўй, лобар кўриниб, шу кунгача давом этиб келаётган можаролар бариси беъмани бир тушга ўхшаб кетарди.

...Ана шундай кунларнинг бирида Азимжон уйига хурсанд қайтди. Дастурхон теварагид ўтиришганида у бўлим мудирини пенсияга кетаётганини, уни вақтинча шу лавозимга кўтаришганини, институт директори гап орасида: «Ўзингиздан бошқа муносиб номзод ҳам йўқ», дея шаъма қилиб қўйганини ҳаяжонланиб гапирди.

Дилором «Сизнинг ўрнингизга-чи?», деб сўраган эди, бу жойга Назокат Саидовна исмли янги илми ходим олинганини айтди. Назокат Саидовна деганлари ниҳоятда ширинсўз, дилбар аёл экан, муомаласи кишини сеҳрлаб қўярмиш.

— Жуда тилингиздан бол томяпти, ёқиб қолганга ўхшайди,— деди хотини пичинг аралаш.

— Гапингни қара! Мендан уч ёш катта хотин-ку!

Дилором елка қисди:

— Нима қилибди? Уч ёш — жа унақа осмон билан ер эмас. Қолаверса, ўзидан катта аёлга уйланиш ҳозир расм бўляпти, шекилли.

— Ия, нималар деяпсан? Худди мен унга уйланмоқчидек?

— Ишониб бўладими, сиз эркаклардан ҳар нарсани кутса бўлади!

— Фақат, мендан эмас!

Дилором лабини кинояли чўччайтириб, қўл силтади.

Шу билан бу мавзудаги суҳбат тугади. Гўё Азимжон гап орасида шунчаки айтди-қўйди, Дилором ҳам шунчаки гапирди, холос.

Расми Н. ФУЛОМОВ чизган

Аммо улар шу куни, шу ондан бошлаб ўзларининг чигал, безовта турмушлари янада чигаллашиши, янада безовта бўлишини, турмушларига учинчи бир одам аралаша бошлаганини хаёлларига ҳам келтира олмас эдилар.

Бу оила ҳаётига У ана шу тариқа кириб келди...

Уша-ўша, билибми-билмайми, Азимжон Назокат Саидовна ҳақида кўп гапирадиган, хотини ҳам қизиқиб эшитадиган бўлиб қолди.

Бир куни у ишдан қўлтигида ўроғлиқ кийимлик мато кўтариб келди.

— Назокат Саидовна шу матодан бир кўйлак тиктирибди, кўрсанг оғзинг очилади. Буни қара, худди булутга ўхшайди. Қаерда сотилаётганини билдим-да, сенгаям олакелдим.

Дилором матони ёғимлаб кўриб, бурнини жийирди: — Назокат Саидовнагиз шундан куйлак тиктирган бўлса... диддан ҳам берган экан-да!

— Нега унақа дейсан?— дея аччиғланди Азимжон.— Назокат Саидовна... Ҳар ким ўзига ярашганини кияди-да.

— Ким билсин, балки ўша Назокатингизга ярашса ярашгандир, аммо менга ярашмайди. Куйлак аёлнинг ёши, қадди-қомати, ҳатто сочининг тусига ҳам мос бўлиши керак.

— Билмадим. Лекин бу мато ҳаммага ҳам ярашаверади-ганга ўхшайди. Ўзиям нархи осмонда экан: бир метри — ўттиз сўм!

— Оббо!— дея лабини бурди Дилором.— Одамлар хотинига бир метри икки юз сўмлик матолар олиб беришадди-ю...

Хотинининг гапларини эшитиб, Азимжоннинг ҳафсаласи пир бўлди. Аммо, Назокатни сира қанда қилмай тилга олиб турди:

«Бугун Назокат Саидовна бир дўлма пишириб келибди, мазаси оғзингизда қолади!»

«Бугун Назокат Саидовна мажлисда ҳаммани михлаб ташлади. Юз-хотир қилиб ўтирмай, ҳаммани танқид қилди. Қойил!»

Мана, бугун ҳам:

— Назокат Саидовна билан метрода бирга қайтдик, сенга салом айтди,— деди у қандайдир қувонч билан.

— Саломат бўлсин!— деди Дилором энсаси қотиб.— Бу, Назокат Саидовна сира оғзингиздан тушмай қолди, тагин эри эшитиб...

— Эри йўқ,— деди Азимжон афсус оҳангида.— Уни қизчаси билан ташлаб, бошқа аёлга эргашиб кетиб қолган экан.

— Э-ҳа, ҳали гап бу ёқда денг! Ўзим ҳам ўйловдим-а, бир балоси бўлса керак, деб. Албатта, эрсиз хотин беҳавотирроқ бўлади.

— Уялмайсанми бировни шунақа дегани!

— Эҳтиёт бўлинг, тагин бош-кўзингизни айлантириб қўямасин, болаларим тирик етим бўлиб қолади-я!

— Уйлаб гапир, тентак! Одамнинг нияти ўзига йўлдош бўлади,— деди Азимжон товуши титраб.

— Билмадим, кимнинг нияти ёмон экан: меникимки, сизникими?

* * *

Азимжон кечки пайт уйга қайтди-ю, хотинини таниёлмай қолди. Юз-кўзида сирли табассум. Сочлари чиройли қилиб турмакланган. Эғнида баданига чипга ёпишган кўйлак. Азимжоннинг димоғига ёқимли атир иси урилгандек бўлди. «Бор экансан-ку!», дея кўнглидан ўтказди у ва шундагина кўйлакни таниди. Уша, ҳов бир куни олиб келиб бергани оч ҳаворанг тусли мато...

— Қалай, ярашибдимми?— деб сўради хотини эркаланиб.

— Жуда зўр!— деди Азимжон оғзининг таноби қочиб.


— Назокат Саидовнаниқидан ҳам зўрми?

— Зўр! Унинг кўйлаклари бунинг олдида ип эшолмайди.

Ўзи, қоматинг ҳам кетворган-да!

Дилором чиройли лабларини қимтиб қулди:

— Кесатмай қўяқолинг!



Азимжон хотинининг орқасидан ётоқхонага кирди. Дилором тошойна олдида ечинаётган эди. Қадам товушларини эшитиб, елкаси оша қаради-да, кўрсаткич бармоғини силкиб, ёлғондакам пўписа қилди:

— Кирмай туринг, уят бўлади!..

...Улар ёнма-ён ётишибди. Икковининг ҳам кўзи шифтга қадалган, панжалар панжаларга занжирдек туташ.

Азимжон юзига соч толалари текканини сезди. Шундоққина қулоқлари тагида Дилоромнинг шивирлагани эшитилди:

— Нималарни ўйлаясиз?

— Ҳеч нимани,— деди Азимжон ҳам шивирлаб.

— Алдаясиз. Ушани ўйлаясиз!

— Ким-ўша?

— Ўзингизни гўлликка солмай қўяқолинг,— деди Дилором ўпқаланганнамо оҳангда.— Кимни бўларди — Назокат Саидовнагизни-да!

Азимжон беихтиёр кулиб юборди.

— Қўйсанг-чи! Хаёлимга ҳам келгани йўқ.

Дилором аразлагандек, тескари ўгирилиб олди. Орага жимлик чўқди. Азимжон кўзларини юмиб, яна кулимсиради: «Тентак-эй, мен нима хаёлдаман-у...»

Зангори кўл. Қумлоқ соҳил. Ширингина бир қизалоқ ва бир болакай қийқиришиб копток ўйнашяпти. Майда-майда, аргамчи тўлкинлар ҳам худди улар билан қувнагиси келгандек, бир-бирини қувлаб соҳилга талпинади, қизалоқ ва болакайнинг оёқларига ўралашади. Соҳилдан нарироқда оппоқ «Жигули». Унинг соясида ёшгина йигит ва жувон ўтирибди...

Ҳаммасининг юз-кўзида табассум. Утган ҳам, кетган ҳам уларга ҳавас билан қарайди...

Азимжон бу манзарани қачонлардир, қайсидир бир кинода кўрган, уларга юрак-юракдан ҳавас қилган эди.

Ҳозир кўзларини ним юмганча ётаркан, ўзига ўзи савол беради: «Шу хаёл ҳақиқатга айланармикан?!»

* * *

Жума кuni ҳамкасабалар чойхонада ош қилишди.

Азимжон азалдан ичкиликка хуши йўқ йигит эмасми, аввалига ичмай, хотиржам ўтираверди. Аммо, суҳбат оилавий мавзуга кўчгач, негадир бирдан ичгиси келди. Мусича уясидек омонат оиласини, тузсиз ошдек турмушини, жанжаллардан юрак олдириб қўйган ва кунора бувисиникига қочиш пайида юрадиган қизчаси билан ўғилчасини эслади-ю, улфатларини ҳайрон қолдириб, кетма-кет уч-тўрт пиёла ароқ ичиб юборди. Сал ўтмай кайфи ошиб, ёнидаги шеригига оиласидан, хотинидан безиб қолаётгани, шунинг касрига илмий ишлари ҳам ўлда-жўлда экани, қўли сира ишга бормаётгани ҳақида узундан-узоқ шикоят қилди. Шу дамгача жим ўтириб эшитган ҳамкасби бирдан жеркиб ташлади.

— Қизик экансиз-ку, Азимбой!— деди у кинояли илжайиб.— Шуням гап деб гапириб юрибсизми? Топган муаммосини қаранг! Оила, бола-чақа деганига мунақа эътибор бермаслик керак! Улардан баландроқ туриш керак! Беш миңути кам фан номзоди бўлсангиз, айшингизни суриб, дўппини яримта қилиб юравермайсизми! Оила, ташвиш деб ўлиб кетиш керакми? Бўлса бўлар, бўлмаса йўқ-да! Э, йигитнинг гули, бунақа гапларни қўйинг!

— Йў-ўқ... Гапимни тушунмадингиз,— дея сўзини бўлди Азимжон.

— Тушундим. Келинг, дард-ҳасратни йиғиштирайлик. Мана бундан олинг! Қани!

Азимжон пиёлани қўлга олди-ю, ичолмади. Ҳамкасбининг помидор пўсти ёпишиб қолган, силлик, семиз юзига, айёрона боқувчи кўзларига кўзи тушдию кўнгли айнади.

Ўрнидан турди. Негадир шу тобда бирдан, бир лаҳзагина ҳушёр тортиди. Ташқарига чикди. Йўл чеккасидаги водопроводда қизиб кетган юзини муздек сувга чайди-да, бирпас сигарет чекиб ўтирди. Негадир чойхонага қайтиб киргиси келмади.

У жимжит кўчалар бўйлаб бораркан, боши арининг уясидек гувилларди: «Нима деди у корчалон? Ҳа, «Топган муаммосини қаранг!», деди. «Оила, бола-чақа — иккинчи даражали нарсалар», деди, «Эътибор бермаслик керак»,

деди. Нега энди? Нима учун? Ахир, дунё уйингнинг остонасидан бошланмайдими? Ҳаёт деган сўзнинг маъноси аслида оила, бола-чақа дегани эмасми?»

Уйга келса, хотини ухламаган экан.

— Зиёфат қуёқ бўлганга ўхшайди, а?!— деди у. Эри ҳали остона ҳатламасдан.

«Бошланди», дея хаёлидан кечирди Азимжон. Пешонасини ёғимлаб, эшик кесакисига суяниб қолди, сўнг тишини тишига босиб шивирлади:

— Ҳа!..

Дилоромнинг овози алланечук совуқ, хотиржам эди.

— Назокат Саидовна ҳам бирга бўлгандир?

— Ҳа...— деди Азимжон асабийлашаётганини сездирмасликка уриниб.

— Балки кузатиб ҳам қўйгандирсиз?— деди Дилором ўйиб оладиган оҳангда.— Вақт алламаҳал бўлса...

— Ҳа, ҳа! Кузатиб қўйдим!

— Уша ерда ётиб қолавермасиз-да! Эри йўқ бўлса...

— Йўқол!— дея бақирди юборди Азимжон титраб.— Йўқол! Кўзимга кўринма!

Ичкари хонага йўналган хотинининг йиғламсираган товуши эшитилди:

— Ҳайдамасангиз ҳам кетаман. Кейин ўша Назокатингизни олиб келиб, бемалол яшайверинг!

Азимжон индамай диванга чўзилди-да, сигарет тутатди.

— Аммо, билиб қўйинг,— дерди хотини лаби лабига тегмай,— аввал ўша Назокатнинг шармандасини чиқариб, кейин кетаман!

— У сенга нима гуноҳ қилди?— дея бақирди Азимжон ўрнидан тураркан.

— Уша пайдо бўлдию ўзгариб қолдингиз. Назокат Саидовна деса, тилингиздан бол томади. Кўча — хандон, уй — зиндон. — «Илгари қанақа эдим?», деб ўйлади Азимжон. Хотини эса ҳамон жавварди:— Алламаҳалда уйга маст бўлиб келасиз. Ким билади, у билан қаерларда...

Азимжон чидаёлмади. Столни гурсиллатиб урди:

— Бас қил, Дилором! Худо ҳақки, яна бир оғиз гапирсанг, ўзимни ўзим бир нима қилиб қўяман!

Хотини бирдан жимиди. Кейин ошхонадан «Рост гап шунақа бўлади», деган тўнгиллаши эшитилди.

Азимжон деразадан ташқарига қараганча тураркан, негадир кулимсираб қўйди: «Қанақа? Қанақа бўлади?»

* * *

Азимжон эрталаб ишга отланаркан, «Бугун кечроқ қайтаман, Назокат Саидовнани кузатгани аэропортга чиқамиз», деди. Хотини истеҳзо аралаш сўради:

— Ҳа, намунча? Ҳеч кимни кузатиб қўймадинглар-ку?

— Бутунлай кетяпти, шунинг учун...

— Вой! Нега? Қаёққа?

— Билмадим. Айтишларича, Ўш томонларга, туғилган қишлоғига кетаётганмиш.

— Энди сиз бечорага қийин бўпти-да!— дея кинояли кулди Дилором.

— Йўқ, шу ерда қолганида унга қийин бўларди.

— Нега энди?

— Бошида ёнғоқ қақардинг!

— Унга мени алвасти деб тоза таърифлагандирсиз-да?

— Йўқ,— деди Азимжон жиддий тарзда,— у билан ҳеч сен ҳақингда гаплашмаганмиз. У сени орқаваротдан яхши аёл деб биларди.

— Тўғри ўйлаган экан,— деди Дилором.— Буни фақат сиз билмайсиз.

— Йўқ, мен эмас, аслида қанақа эканлигини ўзинг билмайсан, Дилором!

Шу кuni Азимжон ҳақиқатан ҳам уйига алламаҳалда қайтди. Хиёл кайфи ҳам бор эди.

— Ҳа, тинчликми?— дея қарши олди хотини.— Ё кетар жафосига зиёфат бўлдимми?

— Назокат Саидовнани кузатдик,— деди Азимжон хонанин чинидек ярақлаб турганига, балконидаги кир арқонга осилғиқ ювилган кийим-кечакларга таажжуб билан кўз югуртиб.

Дилором ёлғондакам кулди:

— Биламан. Балки, ўпишиб хайрлашгандирсизлар?



- Ҳа, албатта. Унақа аёллар ерда ётибдими!
- Нега бўлмаса бирга кетавермадингиз?
- Сени кўзим қиймади. Қолаверса, бола-чақа бор.
- Мени бошингизга урасизми? Болани биласизми сиз!—

Дилором бирдан елкалари силкиниб йиғлаб юборди.

- Дилором!
- Йўқ, гапирманг!
- Менга қарасанг-чи, жиддий гап бор: эшитгин! Бугун ойимларниқига бордим. Эртага болаларни олиб келадилар. Қулоқ сол мундай!
- Йўқ, кераги йўқ! Гапирманг! Гапларингизни эшитгандан кўра қулоқларим ситилиб оққани яхши! Худоё худовандо, ўша жувон ўлгур...

Азимжон хонасига кириб, эшикни ичкаридан қулфлаб олди.

Бирдан ҳаммаёққа сукунат чўкди. Тик этган товуш йўқ. Совуқ ва таранг бир сукунат. Ана шу сукунатнинг бағрида қандайдир сирли, ғалати бир нарса яшириниб ётгандек. Ҳозир... ҳозир лоп этиб бир воқеа рўй берадию... У нафасини ҳам чиқармай, кўзларини юмганга креслода ўтирар, қўллари титрар эди.

Мана, ҳозир хотини: «Улсин, турмуш шунақа бўладиган бўлса!» деб шаңғиллайдию кейин пиёла ва тарелкаларнинг сингани эшитилади.

Йўқ, жимжитлик. Фақат, кўшни хонадан Дилоромнинг пиқиллаб йиғилаётгани қулоққа чалинади, холос. Унинг йиғиси Азимжонга одатдагидан кўра бошқачароқ эшитилди. Бу йиғида ҳам алам, ҳам ўкинч, ҳам изтироб йўғрилиб кетгандек, алланечук ҳазин эди.

Шу тобда негадир хотинига раҳми келди. Ташқарига отилиб чиққиси, уни бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпгиси, овутиги келди.

«Қандай қилиб унга тушунтираман?— дея ўйларди Азимжон ўчиб қолаётган сигаретини қайтадан тутаркан.— Ахир, аслида ҳеч қандай Назокат Саидовна йўқ-ку?!»

Буларнинг ҳаммасини ўзи ўйлаб топган-ку, ахир? Энди Дилоромга қандай қилиб тушунтирсин? Тушунармикан?

Азимжон ўзи орзу қилган, хаёлидаги гўзални ёшлигидан «Назокат» деб атар, негадир, унинг исми шундай бўлиши керак, деб астойдил ишонар, учраган қиздан ўша Назокатнинг ўзи ўйлаб топган, ўзи кутган фазилатларини қидирар, табиий, топа олмай қийналар эди. Шу алфозда йиллар ўтди. Институтни битирди. Аспирантурага кирди. Аммо хаёлидаги ўша қизни ҳеч топмади. Шунга қарамай, дунёда Назокат исмли ана шундай меҳрибон, ширинсўз, сарамжон-саришта бир қиз бор эканига ишонар, ҳатто уни сочларидан тирноқларигача тасвирлаб бера олар, ўқтин-ўқтин тушларида ҳам кўриб турар эди. Азимжон бир умр хаёлидаги ўша қизни излаб ўтишга рози эди, аммо бундай бўлмади. Уйланди. Ва шу кундан бошлаб, кўнглидаги аёлни хотини қиёфасида кўришни орзу қила бошлади. Назокатни ўйлаб топишдан мақсад ҳам аслида шу— энди уни хотинининг қиёфасига к и р и т м о қ ч и эди...

Дилором бунга ишонармикан?

Шу тобда бу ёруғ дунёда Назокат исмли дилбар бир аёл бўлганига, уни яқингинада аэропортга кузатиб келганига Азимжоннинг ўзи ишонгиси келди. Ва бирдан энг яқин, азиз нарсасидан жудо бўлиб қолган кишидек хомуш тортди.

Шу пайт эшик тақиллади.

— Азимжон ака!— Ташқаридан хотинининг йиғламсираган товуши эшитилди.— Ҳой, нега индамайсиз? Азимжон ака!

Азимжон хона ўртасида қотиб турар, қандайдир мўъжиза бўлишини кутар эди. Эшик устма-уст тақиллар, Азимжоннинг назарида хотини хонага эмас, унинг юрагига, бутун вужудига кириб келгудек эди.

— Очинг! Нима бўлди? Ҳой, мен кўрқиб кетяпман. Очсангиз-чи!

Азимжон деразадан ташқарига қаради. Осмон қаърида қизил, яшил чироқлари ўчиб-ёниб самолёт учиб борарди.

«Назокат балки шу самолётда учиб кетаётгандир?...— деб ўйлади у беихтиёр ва маъюс кулимсираб қўйди:— Хайр! Хайр, Назокат!..»

Эшик яна тақиллади.

— Азимжон ака, деяпман! Очинг эшикни! Очсангиз-чи!..

Холмўмин Тўхтаев

* * *

*Она меҳри каби саҳарлар илиқ;
Улкага ёйилган сутдай ойдинлик.
Шабнамлар мусавффо, шабнамлар тиниқ,
Рухларга қуяди нафис майинлик,
Ўзбекистонман, — деб отаётган тонг!*

*Гуллар ҳидларини пуркар энтикиб,
Чўзилган соялар йиғила бошлар.
Бахтли меҳнат сари чақноқ кўз тикиб.
Чексиз кенгликларда юмушин бошлар
Ўзбекистонман, — деб юз очган қуёш!..*

«Ўзбексельман»да

*Ўзгача оҳанг бу, ўзгача наво,
Бунда қўшиқларнинг ўзгача ранги.
Бунда зафарлардан таратар садо,
Дастгоҳлар чолғувчи қалблар жаранги.*

*Моҳир бармоқларнинг ижроси тиниқ,
Ўрнида чертмоқда яратмоқ куйин.
Давом эт дирижёр, ансамбль тўлиқ,
Ўртада зўр дастгоҳ тушмоқда ўйин.*

*Эҳ, дўстим, не бўлди тор узилдими?
Бураб қўйгин тезда мурувватини?
Сенда-чи? Янги куй қалбга тўлдими,
Бир парда баланд ол куй суръатини!*

*Бунда, куй, қўшиқнинг ўзгача ранги,
Улкан ансамблда ҳар тур асбоблар.
Дастгоҳлар жўшади, оҳанглар янги,
Ижрода бошланар янги ҳисоблар!*

*Қувончлар режалар шарҳини битар,
Олдинда ҳаётнинг янги бир тонги.
Янги тонг бонгига қўшилиб кетар,
Жўровоз дастгоҳлар меҳнат жаранги!*





ХИЗМАТ ДАВОМ ЭТАДИ...

Тошкент вокзалидан фоторепортаж



— Касбимга қайтаман,— деди Аҳмад,— қурувчилик касбидан ортиқ нима бор? Кўз ўнгингда қатор-қатор янги бинолар қад кўтаради. Унда сенинг ҳам ҳиссанг борлигини ўйласанг, қалбинг ғурурга тўлиб-тошади.

Армияда энг кўп тарқалган касб шофёрликдир. Тожиали НАЗАРОВ (учинчи сурат) ўша касб вакилларида бири.

— Мен ҳарбийга қақирилгунимча Олтиариқ районидаги Ленин номи колхозда шофёр бўлиб ишлардим,— дейди Тожиали,— пахта етиштириш учун нимаики зарур бўлса — ҳаммасини қилардик: чигит олиб келардик, минерал ўғит таширдик, одамларни ишга олиб борардик. Армияда эса сергакликни, эпчилликни, жанговар ҳолатда қай йўсинда тез ҳаракат қилишни ўргандик.

Тўртинчи суратда сиз Кенжабой МАДАЛИЕВни кўриб турибсиз. У ҳам Тожиалининг ҳамкасби. Армиягача Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозда машина минарди. Совет Армияси сафларидаги даври Кенжабой учун чиниқиш йиллари бўлди. Йигит ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камолотга етди. У ўз сафдошлари қатори запасга демобилизация қилинди. Аммо ҳар соат, ҳар минутда Ватан ҳимоясига тайёр.

Кўпни кўрган, юзларини ажин босган киши солдатлардан бирини тўхтати.

— Ишлар қалай, солдат?

— Яхши!

— Биз ҳам хизмат қилганмиз, жанг қилганмиз...

Сергей Александрович Мкртчян Ереван шаҳрида электрик бўлиб ишлайди. У Тошкентга қариндошини йўқлаб келган экан. Гвардиячи собиқ сержант Самарқанд областлик Файзулло Ҳасановни Тошкент вокзалида учратиб қолди. [Бешинчи сурат]

Вокзал ёнидаги ўн тўрт революционерга аталган ёдгорлик шаҳарнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бири ҳисобланади. Жангчиларнинг аксарияти поезддан тушадилар-да, ёдгорлик ёнига бориб, гулчамбарлар қўядилар. Тошкент политехника институти кечки факультетининг студенти Дони Бобоқулов ва Сарисийё районлик собиқ колхоз шофёри Азимқул Раҳимов мана шу жойда учрашиб қолдилар. [Олтинчи сурат.]

Сиз ушбу қўш саҳифада кўриб турган йигитлар кечагина солдат эдилар. Бугун уларнинг ҳаммаси осойишта граждандлик ҳаётига қайтдилар. Улар пахта далаларида ишламоқдалар, машина ва тракторлар ҳайдамоқдалар, институт ва техникумларда ўқишларини давом эттирмоқдалар.

Она Ватан, уларнинг ҳаммаси сенинг хизматингга шай. Қай соат, қай минутда уларни қақирма, бу йигитларнинг ҳар бири лаббай деб жавоб беради. Улар шу заҳоти ўзларининг пўлатдек мустаҳкам сафларига қайтадилар, ҳимоянга отланадилар. Чунки улар сенинг содиқ ўғилларинг, асл фарзандларингдирлар.



оезд чўзиб гудок берди-да, тезлигини пасайтирди. Чиройли, парад кийимидаги аскарлар деразаларга тикилдилар. Уларнинг кўз олдида кадрдон Тошкент вокзалининг биноси, таниш перрон намоён бўлди.

— Салом, она шаҳар! Мана, биз иссиқ бағрингга қайтиб келдик!

Солдатлик йиллари, унутилмас йиллар... Кўп кунлик походлар, машқлар, «жанг»лар. Кадрдонларинг, ёр-биродарларинг, яқин кишингдан интиқиб хат кутишлар... Ҳаммаси ортда қолди. Собиқ ўқитувчи ва шофёр, қурувчи ва слесарь, студент ҳамда колхозчи икки йил давомида Ватан ҳимоясида туриб, халқимизнинг тинч меҳнатини қўриқладилар, мураккаб техникани эгалладилар. Ҳозир уларнинг ҳар бири — қандай ишни топширманг — уддалаб кетадиган кишилар бўлиб етишганлар.

Уларнинг кўпчилиги ҳарбий хизматга мана шу Тошкент вокзалидан қуёш бугунгидай чарақлаб нур сочиб турган куни жўнаб кетишган. Бугун эса, ўзгача бир ҳаяжон билан вагон зинапояларидан тушиб келишмоқда.

Сиз биринчи суратда кўриб турган Шавкат ХУЖАЕВ ва Эркин ТУҚСОНОВ тошқин Аму соҳилларининг ўғлонлари. Армиягача Шавкат Беруний районидаги «Амударё» колхозидан ишлаган. Эркин эса, Шовот районидаги Ленин номи колхозда агроном эди.

Иккала дўст бир ҳарбий қисмда хизмат қилдилар. «Жанг»ларда, машқларда чиниқдилар. Солдатлик йилларининг барча оғирлигини бирга тортдилар.

— Ўз колхозларимизга қайтамиз,— дейишади иккаласи ҳам,— аввалги ишларимизда ишлаймиз. Олий ўқув юртига сирдан кириш истагимиз ҳам йўқ эмас...

... Солдат таниш овозга ялт этиб қаради.

— Салом, дўстим, бормисан!

Жиззахлик Аҳмад ИСЛОМОВ Тошкент вокзалида поезддан тушдию кадрдон дўстини учратиб қолди. [Иккинчи сурат.] У армиягача ўз шаҳридаги қурилиш трестларидан бирида ишлар эди.

— Энди нима қилмоқчисан?— сўради дўсти.



Б. МИЗРОХИН фотоси





Анорбой
Қуронбоев

МЕҲНАТ БИЛАН САНЪАТ МУШТАРАК



Бир куни озиқ-овқат магазини мудирин Алижон Сиддиқов гидролиз заводига борди. Бу ерда ишчилар бир йўла овқатланиш имкониятига эга эмаслиги кўзга ташланиб турарди. «Завод цехларида тайёр таомлар сотилса бўлмасмикан!» Сиддиқов кўнглидан ўтган бу фикрни завод раҳбарларига айтган эди, уларга маъқул тушди.

Эртасига оқ халат кийган қизлар катта саватларда юмшоқ нон, булкалар, консерва, сут-қатиқ, пишлоқ, лимонад ва бошқа озиқ-овқатлар кўтариб, цехларга кириб келишди. Бу ишчиларнинг кўнглидаги иш эди. Улар бир зумда қизларни ўраб олишди.

Шу кундан бошлаб Алижон Сиддиқов мудирлик қилаётган магазини ходимлари ҳар куни тушлиқда заводга келиб, савдо қилиб кетадиган бўлишди. Бу Иттифоқ миқёсда янгилик эди. Орадан бир неча йил ўтиб, Алижон Сиддиқов 5-гастрономга мудир қилиб тайинланди. У энди ўша «Андижонча усул»ни такомиллаштиришдан иш бошлади.

— Уша кунларда қийинчиликлар кўп бўлган эди,— деб эслайди Алижон ака,— транспорт етишмасди. Корхоналарга озиқ-овқатни сотувчилар саватларда кўтариб боришарди. Кейинчилик мотоциклларга эга бўлдик...

Кейинчилик мактаб-магазинга «Ешлик» номи берилди. Унинг довуғи тез ёйила бошлади. Айниқса, уруш инвалидларига хизмат кўрсатиш юзасидан бошлаган ташаббуслари таҳсинга сазовор бўлди.

Ташкилотлар «Ешлик» билан шартнома тузадиган ва магазинга ҳар ойда пул ўтказиб берадиган, савдо корхонаси эса ҳалиги ташкилотлар оталиқ қилаётган инвалидларнинг уйларига мунтазам равишда озиқ-овқат етказиб бериб турадиган бўлди.

«Ешлик»нинг бошқа савдо ташкилотларидан яна бир фарқи унда савдо маданияти юксак даражага кўтарилганлигида. Андижонликлар бу магазин йигит-қизларини ширин суханликларини учун ҳурмат қиладилар.

— «Сен» ҳам «Сиз» ҳам бир оғиздан чиқади,— деб такрорлашни яхши кўради Алижон ака,— хушмуомалалик айниқса савдо ходимига ярашади. Кейин бу соҳада ишлайдиган одам зийрак бўлиши, харидорнинг диди, кўнглига йўл топа билиши керак.

Дарҳақиқат, «Ешлик»дагилар замон руҳини сезиб ишлайдилар. Ҳозирги пайтда савдо ходимлари олдига янги-янги талаблар қўйилмоқда. Масалан, айтилик, харидор у ёки бу товарни сўраб келди. Лекин ўша куни магазинда ўша нарса йўқ бўлиши мумкин. Шунда сотувчи махсус дафтарчага буни қайд

этиб, харидорнинг фамилияси, адресини ёзиб олади. Сўнгра унга излаган нарсасини қайси куни келиб олиб кетиши маълум қилинади. Бу нарса бир қарашда майда-чуйдага ўхшаб кўринса-да, лекин бу меҳнатга муносабатни билдиради. Қолаверса, у аҳолига манзур бўлмоқда.

— Савдо ходимларининг меҳнати харидор берган баҳо билан ўлчанади. Магазин-мактаб ходимлари устидан шикоят тушмаяптими!

Алижон ака ўйланиб қолади.

— Бизда харидор ҳамisha ҳақ деган шиор бор. Тўғри шиор. Устингдан шикоят тушдими — демак харидор ишингдан норози. Демак, сен бу ерда ишлашга номуносибсан. Қондамиз шунақа. Охирги шикоят бундан уч йил аввал тушган эди чамамда...

Бир куни у магазин оралаб юриб, кимнингдир хиргойи қилаётганини пайқаб қолди. Разм солса — сотувчи қизлардан бир қўли-қўлига тегмай савдо қилаяптию ора-чора қўйлаяпти. Шунда директорнинг хаёлига бир фикр келди.

— Бадий ҳаваскорлик ансамбли тузасан-чи,— деди кейин мажлисда,— номи ҳам «Ешлик» бўлса. Фабрика ёки даланинг ўзида савдо хизмати билан бирга мўъжазгина концерт ҳам қўйиб берсан қандай улуг иш бўларди!

Шундай қилиб ҳаваскорлик ансамбли тузилди. Сотувчилар орасидан ашулчиси ҳам, раққосюя созандаси ҳам топилди. Улар завод ва фабрика цехларида, дала шийпонларида, чорвачилик фермаларида концерт бера бошладилар. Ансамблининг довуғи қисқа вақт ичиде эл оғзига тушиб, 1970 йилда бадий ҳаваскорлик коллективлари ва халқ театрлари республика кўригида биринчи ўринни эгаллади ва Халқ ансамбли деган унвонга сазовор бўлди. Бу мамлакатимиздаги савдо ташкилотлари ҳаваскорлик коллективлари орасидан чиққан дастлабки халқ ашула ва раққ ансамбли эди.

Ансамбль коллективи Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ажайиб, эса қоларли концертлар берибгина қолмай чет гасторларга ҳам борди. Польша телевидениеси мазкур ансамбль ижро этган кўшиқ ва раққлардан «Тиниқ сув» бадий фильмини яратишда фойдаланди.

Ижодий коллектив яқинда ўзининг мингинчи концертини меҳнаткашлар ҳузуринда намойиш қилди.

Андижонча савдо усули ҳақида хўжожатли фильм яратилиб, мамлакат экранларида намойиш этилди. Янгича усулни Ленинград, Харьков, Киев, Львов, Тбилиси, Боку, Челябинск ва бошқа йирик шаҳарларнинг савдо ходимлари ўз тажрибаларида қўлламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам ташаббускор мактаб-магазин коллективидан кўп нарса ўрганса бўлади. Мана, биргина мисол. Айтинг-чи, меҳнаткашларга маош кўнигага насияга хизмат қилиш қаерда йўлга қўйилган! «Ешлик»да эса, бу нарса кўпдан бор.

Магазин янгича ишлаш системасига ўтгандан бери унинг қудрати бир неча баробар ортди. Ҳозир у меҳнаткашларга йилига беш миллион сўмга яқин савдо хизмати кўрсатаётди. «Ешлик» магазин-мактабининг мудирин Алижон Сиддиқовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими унвони берилди. Сотувчи Рустамжон Мирсалимов Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди.

Маҳбуба Маҳмудова, Римма Илёсова, Комилжон Холматов каби ёшлар эса ансамблининг шу кунги фахридирлар. Ансамблининг маҳоратини оширишда, Андижон область театрининг устоз раққосаси Ўзбекистон ССР халқ артисти Малоҳат Исҳоқова, таниқли бастакор, республикада хизмат кўрсатган артист Ғулмжон Ҳожиқулов, балетмейстер Тожижон Аҳмаджонова ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди.

«Андижонда магазин-мактабимиз бор. Шу жонажон Ванга, дўстларга аёло хизмат қилмоқчи мақсадимиз бор» — «Ешлик» ансамбли ўз концертларини ҳамisha шу сўзлар билан бошлайди. Бизнингча, мана шу жўшқин сатрларда ташаббускор, серғайрат, изланувчан савдо ходимлари кўзлаган юксак мақсад аниқ-равшан кўзга ташланиб турибди.



Қодиржон Собиров

УЛУҒБЕК ОСМОННИ

Сиз журнал муқовасининг биринчи саҳифасида «Ил-86» — аэробус командири Улуғбек ҒОЗИНАЗАРОВНИ кўриб турибсиз. Муқованинг тўртинчи бетида эса, Самарқанддаги Улуғбек музейи тасвирланган. Бунинг қандайдир рамзий маъноси борга ўхшаб кўринмайдими сизга? Буюк ўзбек олими Улуғбек ўз ватандошларининг илму маърифатни эгаллашлари, уларнинг юлдузлар, сайёралар сари интилишларини қанчалар интиқлик билан орзу қилган эди...

нг аввало, қанотларга ўрнатилган қудратли двигателлардан четдаги иккитаси ўт олди. Беш минутлардан сўнг эса учувчилар кабинаси яқинроғидаги қолган иккита мотор ҳам ғувиллай бошлади. Кема командири тўрттала моторнинг газини тўла босгач эса, бетон йўлдаги баҳайбат пўлат қуш еру-атрофни ларзага келтириб юборди. Унда ички бир куч пайдо бўлди. Самолёт зўр қудрат билан олға интилар, аммо қандайдир бошқа бир қувват унинг жиловидан тортиб турарди.

Одатда ҳар сафар парвоз олдидан учувчилар кабинасида мана шундай таранг вазият ҳукм суради. Командир диспетчер пункти билан мўнтазам равишда радио орқали алоқа қилиб туради. Иккинчи учувчи Зайниддин Захриддинович Файзиёв ва бортинженер Пётр Кузьмич Руденко милт-милт ёнаётган ўнлаб сариқ, яшил, зангори чироқлардан кўз узишмайди. Штурман Ҳайдар Фаррухович Канчури эса ҳар галгидай харитага энгашганча йўл маршрутини белгилай бошлайди. Самолёт ҳамон наъра тортади, олға интилади.

Салон динамикларида янграётган стюардесса қизининг жарангдор овози бу ерга, кабинага ҳам етиб келади.

— Салом ҳурматли йўловчилар! Сизларни Аэрофлот номидан «Ил-86» аэробуси бортида табриклаймиз. «Минводи — Тошкент» рейсини граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг экипажи бажармоқда. Кема командири биринчи класс учувчиси Улуғбек Адҳамбекович Ғозиназаров...

Ниҳоят бир неча минутдан сўнг диспетчер унчага рухсат берди. Командир айюҳаннос солаётган машина «жилов»ни аста кўйиб юборди. Салобатли пўлат қуш узун, кенг бетон йўлдан ўзига ярашмаган катта тезлик билан чолиб кетди-да, зум ўтмай тумшугини осмонга кўтарди. Аэровокзал, унинг пештоқига катта, ёрқин, зангори ҳарфлар билан ёзилган «Минеральные Воды» сўзлари, тунги шаҳар пастда қолиб кетди. Ана, рўпарада Пятигорскнинг Машуқ тоғи. Ғуж-ғуж чироқларга тўла. Баланд чўққисида телеминора ўрнатилган. У юқоридан турли рангдаги чироқлар билан безатилган арчани эслатади.

Динамиклардан эса ҳамон стюардессанинг кўнғироқдай овози жарангламоқда.

— Парвоз ҳақидаги маълумотлар билан танишинг. Минеральные Воды — Тошкент маршрутининг узунлиги 2500 километр. Самолётимиз ўн минг беш юз метр баландликда соатига 950 километр тезлик билан учади. Учиш вақти икки соату қирқ минут...

Мана, самолёт ҳалидан бери осмонда бепарвогина сузиб юрган қоп-қора, тунд булутларга тобора яқинлашиб келмоқда. Бир минутдан сўнг эса уларнинг бағрига шўнғиб кириб кетади.

Улуғбек ҳар сафар мана шу унутилмас лаҳзани ўзгача бир интиқлик билан кутади. Баъзида пастда ёмғир шивалаб ёғиб турган бўлади. Самолёт кўкси билан булутлар бағрини ёриб киради-да, бир лаҳзадан сўнг бутунлай бошқа, эртақлардаги каби гўзал, рангларга бой, романтикага тўла, сержило бошқа бир дунё чиқиб қолади. Остингда булутларнинг қалин, оппоқ паҳмоқ кўрпаси. Бош устингда эса тип-тиниқ, чексиз осмон. У гўё тўнтариб қўйилган денгиз. Қўёш чарақлаб нур сочади, кўзларни қамаштиради.

Бүгүн эса тун. Аэробус булутлар устига чиқиб олганида рўпарасида оламга танҳо ҳоким бўлиб тўлин ой нур сочиб турарди. У самолёт қанотлари остидаги булутларни оппоқ сўт рангига бўяган, нурининг ёғдусидан юлдузларнинг ҳам жилоси сўнган эди.

Яна ўн минут ўтиб, самолёт белгиланган баландликка чиқиб олгач, командир рўпарасидаги ўнлаб приборларга диққат билан кўз ташлади-да, аэропилот дастасини буради. Энди учишни инсон ақлу-заковатиға бўйсунган техника бажаради.

Командир соатига қаради. Соатнинг узун, ингичка секунд стрелкаси тинмай доира ясамоқда. Бу соат ўн уч йилдан бери бирон марта бузилгани йўқ. Ҳа, яхши чиқди у. «Ҳамиша жасур бўл, бу соат юксак парвозларингда сенга ҳамроҳлик қилсин», деган эди Бошқарма бошлиғи бундан ўн уч йил аввал уни Улуғбекнинг қўлига ўзи тақиб қўяр экан.

Ушанда у мўйлови энди сабза урган йигирма уч ёшли йигит эди. Учувчилар тайёрлаш билим юртини тугаллаб келиши билан «Ан-2» самолётини беришди. Ҳар бир учувчи авиациядаги ўз қадамни ана ўша кичкина самолётдан, урушда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам халқимиз учун гоят катта хизмат қилиб келаётган «кукурузник»дан бошлайди. Бу самолёт билан ёш учувчи қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашда иштирок этди, гоҳида йўловчилар ҳам ташиди.

1970 йилнинг иссиқ ёзи эди. Авиайўловчилар қатнови авжига чиққан кунлар. Улуғбекка Сергелендан Наманганга йўловчи ташви вазифаси топширилди. «Ан-2» осмонга парвоз қилди. Бортида ўн чоғли одам бор эди. Самолёт юз метрча чамаси кўтарилган ҳам эдики, бирдан мотор паррагининг айланиши сусайиб қолди-да, қуюқ қора тутун пайдо бўлди. Пастда улкан шаҳар ясатаниб ётарди. Улуғбек вазиятни дарҳол ерга, диспетчерга маълум қилди. Узи иккинчи учувчига кабинани очиниши, саросимага туша бошлаган йўловчиларни тинчлантиришни буюрди.

— Ҳозир аэродромга қайта қўнамиз, ўртоқлар, ташвишланманглар дегин...

Тутун тобора қуюқлашиб, парракнинг айланиши эса сусайиб борарди. Узоқда аэродромнинг узун бетон йўли кўзга ташланди. «Ишқилиб етиб олсам бўлгани»,— хаёлидан ўтказди Улуғбек. Аэродромда эса, йўлнинг икки чеккасида ўт ўчириш машиналари уни кутиб турарди. Улуғбекнинг юзларида, пешонасида шода-шода тер пайдо бўлди. Мана, ниҳоят «Ан-2»нинг ғилдираклари бетон йўлга тегди. Тутаётган машина юз метрча бориб тўхтади.

— Омадли йигит экансан, Улуғбек,— бағрига босган эди уни учувчи дўстларидан бири.

Эртаси кунги граждандар авиацияси Ўзбекистон Бошқармасининг бошлиғи уни жасорати билан табриклаб, кўлига мана шу соатни тақиб қўйган эди.

— Ҳамиша жасур бўл,— деган эди.

Мана ўша соат ҳозир роппа-роса бир яримни кўрсатиб турибди.

— Каспий остимизда, командир,— ахборот берди штурман. Тўғри, Каспий пастда, унинг, учувчининг она шаҳри Тошкент эса олдинда. Улуғбекни ҳар сафар рейсдан интизорлик билан кутадиغان меҳрибон кўзлар ўша томонда.

Бир кунги, у «Як-40»нинг иккинчи учувчиси бўлиб учаётганида самолёт командири сўриб қолди.

— Учишни жуда ҳам яхши кўрасан-а, Улуғбек! Мабодо учувчи бўлмасанг, ким бўлардинг!

— У ҳолдами!— ўйланиб қолди йигит,— тасаввур ҳам қилолмайман, Николаевич, йўқ, албатта учувчи бўлардим.

Улуғбек бир нарсани тушуна олмасди: Қандай одамлар экан ўша, осмонни севмайдиганлар! Парвознинг ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган лаззатига бефарқ қарайдиган одамлар кимлар ўзи! Шоир бўлиб, ёзувчи бўлиб тўғилмоқ керак дейишади. Учувчи бўлиш учун ҳам юрагингда чексиз осмонга муҳаббат билан тўғилмоғинг керак. Акс ҳолда оддий аравакшдан фарқнинг қолмайди.

Унинг учувчи бўлишига оиласидаги муҳит таъсир этган, десанк хато қилмасмиз. Отаси Адҳамбек Ғозиназаров дахшатли уруш йилларида «ПЕ-2» қирувчи бомбардимончи самолётини минган, душманларга қирон келтирган. Самога, юсак парвозларга бўлган интилиши балки отанинг чексиз осмон, ундаги беаёв жанглар ҳақидаги ҳикоялари таъсирида қалбига ўрнашиб қолган бўлса ажаб эмас.

— Учувчи бўламан,— дерди у мактабдош ўртоқларига.

— Мен ҳам,— дерди бошқаси.

— Мен ҳам,— дерди яна бири.

Аммо бу орзунинг рўёбга чиқиши нақадар қийин эканлиги тўғрисида ўша пайтда у ўқиган Тошкентдаги 47-ўрта мактаб ўқувчиларидан биронтаси ҳам яхшироқ ўйлаб қўришмасди. Дарҳақиқат, кириш имтиҳонлари учувчилар билим юрдагидек қаттиқ бўлган бошқа биронта билим юрт топилмас керак. Бу ерда бўлгуси учувчини минг чигиринга солиб кўришади. Билимларини, жисмоний куч-қувватини қайта-қайта синовдан ўтказишади. Уша 47-мактабдан биргина Улуғбек учувчи бўла олди, холос. Бўлдигина эмас, бу соҳада ҳозирча ҳар бир учувчи орзу қиладиган юсакликларга эришди. «Ан-2» командирлигидан «Як-40» командирлигига, уч йилдан кейин «Ил-62» лайнери командирлигига, беш йил ўтгач эса «Ил-86» аэробусининг биринчи учувчилигига ўқиди. Бир-бирдан қийин, мураккаб

ўнлаб имтиҳонлар топширди. Ҳа, осмон фақат мардларгагина, жасоратни, катта ва оғир синовларни кундалик иш деб билган кишиларгагина бўйсунди.

«Чўққига интилган киши саботли бўлиши керак»,— деган эди отаси, ҳозир республика Фанлар академиясининг масъул ходими Адҳамбек Йўлдошевич.

Ҳар бир кишининг ҳаётида тўғри йўл кўрсатган биронта одами бўлади. Улуғбекка эса бундай йўлни отаси кўрсатди. Бир кунги бопагида у баҳор осмонига тикилиб маҳлиё бўлиб қолганди.

— Осмон жуда чиройли-а, дада!— деган эди ўғил самолдан ва юсакларда эринмай сузиб юрган булутлардан кўз узолмай.

— Осмонни булутлар устига чиқиб томоша қилсанг ў яна ҳам гўзал кўринади кўзингга,— жавоб қилди ота.

Бироз жим қолгач эса, қўшиб қўйди.

— Афсус, мен граждандар самолётида учмадим-да, бўлмаса булутлар устидаги осмонни сенга ўзим кўрсатиб кўярдим. Улуғбек ўзига жуда ҳам ярашган шўхлик билан деганди:

— Мана, қараб турасиз дада, мен учувчи бўламан. Албатта сизни ёнимга олиб учаман.

Унинг ўша орзуси фақат орадан йигирма йил ўтгандан кейин амалга ошди. Улуғбек «Ил-62» самолётида бир ярим йил иккинчи учувчи бўлиб хизмат қилгандан кейин, 1977 йил бошларида унга командирлик штурвалини ишониб топширди-лар.

— Эртага Москвага учяпман,— деди дадасига,— самолёт командири бўлиб...

— Буни қара, эртага мен ҳам пойтахтга кетаётган эдим,— деб қолди Адҳамбек ака.

Улуғбек дадасининг кўзига тикилди.

— Мен билан кетақолинг. Имтиҳонни ўзингиз оласиз...

Эртасига эрталаб тонг саҳарда ҳашаматли «Ил-62» Москва томон йўлга чиқди. Самолёт командири курсисда ўттиз ёшли ўғил, йўловчилар салонининг биринчи қаторида эса кўпни кўрган ота ўтирарди. Адҳамбек ака ўша кунги қандай ўйларни бошидан кечирганини билмайман-у, лекин мен ҳар бир кишига унинг оталик бахти каби катта бахт эсириб бўлишини тилаган бўлардим.

Орадан бир неча соат ўтиб, Домодедового етиб келишгач, аэропорт эшиги ёнида ота ўғилнинг елкасига кўл ташлади-да, сезиларли қилиб қисиб қўйди. Бу ўғил учун энг юксак баҳо эди.

— Командир, йўлимизда чақмоқли булутлар,— ахборот берди штурман.

Кўзиқоринга ўхшаб қорин солган, бошқа булутлардан хийла баландда сайр қилиб юрган бу қора булут узоқдан қараганда шамолдан шляпасини пана қилганча сигарета тутаётган кашандани эслатарди. У ҳам худди шундай «гугурт қақарди». Чақмоқлар зонаси самолёт учун ҳаммиша хавфли. Кема командирининг бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиши кераклиги махсус курсларда кўп ўқитилади. Улуғбекнинг ишончасида, яъни Тошкент аэропортида бундай вазиятларни тасвирлаган ўнлаб плакатлар бор. Командир ҳозир ўзи билганча иш кўриши керак; ердаги диспетчер билан боғланади-да, хавфли зонани айланиб ўтиш чорасини кўради. Бу қийин иш эмас. «Ил-86» самолётлари эскадрильясининг командири Улуғбек Ғозиназаров учувчилар билан ҳар ҳафта ўтказадиган машғулотларида бундай вазифаларни ўнлаб марта бажарган.

Учувчиларда шундай нақл бор: ердан кўтарилиш — хавфли, парвоз — ҳузурбахш, қўниш эса мураккаб иш. Уша парвоз ҳақиқатан ҳам ҳузурбахш бўлиши учун ҳар бир экипаж ердан кўтарилиш ва қўниш тажрибасини мукаммал эгаллаб олган бўлмоғи керак.

... Катта, ўн беш кишлик кенг хонада ола-говур. Бу ерга бир хил — яшил форма кийган учувчилар, бортинженерлар, штурманлар тинмай кириб-чиқиб туришади. Деворлардаги плакатларда «Ил-86» самолётлари парвозининг турли вазиятлари тасвирланган. Ана, аэробус учиб йўлидан кўтариляпти. Қаршидан эсаётган шамолнинг тезлиги секундига фалон метр. Кейинги суратда эса шамолнинг тезлиги ошган ва камайган вазиятларни кўрсатди. Ана, аэробус хавфли булутлар зонасини четлаб ўтди. Бу суратлар деворларга кўзларни қувонтириш ёки бошқа бирон мақсадда илиб қўйилган эмас. Булар ўқув қўлланмаси.

Ҳафтанинг маълум кунларида машғулотлар бўлиб туради. Машғулотни эскадрилья командири Улуғбек Ғозиназа-

ров олиб боради. Самолёт экипажи назарий ва амалий билимларни эгаллайди, машқлар бажаради.

Ҳар бир рейс — бу экипаж олдига қўйилган конкрет топшириқ, аниқ вазифа. Қондага кўра, ана шу рейсларнинг ҳар бири олдидан экипаж эскадрилья командири ҳузурида қисқа йиғилиш ўтказилади. Рейсда учраши мумкин бўлган барча иқир-чиқирлар ҳисобга олинади. Масалан, маълум бир рейсни олиб кўрайлик. Масофа — шунча километр. Йўл, мана бу шаҳарлар устидан ўтади. Запас аэродромлар белгиланади. Маълум тонна ёнилғи сарфланиши кўзда тутилади. Ундан қанча иқтисод қилиб қолиш мумкинлиги ҳам ҳисобга олинади.

— Командир, сиз нима дейсиз!

— Мана бу вариантга қандай қарайсиз, командир!

Кўпни кўрган, йиғирма-ўттиз йиллик иш тажрибасига эга бўлган учувчилар ўттиз етти ёшли экадрилья командирнинг жавобини кутадилар. Унинг фикри асосий роль ўйнайди.

Тошкент аэропортининг «Ил-86» самолётлари Москва ва Минеральные Воды шаҳарларига қатнапти. Тез кунларда улар сафига яна иккита аэробус қўшилади. Москва шаҳрига кунига икки рейс қатнай бошлайди. Ёзда эса Тошкент-Новосибирск маршрути очилади. Аэробусларни биринчи класс учувчилари бошқарадилар. Ҳозирча бундайлар авиакорхонада етти киши, холос.

... Ҳа, 350 кишилик самолётни, авиациямизнинг энг замонавий, энг мукаммал машинасини республикамизда фақат мана шу етти киши бошқариш ҳуқуқига эга, холос. Ойбек ҳам уларнинг сафида бўлишни жуда-жуда истарди.

Ойбек — Ҳозиназаровлар оиласининг кенжатоғи. Катта акалари Улуғбек ва Элбеклар учувчилик формасини кийганларидан сўнг Ойбек ҳам қатъий қарорга келди: «учувчи бўламан».

Лекин афсуски, омади келмади. Медицина комиссиясидан ўтолмади. Илож қанча — авиацияда медикларнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Оиланинг иккинчи ўғли — Элбек эса акаси ортидан изма-из келаверди. Ҳозир у Улуғбек командирлик қилган эскадрильяда ишлайди. «Ил-86» аэробусида штурманлик қилади.

Булултар бирдан сийраклашди-да, пастда қандайдир шаҳарнинг гўж-гўж чироқлари кўзга ташланди. Қизиқ бир ҳол: бу ердан, осмон бағридан кечалари барча шаҳарлар бир хил бўлиб кўринади. Улуғбек Ватанимизнинг жуда кўп шаҳарларига учган. Тошкент аэропорти ҳали «Ил-86» самолётларига эга бўлмаган пайтда у граждон авиацияси министрлиги ихтиёрида бўлиб, Москвадан Свердловск, Минск, Олма-Ота, Киев ва

бошқа шаҳарларга қатнади. Унинг назарида ҳамма шаҳарларнинг чироқлари ҳам, аэропорти ҳам бир хилга ўхшаб туюлади. Лекин ҳар сафар Тошкентга яқинлашаётганида қалбида қандайдир бир ҳаяжон сезади. Она шаҳрининг иссиқ тафтини шу ердан, булултар ортидан ҳам ҳис қилиб тургандай бўлади.

Командир экипаж аъзоларига юзланди.

— Пастлай бошлаймиз.

Ҳали айтиб ўтганимиздай, қўниш жуда мураккаб иш. Ватанимизнинг энг қудратли ҳаво машинаси бўлмиш аэробус шундай мукаммал ишланганки, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам, кечасию-кундузи, бериб қўйилган программа асосида автоматик равишда ўзи қўниш имкониятига эга. Лекин одамлар қанчалик пухта машина яратмасинлар, улар табиат яратган муъжиза инсондан ўтиб кетолмайдилар. Чунки инсонларда машинада бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайдиган бир нарса — ҳис қилиш қобилияти бор.

— Пастлай бошлаймиз.

Командирнинг бу кўрсатмаси экипажнинг ҳар бир аъзосидан ўз вазифасини пухта бажаришни тақозо қилади. Самолётнинг ерга текис, ихчам қўнишини таъминлаш керак. Бир неча юз йўловчининг ҳаёти шу экипаж қўлида.

Динамиклардан яна таниш овоз янграйди.

— Ҳурматли йўловчилар! Яна ўн беш минутдан сўнг самолётимиз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри аэропортига қўнади. Маҳаллий вақт билан соат олти...

Ана, Тошкент, учувчининг она шаҳри яқин қолди. Яна ўн беш минутлик йўл. Ҳар сафар икки яшар қизчаси Малика, турмуш ўртоғи Дилдора, онаси Роза Маликовна, отаси уни «яқин бориб келинг» дея кузатишади. Сўнг бироз ҳаяжон билан кутишади.

Дақиқа ўтмай, баҳайбат машина булултар бағрини ёриб чиқди. Пастда улкан шаҳарнинг минг-миг чироқлари гўж-гўж ёниб турибди. Шаҳар энди уйқусидан уйғонмоқда.


... Пўлат қуш аэропортининг бетон йўлига астагина кўнди-да, бир неча юз метр чопиб бориб тўхтади. Рўпарасида тоғлар ўрқачи қорайиб кўринарди. Йўловчилар самолётнинг уччала эшикларидан пастга туша бошладилар. Экипаж аъзолари ҳам тушиб, аэропорт диспетчери хонасига йўл олишди.

Ярим соатдан сўнг тўртовлон аэропорт эшиги ёнида хайрлашдилар.

— Хайр, командир!

— Хайр, ўртоқлар, кўришгунча.

Само юзидаги юпқа булултарнинг четларига аста-секин қизғиш ранг югура бошлаган эди.





ДАРАХТЛАР ВА ГИЁҲЛАР КИТОБИДАН

Омон
Матжон

Ниҳоят, бир неча йиллик шеърларимни шу ном билан бирлаштириб, нашриётга топширдим. Юрт манзаралари, сафарлар-таассуротлари, юрак ларзаланишлари бир қадар ўз шакли-рангини топди. Шеърларимни суюкли «Ёшлик» журналы ўқувчилари билан ўртоқлашаётганимдан севинч-даман.

АВТОР

Дарахтлар ва гиёҳларнинг тархи-файзини бир рисола этмоқ истаб,

созлаб баётин,

обдон боқсам ўз умримнинг қабатларига мен яшабман ўшаларнинг рангин ҳаётин. Ҳа-да!

Гоҳи, бўйтеракдек, дирдов қолибман, на гул ва на мева тугиб, ўз-ўзим билан. Сал булутга баргларимни гизлаб тескари, сал шамолга кўпорилиб илдизим билан. Гоҳ ўрикдек, мевамдан то мағзимга қадар, юракларга малҳам, даво йигиб яшабман. Гоҳ анордек баҳорни «пов» ёниб қаршилаб, сал ёт назар тегса гулим тўкиб ташлабман. Мен ток бўлдим.

Зангларимга заминдан шарбат, баргларимга оқ қуёшдан зиёлар солдим. Ҳаёт барпо бўлгандаги алвон исёндан кўнгилларга сархуш сурур, ҳаволар солдим. Гоҳ шунчаки бир ихота — чақир бутазор — кўп йўлларни асрадим мен тўзса қор, довул.

Гоҳ ошиқлар талпингучи мажнунтол бўлдим, гоҳ барханлар кўчкисини тўсган саксовул. Ёқлимлар кескинлашган чоғи юртимда Юрагимга турфа қушлар қайғуси тушди, уларни ёз оловидан, қора совуқдан яширолдим, чўнг гужумлик бахти етишди. Гоҳ тут бўлдим.

Олам ипак киймаги учун гарданимга қайта-қайта каллак солдилар. Гоҳ болалар лабида оқ марварид бўлдим, гоҳ кўксимчи танбур учун ўйиб олдилар. Уҳ-хў, агар санайверсам,

умрим шажари

боғлар қаён, тоғу кирга бойланиб кетар ва куш учар юксаклардан энди боқилса, олам яшил майсазорга айланиб кетар. Аҳолиси ниҳоят зич яшил салтанат — ялпиз, анғиз, исмалоғу, бинафша, бугдой... мавжланишим — денгизлардан қолган эсдалик, не музликлар эригандир тафтимдан бугдай... Тил чиқарсам гоҳ еримнинг дардин ёргали, қатқалоқлар қисувидан озурда жонман. Тонгнинг тиниқ дурларини тун чангалидан омон олиб чиққанимдан — покман, омонман. Мен — майсаман, қитиклайман товонларини болакайлар елкамда шод ўйнаган дамлар. Ҳа, гиёҳман — пояндозман, барра ва юмшоқ тупроғимга оғир ботмасин деб қадамлар.

Қор босган оқ-оппоқ далада кўрдим Қимир этмай турар тўп қора тулпор, Қиш обдон бекитган чўнг қора тошнинг Беш-олти жойида эригандек қор. Тулпорлар, ҳой! Қора қирни уйғотинг, Мудроқ хомрезани ёки қилинг бас, Сизнинг ул учишлар бўлмаса, бу ер — Кераксиз бўшлиқдир, беун ва бекас. Қора тулпорларим менинг, қипчоқи, Турманг, учинг-кўчинг тез бўлиб ўқдан! Ўзни шундоқ оқланг, қир ҳам қутулсин Бугун оқ кўринган қора совуқдан.

— Шоир, сен намунча Ҳақ деб ёнасан,
 Ҳақиқат — осмондек мавҳум тушунча?!
 — Чунки менинг қалбим — Ҳақнинг элчиси
 Имонни асровчи олов тугунча!
 — Қандоқ етар сенга замонлар оша
 Тарих лавҳалари, турмуш гаплари?
 — Қушлардек, менинг ҳам сезгимдан ўтган
 Қутбнинг кўринмас таранг иплари.
 — Басдир шунча жунун, изтироб, унлар,
 Сен яна ишқ қули, сен ошифта ҳол...
 — Йўк, йўк, мен бахтлиман, чунки қалбимда
 Фидойи аёл бор, севгувчи аёл!
 — Сен нечук ҳар қиёқ, ҳарки жонзотга
 Куясан, гўёки мингта жонинг бор?
 — Чунки менинг битта шу умри борим
 Минг бир ашё билан тирик, пойидор.
 — Ҳей! Булар ҳавойи гаплар-да, мубҳам,
 Исбот, исбот керак, ўткир қоғозлар...
 — Замонда шоирга ишонч йўк бўлса,
 Далил ўтмишдадир, гувоҳ — устозлар!
 — Рухларми, шарпалар?! Наҳот ўшалар
 Қалбинга шунча зўр ишончлар солган?!
 — Менга пок ҳисларни шу ҳаёт берди,
 Шубҳакорлик эса сизларга қолган!

Гоби майдонида жазира раққос,
 Чўғда юрган каби ялангоёқ йог...
 Дунёда бундан дим кенглик кўрмадим,
 Бундан ҳам поёнсиз чорасизлик йўқ.
 Ва лекин мислсиз ёвуз бу ангом
 Маликани сўйган девдек, беўхшов,
 Уфққа сароблар тақиб қўйибди —
 Яшил қир, кўк сувлар, укпарӣ ўтов...
 Ўз-ўзин абадий алдаб яшашга
 Инсон боласининг кўнмоғи қийин.
 Ҳа, бунда Чингизхон маҳв этган боғлар
 Ташландиқ шон узра қурмишлар ўйин...
 Аммо шу саҳроким ўзидан безиб,
 Сароб кашф этибди — аянч томоша.
 Кўнглим, сал йўлсизлик кўрсанг олдинда,
 Бир умид ўйлаб топ!
 Шу учун яша!



Лабиринт


Ёвуз зот, ниятга етдинг бир қадар
 бу мақр шаҳрида мен банди қолдим.

Сен-чи, менинг таранг асабларимнинг
 торларин пайпаслаб сиртга йўл олдинг.
 Чиқибок, оловнок ипларни топтаб,
 куласан, абадий этдим деб тутқун!
 Аммо мен баттарроқ шоддирман билсанг,
 Кўздан гумдон бўлиб кетганинг учун.
 Бунда мен ўз эрким, ўз иродам-ла
 қалбимда тикларман нажиб ўлкани!
 Фақат сен атайлаб ёки адашиб.
 қайтиб кеб қолмасанг бўлгани.



— Мен ҳам солдат бўламан!

Р. АЛЪБЕКОВ фотозъюди.



**Абдулла
Воҳидов,**

Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони,
республикада хизмат кўрсатган бинокор

САОДАТ САРЧАШМАСИ

Тунов кун «Ёшлик» журналида бир мақолага кўзим тушди. «Камолотнинг чегараси йўқ» дейлибди. Топиб айтилибди. Рост гап. Одам қанчалик ўсиб-ўлғайиб, ақли тўлишиб бораверса, шунча яхши.

Мақолани диққат билан ўқиб чиқдим. Кейин ўйланиб қолдим. Нега биз ёшларнинг тарбияси ҳақида ташвишланиб, тез-тез гапирадиган бўлиб қолдик! Нима, улар шунчалик бузилиб кетаяптими! Йўқ, бузилиб кетаётгани йўқ. Орқамизда етишиб келаётган фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ. Биз, кекса авлод гулдай турмушни, қирқ йиллаб тўплаган тажрибамизни, ҳунаримизни, қилиб улгуролмаган юмушларимизни мана шу ёшларга ишониб топширмақчимиз. Шунинг учун улар яна ҳам билимдон, меҳнатдан қочмайдиган, диёнатли, имони бутун, иззат-икромни биладиган бўлиб чиқсин, деймиз. Ахир инсоф билан айтганда, ҳозирги ёшларнинг елкасида ҳам озмунча юк тургани йўқ. Космосни, БАМни ўзлаштираётганлар ҳам, тайгада янги шаҳарлар қуриб, 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони яратаётганлар ҳам аслида ёшлар. Уларга офарин демай иложимиз йўқ.

Лекин бир гапни ҳам очиқ айтиб қўйишим керак. Мен ўзим олтимиш йилдан бу ёнга меҳнат билан рўзгор тебратиб келаётганим учунми, саламглаб юрган бекорчини кўрсам, чидамайман. «Ҳай бола, умринг елдек ўтиб кетаяпти-ку!» деб бақиргим келади. Кейин ўша бекорчининг ота-онасидан ранжийман. Фарзандни эркалатиш ҳам эви билан-да! Замон

тўқчилик, деб кўнглигизга келган ишни қилаверсангиз, бир кун бармоқ тишлаб қолишингиз тайин-ку ахир! Яқинда бир институтнинг олдидан ўтиб бораётган эдим, қарасам, енгил машиналар тизилиб кетибди. Бирор мажлис-пажлис бормикан, деб ўйладим. Кейин билсам, ҳалиги машиналар студентлариники экан... Ҳали ишлаб бир сўм топмаган талабага яп-янги «Жигули» миндириб қўйган ота ё онага нима дейиш мумкин! Улар фарзандларини қувонтирган бўлишлари мумкиндиру, аммо сира яхшилик қилган, деб бўлмайди. Қуш уясида кўрганини қилади. Эрта ўтиб, индинга ўша «моторли» болалар ҳалол меҳнат қадрига етадиган бўлиб чиқишига ишонгим келмайди. Меҳнат билан адаб ялакат меғиздай гап. Ҳалол ишлаб нон топадиган кишининг фарзандлари ҳам одобли, қийинчиликлардан қочмайдиган бўлади. Буни кўп кўрганмиз.

Яна бир нарсани айтмоқчи эдим. Болани меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, бирор касбга тўғри йўналтириш аввало онла зиммасига тушади. Баъзи ота-оналар ишдан келиб ўз касбларидан нолийдилар, ишхонадаги жанжалларнинг ипини чувалатиб уйда ҳам эзмалик қиладилар. Бунақа гапларни эшитиб ўтирган болалар ишхона, одамлар ҳақида ёмон фикрга боради. Улар қийинчиликлардан чўчийдиган, ота-онанинг касбига беписанд қарайдиган, ҳатто нафратланадиган бўлиб қоладилар. Ахир биз ўз фарзандларимизни изимиздан борадиган, бир кун келиб ўринимизни оладиган ворислар қилиб тарбиялашимиз лозим эмасми!

Одатда болаларда бирон ҳунаргами, санъатгами қизиқиш уч-тўрт яшарлиғидаёқ сезилади. Биз бунга кўпинча бефарқ қараймиз. Менга қолса, болага ҳунар ўргатишни жуда вақтли бошлаш керак. Лекин мактабларда дурадгорлик, бичиштиқишни ўргатиш билангина кифояланиб қолинапти. Бу ҳам қўл учиде қилинади. Унинг устига мактабларда рассомлик, амалий санъат, музика тарбиячилари етишмайди. Бу соҳадаги мутахассислар ўзларини кўпроқ ёғлиқ жойларга уриб кетишяпти. Бунинг сабабларидан бири шуки, ана шу мутахассисларга ҳамма ерда ҳам яхши шароит яратиб берилмаяпти.

Бизда ўқиб, бирон ҳунарнинг этагидан тутаман, деган кишининг армони кўнглида қолмайди. Биргина ўзимизнинг Наманганим олайлик. Облаstdаги 40 та билим юртида 20 мингдан зиёд йигит-қиз касб-ҳунар ўрганмоқда. Улар яхши жиҳозланган, замонавий техника билан таъминланган кабинетлар, устахоналар, лабораторияларда машғулотлар олиб боришади. Уқувчиларга уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош, стипендия, ётоқхона берилади. Уйлаб кўринг, давлат бепул ҳунар ўргатса, бепул овқат, кийим берса, шинам турар-жой берса, бундай шароит ҳеч ерда йўқ-ку!

Ахир биз озмунча қийинчилик тортидикми! Мен ақлимни таниганимдан буён меҳнат қиламан. Инқилобдан аввалги меҳнатни дўзах, десам муболаға бўлмайди. Отам косиб-ямоқчи эди. Ота-бола нон топиш учун қишлоқма-қишлоқ юрардик. Йил бўйи ишлаб бир қоп бугдой ёки маккажўжори топардик. Ҳозир бир йигитнинг бир ойлик иш ҳақида камиде ўн қоп биринчи сорт ун беради.

Инқилобдан кейин кўксимизга шабада теғди. Мен бинокор кадрлар тайёрлаш мактабини битирдим. Уста Фозил Невматшоевдан; Харьковдан келган рус усталаридан ҳунар ўргандим. Бўздаги МТС, ўй-жой қурилишига биринчи гиштини қўйдик. Кечаси босмачилар қўлдан чиқиб емишимизни талаб кетарди, кундузи Охунбоев келиб: «Яна келдим, итлар, нима қилди!» деб ҳол-аҳвол сўрарди. Арзимизни айтардик, кейин у киши чўлга қараб ўй суриб кетарди: «Ҳа, майли, булар яқинда тугайди. Бўз ширин-шарбатга тўлади, пахтақайнар бўлади». Мана, йўлдош отанинг айтганлари келди. Ҳозир Бўзни таниб бўлмайди. Республикамиз партия-ҳукумати раҳбарларининг ветеранлар билан учрашувида мен ҳам қатнашдим. Кўп яхши гаплар бўлди. Мен ниманки билсам, ёшлардан аямайман, кўрганимни, бошимдан ўтганларини айтаман. У ёғини сўрасангиз, аслида-ку, мурабб-мастернинг вазифаси фақат касб ўргатиш эмас. У шогирдларига ахлоқ-одоб, юриштириш, кийиниш, муомалани ҳам ўргатиши лозим. Ёшларимиз орасида баъзан ҳатто саломлашишни билмайдиганлари ҳам бор.

Мана, олтмиш йилдан ошди, баҳоли қудрат дегандай меҳнат қилиб, рўзгор тебратиб келаман. Кўллаб шогирдлар етиштирдим. Шунга хурсандманки, уларнинг биронтаси ноқобил чиқмади. Ленин орденли қурувчи Мамағиёс Илёсов, Наманган қурилиш бошқармасининг бригадири Камолхон Баҳриддинов, билим юртида ўзим билан ёнма-ён мастерлик қилаётган Латифжон Раҳимов, шогирдимнинг шогирди, Ленин орденли қурувчи Сайдулла Сайфиддиновлар билан гаплашганимда, шаҳардаги кўркам биноларни кўрганимда қувониб кетаман. Наманган шаҳрининг Совет райони бундан атиги чорак аср муқаддам шўрҳок, тақир дашт эди. Бу ерга биринчи қозиқни қоққанимдан мамнунман. Қисқа вақт ичида дашт ўрнида шаҳар қурдик. Иттифоққа машҳур шойи газламалар комбинати, олий, ўрта-махсус ўқув юртлари, маданият саройлари, кўпқаватли турар-жойлар бүгунги кунда кишининг ҳавасини келтиради.

Энди интизом ҳақида ҳам икки оғиз гапирмасак бўлмайди. Барча ютуқларимиз пировард натижаси шунга боғлиқ. Эсимда, ўттинчи йилларнинг ўрталари эди. Уйимиздан заводгача бўлган олти километрлик масофани пиёда босиб келардим. Бир кун нима бўлдию, вақт ўтиб қолди. Иш бошланишига беш минут қолганди. Шу беш минутда югуриб, ўзимча учиб етиб келдим. Лекин завод дарвозасига бир метр қолганда ҳолдан

тойиб йиқилдим. Мени табелга киритишмади. Бировлар киритиш керак деди, бировлар йўқ, деди. Йиқилиб қолган жойим билан дарвоза ўртасидаги масофа ўлчаб кўрилди — бир метр экан. Иш жойимга етиб келган ҳисобланаманми ёки йўқми! Шу ҳақда тортишув бошланди. Жанжал бошлиққача етиб келди. Ахири директоримиз воқеани эшитиб, табелчини уришди. «Олти километрлик йўлни югуриб келиб, ҳушидан кетиб қолибдию, табелга ёзмайсанми, нодон!».

Эҳтимол, бу воқеа ҳозирги ёшларга кўлгили туюлар. Аммо илгарги шундай эди, интизом қаттиқ эди.

Саксонга қараб кетяпман. Йигитлардек бардамман. Тунов кунни автобусда кетаётсам бир киши, «Ука, сал наророқ сурилинг» дедида, ёнимга ўтирди. «Отахон, неча ёшга кирдингиз!» деб сўрасам, «Олтмиш олтига» деди. Мен етмиш еттига кирдим, дедим. Ишонқирамай юзимга қараб турди-да: «Кечирасиз, сизни анча ёш деб ўйлабман», деб ҳижолат тортди.

Ёшларга насиҳатим шуки, доим бардам-бақувват бўлиб, яшариб юрай десангиз, обрў топиб фаровон турмуш кечирай десангиз пешона тери тўкиб ҳалол меҳнат қилинг. Бахт-саодатнинг сарчашмаси — меҳнатдир.



Ҳамиша ёдимизда.

Р. АЛЬБЕКОВ фотоси



Созингиз синмасин



Тўра Сулаймон шеърят кошонасига элтвчи чорраҳада, қайси йўлдан кетсам экан, деб кўп ўйланмади. «Ота мерос созим турганда ўзга созни чалгувлик қилма», дедию кўнглига, дидига мос оҳангни танлади. У буюк бахшиларимизнинг қутлуг нафасига йўғрилган, халқнинг қон-қонига сингиб кетган азалий термалар сингари кўшиқлар тўқишни орзу қилиб кўлига дўмбира олди.

Тириг-тириг, дўмбирам,
Сўйла сиринг, дўмбирам...

Чорак асрдирки, дўмбира овози тинмайди. Гоҳ авжланиб, гоҳ нимпардага тушади. Унинг дилнавоз чертимларида мен Мирзачўл ҳавосини, Зомин боғларининг нашъу намосини, Сирдарё билан Зарафшоннинг салқинию кечмиш умрларнинг шоирона бир талқинини туйгандай бўламан.

Ҳар гал Тўра аканинг китобларини варақлаганимда кўз олдимдан рангин манзаралар ўтади: қимиз иси гуркираб ётган яйловлар, арғумоқлар дупури, уфқлар четида улкан оқ дўппидек ялтираб турган ўтовлар, йўтали ҳам ҳикматли чорвадор боболару тўйда тўй бека, уйда уй бека момолар, ишга чечан, сўзга чечан, тўпори, заҳматқаш, мунис келинчаклар, бағри бутун йигит-қизларнинг жон ўртовчи айтишувлари...

Чорак асрдирки, Тўра Сулаймон замонавий тематикани фольклор оҳангларига ажиб бир маҳорат ила пайванд этиб қалам тебратмоқда. Халқ кўшиқларига хос

равонлик, мусиқийлик, хотирага тез ўрнашиб қолиш каби хислатлар Тўра Сулаймон шеърларининг қатлам-қатламларига сингиб кетган. Шунинг учунми, шоир асарлари китоб дўконларида сарғайиб ётмайди, дарҳол ўз ўқувчисини топади, қўлма-қўл бўлади. Унинг шеърларига басталанган ўнлаб кўшиқлар эл аро манзур бўлганлиги ҳам эҳтимол шундан.

Тўра Сулаймонни таниганимга йигирма беш йил бўлди. Қамчиндек йигит эди. Камсуқум, камгап. Юзида бир чимдим истеҳзо аралаш нимкулгу... Тўра ака ҳамон ўша-ўша. Ҳамон уринчоқ, тиниб-тинчимас, бир гўзал байт, ё нозик бир ташбеҳ илинжида.

Мен Тўра Сулаймоннинг бир ўқувчиси сифатида унинг шеърлари, «Қоракўз», «Жаҳонгашта», «Гулжаҳон» сингари эпик дostonларидан олган завқим учун миннатдорман, дўст сифатида — унинг адабиётимизда камтарин, аммо ўз ўрни борлигидан мамнунман. Шоир бир шеърда:

Йўлим тўғри, йўригим ҳақдир,
Улкан йўлдан кетиб бораман.
Бировлардан қолиб орқада,
Бировлардан ўтиб бораман,

— дейди.

Тўра ака! Йўлингиз пойдор бўлсин! Энди элликка кирибсиз, тагин эллик йил созингиз тинмасин ва синмасин!

Саъдулла СИЕЕВ

Гулжаҳон

ДОСТОНДАН ПАРЧА

Кам эшитиб, кам кўрдим
Қуролсиз жангномани.
Кўпнинг ўз кўли билан
Битилган бахтномани.

Қирқ қишлоқнинг қирқ қизи —
Қирқ суқсур, қирқ кундузи:
Қирқ қишлоқнинг қирқ қизи —
Қирқ ойи, қирқ юлдузи;
Қирқ қишлоқнинг қирқ қизи —
Қирқ кеча, қирқ кундузи;
Ҳар бири қирқта қиздан —
Таърифлари тенгсиздан
Йиға бошлаб кунба-кун
Ишни қилмишдир якун.
Қуролланиб шай бўлиб,
Кўнгиллари жой бўлиб,
Отланиб бари бирдай
Шоҳнинг саройи томон
Йўл олар тошқин Сирдай.
Гулжаҳон барига бош.
Қизларга жони туташ.
Қирқ паҳлавон, қирқ йигит —
Бари қасоскор йигит
Ҳар қайси қирқ йигитдан —
Яшин мисол ер-кўкка
Учиб, қўнар бургутдай
Тўплаб бари бир бўлиб,
Ҳамдам, ҳамфикр бўлиб,
Қиладиган ишлари
Ўрталикда сир бўлиб,
Шоҳнинг қалъаси томон
Юришар йўлбарссимон.
Элназар буларга бош
Оломонни олдинга
Ундаб дер:
Дарёдай тош!
Қирқ кул ҳам қирқ томондан
Қолишмай оломондан
Сўйил олишиб қўлга
Қўшилиб олҳо-олга
Кўрғон сари кўзғолар
Довруғ солиб йўл олар.
Бир кишига ўн киши
Қўшилиб йўл-йўлакай,
Дейишиб:
— Йўқсилликда
Кун кўрамиз табакай.
Бу қандай бир замондир
Бўзлаган кўп, кулган оз.
Ортда қолиб бу кунлар
Қиш ҳам ўтиб, келар ёз,
Қайда сулув қиз бўлса
Урни бу кўрғондадир.
Шўрлик ота-онаси
Бир умр армондадир.
Хароб бўлди эл-улус
Жаъфар шоҳнинг дастидан.



Зил кетгани чин бўлсин
Тож-тахтининг остидан.
Йигит, қиз — сарбозларнинг
Бошларида дубулға:
Эғнида зирҳли совут,
Йўл бошлар — «Қани, олға!»
Кўксиди пўлат қалқон,
Қўлда испиҳон, найза.
Ҳадемай бу ҳол бўлмиш
Эл-улусга овоза.
Сой, дарёлар туташиб
Денгиз бўлгани мисол:
Уммоннинг куч-қудрати
Тенгсиз бўлгани мисол
Оломоннинг тўлқини
Чайқалиб тошган эди.
Тўлқин пўртаналари
Қўкка туташган эди.
Бу кўзғолон таърифи
Тоғлардан ошган эди.
Жаъфар шоҳ таъбирдан
Тамом адашган эди.
Кўксиди армонлари
Тоғдай қалашган эди.
Гулжаҳон эрдай бўлиб —
Рустам ботирдай бўлиб,
Ўлжасига мўлжаллаб
Ташланган сордай бўлиб,
Қайда қизгин жанг бўлса
Шу ерда бордай бўлиб:
Элназарни қошига
Чақириб ёнбошига
Сўзлайди кўпга қараб:
— Утирмасдан, деб, ёраб,
Шоҳлик салтанатини
Тугатар бир чоқ келди!
Барча кўриб турибди:
Жаъфар шоҳ олчоқ келди.
Йил, ой эмас кун сайин
Мамлакат хароб бўлди.
Кўрсатган йўл-йўриғи
Оқ эмас, сароб бўлди.
Таслим бўлар, бўлмаса
Жон олиб, жон бериши.
Шоҳни, амлақдорларни
Ўз қонига қориши.
Демангиз яна ҳар ким
Ўзини қутқариши.
Бу жанг шундай жанг бўлар,
Қўрқоқ ҳоли танг бўлар.
БУ ЖАНГДА, БУ МАЙДОНДА
ҚИРҒИНДА, ҚЎЗҒОЛОНДА:
ҚОЧИБ ЎЛГАН — КЎМГУЛИК!
ҚУВИБ ЎЛГАН — МАНГУЛИК!
Гулжаҳоннинг бу гапи
Кўпни отлантиради.
Кексамидир, ёшмидир,
Бирдай қувонтиради.
Гулжаҳоннинг номидан
Шоҳга нома битилар.
Нома, талабномада
Шундай шартлар айтилар:
— Туғилмаган Тиловга
Тилла бешик излаган,
Эли қолиб ҳаммиша
Ўзлик-ўзин кўзлаган,
Шоҳимиз сизга айтар
Шудир сўнги сўзимиз.

Тубандагича шартни
Шундай туздик ўзимиз;
Таслим бўлсангиз, майли,
Яшангиз эл қатори.
Йўкса бўл умрингизнинг
Бўлмагай тонготари.
Арпа емас отлар ҳам
Ажирикқа зор бўлди.
Эрлар хилватгоҳларда
Кунин ўтказар бўлди.
Ошиқ маъшуқасига
Интик, интизор бўлди.
Тутган йўриғингиздан
Халойиқ безор бўлди.
Истагимиз — жангоҳда

Тўкилмасин қатра қон.
Шаҳар вайрона бўлиб
Бўлмасин қирғин, қирон.
Бундан буён қатлгоҳ
Қилингуси қатағон.
Беҳуда оққан қонга
Тўлангусидир товон.
Гулжаҳон бошлиқ неча
Туман улус тўпланиб.
Шоҳдан жавоб келгунча
Суворийлар ўртаниб,
Девонхона атрофи
Куршаб олинмоқдайди.
Жангу жадал белгиси —
Бурғу чалинмоқдайди...





Иброҳим Ғафуров

Ишқ ҳамда мурувват

Улуғ ўзбек мутафаккир
шоири Алишер Навоийнинг
«Фарҳод ва Ширин»

достони яратилганига 500 йил тўлди.

Ўзбекистон Ленин комсомолу мукофотининг
лауреати, адабий танқидчи ва адабиётшунос
Иброҳим Ғафуровнинг мазкур мақоласида

достоннинг боқийлик сирлари,
унга сўнмас жозибаси ва шуқуҳ

бахш этган бадиий

фазилятлар хусусида фикр юритилади.



Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Алишер Навоийнинг буюк ижодий меросини ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Суратда [чапдан]: катта илмий ходим Бўрига Ваҳובה, аспирант Ғолиба Жўраева, кичик илмий ходим Сурайё Турсунова ҳамда чодир қўлғамалар билимдони, катта илмий ходим Абдулла Носиров.

Б. МИЗРОХИН фотолари

Сени халос этар янги йўл аён —
Кўрққанимни кўриб сўз бошлади у, —
Ваҳшатли уяга қайтма ҳеч қачон...

Данте, «Дўзах», 91-банд

Бу дoston совуқ мулоҳазалардан эмас, одмигина ижодий ниятлар ҳамда ҳисоб-китоблардан эмас, ишқдан, шoirнинг чинакам ишқидан туғилди. Навоий «Фарҳод ва Ширин»ни ёзишга киришганда қирқ уч ёшни тўлдирган эди. Мана шу паллаларда шoir ўз бошига «ишқи бало шўр» тушганлигини ва у жонини қийнаганлигини ёзади:

Яна боис Бухим, ишқи бало шўр
Бир ўтдин айлаб эрди жонима зўр,
Тилим худ бор анинг таърифиди пол.
Қилай хомам тилидин шарҳи аҳвол,
Ҳазин жонимда бор эрди балое.
Балолинг ишқ ила ҳар ён ҳавое,
Биров ишқи солиб жонима андуҳ,
Машаққат тоши юклаб кўҳ то кўҳ...

Шoir бу паривашдан дев зулмини кўрганлигини, юраги ишқ меҳнати жафолари, ғамларида ўртанганлигини ва бир ойдан бери шу ҳол давом этаётганлигини кўюниб ёзади. Маъшуканинг раҳмсиз қилиқларини чизади. Ва «чу маъшук аҳд эмастур, чора ҳуштур», деган хулосага келади. Мана шу ўртанишлар ичида шoir қулоғига ажиб бир садо эшитилади. Бу садо унинг назарида кўк хотифидан келаётгандай бўлиб кўринган эса-да, лекин аслида у шoir юрагидан келмоқда эди. Унинг изланиш ғалаёнларидаги ижодкор кўнгли қатъий ҳукм айтиб шивирламоқда эди. Сен ишқнинг бу қалбаки кумушларини қўй, ўзи муносиб бўлмаган маъшукани «бути сийминбар», «маҳ пайкар» деб ортиқ даражада таъриф-тавсиф қилишларини ташла, уни ўзингга қиблагоҳ қилма, ишқиди оҳларингни фалак тоқларидан ўтказма. Зотан, асли моҳиятини олиб қараганда, бу жаҳл билан тенг. Сен, маърифатли шoir, бу жаҳлдан кечиб, чинакам имон ғажиналарини ахтариб топил. Овоз шoirни кон қазмоқликка, илм-маърифат хазиналарини, маъно дурларини топишга ва сўнг олам аҳлига тортиқ қилишга чақиради.

Шoirнинг улуғ юраги уни доимо мана шундай улуғ ишларга, катта фаолият майдонларига чорлаб туради. Улуғларнинг ишларидан ибрат ҳамда намуна олмоқликка учдайди. Юрагидан кон қазмоқ овозини эшитганда, шoirга бу овоз янада муайянроқ йўлни ҳам кўрсатади. Фарҳод тешаварни эслатади... унинг тархини ўйла, мулоҳаза қил, деб илҳомлантиради. Шoir буюк устозлар руҳини шарафлаб, алломам замон Жомийдан мадад олиб, хазина йўлини очишга киришади. Ва шoir инсон маънавиятининг ҳаракатчан кудрати ҳақида улуғ дoston ёзади.

Бу дoston диққинафасликка қарши дoston. У диққинафас дунёдан, торликдан, биқикликдан кенгликка, ҳурликка, баркамол, инсонни сарафроз этувчи ният ҳамда мақсадлар билан яшашга чорлайдиган ва шунга ўргатадиган дoston. У — билиш дostonи.

Инсон дунёдан кўр — маънавий басир бўлиб ўтмаслиги керак.

Кўрмоқ, билмоқ, ҳаракат қилмоқ, ҳамма ерда эзгулик уруғларини эсмоқ — дostonнинг шoirи шу.

Фарҳод нафсоният нуқтаи назаридан қараганда, ҳамма нарса исталганча муҳайё бўлган муҳит ҳам шароитда дунёга келди. Чин ҳоқонининг мамлакати ҳам, давлати ҳам, қўшини, кўр-бисоти ҳам чексиз. Шундай чексиз нафсоний имкониятлар ичида Фарҳод ўзини доим бўғилгандек сезади. Доим ғам ичида ношод юради.

Асли бу диққинафаслик дарди. Фарҳоднинг маърифатли, пок юраги парвоз тилайди, парвозга интилади. Тилаги ҳадеганда рўёбга чиқавермагач, унинг дилига ҳеч кетмас бўлиб парвоз дарди ўрнашади.

Фарҳод ҳоқон мулкида қанча имкониди бўлса, шунча илмларини ўрганди, инсон ҳунарларига қизиқди. Ҳар ҳунарда тенгсиз моҳир бўлди. Тарих китобларини, жаҳонда битилган ишқ дostonларини ўқиди ва ёд олди.

Лекин дарди енгиллашмади, аксинча баттар чуқурлашди. Лекин энди парвоз дардига ишқ дарди ҳам қўшилди. Бу

номаълумлик ишқи. Ҳали ҳеч нарса маълум эмас. Лекин Фарҳоднинг жонини номаълумлик ўртайди. Унга бир зум бўлсин тинчлик бермайди. Шоҳ мулкининг айшу фароғатларидан юраги тарс ёрилай дейди. Зотан у айшу фароғат одами эмас. Унга айш, лаззатпарастлик диққинафаслик етказди, холос.

Шунда Фарҳоднинг кўзлари отасининг хазиналарида Искандар кўзгусига тушди ва кўзгу орқасидаги ёзувни ўқиди. Бу Фарҳодга аталган, Фарҳоднинг ёзуви. Унинг умрида биринчи дуч келган сирли тақдир ёзуви. Бундан сўнг у ҳали яна бир неча маротаба бундай тақдир ёзувларига дуч келади... Ёзув Фарҳодни йўлга чорлади.

Фарҳод олдида мақсад йўли очилди. Унинг юрагига мақсад урнатди.

Мана шундан бошлаб, у мақсад кишисига айланди. Энди у ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди, орқага чекинмайди. Ёзув унга уч офат ва уни енгishi йўлини кўрсатди.

Бу маърифатнинг азалий йўли. Шарқдан Фарбага борадиган йўл. Катта Шарқдан — Катта Фарбага. Фарҳоднинг йўли Юнон сари. Нега бошқа бирон мамлакат эмас, аини шу Юнон! Урта аср Шарқ мамлакатларининг гуманистлари наздида Юнон маърифат ҳамда ҳикмат ўлкаси эди. Жаҳонга Сократ, Платон, Аристотель, Зенон, Фалес, Гесиод, Ҳомер сингари гениал ҳақимлар ва Александр Македонский каби тарихда ўчмас из қолдирган кишиларни етказиб берган нурафшон диёр эди. Навоий Платон ва Аристотель фалсафаси теранликларини чуқур билган ва юрагида Юнон маданиятига улғу ҳурмат тарбиялаган интернационал кенгликларда фикрловчи зот эди. Ҳикмат ўрганиш эса унинг идеали эди.

Шунинг учун ҳам унинг сеvimли қаҳрамони Фарҳод ҳикматнинг ипак йўлидан Юнонистон сари боради. Сирлар оламини Юнон томонларда очади ва кашф қилади.

Унинг юраги шундан сирларни очишга етилган эди. Фарҳоднинг истаги ва мақсади жуда кучли истак. Лекин у истагим шу деб адабсизликларга йўл қўймайди. Отасига кўнглидаги ниятни тўғридан тўғри айтмайди, балки доно вазир Мулкоро орқали айттиради. Бунда шарқона муомала этикетига жуда нозик риоя қилинганлигини кўрамиз. Фарҳод ўз замонасининг одоб илмини теран эгаллаган зот. У «атолик ҳақи орада бор» эканлигини унутмайди. Ва мадобо отаси унинг йўлга чиқишига розилик бермаган тақдирда ҳам, ўртада одоб пардаси кўтарилмаслигини истайди. Ота юзига тик боқиш унинг табиатида бутунлай зид. Шунинг учун ўртага Мулкорони қўяди.

Лекин шу билан бирга тақдир ҳукмини ота ҳукмидан, ризилогидан юқори деб билади.

Олиб бошим, демай обод ила чўл,
Ҳам ул мақсад сари тутқум дурур йўл.
Йўлумда девдур, гар аждаҳоудур,
Тилсим ичра агар юз минг балодур,
Юмуб барча таҳошдан кўзумини,
Ул офатларга ургумдир ўзумини...

Мана шундай ҳолатда ота ўғилга, ўғил отага муносиб йўл тутадилар. Ҳоқон ўғлига сафарда ҳамроҳ бўлишга қарор қилади. Мулкоро ота муддаосини Фарҳодга етказди. Худди мана шу ерда Навоий дostonда биринчи маротаба мурват сўзини ишлатади.

Билибким, гар деса, ёлғуз борурмен,
Бу ишни ўз қoшимдан бошқарурмен,
Эмас ул иш мурувват иқтисоси,
Бўлур ул ғамда мустаъсил атоси...

Фарҳод тақдир тақозоси тайинлаган йўлдан бориб уч офатни маҳв этади. Аждарҳони енгиб, Афрндун хазиналарини, сирли қилич билан қалқонни қўлга киритади. Эслатиб ўтмоқ ўринлики, бу қилич ҳам Навоий идеалларига жавоб беради. У фақат зoлимларинигина бошини кесиб, киши бегуноҳ бўлса, тиг унга асар қилмайди... Сўнг Фарҳод Аҳраман девни унинг машъум ўрмонида енгади ва Сулаймон узугини топади. Ниҳоят у Искандар тилсимининг сирини очади. Биз бунда Навоийнинг буюк фантазияси ҳозирги мураккаб роботларга ўхшаш гоятада мўъжиза маҳлуқ образини яратганлигига гувоҳ бўламиз. Навоий бу темиртан роботларни «ўпчин» деб атайдди. Упчинларнинг кўкракларига ғалати чироқ ёниб туради. Фарҳод шу

чироққа ўқ отиб сирли қаср эшикларини очишга ва Жамшид жомини кўришга муяссар бўлади...

Фарҳод буларнинг барига юрагида мушқулларни ҳал қилиш иштиёқи ёниб тургани учунгина эришди.

Ҳа, худди шундай! Инсон олдида туршиш мумкин бўлган мушқулларни ҳал қилиш иштиёқи. Бу қаҳрамонликларни одатий диний-мистик мўъжиза кўрсатиш деб қараш — Навоийнинг улғу гоясини англамаслик, унинг ижодий даҳосини бирёқлама тушуниш бўларди.

Фарҳоднинг йигирма ёшида бундай мўъжизалар очиш иштиёқи нақадар табиий. Навоий қаҳрамонининг романтик табиатидаги шу иштиёқни беҳад теран англайди. Ҳақиқатан ҳам, одам боласи бу ёшда узоқ ўлкаларнинг романтик хаёллари билан яшайди, ғалати мўъжизаларга тўқнаш келишини истайди, кашфиётлар қилгиси, қаҳрамонлик кўрсатгиси келади! Навоий Фарҳоднинг ёшлик иштиёқини психологик жиҳатдан нозик асослайди. У ўзини, ёшлигини, куч-қувватини, ғайратини қаерга қўйишликни билмай турган бир паллада тақдир унга сафарлар йўлини кўрсатди.

Фарҳоднинг йўли жасорат йўли. Йўқ, бу жасоратдан кўра ҳам муҳимроқ одаимийлик йўли. Одаимийликнинг энг асосий белгиларидан бўлган инсонни инсон қилган МУРУВВАТ йўли. Унинг аждаҳонни енгishi — мурувват. Девни қатп этиши — мурувват. Тилсимни очиши — мурувват. Зотан, Фарҳоднинг бу ишлари инсоният манфаатларига хизмат қилади. У инсон ақли-идрокнинг мўъжиз самараларини жаҳолат ҳамда разолат асоратидан халос этади. Бинобарин, аждаҳо аждаҳо эмас — жаҳолатдир. Дев дев эмас — разолатдир. Фарҳод инсон ақлининг улғу меваларини улар зулмидан қутқарди ва яна оддий халққа қайтарди.

Навоий Фарҳодни хаёлот олами ичига олиб кираркан, бу оламини гавдалантириш ва тасвирлашда ўзгача образлар ва бадий воситалардан фойдаланади.

Фарҳод учун сирли олам отасининг хазинасида Кўзгуга дуч келиши ва унинг орқасидаги битикни ўқийшдан бошланган эди. Навоий шундан сўнг қаҳрамонининг бундан кейинги тақдирини ва хатти-ҳаракатларини ёзувлар билан чамбарчас боғлаб боради. Ёзувлар фақат хаёлот олами картиналаридагина учрайди. Булар: 1. Искандар кўзгуси орқасига ёзилган битик. У Фарҳодга Юнон йўлини кўрсатди. 2. Аждар ғоридаги тош устига битилган биринчи ёзув. У Фарҳодга яширин хазинани очиш йўлини кўрсатди. 3. Хазина ичидagi сирли қилич ҳамда қалқон тепасидаги ёзув. У Фарҳодга қилич билан қалқон хосиятидан хабар беради. Аҳраман девни маҳв этишга ишора қилади. 4. Дев қасри эшигининг четларига битилган ёзув. Фарҳодга янги ҳазина йўлини очди. 5. «Қандил аро» битилган ёзув. У Фарҳодга Сулаймон узугининг сирини маълум қилди.

Бу сирли ёзувлар фақат хаёлот оламидагина мавжуд. Достоннинг бошқа реалистик картиналарида учрамайди. Навоий улардан воқеанинг сирлигини бўрттириш учун фойдаланди. Уларга мўъжизавий тус беради. Шу билан бирга тухфалар йўлини очгувчи бу ёзувлар Фарҳодга маълумотнома бўлиб хизмат қилади. Улар хаёлот оламининг Навоий топган ва бадий вазифа берган коммуникатив воситаларидир.

Навоий хаёлот оламида яна жуда ҳам характерли бўлган раҳнамо қоллар образларини олиб киради. Булар дostonда Сухайло ҳаким, Кўк кийган киши, Суқрот ҳакимдир. Уларнинг ҳар бирлари олам сирларини унинг маълум бир нуқтаси, тўғрироғи, чегарасигача биладилар ва шу чегарадан нари ўтмайдилар. Улар Фарҳодга ҳақиқатни очиш, мўъжизаларни кашф этиш, жаҳолат ва разолатни енгishi ва ниҳоят ҳақиқий ҳамда мажозий ишқ йўлларини кўрсатиб, шу йўллардан боришга ундаб раҳнамолик қиладилар.

Буларни бош қаҳрамонни огоҳ қилувчи образлар деб аташ тўғрироқ бўларди. Улар Фарҳоднинг библи даражасини беҳад кенгайтирадилар, унинг хатти-ҳаракатларига маданий савия бағишлайдилар.

Зотан, Фарҳод яна бир маънода маданият ҳамда ободлик элтувчи қаҳрамондир.

У гўзал Арманияда ишқнинг охларини чекибгина юргани йўқ. Фарҳод бу ерда тоғу тошлар орасидан етмиш чақиримлик ариқ ўтказди. Наҳот ҳавзасини қазиди. Ширинга қасри олий қурди. Сувсиз, қақроқ ерларни неъмат билан обод қилди, рўшнолик ва ёруғлик келтирди. Оддий халқнинг меҳнатини енгиллаштирди. Булар унинг иккинчи улғу МУРУВВАТидан

туғилган маданий ишлардир. Шу мурувват қудрати билан унинг ишқи янада жозибалироқдир.

Ширин ҳам уни фақат гўзал йигит бўлгани учун эмас, улуг ҳунарга, маҳоратга, маҳоратида тенгсиз шижоатга эга бўлгани учун ҳам севиб қолди. Фарҳоднинг таъсирида унинг гўзал қалбида буюк фалсафа туғилди:

Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ўшбу басдур.

Бу фалсафа — яшамоқлик концепцияси Фарҳоднинг яшашдан кузатган мақсадлари ва қидирган маъноларига гоятда уйғундир.

Фарҳоднинг учинчи муруввати Ширин юртига бостириб келган Хисравга муносабатида ошкор бўлади. Фарҳод ишқ йўлида босқинчилик қилиш мумкинлигини ақлига сиғдирилмайди. У Хисравни ҳам, унинг сон-саноқсиз қўшинларини ҳам енгиши мумкинлигини билади. Бир тош отганда у Хисрав дубулғасининг тўғни учуриб юборади. Иккинчи тош билан унинг байроғини қўлатади. Шу билан у ёвни бутунлай қириб ташлаши мумкинлигига ишора қилади. Лекин ёв кетмайди. Фарҳод эса одам ўлдиришни ҳатто хаёлига сиғдирилмайди.

У ёвузлик билан омонсиз жанг қилмоғи мумкин. Лекин одам билан эмас. Инсон унинг наздида шарафли зот. Унинг қонини тўкиб бўлмайди. Шунинг учун Фарҳод душманни Ширин қалъасига яқин келтирмаслик билангина чекланади. Жаҳолат ва Разолат ҳамкорликда шунда ҳужумга ўтадилар. Ишқ ҳамда олий висол йўлига ғов бўладилар.

Фарҳод инсонга зўравонлик қилишдан ўзини тияди. Бу тийилиш асло ожизлик, заифлик белгиси эмас. Аксича, инсон эришиши мумкин бўлган энг юксак қудрат ва камолатнинг даражасидир.

Фарҳод ўзи эришган ва биз йигирманчи аср одамларига ҳам ибратли фазилатлари билан гоятда мароқли қаҳрамондир.

У дoston сўнгида табиат билан бирлашиб кетди. Унинг сўнг дамларда табиат кучларига — юлдузлар, сайёралар, шамоллар, оҳулар, тоғу тошларга муржоат қилиши, улар билан тирик мавжудот каби мулоқатда бўлиши — табиат билан бирлашиб кетиш натижаси эди. Унинг эҳтиросида маърифат ва маърифатида олий эҳтирос мужассамдир. Фарҳод ишқнинг абадий сўнмас тирик алангасидир. Ширини эса шу аланганинг қизил гунчасидир.

Не бахтки, улар бизга, адабиётимизга ҳамон фусункор шуълаларини ёғдириб турадилар.

Алишер
Навоий

«Сўздурки, нишон берур...»

Кўнгул дуржи ичра гуҳар — сўз дурур,
Башар гулшанида самар — сўз дурур!

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонға хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билгилким, гавҳари шарифроқ йўқ ондин!

Кўнгул маҳзанининг қулфи тил,
Ул маҳзаннинг калидин тил бил!

Сўзунга эрк берма,
Ишинга зўр бер!

Кимки, бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади!

Оқил чин сўздин ўзгани демас,
Валек, барча чин ҳам дегулик эмас.

Саҳв ила ёлғон демак, эрмас ҳисоб,
Билгач они, чунки қилур ижтиноб.

Бир хат гар эгри тушар, бир нуқат —
Нусхада, ҳар сафҳададур эгри хат.

Эгри-ю, туз васфи муҳаққак дурур,
Ботил эрур эгри-ю, туз ҳақ дурур.
Бир — буким, туз бўлса кишининг сўзи,
Йўқ сўзиким, ҳам сўзи-ю, ҳам ўзи!

Нағмалар туркона сўз эттим ўгуш¹
Мастлиғдин ўйлаким хушнағма куш.
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолин,
Кўрма, кимдир они, кўргил, ким нима дер!

Чин ғараз сўздин — маъни анго,
Ноқил² ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Насру назмим котиби тахминшунос,
Ёзса, юз минг бейт этар эрди қиёс.

Навоий, сўз ила анча гавҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди қаро ерга сенинг — килкингдин.
Бириға ё ўниға, ё юзиға, ё мингиға —
Дегай эл, найлагай ортуқ эса эллик мингдин?!

Жисм бўстониға шажар — сўздир,
Рух ашжориға самар — сўздир.
(Яъни, одам жисми бўстон бўлса, дарахти — сўздир,
Рух дарахтларининг меваси ҳам — сўздир).

Бировким, бир чаманда сойир эрди,
Нечаким, гул очилғон, кўрди, терди.
Ҳам ул ерда эмас гул истамак хуб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп!

(«Хамса» муқаддимасидан келтирилган шу тўртликда гап Навоийдан олдин «Хамса» битганларга нисбатан айтилган. Яъни, «Сендан олдин сўз бўстонини оралаганлар очилган гуллар — сўзларни териб олишган, энди улар ўтмаган ерлардан гул истаб, териб олмағинг даркор! Зотан, сўз бўстонида гул (дур) кўп»).

Навоий, телбаликни бир тараф қил,
Яна бир лаҳза сўз бошиға келгил.

Сўз гавҳаредурки, рутбасининг —
Шарҳидадур аҳли нутқ ожиз.
Андинки, эрур хасис — муҳлик,
Кўргузгуча дурур — масиҳ муъжиз!

Ражаб ЖУМАНИЕЗОВ тайёрлаган

¹ Угуш — кўп.

² Ноқил — гапирувчи.



ГЕРМАНИЯ

Қиш эртаги

ДОСТОН

Абдулла ШЕР таржимаси

Ҳенрих
Ҳейне

Тун чўкканда кирдик Кёльнга,
Шод тингладим Рейн сасини.
Юзга уриб немис ҳавоси
Каминанинг иштаҳасини
Йўлга солди. Мен ихлос билан
Ветчинадан тогиндим, афсус,
Шўр эканки шундай, ноилож
Рейнвейн буюрдим руҳсиз.
Рейнвейн олтинланар хўп,
Қадимгидек кўкиш қадаҳда
Сал ошсами — урар мияга,
Шаҳаншоҳсан туманли тахтда.
Қитиқларки димоқни шундай,
Юрак завқдан эришга тайёр!
Чорлар эди бўм-бўш тун қўйни,
Шаҳар бўйлаб тентидим такрор.
Мен уйларнинг тош нигоҳида
Айтилмаган хоҳиш илғадим,
Сўйлагудек Кёльн нақлини
Деворларки — қўтлуғу қадим.
Чулғамишди Кёльнни бир пайт
Роҳибларнинг имонсиз руҳи.
Шунда эди Хутген¹ бопалаган
Жаҳолатнинг нодон гуруҳи.
Ендирилди китобу одам
Заковату ижод қасдида —
Оятларнинг ҳиссиз сўзлари
Ва ёввойи бонглар остида.
Жаҳолату нодонлик эди
Суюк узра ириллаган ит;

Кисқартириб босилмоқда.

Революцион романтизмнинг улуғ намояндаларидан бири, гениал немис шоири Ҳенрих Ҳейне (1797—1856) сиёсий шеъриятининг чўққиси бўлмиш «Германия. Қиш эртаги» достони «Фауст» ва «Дон Жуан» қаторидаги XIX асрнинг буюк асарларидан ҳисобланади. Мавжуд феодал тузумни инкор қилиш ва ёрқин келажакни барқарор этиш туйғуси асарнинг лейтмотивга айлангандир. Мазкур достоннинг рус тилида ўн тўққиз таржимаси мавжуд. Таржимон уни ўзбек тилига ағдаришда нисбатан мукамалроқ бўлган В. Левик таржимасини асос қилиб олган.

Бугун эса итваччалари
Мугаасиб: таратар бад ҳид —
Ҳа, мана у! Сутдек ойдинда
Чўнг зулматдек ибодатхона!
Сув устида кўкка бош тираб
Тураб беҳад катта ордона.
Лозим эди руҳий Бастилия
Бўлмоғи у; Римдаги қузғун
Ўйлар эди: «Немис ақлини
Шу турмага айлаймиз тугқун».
Матонатли Лютер гулдираб,
«Тўхта!», деди уларга бироқ,—
Шундан буён то ҳануз жоме
На битди-ю, на ёқди чироқ.
Жомечилар, шўрлик тулкилар,
Қўлингиздан келмас мурдани
Тирилтирмак,— бемаъни гап бу,—
Тикламаклик қадим турмани.
Алаҳлаш бу! Энди беҳуда
Гапни зайтун ёғидек пуллаш,
Даҳрийлардан эланиб чақа,
Яҳудийдан садақа тилаш.

Истеъдодни, улуг Франц Лист,
Қурбонликка бермоқ нораво;
Беҳудадир бежама нутқлар,
Қиролимиз — қўлбола даҳо!
Битмагайдир Кёльн жомеси,
Гарчи галварс шваб галаси
Йўлласса-да бир кема мрамар:
Шитоб битсин, дея чаласи.
Ҳатто шундай пайтлар келарки,
Ҳеч баҳсиз ибодатхона, —
Шўрлик бино, — битмасдан туриб
Бўлгай улкан, ажиб отхона.
«Гар жомени отларга берсак,
Жасадларнинг аҳволига вой.
Меҳробдаги авлиёларга,
Ахир, қайдан биз топамиз жой?»
Шу ҳам гапми! Вақт борми дейсиз!
Роҳиблар деб бош қотирмоқ бас.
Уч авлиё шарқлик шоҳларга
Узга бир жой топилмай қолмас...

* * *

Уйга қайтгач, мени гўдакдек
Уз сеҳрига тез торғди уйқу.
Ухлаш немис тўшагида соз,
Соз, албатта, у бўлса парқув.
Уй суриш ҳам, ўйлаш ҳам яхши,
Пар тўшақда, асли, хуш онлар:
Бўлур бирдан немис қалбида
Узилгандек барча кишанлар.
У, жирканиб ҳамма нарсадан,
Учар хушбўй гўшалар томон.
Немис қалбин парвози, қаранг,
Қандай мағрур тушда, тунгги он!
Ҳасад қилар худолар ҳатто.
Уринтирмай йўлда у ўзни,
Қанотининг бир зарби билан
Узиб олар юзлаб юлдузни.
Француз ҳамда русларда ер кўп,
Британлар ҳоким денгизга,
Биз — ҳавойи ўйлар юртига,
Унда ҳеч ким тенг келмас бизга.
Унда ҳоким немис руҳининг
Бирлигию бизнинг мамлакат.
Шўрлик барча қолган миллатлар
Судралишар ер бўйлаб фақат!
Қаттиқ ухлаб қолибман, тушда
Кезармишман бемақсад, бедор
Бўм-бўш Кёльн кўчаларини
Ойнинг совуқ нурида такрор...

* * *

Эрталабки соат еттию
Қирқ бешда мен чиқдим Кёльндан.
Биз учларда келдик Ҳагенга.
Тамаддига вақт етди. Зотан
Дастурхон тахт. Унда нақ барча
Қадим немис таомлари бут.
Салом сенга, янги шакароб,
Тарагганинг қандай хушбўй ҳид!
Сизнимасми суйдим, қайлали
Каштанларим, болалик чоғдан?
Салом сенга, азиз треска,
Донишмандсан, — сузьянсан ёгда!
Сезги ҳисси ёр бўлса кимга,
Қадрлагай у юрт ҳидини.

Хўп севаман тухум, сузмани
Ва дудланган ватан сельдини.
Шўх рақс тушар мойда колбаса!
Қораялоқ, ноз билан, пушиб,
Нақ муссдаги амурча каби
Қиқирлайди менга кўз қисиб.
«Салом, элат! — дейди чуғурлаб. —
Қайда эдинг шунча пайт, шоввоз?
Балки сенинг бегона элда
Ет қуш билан донлашганинг рост?!»
Стол узра турар фозхоним, —
Мулойиму содда, фели хуш.
Бир пайтлар у ёшлик чоғида
Балки севмиш мени бояқиш.
У тикилар маънос, гамзали
Менга худди қилгандек имо.
Гўзал қалбга эга эди у.
Қаттиқ эди бадани аммо.
Келди охир чўчқа боласи,
Кўринишдан ёқимтой чунон.
Урайдилар дафна баргига
Чўчқа бошин бизда то ҳамон!

* * *

Эрталабки туман тарқалиб,
Гира-шира пушти нур аро
Пайдо бўлди қаршимда ногоҳ
Йўлда хочга михланган Исо.
Йиғлагудек бўламан қараб,
Шўрлик қондош, ҳолингга ҳар кун,
Ювмоқ бўлдинг қавминг гуноҳин, —
Тентак, — қавминг иқболи учун!
Емон ҳазил қилди сен билан
Қўли узун мўътабар зотлар.
Қай жин уриб мияннга кирди
Пона бўлиб черков, оятлар?
Афсуски, сен босма дастгоҳин
Билмас эдинг, эй бахти қаро.
Қилар эдинг, йўқса, кўкка хос
Гапни қалин бир нашрга жо.
Унда не гап ерга хос бўлса,
Қирқар эди цензура бешак.
Қутқарарди сени у хочдан,
Рўй бермасди михланиш, демак.
Юксак ваъзни бўларди айтсанг
Амал қилиб меъёрга, бир-бир.
Эс-ҳушинг бут, мужкин эди-ку
Роҳибларга тегмаслик, ахир!
Қувдинг судхўр, чайқовчиларни
Бутхонадан шарманда қилиб.
Хаёлпараст, энди сен бизни
Қўрқитасан хочдан, осилиб!

* * *

Совуқ шамол, яйдоқ, тақир дашт.
Арава ҳам дўқирлаб борар.
Қалбдан эса янграйди бир куй:
«О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»²
Қадим оҳанг янграркан, бўлур
Қаршимда ул кампир намоён.
Мен кўраман нуроний, ажин
Босган рангпар чехрани шу он.
Мен кампирни тинглардим бесас,
Аста, жиддий, олиб ақлни,
Бошлар эди қудратли кайзер
Ротбарт³ ҳақда қадим нақлни.

Йўқ, ўлганмас кайзер,— дерди у,—
 Бу олимлар тўқиган ёлгон.
 Қурулланган маҳрамлар ила
 Тоғ қағрида яшар у ҳамон.
 Кифҳайзер деб аталар ул тоғ
 Унда зарҳал гор-сарой қоим.
 Тантанали нурдан чарогон
 Чўнг гумбазли заллари доим.
 Биринчи зал — отхона, унда
 Епинганча зирҳли оқ совут
 Оҳур узра турар тулпорлар —
 Бургутсавлат, солғудек човут.
 Иккинчи зал — даҳлиз, у ерда
 Етар кайзер легионлари.
 Соқол қўйган, қавоғи солиқ,
 Матонатли уларнинг бари.
 Учинчи зал — кумуш ва пўлат,
 Ойболтаю қилич. Мис совут,
 Дубулгалар. Улкан палаҳмон...
 Фаранглардан қолган газна-қут.
 Кайзер яшар тўртинчи залда.
 Утар аср кетидан аср,
 У қўлларин тираб столга
 Тош тахт узра ўлтирар басир.
 Чўгранг-малла соқоли унинг
 Ерга тушмиш бир қучоқ бўлиб.
 Гоҳ кўтариб оғир қавоғин,
 У боқади газабга тўлиб.
 Ухларми ё ўйга ботмишми —
 Бермоқ қийин аниқ бир жавоб.
 Зарур пайтда, бироқ, у ҳушёр.
 Шон чорласа қўзғолгай шитоб.
 Бошда тутиб уч рангли тугни
 Жангчиларни уйғотур у чоқ:
 «Отга! — деган қўмонда ила
 Тузар бир саф — янроқ, ярқироқ.
 Сўнг ҳар бири отга бўрондек
 Ўлтирганда яйраб кишнар от,—
 Чавандозлар учар жанггоҳга,
 Шодон янграр карнайлар бот-бот.
 Эгарда ҳам, зарбда ҳам тенгсиз,
 Улар учун жанг ўйин гўё.
 Кайзер эса қилиб ҳакамлик,
 Қотилларга беради жазо.
 Қотилларки, хор этмиш гулни,
 Германия — кўзлари зангор
 Ул гўдакни, заркокил қизни.
 «О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»
 Етган бўлса кимки жон асраб,
 Бош чиқармай қасридан зинҳор.
 Уни одил судга тортади
 Барбаросса — ҳақгўй қасоскор!
 Йиллаб дилда сақланган қўшиқ
 Қандай тотли, қандай оҳангдор!
 Куйлар менинг иримчи қалбим:
 «О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»

* * *

Емгир шундай совуқки, захри
 Нинадан ҳам ўткир ҳойнаҳой.
 Отлар думин силкитар гамгин—
 Терга ботган, ёлигача лой.
 Мудроқ босди. Мен ухлаб қолдим
 Ва туш кўрдим хўп аниқ-равшан:
 Ротбарт ҳукм юргизган ўшал
 Мўъжизавий тоғда эмишман.
 Аммо энди ўлтирмасди у

Одатича, бўлиб тош ҳайкал.
 Улуғвор ҳам боқмасди буткул
 Биз тасаввур қилгандек бу гал.
 У мен билан узоқ вақт кезди
 Тарк этганча шоҳона кибрин
 Ва ўз мулкин кўрсатди ноёб
 Едгорликдек, сўнг, бирин-бирин.
 У қуруллар залида менга
 Тушунтирди нелигин тўқмоқ.
 Қиличларни артиб, текширди
 Кескирлигин тегизиб бармоқ.
 Топиб товус думин, у билан
 Сўнгра, қоқди совутдан тортиб
 Дубулгаю сипарлар устин
 Қоплаб ётган чангни ботартиб.
 Муҳимлигин бу ишнинг англаб,
 Тозалади тугни у, дея:
 «Қурт емаган, қара, дастан
 Шойига ҳам тушмаган куя».
 Биз кирган чоқ жангчилар саркаш —
 Чўнг легион бўлиб кўндан тин
 Олаётган залга, қария
 Деди гамхўр овозда секин:
 «Сўзлаш лозим шивирлаб, йўқса
 Уйқусидан кўтаргайлар бош.
 Яна ўтди юз йил, уларга
 Тўлаш керак шу бугун маош».
 Девор бўйлаб отлар ҳайкалдек
 Чўнг саф торган залга кирган, чол
 Қўлларини аллақандай бир
 Хаяжонда ишқади хушҳол.
 У санашга киришди дарров
 Шанагилаб отлар сагрисин.
 Санаб-санаб, сўнг бирдан лабин
 бурганича айтди тўгрисин:
 «Етишсайди бу гал ҳам,— деди
 Йиғлагудек бўлиб у, пурғам.—
 Қурол-яроғ, одамлар бизда
 Етарли-ю, аммо отлар кам.
 Амрим билан аспи жаллоблар
 Жўнатилган кўндан ҳар ёққа
 Энг баланд нарх билан биз учун
 Зўр отларни сотиб олмаққа.
 Ҳаммаси бут бўлгач, бас — жангга!
 Шундай жангки, битта зарбадан
 Немис халқи этилиб озод,
 Халос бўлгач қулликдан Ватан».
 У жим бўлгач, кичқирдим: «Қани,
 Ишга, қари қиличбоз! Бешак
 Авжга чиққан пайтда ур-йиқит
 От етмаса — топилгай эшак».
 Бироқ Ротбарт кулди: «Шошмоққа
 Кўрмаяпман эҳтиёж асло.
 Қурилмаган Рим ҳам бир кунда,—
 Вақт керакдир ҳар ишга зеро»...

* * *

Мен уйғондим силтовдан ногоҳ.
 Бироқ мудроқ босди-ю, шу он
 Яна элтди Ротбарт ёнига —
 Кўндан таниш Кифҳайзер томон.
 Сўхбатлашиб тагин, биз ўтдик
 «Гум-гум қилган йўлакдан аста.
 Менга савол берар қария
 Қарашларим билмоқ қасдида.
 Кўп йилки у беҳабар эди,
 Юмиб инсон дунёсидан кўз,

Етти йиллик урушдан бўён
 Эшитмаган эди жонли сўз.
 У, Моисей Мендельсон, Каршин¹
 Қалай, деб, сўнг қизиқди зимдан
 Дабдабали сарой хоними
 Дюбаррининг аҳволи билан.
 «Кайзер! — дедим. — Қандай қолюқсан!
 Аллақачон Моисей ўлган,
 Равеккаси, ўғли Авраам ҳам
 Қабрдаги хок — чириб бўлган.
 Давр сурди Дюбарри² жазман
 Шоҳ — Людовик Ун бешинчи то
 Тирик экан; гильотинада
 Кампир кейин жон берди аммо.
 Гар Людовик Ун бешинчи тинч,
 Қиролга хос топса қазосин,
 Ун олтинчи ва Мариянинг
 Гильотина берди жазосин.
 Қиролича сўнг нафасгача
 Узин тутди мағрур ва сипо,
 Етмасданоқ гильотинага
 Фарёд солди Дюбарри аммо».
 Ногоҳ кайзер қотиб қолди-ю,
 Қўрқув ичра сўради: «Улар,
 Авлиёлар ҳаққи, айт, дўстим,
 Гильотина билан не қилар?»
 «Бу, — дедим мен, — қабристонларга
 Зоти ҳар хил, лекин кераксиз
 Одамларни тез кўчирмоқнинг
 Янги осон усули шаксиз.
 Узи жўн иш, бажарувчиси, —
 Бошқарсанг бас, — бир машинадир.
 Кашиф этмишдир жаноб Гильотен, —
 Унинг номи гильотинадир.
 Боғлайдилар катта тахтага,
 Икки ёнда иккита тўсин.
 Боғичи бор учбурчак болта
 Бошда турар осилган йўсин.
 Боғич андак тортилсами, бас, —
 Болта ўқдек пастга учади.
 Зум ўтмайёқ, алоҳида бир
 Кажавага бошинг тушади».
 Бирдан кайзер қичқирди: «Бас қил
 Сен мақташни гильотинани!
 Эрмагини қаранг! Кўрмоқдан
 Асра, тангрим, бу машинани!
 Шармандалик! Тахтага боғлаш
 Қирол билан қироличани,
 Бу — қиролни ҳақоратлаш-ку,
 Одоб қани, эҳтиром қани?
 Сен-чи, сурбет, хўш, қайдан келдинг?
 Танобингни тортишим тайин!
 Уйнашмагин мен билан, тагин
 Қанотингни юлиб олмайин!
 Хўш зардамни қайнатдинг, сени
 Сафсатабоз, келтирди қай жин?
 Кулгинг ўзи тожга хиёнат
 Ва ҳақорат эрур тахт учун!»
 Унутди-ку одобни буткул
 Чол тушмагур ҳаддидан ошиб.
 Юрагимда не бўлса, мен ҳам
 Шартта айтдим газабим тошиб.
 Мен: «Херр Рогбарт, шўрлик афсона!
 Ултирабер шу ўрангда жим!
 Ақлимизни бир навъи йўлга
 Солалгаймиз ўзимиз! — дедим. —
 Қора-қизил-тилларанг ўшал

Байрогингдан, билганинг маъқул,
 Аллақачон кўнглим қолдирган
 Тевтономан оломон буткул.
 Энг яхшиси, ўлтир ўрангда.
 Бор ташвишинг сенинг — Кифҳайзер.
 Биз-чи... Агар ўйлаб кўрилса,
 Нега керак биз учун кайзер?»

* * *

Мен Ҳарбургдан салкам бир соат
 Ичра келдим Ҳамбургга. Оқшом,
 Суёт ҳавода бор эди чарчоқ,
 Юлдузларда — сокин бир салом.
 Уйда онам очдию эшик,
 Чўчиб боқди, сўнгра ногаҳон
 Бахтдан юзи ёришиб кетди,
 Чапак чалиб юборди шодон.
 «Болажоним! Ун уч йил сени
 Мен соғиндим йўлингга маҳтал.
 Қорнинг очдир, шундайми, ўғлим,
 Нима овқат келтирай аввал?
 Балки ерсан балиқ ва ғозни,
 Сўнгра эса — апельсинларни?»
 «Майли, келтир балиқ ва ғозни,
 Сўнгра эса — апельсинларни».
 Мен тановул этаётган пайт
 Бахтли, кулиб, тинмасдан тили
 Онам берар кетма-кет савол, —
 Анчагина қалтис бир хили.
 «Болагинам, сенга шунча йил
 Мобайнида қараб келди ким?
 Сарф-харажат, овқат, тикишни
 Биладими хотининг, ўғлим?»
 «Зап зўр экан балиқ, онажон,
 Кейин беринг саволни фақат.
 Тиқилмайин қилтиққа тагин,
 Ахир, бу пайт бўларми суҳбат!»
 Мен балиқни еб бўлар-бўлмас,
 Етиб келди зираворли ғоз.
 Суриштирар онам бот, яна —
 Қалтис эди саволи бир оз.
 «Ўғлим, айтгил қай мамлакатда
 Ҳаёт яхши? Қиёсласа гар,
 Хўш, қайси халқ яшайди афзал,
 Айт, бизларми ё французлар?»
 «Гап шундаки, ойи, гар жиддий
 Фикрланса, яхши бизнинг ғоз,
 Французлар моҳирроқ, лекин,
 Ҳа, уларнинг қайласи ҳам соз».
 Ғоз ҳам тезда хўшлашди, кейин
 Таклиф этди хизматин дарҳол
 Апельсинлар. Едим ўнтасин
 Зўрламасдан ўзни, бемалол.
 Суриштира бошлади кампир
 Яна бу пайт ёришиб юзи,
 Баъзи савол шунчалик қувки, —
 Дейсиз худди қопқоннинг ўзи.
 «Хўш, сиёсат бобида, ўғлим,
 Аввалгидек баландми шахтинг?
 Ҳозир қайси партиядасан?
 Ғоянг ўша, ўшамми аҳдинг?»
 «Оҳ, онажон, апельсинларнинг
 Бари, сўзсиз, ажиб, беқиёс.
 Лаззатланиб шаржатидан мен
 Қолдиряпман пўстини, холос».

Ярми ёнган шаҳаримизни⁶
 Киришганлар тиклашга алҳол.
 Жуни чала қирқилган лайча
 Янглиг Ҳамбург тура маъносҳол.
 Шаҳардан ҳам одамлар хароб.
 Манзара йўқ бундан нотаваон.
 Барча шумшук, қаргаймиш, худди
 Одимловчи харобасимон.
 Кимки озгин — бўлди буткул чўп,
 Семизи-чи — нақ ахта тўнғиз.
 Қаргайдию гўдаклар, қайтди
 Болафеъллик чолларга бу кез.
 Бузоқ эса кимки, энди у
 Сайр этади бўлиб зўр новвос.
 Жўжа гозлар мағрур пат кийиб,
 Зап етилди бўлиб ота гоз.
 Қогозфуруш дўстим⁷ биргина
 Букилмабди бу чўнг зарбадан:
 Сочи — олтин кўзи териси,
 Худди тирик авлиё Иоан.
 Чопиб ўтди ёнимдан Г. Г.
 Ҳаяжондан юзлари бўрта,
 Дерлар ёнган ақлин Биберга⁸
 У қилдирган экан сугурта.
 Учратганда кекса цензорни,⁹
 Ҳайрат билан турдим тикилиб.
 Пийпалабди тақдир уни ҳам.
 Қаргайибди, қолмиш букилиб.
 Қўл сиқишдик узоқ иккимиз,
 Кўз ёш қилди шу ондаёқ чол:
 Мени кўрмоқ бахт эмиш унга!
 Зап томоша бўлди-да бу ҳол.
 Тенгсиз лайча Саррас¹⁰ ўлибди.
 Худо ҳаққи, берарди дарҳол
 Кампе бир қоп шоирни жон деб
 Бу йўқотиш ўрнига алҳол.
 Насроний ва яҳудийлардир
 Ҳамбург аҳли қадим замондан.
 Улар учун умум одат шу:
 Чиқмаса бас ақча ҳамёндан.
 Насронийлар обрўли халқдир —
 Ёйди ёғли, фойдали овқат
 Ва векселни тўлайдилар тез
 Сўнги муддат олдидан фақат.
 Яҳудийлар бўлар икки хил,
 Икки жойда ибодат қилар:
 Янги жоме — янгилар учун¹¹,
 Калисога¹² борар эскилар.
 Янгилари чўчқа гўшти ер,
 Оппозиция томонда, бари
 Демократ; эскилар эса
 Киборчангал ҳаддан ташқари.
 Экисию янгисини ҳам
 Мен севаман, лекин, бирубор,
 Машҳур балиқ — дудланган шпрот —
 Ардоқлидир мен учун минг бор.

* * *

Гарчанд Ҳамбург Венециядан
 Республика гарзида гўрдир,
 Лекин лоренц майхонасининг
 Устрицаси бу ерда зўрдир.
 Кампе билан бордик биз ўша
 Майхонага давра қурғали,
 Устрицаю рейнвейн узра

Езилсин деб тиллар чигали.
 Ҳузур қилиб яйрарди Кампе
 Икки ёндан иззат қозониб.
 Қалб дунёсин сочар нигоҳи
 Маъбуданинг юзидек ёниб.
 Устрица ютарканман мен
 Рейнвейндан тотиниб тез-тез,
 Уйлар эдим: «Кампе зўр одам,
 У — ноширлар машғали сўзсиз!
 Ўзга ношир билан юардим
 Оч-яланғоч, гадодан баттар,
 Бу ҳаттоки май тутар менга —
 Олижаноб одат нақадар!
 Яратганга шукр! Ҳаётга
 Ток новдасин зангор нақш этмиш
 Ва Юлиус Каспени менга
 Ношир қилиб ўзи бахш этмиш.
 Азал-абад шукр тангрининг
 Қудратига, унинг дастидан
 Рейнвейн яралди ерда,
 Устрица — денгиз остида».
 Рейнвейн юмшатиб қалбни,
 Тинчлантирар юрак қатини.
 Уйғотур ишқ жаннати аро
 Биродарлик муҳаббатини.
 Сўнг хонадон қувлару мени,
 Кўчаларда кездилар сарсон.
 Қалб талпинар ўзга бир қалбга
 Ва сирли кўйлақлар томон.
 Кўз олдинда ул тотли ҳолат,
 Сен эрийсан ҳисларга тўлиб.
 Кўринади бор мушук — кудранг
 Ва ҳар хотин — Елена бўлиб.

Драйбенга¹³ бурилдим-у мен,
 Шу заҳоти ой чиқди мағрур
 Ва кўринди улғувор бир қиз,
 Сийнаси нақ кўш чўққи эрур.
 Нақш олмадек бети юмалоқ,
 Оғзи — гилос, икки юзи — гул,
 Эртакдаги феруза — кўзи!
 Аммо бурни шубҳали қизил.
 Бошидаги сурп қалпоғи зап
 Безалмишдир — каштаси гулдор.
 Қалпоқ худди минглаб минорни
 Бошда тутган юсак, чўнг девор.
 Болдирига тушмиш оқ кўйлақ,
 Болдирлари нақ кўпчиган қир.
 Чўнг оёғи олдида машҳур
 Дорийдаги устунлар ҳечдир.
 Яқин келиб деди у менга:
 «Эльба узра шоирга салом!
 Гарчанд кўп йил дунё кезсанг ҳам,
 Узгармабсан, сен — ўша мудом.
 Излаганинг бунда ким? Қувноқ,
 Машага мойил дўстларми?
 Е сен билан тунлар гўзаллик
 Орзусида ёнган кўзларми?
 Очкўз ҳаёт — юз бошли юхо
 Ул авлодни пугратиб, ютди.
 Энди йўқдир таниш қизлар ҳам,
 Ушал бахтли йиллар ҳам ўтди.
 Бари сўлди, бари тўкилди,
 Сен ёшликни излайсан бекор!
 Неки ерда гўзал, нурафшон
 Бўлса, унга шундай қисмат ёр».

«Кимсан? — дедим. — Сен тирик танга
Кириб олган кечмишмисан, айт?!
Уйинг қайда пахлавон аёл?
У шоирга очикми ҳар пайт?»
Аёл деди кулиб оҳиста:
«Бўёқларинг қора-ку нуқул.
Мен ахлоқли нозиктағб қизман,
Тарбиям ҳам бошқача буткул.
Йўқ, мен Париж фоҳишасимас?
Фақат сенга кўриндим аён.
Мен маъбуда Хаммонияман¹⁴ —
Хамбург учун қилич ва қалқон.
Бироқ сен — лол, сен чўчиб кетдинг,
Қиёфаси шоир, эй сарбоз.
Кетдик, мендан кўрқасанми ё?
Тонг отарга қолди жуда оз».
Яйраб кетиб дедим мен эса:
Ҳазилинг соз, гўзал гулрухсор!
Қани бошла! Ортингдан ҳатто
Мен дўзахга киришга тайёр!:

* * *

Чой келтирди менга маъбуда
Ва ром қўшиб узатди, зотан
Ўзи фақат ичар эди ром,
Чойни эса олмас эди тан.
У елкамга суюлди улкан
Бош кийими билан, сузиб кўз,
(Ғижим бўлди қалпоғи бир оз.)
Ва бошлади таъна билан сўз:
«Кўп ўйлардим ваҳмага тушиб:
Тергайдиган одам йўқ асло,
Ўз билгича яшар енгилтак
Французлар аро, деб, танҳо.
Унда дўстсан тўғри келганга —
Бориб, қайга деса ҳар бири.
Кошки сени кузатиб юрса
Ментор каби немис ношири!
Унда кўпдир енгилтак қизлар,
Улар гўзал, устомон, илдам.
Қучоғида, лекин, уларнинг
Ҳалок бўлур руҳ ҳам, соғлик ҳам.
Қайтиб борма, қолақол бизда,
Пок ахлоқдир юрт ўғиллари.
Даврамизда гуллар ҳозир ҳам
Ул бегуноҳ эрмак гуллари.
Мағқул тушар энди барчаси
Гарчандки сен таниқли саёқ,
Ривожимиз зўрдир, кўргайсан
Тараққиёт узин, синчков боқ!
Цензура ҳам бўшаган. Қари
Ҳоффман яқин ўлимин сезиб,
Бузмагай «Йўл манзаралари»н
Аввалгидек шафқатсиз кесиб.
Юмшагансан, улгайдинг бир оз.
Кўпни кўрдинг дунёда сен ҳам.
Бошқачароқ рангда илгарсан
Балки энди ўтмишни бу дам.
Яшамасди немислар ёмон
Гарчанд оғир йиллар бўлса ҳам,
Турмасида немиснинг ҳеч ким
Оч қолмаган, билгил, бирор дам.
Ўтмишда биз кўрардик тез-тез
Қобил қалбу юксак эътиқод
Хислатларин намоишини,
Энди эса — ҳаммаси барбод.
Ет эркларнинг ўша омилкор

Ақли билан иш тутиб ҳур, пок
Қалбимизни иситиб келган
Идеални биз эгдик ҳалок.
Эҳ, сир сақлай олсанг эди сен,
Мен эгардим ошкор бор олам
Сирларини — тақдир кўрсатган
Даврларнинг йўлларин бу дам.
Билур эдинг: кўплар тақдирин
Ва эртага илоҳий қисмат
Не буюрмиш Германияга, —
Оғзинг бўш-да, эҳ, афеус, фақат!»
«Сен буюк бахт ваъда қилгансан
Маъбудам, — деб мен қичқирдим шод. —
Германия эртасин кўрсат,
Сир сақларман уни умрбод!
Ерми ёки осмонга оид
Қай онтни ич десанг, мен ичай,
Бу сирингни қутлуг сақлай деб.
Шартларинг айт, барига мен шай!»
Сўнг маъбуда деди: «Қай онтни
Ичган бўлса қадим ал-Озар
Хўшлашаркан Иброҳим билан, —
Ўша онтни ичгайсан магар!
Барим кўтар, кўйлак ичидан
Қўлинг қўй-да белимга, шу дам
Бўламан, деб онт ич, камсуқум
Оғизда ҳам, матбуотда ҳам».
Тантанали лаҳза! Силади
Олис кечмиш нафаси юзни,
Такрорладим қадим оталар
Онтидаги мерос ҳар сўзни.
Кўйлагини кўтариб, қучга
Маъбуданинг белидан, шу дам
Онт ичдим деб: бўлгум камсуқум
Оғизда ҳам, матбуотда ҳам.
Қизардики шундай маъбуда
(Гўёки ром қилгандек таъсир
Тожига ҳам), тинглардим уни
Бўлиб маънос сасига асир:
«Кексайяпман. Хамбург қурилган
Кун туғилдим. У пайтда, билки,
Эльбагача етганди онам —
Трескалар шохининг мулки.
Шонли отам — Carolus Magplus¹⁵,
Афеус, кўпдан яшар нақлда.
Унга прусс Фридрих ҳам
Тенг келмасди кучу ақлда.
Аахенда — тантана билан
У ўлтириб тож кийган курси.
Аммо, не бахт, онамга тухфа
Этилмишдир ўзга бириси.
Ўша курси мандадир. Гарчанд
Кўринишдан гўзалмас, аммо
Мен Ротшильднинг бор бойлигига
Бу курсини бермасман асло.
Кўрдингми, у ана — бурчакда,
Жуда эски: на безак, на ранг.
Уриндиғи титилиб кетган,
Кую еган устини, аттанг.
Бироқ унга яқин бориб, сен
Уриндиғин кўтар, шу замон
Бўлур сенга юмалоқ тешик
Остида бир идиш намоён.
У қадимий сеҳрли идиш
Қайнаб турар мангу низодан.
Агар суқсанг бошни тешикка,
Келажакни кўргайсан, зотан
Германия эртаси унда

Хомхаёлдек кезар жонсарак,
 Қўрқма агар бадбўй рутубат
 Димоғингга урилса андак».

У жим бўлди галати кулиб.
 Аммо мен-чи, торгинмай, азот,
 Шахт ташландим ўша тешикка
 Ва бошимни суқдим шу заҳот.
 Нени кўрдим — айтмайман уни,
 Ичганман-ку, ахир, мен қасам!
 Сўзлаш мумкин мен учун фақат
 Ҳид ҳақида, бироқ, ё эгам, —
 Кўнглим айнир менинг ҳозир ҳам
 Едга тушса бадбўй, — минг лаънат! —
 Сассиқ салат, гўнг омухтаси, —
 Бу ҳам ҳали ибтидо фақат
 Ва баногоҳ! О, бу қандай хид!
 Тўжилгандек сассиги беҳад —
 Оқиндига нақ уюм-уюм
 Уттиз олти қувурдан ахлат.
 Жуда яхши ёдимда бордир
 Комитетда Сен-Жюст¹⁶ айтган гап:
 «Беролмагай гулоб ҳам, мулк ҳам
 Улуғ дардга шифо ила наф».
 Лекин шунни айти, эртанги
 Немиснинг бу бадбўйи чунон
 Сассиқ эди барча бад хиддан,
 Қора босди кўзимни шу он.
 Мен йиқилдим беҳуш, кўз очиб
 Ажиб ҳолни илғадим аранг:
 Мағбуданинг кенг тўшига мен
 Бошим қўйиб ётардим гаранг...

* * *

Мен у туннинг, дўстлар, кейинги
 Тафсилотин, шу эрур ният,
 Сўзлагайман ёз кунларида,
 Келганида лирик кайфият.
 Қари фосиқ, разиллар сафи
 Сийраклашар, шукур, кундан-кун,
 Елғончилик заҳмидан улар
 Ириб-чириб ўлмоқда бугун.
 Озод ақл, озод қалб билан
 Усмоқдаки бир янги авлод,
 Мен уларга бўяб-бежамай
 Барча сирни очгайман азот.
 Тушунар бу ёшлар шоирнинг
 Саховати ва гурурини,
 Зеро улар барг ёзар эмиб
 Шоир қалбин жонбахш нуруни.
 Қалбим ишқда чексиз нур эрур,
 Алангадек эрур мусаффо.
 Ерқин лирам менинг созланган
 Пок парилар қўлида зеро.
 Қадим эллин саҳнаси учун
 Бу лирани яратди отам —
 Аристофан, тенги йўқ устоз,
 Каменага¹⁷ энг суюк одам,
 Достонимнинг сўнги бобида

Мен «Қушлар»нинг сўнгига гоҳо
 Тақлид қилдим. Бу — отамнинг зўр
 Драмасин зўр қисми зеро.
 Гўзал асар «Қурбақалар» ҳам —
 Цензурани четлаб бемалол
 Қўйилмоқда энди Берлинда
 Вақти хушлик қилсин деб қирол.
 Қирол, шаксиз, муҳиб пьесага,
 Антик турмуш қондасига.
 Мойил эди отаси, аммо,
 Янги бақа тоифасига.
 Қирол, шаксиз, муҳиб пьесага,
 Тирик бўлса муаллиф аммо
 Пруссияга шахсан келишни
 Мен маслаҳат бермасдим асло.
 Бизда тирик Аристофанга
 Топардилар зумда қонунни,
 Жандармлар ташларди шаҳар
 Ортидаги турмага уни.
 Бериларди авомга рухсат
 Думни қисмай қилишга «ак-ак».
 Полиция оларди буйруқ:
 «Чириб кетсин турмада шаккок!»
 Бахт тилайман сенга, о қирол,
 Маслаҳатим, — қулоқ ос, — оқил!
 Ҳар кўйга сол, майли, марҳумни,
 Лекин тирик шоирдан қўрқил!
 Қўлингни торт тирик куйчидан!
 Сўзлари нақ қилич ва олов —
 Улар ўзи яратган зевс
 Чақинидан, ҳатто, беаёв!
 Таҳқирлагин Олимпнинг турфа
 Мағбудларин, майли, бешафқат
 Улуғ Яҳво билан бир бошдан, —
 Таҳқирлама шоирни фақат.
 Жазолагай мағбудлар, кимки
 Бу дунёда гуноҳ қилса гар:
 Шайтон дўзах қозонларида
 Олтингуғурт қайнатиб кутар.
 Бироқ, сизин авлиёларга.
 Ҳамёнинг оч каттароқ шунда
 Черков учун қилган эҳсонинг
 Гуноҳларинг ювгай у кунда.
 Қиёматда тушару Исо,
 Жаҳаннамнинг қопқаси қулар,
 Ушанда ҳам худо қаҳридан
 Баъзи қаллоб қочиб қутилар.
 Лекин борки ўзга бир дўзах,
 Унга ўтмас ҳеч кимнинг сўзи.
 Фойда бермас илтижо, ёлғон,
 Кечирса ҳам Исонинг ўзи.
 Айт, танишми, Данте дўзахи,
 Терциналар¹⁸ — ғазабнок нидо?
 Шоир кимни ҳукм этса, уни
 Қутқаролмас ҳаттоки худо. —
 Бу оловтил бандага фармон
 Беролмагай оламда ҳеч зот.
 Бас, сақлангил! Йўқса, отгаймиз
 Шу оловга биз сени азод



ИЗОҲЛАР

¹ Ульрих фон Хутген (1488-1523) — немис гуманисти.

² «О сен, қуёш, қаҳрли шарор!» Ёвуз киши қўлида ҳалок бўлган Оттилия деган қиз ҳақидаги халқ қўшиғи. Афсонага кўра, бу ёвуз қилмишни кейинчалик қуёш фош этади.

³ Ротбарт (Қизил соқол; немисча) — император Фридрих Барбароссанинг (1123-1190) лақаби.

⁴ Моисей Мендельсон (1729-1786) — немис маърифатпарвари.

⁵ Мария-Жанна Дюбарри (1743-1793) — француз қироли Людовик XV нинг жазмани.

⁶ Ярми ёнган шаҳаримизни... — 1842 йилнинг май ойида рўй берган Ҳамбург ёнғини назарда тутилмоқда.

⁷ Қоғозфуруш дўстим... — Ҳамбурглик савдогар Эдуард Михаэлис.

⁸ Вибер суғурта жамиятининг ёнғиндан сўнг синганига ишора.

⁹ Учратганда кекса цензорни... — Ҳамбургда 1822-1848 йиллар цензорлик қилган Фридрих Людвиг Ҳофманн назарда тутилган.

¹⁰ Саррас — Кампенинг лайчаси.

¹¹ Янги жоме — янгилар учун... — 1816 йилдан бошлаб Ҳамбургда янги калисо ишга тушган эди. Унда ибодат немис тилида олиб бориларди.

¹² Калисо — Яхудийлар ибодатхонаси.

¹³ Дрейбан — Ҳамбургнинг фоҳишалар жойлашган кўчаси.

¹⁴ Ҳаммония — Ҳамбургнинг лотинча номи, дostonда у Ҳамбург шаҳри маъбудаси сифатида талқин қилинади.

¹⁵ Sergius Meergis (лотинча) — Буюк Карл; нақл қилишларича, у IX асрда Эльба бўйида қалъа қурдириб, Ҳамбург шаҳрига асос солган.

¹⁶ Луи-Антуан Сен-Жюст (1767-1794) — Улуғ Француз революциясининг йирик арбобларидан.

¹⁷ Камена — Қадимий Римда илҳом париси шундай номланган.

¹⁸ Терцина — Ҳар банди уч сатрли шеърий шакл. Дантенинг илоҳий комедияси шу шаклда ёзилган.



Куртак...

А. ЖУМАЕВ фотозъюди



Умарали Норматов

Севги сеҳри

«Кичик мўъжизалар» туркумидан

Севги — сўз санъатида энг кўп қаламга олинган мавзу. Бу кўҳна туйғунинг сирли-сеҳрли жозибаси, инсонни руҳан бойитиш, поклаш янгидан-янги имкониятларини рўёбга чиқариш қудрати ҳақида кўплаб асарлар битилган. Танқидчи Умарали Норматовнинг диққатингизга ҳавола қилинаётган бу мақоласида кейинги йиллар ҳикоячилигимизда мазкур мавзуда яратилган энг яхши асарлар таҳлили орқали кичик жанрнинг катта имкониятлари хусусида сўз юритилади.



дабий давраларда гоҳо: «Кейинги йилларда севги ҳақида кам ёзиладиган бўлиб қолди», деган гапларни эшитамиз. Фактлар эса акс ҳолни кўрсатади. Ҳозирги кунда ҳам аввалгидек муҳаббат ҳақида кўп ёзиляпти; чоп этилаётган ҳикоя тўпламларини варақлаб кўринг, газета ва журнал саҳифаларига назар ташланг — сон-саноқсиз севги ҳикояларини топасиз. Биргина «Ёшлик» журналининг ўзида икки йил давомида бевосита муҳаббат мавзуга бағишланган ўндан ортиқ ҳикоялар босилди. Шунча асарлар бўлатуриб, севги ҳақида кам ёзиляпти, деган фикрнинг тўғилиши бежиз эмас. Аслида бу мавзуда ярқ этиб кўзга ташланадиган, ўқувчини ҳаяжонга соладиган, ўйга толдирадиган, узоқ вақт эсда қоладиган асарлар кам.

Ана шундай асарларга ташна бўлиб турган пайтимизда бирин-кетин Асқад Мухторнинг «Илдизлар» («Шарқ юлдузи»), Шукур Холмирзаевнинг «Бодом қишда гуллади» («Ёшлик») ҳикоялари пайдо бўлди. Ҳар икки ҳикоя ҳам дарҳол эл оғзига тушди, гўё маълум мўддат бизда сукунат оғушида қолган севги мавзуга янги бир тўлқин, жўшқинлик бахш этди.

Севги — сўз санъатида энг кўп қаламга олинган мавзу, бинобарин, бу кўҳна туйғунинг янги қирраларини очиш, у ҳақда салмоқдор гап айтиш ниҳоятда қийин. Бу икки ҳикоя тажрибаси яна бир бор шундан далолат бераётирки, ошиқ-маъшўқлар орасидаги шунчаки борди-келдиларни қаламга олиш билан муҳаббат ҳақида яхши асар яратиш бўлмайди; бу туйғу кишининг маънавий-руҳий бисотини очишга қаратилган, чуқур ҳаётий маъно касб этган, гуманистик руҳ билан суғорилган, қолаверса, даврнинг маълум ҳақиқатини ифода этишга, жиддий маънавий-ахлоқий муаммоларни кўтаришга қаратилган тақдирдагина ўз саховатини кўрсатади.

Биз севгининг сирли-сеҳрли жозоба кучи, инсонни руҳан бойитиш, поклаш, янгидан-янги имкониятларини рўёбга чиқариш қудрати ҳақида битилган кўпдан-кўп асарларни ўқиганмиз. Шукур Холмирзаевнинг «Бодом қишда гуллади» ҳикояси ҳам шу йўналишдаги асарлардан.

Ҳикояни ўқиган китобхон мураккаб туйғулар, зиддиятли кечинмалар оғушида қолади: асарда севгининг сеҳрли кучи, қудрати кўрсатилади, лекин у тантанаворликдан бутунлай холи; ишқ дарадига мубтало бўлган йигит бир қарашда аянчли кимса, унинг аҳвол-руҳияти билан танишиб астойдил ачинасиз, айни пайтда у сизда қандайдир ифтихор ҳиссини уйғотади: йигитнинг муҳаббати жавобсиз қолади, бу йўлда у кўп изтироблар чекади, аммо шу изтироблар эвазига ўзлигини топади, йўқотган бахти — маънавий бойлигига қайта эришади.

Келинг, ҳикоя қаҳрамони Носиржон билан ақинроқ танишайлик; дарвоқе, ҳикоя ҳам сариқ касалига учраб касалхонага тушган Носиржонни таништиришдан, унинг таъриф-тавсифидан бошланади. Бу йигитнинг кўриниши ночор, қиёфаси хунук, қўллари калта, хатти-ҳаракатлари, ҳаттоки жиддияти, салом ва таъзими ҳам беўхшов; болаликда рахит бўлган, танида унинг асорати қолган, бунинг устига, ақлан мўртроқ, боши жароҳатланиб бешинчи синфдалигида ҳарф танимайдиган бўлиб қолган, ўқишни ташлаб кетган; устига-устак, эндиликда сариқ касалига мубтало, тани-жони номукамал бўлганидан уни даволаш ҳам мушкул... Эрмакка муҳтож

ҳамхоналаридан бири уни маймунга, яна бири «Синчалак»даги Эшонга ўхшатадилар, уни калака қиладилар...

Шу хил таъриф-тавсифлар билан танишганда бошда бир оз хижолатда қоласиз: бу одам боласини таҳқирлаш, жисмоний ожизликларини пеш қилиб унинг устидан кулиш эмасми, деган хаёлга борасиз. Айни пайтда бу ерда гап тагида гап борлигини ҳам хиёл сезиб турасиз. Йигитнинг ночор аҳволи, совуққина кўриниши тўғрисидаги таъриф-тавсиф гўё тонг олдидаги зулматни ёдга туширади; кўп ўтмай қуёш нури бу зулматни тилка-пора этгани каби, нарироқ бориб қаҳрамонимиз ҳаёти ва характерининг янги қирралари очила борган, кўнгли майллари намоён бўлган сари бошда у ҳақда туғилган нохуш тасаввур секин-аста дилдан кўтарила боради.

Кўринишда хунук, мажруҳ одамдан гўзаллик қидириш азалдан адабиётда мавжуд, бунинг энг кейинги яхши намуналаридан бири — Абдулла Қаҳҳорнинг «Минг бир жон» ҳикояси. Худди «Минг бир жон»да бўлгани каби Ш. Холмирзаев ҳикоясида ҳам қаҳрамоннинг ночор аҳвол-руҳияти, хунук рафтори бўрттириб таъриф-тавсиф этилгани сари унга қизиқиш орта боради ва сўз санъатининг сеҳрини қарангки, мана шу нохуш кайфият уйғотувчи таъриф-тавсиф қаршида қаҳрамоннинг оддий хислатлари, жўнгина инсоний майллари, севгиси ўқувчи кўзига бошқача — ниҳоятда жозибали кўринади, фавқулодда характер касб этади.

Носиржон — болаларча содда, самимий, ишонувчан йигит, у одамлардан нуқул фазилат қидиради; у ҳаётда кўп кўргиликларга дучор бўлган, турмуши ночор, қақир, ота-онаси оламдан ўтган, ҳолидан хабар оладиган таниш-билишлари, яқинлари ҳам йўқ, лекин у бирон марта ҳаётдан шикоят, ҳасрат қилмайди, бировга дардини очмайди; қўлдан келганича ўзгаларга яхшилик қилади-ю, улардан ҳеч нарса таъма этмайди; у автобус паркида курсер, ишини жон-дилидан яхши кўради, у ҳамхоналарига кўпинча гаражда — бузуқ автобусда ётиб қолишини, одамларнинг ўзига бўлган ишончини завқ-шавқ билан ҳикоя қилади; «Қоровул менга ишониб қолган. Шунинг учун у киши уйга кетсалар, ўзим қоровуллик қиламан... Э, менга ҳамма ишонади, ака... Аммо-лекин гаражни соғиндим. Бензиннинг ҳидини биласизми! У!» Узгаларнинг ҳожатини чиқариш — унинг учун катта шараф. «Десангиз, бизга... менга ҳар ой бепул абонемент қоғоз беришди,— дея ҳикоя қилади у ифтихор билан.— Бўш вақтим бўлдими, дуч келган автобусга тушаман. Шаҳарни айланаман... Мисол учун, автобусда кетяпман. Кўриб қоламани, бекатда бир чол аланглаб турибди. Сезаман: йўлни билмайди, адашган... Шартта автобусдан тушаман. «Саломалай-кум, отахон! Йўл бўлсин!» «Э, болам, адашиб қолдим. Фалон жойга бормоқчи эдим», дейди у. Мен дарров у кишига тушунтираман: шундоқ автобус келади, ўшанга ўтириб, фалон бекатда тушасиз... Вассалом. Чол бизни дуо қилади. Мен яна автобусга тушиб кетаверман. Яна бир бекатда...»

Эҳтимол, бошқа биров учун бу хилдаги хислатлар, хатти-ҳаракатлар жўн, оддий бўлиб туюлиши мумкин, аммо Носиржон типидagi одам учун улар фавқулодда фазилатлардир, унга нисбатан ўқувчида ажиб бир меҳр, ифтихор туйғусини уйғотадиган хислатлардир.

Умуман бу образ тасвири ва талқинида санъатнинг гаройиб бир сеҳри мавжуд: образдаги шакл билан мазмуннинг номувофиқлиги, яъни кўринишда хунук, ночор бир кимсада гўзал фазилатларнинг, олижаноб хислатларнинг намоён бўлиши асарга ўзига хос сержило ҳиссий оҳанг бағишлайди; унда аянч, мунг, ғам-алам, ҳазил-мутоиба, қувноқ юмор, фахр-ифтихор, ўта хоки-

сор — камтарона кайфият ва юксак — кўтаринки туйғу-кечинмалар қўшилиб-чатишиб кетади. Бу хусусиятлар айниқса қаҳрамоннинг севги саргузаштлари ифодасида ёрқин кўринади.

Носиржоннинг кўнглида муҳаббат туйғусининг туғилиши оддий бир ҳазил-мутоибадан бошланади: ҳангаматалаб ҳамхоналар шунчаки эрмак учун Носиржонни практикант-врач қиз Хуббижамолга муносиб кўрадилар, қизнинг йигитга майли борлиги ҳақида гап қиладилар, ҳазилга мойил дилкаш қиз ҳам шунчаки мажруҳ йигитнинг кўнглини кўтариш учун ўзини унга яқин олади; соддадил, ишонувчан йигит буларнинг ҳаммасини чинга йўяди, секин-аста унинг кўнглида севги туйғуси куртак тугади, япроқ оча бошлайди; энди унинг фикри-ёди Хуббижамолда, оғзидан қизнинг номи тушмай қолади; улар гўё аҳд-паймон қилган ошиқ-маъшўқлар; йигит худди бир-бирлари билан аллақачон оила қуришни ҳам келишни қўйгандек гапирди: касалхонадан чиққач унга уйланади, Хуббижамол уни кутиб олади... Гоҳо ораларидаги тафовутни, қизнинг ўта кўркамлигию ўзининг мундоқроқ экани — қизнинг бўйи ўзидан бир ярим қарич баландлигини эслаб кўчада юрганда уялсалар керак, деб қўяди, аммо бунга кўлам эътибор беравермайди. Севги унинг қалбида шундай шиддатли туғенга айланадики, энди уни тўхтатиш, шаштини қайтариш асло мумкин эмас. Носиржон шу сеҳрли, оташин туйғу қудрати билан касалликдан фориг бўлади, руҳан тетиклашади, танида янгидан-янги куч-ғайрат жўш уради, дилида олижаноб ниятлар, орзу-ҳаваслар туғилаверади, қандай қилиб бўлмасин, севгилисига яхшиликлар қилгиси келади. «Ака, бир яхши ишлар қилгим келяпти!.. Уша киши учун!..— дейди у ёзувчи ҳамхонасига.— У киши бир жойда адашиб қолган бўлсалару мен автобусдан тушиб кўрсам-да, кулиб, йўлга солсам... А, яхши-я!»

Ниҳоят, оташин ишқ-муҳаббат туфайли яна бир мўъжиза рўй беради, бу кутилмаган тўлғоқ йигит онгида ҳам ўзгариш ясайди — болаликда йўқотган маънавий бойлигини топиб олади, қайтадан ҳарф таниб севги саргларини ўқий бошлайди! Бошда ёзувчи ҳамхонасига «Севги нима!» деб савол берган йигит нарироқ бориб: «Муҳаббат ҳақиқатан ҳам қизиқ бўларкан», дея ҳайратга тушади, сўнг «Муҳаббатни билмасиз, бу дунёга келмасиз», дея дадилроқ оҳангда сўзлайди, охирида эса: «Мен ҳам одам. Яримтаман деб юрардим», дея ҳайқиради.

Носиржоннинг севгиси тенгсиз, жавобсиз севги. Тенгсиз, жавобсиз муҳаббат ҳақида ҳам кўп ёзилган, кўп гапирилган. «Бодом қишда гуллади» ҳикоясининг автори ана шу мавзунинг янги жилоларини топа олган. Носиржон ишқида ёнган қиз кўркам-барно, дилкаш, ҳар жиҳатдан баркамол. Шуниси қизиқки, бошда йигит бу қизга кўнгли қўйиб унга талпинганида, бу ҳол ҳамхоналари учун ҳам, қиз учун ҳам шунчаки ҳазил, эрмак; ногирон йигит билан барно қиз орасида муҳаббатнинг туғилиши тасаввурга ҳам сиғмайдиган ҳол бўлиб туюлади. Уша тобда ногирон йигит жисмида, қалбида шунчалар сеҳрли куч борлиги балки ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмагандир... Инсон қалби билан ўйнашиб бўлмайди, деганлари руст. Фишт қолипдан кўчиб, йигитнинг ишқи жиддий тус ола борган сари бунинг кўнгли эрмакка мойил ҳазилкаш кимсалар ҳам ҳайратдан қотиб қоладилар, йигитга ҳақиқатни айтишга, уни бу хатарли йўлдан қайтаришга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Бошда аянчли бўлиб кўринган Носиржон айна шу оташин севги туфайли одамлар назарида «ачинишдан баланд» шахсга айланади, аввалига уни менсимаган, ўзлари учун эрмак деб билган кимсалар

энди унга ҳайрат ва ҳавас билан қарайдилар; ҳазилкаш ҳамхоналаридан бири: «Сиз ҳавас қилса арзийдиган йигитсиз. Биз... бўлганча бўлганмиз, ука», дейди.

Йигит қалби, маънавий дунёси тўла намоён бўлгач, унинг бошда бир оз эриш, номуносиб туюлган севгиси энди табиий кўринади, бундай йигит Хуббижамолдек сулув қизга кўнгил қўйишга ҳақли деб биласиз. Ҳўғри, асар охирида йигитнинг муҳаббати жавобсиз қолади, бироқ бунинг туб сабаби йигит билан қиз орасидаги тафовутда эмас. Пировардида Носиржон қизнинг ўз севгани, ҳавас қилгудек муносиб йигити борлигини кўради! Мана шу аччиқ ҳақиқат аён бўлгач бирор жиддий φοжиа рўй берса керак, деб ўйлайсиз. Йўқ, ҳеч қандай φοр-ҳол юз бермайди. Йигитнинг ўша дамлардаги ҳолати сизни ҳаяжонга солади, лекин кўнглингизда афсус-надомат қолдирмайди. Чунки, қиз йигитни алдаган ёки камситган эмас, йигитнинг ўзи алданган, қиз ишқида кўйиб-ёнган-у, унинг кўнглини суриштирмаган; йигит ўзини, ўзининг ҳаддан ошиб кетган хатти-ҳаракатларини англаб бир оз хижолатда қолади; лекин, бари бир, қиздан кўнгил узолмайди; бир умр уни унутмасликка аҳд қилади, сўнгги учрашув пайтида қизнинг «Сизни унутмайман», деган сўзлари унга висолдан ортиқроқ бахт, руҳий лаззат бахш этади. Ҳикоя ана шундай ҳаётбахш руҳ билан тугайди.

Шукур Холмирзаевнинг энг яхши асарларига, услубига хос фазилатлар бу ерда ҳам мавжуд: ёзувчи қаҳрамонлар қалбидаги нозик руҳий-ҳиссий жараёнларни бамисоли ойнага солиб кўрсатади; Носиржон қалбида севги туйғусининг тўғилиши — куртак тугиши, япроқ ёзиши, бу туйғунинг секин-аста олов олиб туғенга — сўндириш, қайтариш мумкин бўлмаган зўр кучга айланиши, ишқ оловида ёнган танда янгидан-янги фазилатларнинг намоён бўлиши, бу ўтли туғеннинг ғалати интиҳоси, ошиқ йигит кўнглидаги ўкинч ва таскин — барча-барчасини шундоққина кўриб, бутун қалбимиз билан ҳис этиб тураемиз. Кишининг маълум бир руҳий ҳолати, кайфиятини ифодалаш нисбатан осон, лекин сўз санъатида руҳиятнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнини, хусусан, бундай ҳолатлар силсиласини кузатиш, суратга олиш, шу билан баробар унинг маъносини чақиш, моҳиятини очиш ниҳоятда мушкул вазифа. Ҳикоя автори ана шундай мушкул вазифанинг уддасидан чиқолган; йигит севгиси, қалб ҳақиқати, қалбидаги кечинмалар силсиласининг ёрқин ифодаси орқали жуда муҳим гуманистик ғояни илгарги сурган, инсон ва унинг имкониятларини улуғлаган; асар оддий, камсуқум инсон боласига чуқур ҳурмат, мурувват, унинг ташвишларига ҳамдардлик туйғуси билан йўғрилган. Модомики ўта хокисор, камсуқум, ночор кўринган бир кимса вужудида шунчалик юксак туйғулар, олижаноб хислатлар мужассам экан, умуман инсон зоти чексиз имкониятларга эга, у ҳамиша ардоққа муҳтож; инсон қалбига асло нописанд қараб бўлмайди, уни асраш-авайлаш, хайрли томонларга йўллаш одамзод боласининг бурчидир.

Асқад Мухторнинг «Илдизлар» ҳикояси ҳам жавобсиз муҳаббат ҳақида. Бироқ муҳаббатнинг жавобсиз қолиш — завол топишига сабаб бўлган омиллар бу ерда тамомила ўзгача. «Бодом қишда гуллади» ҳикоясидан фарқ қилароқ, «Илдизлар»да ошиқ йигит билан маъшүқа қиз ташқи томондан бир-бирига муносиб: қиз ва йигит хиёбон йўлкасида қўл ушлашиб юганида ҳамма уларга ўзгача эътибор ва ҳавас билан тикилиб қолади; иккаласининг ҳам бўйи баланд, қадди расо, хушбичим; одам ёшликдаги бундай бахтли онларини ўша дамнинг ўзида унча англаб етмайди, уни кўпинча улғайгандагина кўмсаб эслайди, лекин булар ҳам бахтли, ҳам бир-

бирларига муносиб эканликларини ва ҳамманинг ҳавасини келтираётганликларини гўё ҳозирданоқ билишди, уларнинг мағрур юришлари, ошкора фахр ҳисси билан бир-бирларига қараб қўйишлари, ёниб турган кўзларини чехраларидаги қувонч жилвалари шундан далолат беради...

«Бодом қишда гуллади» ҳикоясида йигит билан қизнинг ташқи қиёфаси таъриф-таъсифидаги контрастли ҳолат маълум бадий мақсадга қаратилгани, чуқур маънодорлик касб этгани сингари «Илдизлар»да йигит билан қиз орасидаги муштараклик — ташқи томондан бир-бирига муносиблик қайта-қайта таъкидланган, кўз-кўз қилинган сари ўқувчи бир оз хавотирга туша бошлайди, бу ерда ҳам гап тагида гап борлигини сезиб қолади. Дарҳақиқат, тасвир қаҳрамоннинг руҳий оламига, маънавий бисотига кўчиши биланоқ орада қандайдир номувофиқлик борлиги уч бера бошлайди.

Гап шундаки, йигит билан қиз ҳозиргина никоҳ учун ариза бериб чиқишган, улар бир ойлик синов муддати бошида турибдилар. Мана шу синовга муносабатдаёқ улар орасидаги, қарашларидаги тафовут аён бўлади; йигит, яъни Марат учун синов муддати алмисокдан қолган «янглик»; унингча, отни синайди, молни синайди, одамни синаш, айниқса севган кишини атай синаш... бу — камситиш, хўрлашга ўхшаб кетади; севиш учун ошкора синаш одамнинг иззат-нафсига тегади, синов умуман бемаъни гап... Синов одамни гўё тарозида тортиб олаётгандай туюлади унга. Қиз, яъни Мухсина учун эса синов севган одамни янгидан кашф этиш; у қаердадир ўқиган: бир одамни чинакам севсанг, уни ҳар қадамда янгитдан кашф этаётгандай бўларкансан, янги-янги фазилатлари очилавераркан; одам, умуман — сир, севган киши эса — айниқса, чексиз мўъжиза...

Синов муддатининг илк дақиқаларидаёқ сезамиз: Марат кўнглига ўта эрк бериб юборган, ўй-андишани, таомилларни тан олмайдиган, амалиётга мойил шахс. Мухсина эса, аксинча, бир оз романтик, китобий, серандиша, мулоҳазакор қиз; илк гапдаёқ китобдан олган сабоқларига, бинобарин, маънавият ҳазинасига таяниб мулоҳаза юритади; Маратнинг қизни бир қўлтум шампанга таклиф этиши, кўчада кўтариб олмоқчи бўлиши, лифтда бўса олишга шошилиши — бу хил беандиша хатти-ҳаракатлари қаршисида Мухсинанинг ўзини сипо туттишлари орадаги тафовутни яна ҳам яққолроқ ошкор этиб қўяди. Лекин бундай зиддиятли ҳолат ва хатти-ҳаракатлар ҳозирча ярим ҳазил, ярим чин тарзида юз беради, нарироқ бориб орадаги тафовут хийла жиддий тус ола бошлайди. Энди ёзувчи бизни Маратнинг касби-кори, ижтимоий фаолиятдаги майллари, ўз соҳасидаги интилишлари, маслак ва режалари билан таништиради. Қиз билан йигит орасидаги суҳбатга қулоқ тутинг:

— «Мен янги лойиҳаларимда шу кўхняю плиталарни йўқ даражага келтирмоқчиман! — деди у қизни стол ёнига ўтқазди.

— Қандай қилиб!

— Хўш. Одам корхонада ишлайдимиз — бас. Уйда ҳам ишламасин-да энди. Ҳозирги одамлар ижтимоий фаол, доим банд, иш билан яшайди, уйга дам олгани, ухлагани келади, холос.

— Ошхонасиз...

— Ошхонасиз уйнинг ҳавоси мусаффо, уй эгаси ортиқча жиз-биз, ҳид, ис, лаш-лушу ташвишлардан холи бўлади. Шундоққина пастда ресторан, ошхона, қаҳвахона...

— Уйники бошқа-да...

— Ўша ерда ҳам уйникидай қилиб тайёрлаш керак!

Шу ҳам муаммоми!

— Оила, болалар...— Қиз ерга қаради.

— Гап келажак лойиҳалари ҳақида. Бориб-бориб оилаларда болалар камаяди. Статистика шуни кўрсатяпти. Замонавий урф, йўналиш, таомил шунақа. Мен лойиҳаларимда турмушдаги асосий йўналишларни, айниқса техноэволюцияни кўзда тутяпман, Мухсина...

— Йўналиш деганингиз ўз йўлига, баъзан камчиликлар ўсишларнинг давомидан иборат бўлади. Мен, масалан, оилада болаларнинг кўп бўлишини истайман...— деди у. Деди-ю, қизаринқираб ерга қаради. Марат унинг стол устидаги қўлини ушлаб кулди:

— Сиз ўзингиз босасиз, кичкинам...»

Йигитнинг сўзларига қаранг, унинг далил-исботлари бир қарашда асосли, замонавий, илмий, бироқ кишига яланғоч, совуқ эшитилади. Қизнинг шарм-ҳаё, ибога йўғрилган далилларига болаларча соддалик бор, шундай бўлса-да, улар кўнгилга ёқимли туюлади. Езувчи йигит қарашларини қоралаш, қизни оқлашга шошилмайди, ҳар иккиси ҳам ўзларини тўлароқ намоён этишлари учун қўйиб беради. Йигит ва қиз фан-техника революцияси, унинг оила-рўзгор, кишиларнинг турмуши, маънавий-интим ҳаётига таъсири билан боғлиқ ҳозирги куннинг жуда муҳим муаммолари устида баҳслашадилар; Марат техноэволюцияга оид қарашларини илмий далиллашда давом этади: ҳозир оддийгина хонадонда ҳам камида йигирма хил мотору агрегат ишляпти — кир ювгич, чанг ютгич, ҳаво тозалайдиган, уй совутадиған, соч қуритадиган, қаҳва туядиган, ахлат шиббалайдиган, майса тарашлайдиган, соқол оладиган, шарбат сиқадиған, овоз кучайтирадиған машиналар, холодильник, телевизор, радиоприёмник, магнитофон, электрдазмол, электрплита... Энди бу ёғи нима бўлади, одам ўзига қулайлик яратаман деб бундай буюмларга муте бўлиб қолмайдими! Марат одамларни бундан холи қилиш йўлларини ҳам илмий далиллашга интилади. «Нима қилиш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти,— дейди у.— Уйларни иситиш марказлашди — печка-танчадан қутулдик. Уйларни ёритиш, газ, бошқа коммуникациялар марказлашди — яна қанча ортиқча лаш-лушдан холи бўлдик. Энди хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ сув бўлсин, девор ичидаги қувурлардан оқиб келади. Жўмракни бурасангиз, бас. Бундан буён ҳам шундай бўлади. Мана, телевизор. Жиҳоз сифатида у бизга керакми! Йўқ. Бизга унинг ахбороти керак. Келажакда деворда унинг экрани қолади. Мана, холодильник. Бизга унинг бир ярим газлик гавдаси эмас, совуғи керак, шундайми! Келажакда совутиш агрегати марказлашади, токчада фақат бизга керак даражадаги ҳарорати қолади... Катта кутубхонага китоб буюрасиз, унинг варақлари истаган вақтингизда уйдаги экранингизда акс этади. Уйда буюм эмас, пултай тугмачалари... Тушуняпсизми!..» Кисқаси, Марат келажак одамни жамики «майда» юмушлардан, оиладаги масъулиятлардан озод кўришни истайди, оиладаги ҳар қандай юмуш, масъулият мутелик, оёқдаги кишан бўлиб кўринади, улардан воз кечиш керак деб билади.

Марат таърифлаган келажак уйлари, янгича оилавий муҳитга Мухсина қисқа қилиб «Яланғоч ва совуқ» деб баҳо беради; қиз оилавий юмушлар, масъулиятлардан бутунлай холи одамлар ҳолига ачинади; унингча, уйга фақат ухлагани келадиган одамлар бориб-бориб оилани ҳам, шахсий ҳаётини ҳам, ҳис-туйғуларни ҳам кишанга чиқаришлари табиий...

Йўқ, қизнинг ташвишлари бу — келажак ташвишларигина эмас. Турмушдаги, оиладаги масъулиятни тан олмаслик, бу борада жамики мўтабар удумларни эскилик сарқити, оёқдаги кишан деб билиш, ҳиссизлик,

нуқул соф манфаат кетидан қувиш, фақат жоннинг ҳузуринигина ўйлаб иш тутиш ҳозирнинг ўзидаёқ қандай кўнгилисизликларга олиб келадиганлигини кўриб турибмиз. Ҳикоя қаҳрамони Маратнинг севгига, севглисига, оилавий удумларга, хусусан, унинг қишлоқдаги хаста онасига, онанинг эзгү туйғуларига, тилакларига, тоғасига, тоғасининг оиласидаги чигалликларга муносабати бунинг ёрқин мисоли.

Маратнинг онаси оғир касал экани ҳақида хабар келади. Мухсина Марат билан она ҳузурга боришга қарор қилади. Марат эса буни ортиқча ташвиш деб билади. Бўлғуси келин Мухсина шу баҳонада қайлигининг онасига кўриниш беришни истайди, чунки куёвнинг онаси келинни албатта кўриши керак, бу азалий удум. Марат учун эса бу — кўҳна урф: унинг далил-исботи ҳам тайёр: эски вақтда зарур эди — хонадон бир, қозон-товоқ бир, тирикчилик бирга; энди-чи, бунга ҳожат йўқ, йигит билан қиз мустақил яшайдилар... Ота-оналарнинг келин-куёвга яхши тилаклар тилаши, оқ фотиҳа беришлари ҳам унга диний сарқит бўлиб туюлади.

Дард устига чипқон, деганларидек, қишлоқда она хасталиги устига тоға хонадонда ҳам кўнгилисизлик: тоғанинг ўғли хотини билан ажралган, иффатини — қизлик шаънини барбод этиб қўйган келинчакни дарҳол уйдан қувиб ҳайдаган, ота рўй берган хижолатпазликдан қаттиқ ташвишда, аммо ўғлини бунда ҳақ деб билади. Марат эса ўғил қилмишини нодонлик, ашаддий бидъат деб атайди: «Йигирмага кириб-кирмай ота-боболарнинг алмисоқдан қолган бидъатини қаёқдан юқтира қолдинг!.. Бундай ашаддий қоқоқ тушунчали сендек нодонга хотин ҳайф! Бир каминг, қиз чиқмади, деб шўринг қурғурни кўча-кўйда сазойи қилиш қолганмиди!», дея жиянига дағдаға қилади. Марат йигит қилмишини қоралайди-ю, унинг қалбини тушунмайди; не қилсин, йигит қайлигини яхши кўради, айни пайтда унинг гуноҳини кечиролмайди. Изтироби бошидан ошиб ётган, ич-этини еб, ор-номус исканжасида дардини бировга айтолмай юрган йигитни қоралаш бу — инсон қалбини менсимаслик, унинг шаъни, нафсониятини оёқости қилиш демакдир.

Марат энди ўғил қолиб отага ёпишади, ота ўғли ёнини олганида бунга тоқат қилолмайди, орада жиддий баҳс бошланади, бу баҳснинг зарби олисларга кетади:

— «Ана, холос! Сиздек жаҳонгашта солдат, Европага-ча кўриб келган одам-а!

— Биз Европага ҳар хил модаларни кўргани бормаганмиз, жиян...

— Қанақа мода!

— Мода эмиш-ку, ҳозир... ўрта мактабдаёқ...— Тоға сўз тополмай қийналиб қолди.— Унингча синфгача иффатини сақлаб юриш қоқоқлик, маданиятсизлик ҳисобланармиш.

— Ивгогарларнинг гапи... Сизга ярашмайди.

— Бўлса бордир. Лекин сиз ҳимоя қилаётган «замонавий» келинимиз ўқишни энди битирган эди. — Ана, кўрдингизми, ёш! Алданган бўлиши мумкин.

Латиф уни алдангани учун эмас, алдагани учун жазолаяпти.

— ... Бу қадар шафқатсизлиқни унга сиз ҳам эп кўрибсиз-да!

— Шафқатсизлик... Ота-боболаримиз бунинг учун қизларни тошбўрон қилишган. Мен буни маъқулламайман, албатта, лекин номусни шу қадар баланд қўйишларини маъқуллайман. Ор-номусни ёшлиқдан ардоқлаган ота-боболаримиз. Эплаганча ардоқлаган. Сиз Европани гапирдингиз. Тўғри, кўрдик. Европа ҳам хар хил экан. «Озод севги» деган чиркинликларни ҳам эшитганмиз.

Лекин ҳар бир юртининг ўз ахлоқи, ақидаси бор, жиян. Биз ота-боболарнинг яхши удумларини хурмат қиламиз...»

Марат, барибир, ўз сўзида қолади, шахсий туйғуларни дахлсиз деб билади, ҳаё, ифбат бобидаги қаттиққўлликни сарқит санайди.

Кўриниб турибдики, тоға-жиян орасидаги баҳс шунчаки адабий интрига, «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонларнинг тортишув-олишувлари учун тўқилган ясама асос эмас; бу ерда ҳаёт нафаси уфуриб турибди, бугунги кунда кўпчиликнинг кўнглида, тилининг учида турган, ҳаммани ҳаяжонга солаётган, ўйга толдираётган чин ҳаётий муаммоларнинг акс садосидир.

Ҳаёт тажрибаси қайта-қайта шунини кўрсатаётирки, турмушда масъулиятни унутган, жамики мўътабар удумларни рад этган кимсалар ҳар қандай пасткашликдан ҳам қайтмайдилар. Хаста онага муносабатда Маратнинг маънавий бисоти яна ҳам равшанроқ намоён бўлади, бу кўркам йигит кўзимизга ниҳоятда хунук кўриниб кетади. Яқин-йироқлар, жумладан бегона қиз Мўҳсина ҳаёт шомини кечираётган она ёнида парвона, унинг кўнглини олиш билан овора; онанинг ўз жигарбанди Марат эса бетоқат, зерикади. Шу ўринда қаҳрамон характери яроқ этиб очиб юборадиган ёрқин деталлар ишга солинади: авваллари чекмаган Марат чекади, тўхтовсиз чекади; маълум бўляптики, у кутяпти, онасининг тезроқ бирёқли бўлишини бетоқат кутяпти... Ниҳоят, она оламдан ўтади, Марат ҳам инсон боласи, бу мусибатдан изтиробга тушади, аммо ичида мусибатдан тезроқ холи бўлишни, бу нохуш дақиқалар тезроқ ўтиб кетишини ўйлайди. У жонининг тинчини ўйлаб она васиятини — ўлими олдида ўғлига айтган гапини — Андижонга олиб бориб отаси ёнига қўйиш ҳақидаги илтижосини одамлардан сир тутайди. Мана бу лавҳани китобхон лоқайд ўқиши мумкин эмас:

«Марат ҳамон дарвоза ёнида кирган-чиққанга қўл қовуштириб турарди. Мўҳсина уни имлаб четроққа чақирди.

— Нега айтмадингиз, эсингиздан чиқдимиз! — деди нимранг юзига тикилиб. Марат тушунмади. — Аянгизнинг айтганлари-чи... Дадангизнинг ёнларига қўйишни...

Марат бармоқлари билан пешонасини сиқди;

— Ҳа, энди, айтдилар-қўйдилар-да... Мураккаблаш-тирманг.

— Ахир, она васияти...

— Қанақа васият! Қанақа васият! Узингиз ўйлаб кўрсангиз-чи, ҳозир Мирзаўлга энди қапа тикилган пайтлар эмас, ахир. Одамлар кулмайдимиз!

Айтганларини қилсангиз, руҳлари безовта бўлмасди, дейман-да. — Қиз унга раҳми келиб, товушини пасайтирди, бош эгди.

— Одам ўлди-кетди. Ё чиндан ҳам руҳга ишонасизми!

— Узингизнинг кўнглингиз тинч бўларди...

— Қанақасига тинч бўлади: ўликни шундан шўёққа олиб бориш яна уч кунлик ташвиш-ку, биласизми шунини! Ҳали шундоқ ҳам...»

Ёзувчи Маратнинг ҳолат, хатти-ҳаракатини кузатишда давом этади, энг жиддий мусибатли дамларда ҳам Марат ўзлигига, ўз ақидасига содиқ қолаверади. Унинг қабристондаги ҳолат-кечинмаларига қаранг: «Қовоқлари қизарган Марат ҳассакашлар орасида бош эгиб тураркан, негадир қабристоннинг совхоз шаҳарчасига жуда яқин эканлиги ҳақида ўйларди. Кейин ҳаёли ўз лойиҳаларига кетиб қолди: янги шаҳар лойиҳаларида қабристонни қаёққа мўлжаллаш маъқул! Узоқроққа, шаҳардан йироққа, албатта».

Яна шу нарса аён бўладики, Марат дадасининг хотирасини ҳам бутунлай унутиб юборган. Мўҳсина уни

ёдига туширганда: «Эски гапларни қанча тезроқ унутсанг, келгусидагиларни ўйлаш учун шунча кўпроқ имкон туғилади... Бундай ўйлайвериш... Бундай яшаш... Ўзи шундоқ ҳам ҳаёт осон эмас», деб жавоб қилади.

Бу бемаслак кимса шу даражага бориб етадики, онаси учун энг азиз бисот — меҳри тушиб қолган қиз Мўҳсинага ҳадя этган зебигардонни тарихий-маиший реkvизит сифатида бировларга бериб юборади, уни бурунги замондан қолган, ҳозирги кунга ярамайдиган ортиқча осори атиқа, деб билади.

Энди Мўҳсина кўнглида кечган руҳий тебранишлар, иккиланишлар интиҳосига етади, йигит билан орани очди қилади; Маратга дангал: «Биласизми, мен кўп ўйладим, ҳаётимизнинг қандайдир ахлоқий сарчашмалари, ота-боболарнинг руҳий удумлари бор. Уларни оёқости қилган одам самимий бўлолмайди», дейди.

Ҳа, ҳаётни мумкин қадар соддалаштиришга, оёққа илашган ўтмишдан, урфу удумлардан, шартли боғланишлардан холи бўлиб, фақат келажакка интилиб яшашга аҳд қилган йигит азалий эзгу туйғу, — соф севгига, Мўҳсина каби аломат қиз васлига номуносиб. Қиз тақдирини Марат типига одам қўлига топширолмайди, чунки эътиқодига зид боролмайди. Ҳикоя аввалида илк гапидаёқ китобдан олган сабоқларига таяниб мулоҳаза юритган романтик табиатли қиз асар сўнгида ҳам маънавият хазинасига сўяниб қатъий ҳукмини айтади. Маратнинг қилмишлари қизга машҳур «Асрга татигулик кун» романидаги манқуртни эслатади. Қиз йигитга дейди: «Уша кунини сиз кўрган китобда бир жазо усули тасвирланади. Уша жазодан кейин одам хотирасини тамом йўқотиб, эл-юртининг ҳам, ерининг ҳам, насл-насабининг, ҳатто онасининг ҳам унутар, танимай қолар экан. Манқурт дер эканлар шундайларни... Манқурт бўлгим келмайди...»

Дарҳақиқат, Марат характери билан Чингиз Айтматов романидаги замонавий манқурт — Собитжон орасида муайян муштараклик бор, Марат Собитжоннинг яқин инисидир, аммо унинг тақрори эмас. Асқад Мухтор Марат орқали ўзбек адабиётида замонавий манқуртнинг бетакрор образини яратди; бундай тип воситасида маънавий-маиший ҳаётимизнинг янги қатламларини кўрсатишга эришди, адабиётимизда муҳаббат мавзусига янги нафас олиб кирди.

Ҳикояда икки ёшнинг муҳаббат тарихи чуқур ҳаётий маъно касб этади; севгини завол этган омилларни кўрсатиш орқали ёзувчи бугунги куннинг муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларига жамоатчилик эътиборини тортади. Асқад Мухторнинг кўпчилик асарларида бўлгани каби бу ҳикоядаги етакчи қаҳрамонларда ҳам концептуал хусусият бўртиб кўринади. Ёзувчи қаҳрамонлари ташийдиган ғояни алоҳида таъкидлашдан чўчимади, чунончи, ҳикоядаги Марат келажакка интиламан деб она заминдан, ўтмишдан, маънавият сарчашмаларидан ажралиб, узилиб қолган шахс; биз ҳикояда Маратни хилма-хил ҳолат-вазиятларда учратамиз; шуниси характерлики, Марат ҳар бир ҳолат, вазиятда — севгининг қувончли дамларида ҳам, ўз иши — лойиҳалари устидаги баҳсларда ҳам, ташвишли онларда, тоғаси хонадонидagi кўнглисизликларга, ёшлар турмушидаги чигалликларга ёндашишда ҳам, мусибатли дамларда ўзини туттиши, она васияти, ота хотирасига муносабатда ҳам — ҳамма ҳолларда характериға хос етакчи хусусиятини намоён этади. Айрим ўринларда ёзувчи қаҳрамонларини атай маълум вазиятларга солаётганлиги сезилиб қолади, чунончи Мўҳсинанинг Марат билан касал она ҳузурига боришга қарор қилиши сунъийроқ туюлади. Аммо ҳикоянависнинг шундай йўл туттиши учун маълум бадиий зарурат бор: ёзувчи Марат

характерини севги синови фониди очишни мақсад қилиб қўйган; Марат маъшуқа Муҳсина учун сир, жумбоқ; Маратнинг бутун бисоти, кирдикори Муҳсинанинг кўз олдида намоён бўлиши лозим; шунга кўра маъшуқа қиз ҳамма ерда, жумладан, қишлоқда она ҳузурида, тоға хонадониди, ёшлар можаросида ҳозир у нозир. Бунинг устига, асарда Маратнинг хатти-ҳаракати икки шахс — ҳам ёзувчи, ҳам маъшуқа қиз нигоҳи орқали баҳоланади, ёзувчи баҳоси билан қиз баҳоси бир-бирига яқин келади.

Пировардида «Илдизлар»даги яна бир фазилатни алоҳида таъкидлаш зарур: адиб ҳикояда маълум маънавий-ахлоқий муаммони кўтарган экан, қаҳрамон

характерини шу муаммо нуқтаи назаридан таҳлил этар экан, масаланинг социал моҳиятини очишга алоҳида эътибор беради, натижада ҳикоядаги Марат ўзига хос тип даражасига кўтарилади. Дарҳақиқат, ҳикоядаги Марат бугунги кунда ҳаётдаги муайян ҳодиса моҳиятини ифодаловчи бетакрор шахсдир. Ёзувчининг бу борадаги тажрибаси ёш қаламкашлар учун ибрат бўла олади.

Хуллас, «Бодом қишда гуллади» ва «Илдизлар» ҳикояларида кўҳна муҳаббат туйғуси сеҳрли кучини яна бир бор намоёиш этди; ҳар икки ҳикоя автори ҳам севги тасвири орқали бугунги куннинг жиддий ва долзарб гапини топиб айта билганлар.

Кенжа Ҳамроев

ҚАТРАЛАР

* * *

Янгилик эскиликнинг йиртилган жойидан дийдор кўрсатади.

* * *

Талабчанлик, ички интизом — маънавий юксалишнинг шифобахш малҳамидир.

* * *

Томир омон бўлса, қувват қайтади.

* * *

Одамнинг ташқи кўринишига қараб баҳолашга ошиқманг. Хунук кўринса ҳам пилла қурти ипак беради.

* * *

Ҳар бир киши табаррук болалиги, меҳнаткаш ёшлиги, буюк ўтмиши ва нурли келажаги билан фахрланиши керак. У ўзини ана шунга тайёрлаб боришни бир лаҳза бўлса ҳам унутишга ҳаққи йўқ.

* * *

Юрганингизда ерни тинглашни эсдан чиқарманг. Чунки сиз билан биз улғулаган буюк алломаларнинг барчаси ана шу табаррук тулроққа бош қўйган.

* * *

Икки дўст баҳам кўрса битта қайғу яримтадир.

* * *

Ҳар бир киши қўлига болта ёки арра олиб, у ёки бу дарахтни қулатмоқчи бўлганида ўзидан: «Мен бирор кўчат ўтқазиб, парвариш қилдимми?» деб сўрасин ва шундан сўнг виждон буюрганича иш тутсин.

* * *

Ҳамма ҳайрат билан боқадиган баҳайбат чинор ҳам бир вақтлар ниҳол бўлган.

* * *

Саримсоққа атиргул сувини сепган билан хушбўй таратавермайди.



Юрий Андреев

Бахтли бўл, ўғлим!

Русчадан
Озод ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси

ЎН ТЎРТ МИЛЛИАРД ХОДИМ...



уда улкан бир корхонани, аниқроғи, уни бошқарадиган штабни тасаввур қил. Бу штаб бошқарадиган корхона чиндан ҳам беқиёс бутун бир олам деса бўлади. Бу идоранинг жуда қатъий тартиб билан танлаб олинган ходимлари ўн тўрт миллиардни ташкил қилади ва ҳар битта хо-

дим ғоят қатъий белгиланган фаолият майдонига эга. Такрор айтаман: бу анчайин муболаға, эмас идоранинг ихтиёридаги корхона чиндан ҳам жуда катта. Идоранинг оқилона тарзда қурилганига лоақал бир факт мисолида амин бўлиш мумкин: бутун корхонани сув билан таъминлаш вазифасини атиги йигирмата ходим бажаради. Айтиш керакки, улар ёмон ишламайди, вазифани уддалашади.

Охири. Боши журналнинг 1-сониди.

Идора ғоят мураккаб: корхонанинг бирон бир соҳаси йўқки, уни шу идора назорат қилмасин. У ўз тасарруфи-га кирадиган қуёш системасидаги сон-саноқсиз юлдузларнинг ўзига хос манфаатларинигина эмас, бошқа системадаги сайёралар манфаатларини ҳам ҳисобга олади ва жамики манфаатларнинг умумий мутаносиблигини, содир бўлаётган барча жараёнларнинг мутаносиблигини таъминловчи энг мақбул қарорлар қабул қилади.

Бу галактика ўз штаби туфайли омон-эсон ҳаёт кечиради. Штаб эса, ўзига бўйсунувчи жамики бўлимларнинг фаолияти туфайли дадил, кўтаринки руҳда, расамади билан иш юритади.

Кўз илғамас олис келажакнинг ҳаёлий манзарасими бу!

Йўқ, бор-йўғи инсон организмнинг ва инсон миясининг реал модели, холос. Инсон мияси миллиард-миллиард асаб ҳужайраларига эга — бизнинг жамики аъзоларимизга, уларнинг фаолиятига шулар раҳбарлик қилади. Сенга мисол сифатида айтганим сув таъминоти бўйича ишловчи йигирмата ходим эса — бори-йўғи мияда ташналик туйғусини бошқарадиган ва организмга сув етишмай қолса, ваҳима кўтариб, бутун системани оёққа турғизадиган йигирмата асаб ҳужайраси, холос.

Энди яна бир манзарани тасаввур қилиб кўр. Бу манзара ҳам ҳаёлот олаmidан эмас. Бир система кетидан иккинчиси штабга сигнал тўхтата бошлайди. Алоқани тиклаш учун қилинган барча ҳаракат зое кетади. Муайян бўлимнинг ишига муттасадиллик қилувчи ходимларнинг аҳволи нима кечади! Улар идорадан чиқиб кетишолмайди. Шундоқ экан, ё лоқайдлик, фаромушлик бошланади, ёки таназзул, чириш бошланади. Алоқа эса ишдан чиқишда давом этади, бўлимлар бирин-бирин сўнаверади ва штабнинг бутун вазифаси системанинг энг ибтидоий ёки тасодифий эҳтиёжларини таъминлашдангина иборат бўлиб қолади.

Нима деб ўйлайсан — штаб ходимларининг кайфияти қандоқ бўларкин!

Система ичида қандай аҳвол рўй бераркин!

Космик моделни қўяйлик-да, алоҳида битта одамга ўтайлик. Фараз қилайликки, унинг системаси бирон бир фалокат оқибатида бирин-кетин ишдан чиққан эмас, балки уларнинг анча-мунчаси, балки кўпчилиги умуман ҳеч қачон ишга солинмаган.

Ўғлим, бундай ҳолда қандай қилиб инсоннинг бахтиёрлиги ҳақида гапириш мумкин! Бизнинг жамики манфаатларимизни ўн тўрт миллиард ҳужайра бошқарса-ю, уларнинг анча-мунчаси, мутлақ кўпчилиги зулмат қаърида уйқуда ётса — бундан ҳам фожиалироқ манзара бўлиши мумкинми! Бироқ, фалокатнинг энг каттаси, кулфатнинг энг оғири шундаки, системаларининг кўп қисми ишламайдиган, инсоний сифатлари ўз қувватининг юздан бир даражасидагина зўрға милтираб турадиган одамларнинг анча-мунчаси бошига тушган бу балодан беҳабар бўлади. Кўзидан ажраган одам — бахтсиз одам, чунки у нимадан маҳрум бўлганини яхши билади. Ҳаракат қилиш қобилиятини йўқотган одам — бахтсиз одам, чунки у ҳам нимадан жудо бўлганини билади. Аммо, ҳеч қачон чинакамига севмаган, чинакамига нафратланмаган, бирон ишни жуда ўринлатиб қўйиб, бирон муаммони ҳал қилишга жиндай бўлса-да

ҳисса қўшмаган ва бундан лаззатланмаган одам нимани ҳис қилиши мумкин!

Бундай одамлар билан ҳаёт ҳақида суҳбатлашиш нимаю бичилган қул билан муҳаббат тўғрисида баҳслашиш нима, деб ҳам бўлмайди ҳатто, чунки бу одамларда ҳамма нарса бор, ҳамма нарсаси шай, бироқ уларда ҳайвонлар дунёсидан мерос қолган автомат системаларгина амал қилади, холос.

Агар сен билан биз гуманист бўлсак, агар фақат ўзимизни ўйламасак, ўн тўрт миллиард ходимнинг биронтаси ҳам бекорчи бўлмаслиги керак, деган ширимизни чинакам бахт инсон турмушининг баркамоллигида, тўлақонлигида эканини тушунмайдиган, англамайдиган жамики одамларнинг мулкига айлантормоғимиз лозим. Бу — бизнинг бурчимиз.

Воқелик нақадар хилма-хил ва инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш шакллари ҳам нечоғли ранг-баранг. Фақат буни кўра олиш, ҳис қила олиш керак, ҳар бир ҳодисанинг замирида яширинган гўзалликини ҳис эта билмоқ лозим. Арманстонга, Бюраканга — жаҳонга таниқли академик Амбарцумян расадхонасига қилган сафарим эсимда. «Литературная газета»нинг топширигига биноан биз Амбарцумян билан суҳбатлашмоғимиз керак эди. Бюракан — тоғ этагида жойлашган чоғроқ бир қишлоқ. Ёзувчи Гурам Панжикидзе ва муҳбир Генрих Митин билан мени олиб кетаётган шофёр йўл-йўлакай кекса бувисиникига қўниб ўтишни таклиф қилди. Бувиси шу қишлоқда, машҳур расадхонанинг ёнгинасида истиқомат қиларкан. Уйи оддийгина, оқланган, тахта полсиз ёзги уй экан. Кекса деҳқон аёл бизни узун ёғоч скамейкаларга ўтқазди. Бир зумда стол устида қатик, лаваш, кўк пиёз пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси беҳад хуштаъм эди. Биз бу аёл билан суҳбатдан чинакамага ҳузур қилдик. Бир неча авлодни тарбиялаб вояга етказган бу мўътабар Она камсухан, лекин ҳар бир сўзи жуда маънодор эди. Унинг гапларидан одамларнинг туриш-турмуши, тирикчилиги, ҳаёти ҳақида билиш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан воқиф қариянинг донолиги сезилиб турарди. Кейин, белгиланган соатда тик тош йўлдан кўтарилиб расадхонага чиқдик. Расадхонадаги ичига телескоплар ўрнашган тилсиз-забонсиз миноралар гўё Коинотнинг ҳадсиз-ҳудудсиз фазоларига соқчилик қилиб тургандай эди. Бутун расадхона оғир сукунат оғушида. Виктор Амазаспович Амбарцумян билан бўлган суҳбатимиз ҳақида гапириб ўтирмайман — у «Литературная газета»да босилиб чиққан. Унга фақат бир нарсани илова қиламан, холос. Буни бизга Бутунжаҳон астрофизикалар ассоциациясининг президенти айтгани йўқ, албатта, унинг ходимларидан ўзимиз билиб олдик. Хабаринг бор — Амбарцумян шогирдлари билан бирга коинот сирларини борган сари теранроқ эгаллашга интилоқда. Унинг шундай гипотезалари борки, улар инсоният олдидаги келажақда очилажак сирлар пардасини кўтаришга ёрдам беради. Бу расадхонада илгари мутлақо номълум бўлган бутун бошли галактикалар кашф этилади. Қизиғи шундаки, ана шу галактикалардан бирини академик Амбарцумяннинг шогирди очибди. Бу галактиканинг қаерда бўлиши мумкинлигини Амбарцумян назарий жаҳатдан айтиб берган эди. Шогирд ўша галактикани чиндан ҳам устоз айтган жойдан топибди. Бироқ Виктор Амазаспович кашфиётга шерик бўлишдан қатъиян бош тортган ва бу юлдузлар туркумини уни очган фан кандидатининг номи билан — Р. Шохбозян галактикаси деб аташни талаб қилган. Шундай қилиб, биз мана шу Бюракан деб аталган мўъжазгина, ҳариталарда кўз илғамайдиган географик нуқтада яна бир бор ҳам камтарлик, ҳам маънавий буюклик, ҳам

орзумандлик, ҳам ажойиб доноликка дуч келдик. Боягина биз маълумотсиз деҳқон аёл билан мулоқотдан ҳузурланган эдик, энди эса сайёрамиздаги энг билимдон одамлардан бири билан суҳбатдан бахтиёрлик туйғусини ҳис этдик. Буларнинг ҳар қайсиси ҳайрон қоладиган даражада оддий инсоний ҳаёт кечиради.

Телеварингга бир назар сол — атрофингни қуршаган одамлар билан мулоқотда бўлар экансан, инсон ҳаётининг ана шундай баркамоллигига, мазмундорлигига сен ҳам эриша олмайсанми! Ахир, атрофимизни қуршаган одамларнинг сон-саногни йўқ-ку. Улар билан мулоқотнинг ўзиёқ бахт эмасми! Ҳар бир одам аллақачон рўёбга чиққан ёхуд рўёбга чиқиши мумкин бўлган бутун бошли бир коинот эканини бошқа одамлар ҳам тушунмоғи керак.

Мен ҳозир сенга Маркс ёшлигида айтган ажойиб сўзларни эслатаман. Илтимос, уларни теран ўйлаб кўр, мағзини чақ, қайта-қайта ўқиб чиқ. Маркс ёшлигидаёқ дохиёна бир гапни айтган: «Биз кўриб турибмиз — сиёсий-иқтисодий бойлик ва сиёсий-иқтисодий қашшоқлик ўрнини тўқис инсон ва тўқис инсоний эҳтиёж эгаллаб бормоқда. Тўқис инсон — айни чоқда, ҳаётдаги жамики инсоний хислатларнинг тажассумига муҳтож одамдир. Бунда унинг ўзлигини намоён этиши ички зарурият сифатида, эҳтиёж сифатида кўринади». Тўқис инсон — инсоний турмушнинг барча талабларига эҳтиёж сезишга қобил одам эканига, унинг ўзини намоён этишга уринишига, ўз ички имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга интилишига алоҳида эътибор қилиш керак. Бошқача айтганда, ўн тўрт миллиард ходимнинг биронтаси ҳам бекорчи бўлмасин. Муддао-шу. Ана шунга интилоқ зарур.

Бу орзунин, инсоният тарихидаги жамики машҳур тафаккур эгаларининг ана шу эзгу орзусини амалга ошириш йўлларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш учун Маркс ва Энгельс бутун ҳаётини бағишлади.

Улар таълимотининг, ишининг буюк давомчиси В. И. Ленин коммунистик қурилишнинг мақсади сифатида «жамиятнинг ҳамма аъзоларининг мукамал фаровонлигини ва ҳар томонлама эркин ривожланишини» таъминлаш вазифасини олға сурди.

Шундай қилиб, инсоннинг реал ички бойлиги анчайин гўзал орзу бўлиб қолмайди, балки муҳим давлат вазифаси даражасига кўтарилади. Бироқ, надоматлар бўлсинки, орамизда ҳали баъзи бир калтафаҳм арбоблар учраб туради. Улар инсонни ана шундай мукамал ривожлантириш вазифасини ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳага алоқадор иш эмас, деб биладилар.

Одамларда, айниқса ёшларда чинакам инсоний манфаатлар даражаси фавқулодда юқори. Статистика шундан далолат беради. Масалан, Усть-Илимск ва БАМнинг ғарбий участкасидаги зарбдор қурилишда одамларнинг нима сабабдан бу ерга келганини аниқлаш учун ялли социологик текшириш ўтказилган. Сўраб қўрилганлар ўртасида, албатта, бу ерга комсомол йўлланмаси билан келганлардан ташқари ўзларича, мустақил келганлар ҳам бўлган. Текширув оқибатида шундай рақамлар туғилган: 61,5 фоиз одам келишига асосий сабаб қилиб муҳим, янги қурилишда қатнашиш истиагини кўрсатган; 39,6 фоиз одам нотаниш жойларни кўриш иштиёқида келганини айтган; 7,1 фоиз одам — бирор муҳим ҳунар ўрганиб, юксак малакага эришиш иштиёқида келган. Жами сўраб қўрилганларнинг 24 фоизи келишининг асосий сабаби қилиб моддий манфаатдорликни кўрсатган [100 фоиздан ошиб кетганига ҳайрон бўлма — баъзилар икки-уч хил сабабларни ҳам айтган]. Хуллас калом, гап оммавий фидокорлик ҳақида, ҳаёт моҳияти юксак даражадаги умум манфа-

атлари билан белгиланадиган жойда бўлиш иштиёқи ҳақида кетяпти. Бинобарин, айрим раҳбарлар ана шундай замонавий ҳолатларни инобатга олмаса, бундан жамиятга жуда катта маънавий зараргина эмас, бевосита моддий зарар ҳам етади. Уғлини тайгадаги бир қишлоқда иккита ўспирин ваҳшийларча ўлдирган Александр Чернишев шу жиноятнинг теран илдизлари ҳақида ёзди: «План» ҳақидаги одат тусига кириб қолган ва қулай гаплар баъзи бир муҳим нарсаларга қўл силташ эмасмикан! Моддий ва маънавий нарсалар ўртасидаги уйғунлик бузилса, буни ҳаётнинг ўзи кечирмайди. «Фалсафа»га эътиборсизлик қилинса, совет қонунига, ахлоқимизга эътиборсизлик қилинса, бунинг учун ҳаёт шафқатсизлик билан ўч олади. Катталар ичкиликбозликка берилиб беҳаё бўлиб қолишади, ўсимирлар безорига айланади, болалар итоатдан чиқади. Бесабаб қотилликлар, рўпара келгани дўппослашлар, дераза синдиришлар кўпаяди. Охир-пировардда меҳнат интизоми бўшаши, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш авж олади, биз «фалсафа»ни қурбон қилган «планлар» бажарилмай қолиб кетади. Уғлим Андрейнинг ўлимига ҳам шу нарсалар сабаб бўлган».

Ҳа, маънавият моддий нарсаларда ўз ифодасини топади. Маънавий қашшоқлик ҳамма нуқтан назардан ҳам турган-битгани зарардир. 1976 йилда Леонид Жуховицкийнинг «Пайшанбалик гулханлар» деган публицистик китоби чиқди. Жуховицкий унда одатдаги бир формулани келтиради: моддий рағбатлантириш маънавий рағбатлантириш билан қўшилса, кадрларнинг кўнимли бўлишини таъминлайди. Сўнгра муаллиф бу формула бугунги кунда мутлақо қониқарли эмаслигини исбот қилади. Учинчи, жуда муҳим омил пайдо бўлди. Бу — руҳий рағбатдир. Одамлар шаҳарда яшаш завқли бўлишини истайдилар. Севимли шаҳар шундай бир масканки, ундаги ҳамма нарса сеники ва унда яшаш сенга ҳузур бахш этади. Бу шундай бир масканки, унда мулоқот даражаси чинакамга юксак ва инсон қалби юксак даражадаги маданий бойликлар билан таъминланади. Ана шу руҳий омилга етарли баҳо бермаслик нечоғли қимматга тушишини Л. Жуховицкий «Пайшанбалик гулханлар» китобида бир улкан қурилиш мисолида кўрсатади. Қарангки, бу қурилишда ўн йил давомида ишчилар состави юз фоиз ўзгарибди. Унинг бундай кўнимсизлигини пулга чақадиган бўлсак, миллиардлаб сўми ташкил қилади... «Фалсафа»нинг баҳоси шунақа қиммат!

Шунинг учун, ўғлим, олис келажакда бирдан сенда раҳбарлик истеъдоди намоён бўлсаю сен раҳбар бўлиб қолсанг ва лоақал бир неча одамнинг тақдири сенга боғлиқ бўлиб қолса, салмоқсиздай кўринадиган гуманитар категориялар, одамларнинг ўз маънавий ҳаётларидан қониқмаслиги бизнинг кунларимизда жуда салмоқли, реал моддий талафотларга олиб келишини, умумий ҳаракатимизни суллаштириб қўйиши мумкинлигини зинҳор-базинҳор унутма.

АРХИМЕДНИНГ ЎЛИМ ОЛДИДАГИ СЎЗИ

Архимед инсоният тарихидаги энг буюк сиймолардан бири эди. У ҳар битта одамда мудраб ётадиган жуда улкан ички қудратни амалда очиб бериш бахтига мушарраф бўлган. Шу зот боши узра кўтарилган қиличчи кўриб, ғазаб ичиди: «Менинг чизмаларимга тегма!», деб қичқирган экан. Римлик аскар — одам қиёфасидаги махлуқ, ўзига бино қўйган бефаросат

каллакесар — аввал бундай шаккокликдан шошиб қолибди, кейин ўзига келиб, Инсонни қиличдан ўтказибди.

Одамнинг кундалик шароитда унча кўзга ташланмайдиган моҳияти қутилмаган вазиятларда яққолроқ намоён бўлади. Боши узра кўтарилган қиличчи кўриб, ўлим хавфини ҳис этган Архимед, даставвал, ўз ҳаётини эмас, ҳаётининг асосий ишини ҳимоя қилишга ошиқкан.

Нима учун Архимед ўлими олдида шундай деган!

Нима учун одамлар ҳамма замонларда тўқликдан, фароғатдан, ҳатто ўз ҳаётидан ҳам мардликни, жасоратни, олижанобликни, ишнинг афзаллигини юқорироқ баҳолашган!

Бу саволга жавоб бермоқ учун, бақувват-бақувват эркаклар нима сабабдан ғарқ бўлаётган кемада аввал ўзини эмас, балки болалар ва аёлларни қутқаришини тушунмоқ учун ҳаёт ва бахт дегани инсон ҳаёти ва инсон бахти эканини доимо ёдда тутиш керак. Айни шу категориялар инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб туради.

Шунинг учун ҳам биз ўзини намоён этиш зарурияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, ўзидаги ижтимоий қимматга молик жиҳатларни намоён қилишни назарда тутамиз.

Кўпгина даврларнинг кўпгина гуманистлари томонидан синовдан ўтказилган «бахт — инсоний ҳаётнинг тўқислигида» деган тушунчада «инсоний» деган категория, яъни ижтимоий қимматга эга бўлган нарса бирламчи ўринни эгаллайди.

Агар қатъий ибораларни бир четга қўйиб, жўнгина айтадиган бўлсак, жамиятдан олганидан кўра кўпроқ беришга қобил одамгина чинакам бахтиёр бўлиши мумкин.

Олишдан кўра кўпроқ бериш қонуни, менимча, инсон эволюциясининг асосий қонунидир. Шу қонун туфайли инсоният баъзан нотекис йўллардан, баъзан орқага кетиб, баъзан биз истагандан сустроқ бўлса-да, маънавий жиҳатдан олға ҳаракат қилади.

Ихмомот деган ҳинди қабилиси бор. Унинг аъзолари яшаш учун шафқатсиз кураш шароитида иккита буюк принципдан келиб чиқиб иш тутишади: «Биринчидан: инсон қилаётган иш муқаддасдир ва унинг ишига аралашмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ; фақат, бир одамнинг иши жамиятнинг бошқа аъзолари учун хавф туғдирадиган ҳолларгина бундан мустасно. Иккинчидан: лоақал битта кулдаба озик-овқат, асбоб-анжом ва жиҳмонан бақувват одам бор экан, қароргоҳда ҳеч ким бу нарсаларга эҳтиёж сезмаслиги керак».

Энди Ф. Энгельснинг «Эътиқоднинг коммунистик рамзи» деган лойиҳада битилган сўзларига эътибор бер. Бу ҳужжат К. Маркс ва Ф. Энгельснинг машҳур «Коммунистик партия манифести»дан аввал яратилган. Тарихчилар уни яқинда топишди. Лойиҳа савол-жавоблар тарзида тузилган. Улардан баъзилари қуйидагича:

«Савол: Коммунистларнинг мақсади нима!

Жавоб: Жамиятни шундай ўзгартмоқки, бунинг оқибатида унинг ҳар бир аъзоси жамиятнинг асосий шартларини бузмаган ҳолда ўз қобилиятларини ва кучини мутлақо эркин ўстира олсин ва қўллай билсин.

Савол: Жамият тарихий тараққиётнинг самараси ўлароқ исботга муҳтож бўлмаган қандай қондалар бор!

Жавоб: Масалан, ҳар бир одам бахтли бўлишга интилади. Айрим одамнинг бахти ҳамманинг бахтиёрлигига боғлиқ...»

Кўриб турисанки, Энгельс инсониятнинг жамият тарихий тараққиёти оқибатида шаклланган муқаррар принципларни жуда аниқ белгилайди. Узинга аён, бу принциплар марксизм-ленинизм асосчиларининг шун-

чаки эътиқоди бўлиб қолмай, балки улар ўз ҳаётларида у бу принципларга қатъий амал қилишган. Масалан, Маркснинг нечоғлиқ аламли киноя билан айтган қуйидаги гапи маълум: «Мендан бошқа ҳеч ким ўзи пулга муҳтож бўлатуриб, «пул» ҳақида ёзмаган бўлса керак». Ҳолбуки, у бутун умри давомида неча марта лаб маоши дуруст ишга кириш имкониятига эга бўлган. «Капитал»нинг биринчи жилди устидаги ишни тугатгандан кейин айтган гапи ҳам драматизмга тўла. У Зигфрид Мейерга ёзади: «Хуллас, хатингизга нега жавоб бермаганимни айтмайми! Сабаб шуки; мен доимо гўр оғзида эдим. Шунинг учун ишга қобил ҳар бир қадиқамдан фойдаланишга мажбур бўлдим. Соғлигимни, бахтимни, оиламни асаримга бахшида этдим. Бинобарин, уни тугатишим зарур эди. Шу изоҳ етарли деб ўйлайман. «Ишбилармон» одамлар ва уларнинг «доно»лиги кулгимни қистатади. Агар ҳайвон бўлмоқни ихтиёр этсанг, албатта, инсониятнинг изтиробларидан кўз юмиш ва фақат ўз жонингнинг роҳатини кўзлаш мумкин. Бироқ мен китобимни лоақал қўлёзма ҳолида бўлса ҳамки тугатмай ўлиб кетсам, ўзимни бениҳоя нўноқ бир одам деб ҳисоблаган бўлардим».

Модомики, К. Маркс ҳақида гап бошлаган эканмиз, бу сўзларни ёзган одам бахт деганда курашни тушунганини эслатиб ўтмоқчиман. Шунингдек, яна бир нарсани эслатаман: Теренцийнинг «Инсонга хос жамики хислатлар менга ҳам ёт эмас» деган сўзларни МАРКСНИНГ СЕВИМЛИ ИБОРАСИ БЎЛГАН. Бу принцип — турмушнинг ҳар томонлама тўқислиги («Инсонга хос жамики хислатлар менга ҳам ёт эмас») бошқа одамларнинг бахти учун ҳамма нарсани қурбон қилиш иштиёқи билан қўшилиб, инсониятнинг машаққатли тарихи давомида ахлоқнинг энг мувофиқ принципи сифатида, инсониятнинг эсон-омонлигини таъминловчигина эмас, умумий тараққиётига ёрдам берувчи принцип сифатида шаклланди, чиниқди ва синовлардан ўтди. Шунинг учун ҳам у коммунистик ахлоқнинг муҳим принципларидан бири бўлиб қолди.

Мен сенга ҳозир бир гапни айтаман — уни шу пайтгача эшитмаган бўлсанг керак. Николай Островскийни даволаган доктор Павловский адиб билан қилган суҳбатларини ёзиб борган экан. Жумладан, у шундай ёзади: «Нима деб ўйлайсиз, — деган экан Островский, — биз фронт бўйлаб елиб-юрганимизда, жанговар бўронларни бошдан кечирганимизда тепамизда қуёш чарақлаб турмаганимди, ҳаёт кўзимизга гўзал кўринмаганимди! Ё бизга аталган соҳибжамол қизлар йўқимиди! Ҳамма гап шундаки, бизни ҳаётнинг ўзи чорлаган эди. Эҳтимол, ҳаётнинг жозибасини биз бошқалардан кўпроқ ҳис қилгандирмиз. Бироқ, биз қатъий билардикки, ҳозир энг асосий масала — синфий душманни маҳв этмоқ ва инқилобни сақлаб қолмоқ. Онгимиздаги шу эътиқод ҳамма нарсдан устуи эди».

Бу сўзлар бизга Островскийни шунчаки граждандар урушининг фидокор иштирокчиси, шунчаки қаҳрамонона жасорат кўрсатган ёзувчи сифатидагина намоян қилиб қолмайди. Бу сўзлар унинг инсоний бахт ҳақидаги тасаввурни жуда юксак бўлганидан ҳам далолат беради.

Мисол тариқасида яна бир парчани келтираман — бу ҳам ҳар жиҳатдан ибратли. Унинг муаллифи — Халқаро коммунистик ҳаракатнинг машҳур намояндаси, Уругвай Коммунистик партиясининг биринчи секретари Родней Арисменди. Бу сўзлар Уругвай коммунистларининг партия билетига битилган. Мана, қулоқ сол: «Биз алоҳида бир мазҳаб вакиллари ёки фитначилар гуруҳи эмасмиз. Биз — ишчилар синфи ва халқнинг фарзандимиз. Бинобарин, биз камсуқум ва камтар, оддий одамлармиз. Биз нон ва шаробни, ҳаёт нашидаларини,

аёллар ва болаларни, тинчлик ва дўст самимиятини, гитара ва қўшиқларни, юлдузлар ва гулларни севамиз. Биз маслакисиз, аймонсиз фитначорлар эмасмиз, бир вақтлар хитой аёллари тор пойабзал кийиб, оёқларини сиққанидек, ҳаётни сафсатанинг тор пойабзалига тиқини ҳам истамаймиз. Бизнинг устозимиз К. Маркс Теренцийнинг «Инсонга хос жамики хислатлар менга ҳам ёт эмас» деган иборасини такрорлаб, ўзиники қилиб олган. Худди шунинг учун биз улўғ устозимиз, энг инсоний инсон Ленинни яхши тушунаемиз. У Бетховеннинг «Апассионата»сини севарди ва айни чоқда инқилоб кемасини қатъият билан бошқарди. Душман қаршисида унинг иродаси буқилмас эди. Худди шунинг учун ҳам биз кундалик инқилобий ишдаги камтарона қаҳрамонликни эъзозлаймиз. Шунинг учун ҳам қийноқлардан қўрқмай, ўқлардан чўчимай, лозим бўлганда ўлимларга тик қоқиб, ишимизни бажараверамиз».

Бу сўзлар эътиқоднинг коммунистик рамзидир. Бу эътиқод худога эмас, Инсонга эътиқоддир. Бу сўзларга изоҳ бериб, уларнинг оташин оҳангини бузмоқчи эмасман. Яхшиси, баъзи рақамларни келтирай. Бу рақамлар ҳар қандай изоҳдан кучли.

Бугунга келиб маълум бўлишича, Улуғ Ватан уруши даврида Александр Матросовнинг жасоратини икки юз етмиш беш солдат ва офицер такрорлаган экан. Ҳатто бу жасорат Матросовдан олдин ҳам содир этилган. Қуролдош биродарлари учун жонини тиккан икки юз етмиш бешта қаҳрамондан атиги уч киши тирик қолган.

Яна бир рақам: Улуғ Ватан уруши йилларида совет учувчилари уч юз йигирма етти марта Николай Гастелло каби, ёниб турган самолётларини душман объектларига олиб бориб урганлар. Бунда олти юз учувчи, штурман, ўқчи ва радистлар иштирок этган. Бундан ташқари, ҳаво жангларида икки юз учувчи ўз самолётини душман самолётига олиб бориб урган. Бу рақамларни мен авиация генерал-майори Б. Васильевнинг мақоласидан олдим. У шундай деб ёзади: «Жароҳатланган самолётларнинг экипажлари сира ҳам ўлимга маҳкум эмас эдилар. Самолётини душман объектига урган учувчиларнинг кўпчилиги самолётни қорни билан қўндиришга уриниб кўриши ёхуд ўзи парашютда сакраб, қутулиб қолиши мумкин эди. Бироқ улар бундай қилишмади. Улар ҳалок бўлаётган самолётни ҳам қуролга айлантиришди ва ўз ўлимлари билан ғалабани яқинлаштиришга ҳисса қўшишди».

Эсингдами, бир вақтлар сен менга синфдошларинг билан инсон ҳаётининг маъноси ҳақида баҳс қилганларингни айтиб берган эдинг. Ушанда масалага шахсий ҳузур-ҳаловат нуқтаи назаридан эмас, юксак манфатлар даражасидан туриб қаралса, энг муҳими — инсониятнинг унинг тарихий тараққиёти йўлида жиндай бўлса-да олға силжишига ҳисса қўшишдир, деган тўхтама келган экансизлар.

Бу — жуда тўғри фикр деб ўйлайман.

СЕНИНГ БАХТСИЗ БЎЛИШИНГНИ ИСТАМАЙМАН

Ҳа, ранг-баранг, тўлақонли ҳаёт гўзал. Неча марта лаб — гоҳ ўрмонда қуюқ шох-шаббалар орасидан кўзга ташланган мовий осмонни кўриб қалбим ларзага тушганда, гоҳ қишда қорли тун қўйнида Санъат майдонининг ғаройиб иморатлари устида балқиган тўлин ойни кўриб завқланганимда, гоҳ улўғвор бир

куйни тинглаб руҳим кўтарилганда, гоҳ яқин одамларим билан мулоқотдан бекиёс қувонч туйғуларини туйганимда ўзимни беармон ва бахтиёр ҳис этганман.

Лекин, барибир, дунёда ҳеч ўринлатиб қилинган меҳнатчилик чуқур қувонч бахш этолмайди, ўғлим. Ўз ишингни маҳорат билан бажарсанг, бундан жуда теран мамнуният ҳис қиласан.

Очилишни айтсам, мен ҳозир фақат эркакларни кўзда тутиб гапиряпман. Тўғри, ҳаётим давомида кўплаб аёлларни учратганман. Бироқ ҳаётимнинг илк босқичларида уларнинг моҳиятини қанчалик ҳам тушунган бўлсам, ҳозир ҳам буни англашдан шунча узоқман. Балки, аёлларга меҳнатдан ортиқроқ қувонч бағишлайдиган бошқа нарса бордир. Шундай бўлса ажаб эмас. Шунинг учун фақат эркаклар руҳияти ҳақида гапиришга журъат этаман.

Ўзлигини тўла-тўқис намоён этмоқ учун, ўзининг ички имкониятларини рўёбга чиқармоқ учун меҳнатдан, ишдан бошқа йўл ҳам, восита ҳам йўқ. Одам ўзини чинакамига бахтиёр ҳис қилиши учун юксак профессионал малакага эга бўлиши керак. Қандай ҳунар эгаси бўлишининг аҳамияти йўқ. Баъзи маълумотларга қараганда, ҳозир дунёда қирқ минг, бошқаларига қараганда, эллик минг хил ҳунар бор экан. Уларнинг ичида жамият ҳаёти учун аҳамиятсиз йўқ. Модомики, бирор хил ҳунар пайдо бўлибдими, демак, жамиятда унга эҳтиёж бор. Бироқ сен ким бўлсанг ҳам — ишчи ёхуд раҳбар ходим бўласанми, олим ёки официант бўласанми, шоир ё спорт тренери бўласанми, барибир, юксак малакали, илоҳи борича энг юксак малакали ходим бўлмоғинг керак.

Мен бу гапларни нега сенга айтяпман!

Чунки мен бир нарсадан ташвишдаман — сенда баъзан иккиламчи нарсани муҳим деб қабул қилишга майл сезилади. Галга чечанлигинг учун қизарга ёҳасан. Гитара чалиб, ўнта, йигирмата, юзта кўшиқни айтиб, қойил қиласан. Ҳар хил одамлар тўплаган улфатчиликда ўтиришининг гули бўла оласан. Пляжда келишган қадди-қоматингни кўз-кўз қилишни яхши кўрасан. Буларнинг ҳеч қайсисини ҳақиқий муваффақият деб билма, ўғлим. Буларнинг бари — иккиламчи нарсалар, фақат кўнгилхушликка, эрмакка хизмат қилади. Хараактерингни биламан — қизиққонсан, иззат-нафсинг нозик. Шунинг учун ҳам савияси ва қобилияти жиҳатидан, эҳтимол, ҳақли равишда ўзингдан паст деб билган ўртоқларинг ҳаёт йўлида бирин-кетин сендан ўтиб кета бошласа, бундан жуда қаттиқ изтироб чекасан. Мен эса сенинг изтироб чекишингни истамайман, бахтсиз бўлишингни хоҳламайман. Гапимга ишон, ҳақоратланган иззат-нафс изтиробларини ҳеч нарса билан ювиб бўлмайди. Бунда на гўзал қизлар назаридаги қаҳрамонликлару на спиртли ичимликларни истеъмол қилиш бобидаги жасоратлар қўл келади.

Гап шундаки, одамда ўз ишининг моҳир устаси сифатида ўз-ўзига нисбатан теран ҳурмат бўлмас экан, ундай одам руҳий жиҳатдан жуда беқарор бўлади, сал нарсадан қалби жароҳатланади. Бугунги ҳаётда эса ва, айниқса, сен ҳамда сенга тенгқур авлод келажакда — XXI асрда кечирishi лозим бўлган ҳаётда фақат маҳорат, юксак профессионал маҳоратгина обрў келтиради.

Шунинг учун сен яқин келажакдаги бахтингни таъминлаш учун бугуннинг ўзида кўпгина иккинчи даражали нарсалардан воз кечишинг ва асосий ишинг учун билим ҳам укув тўплагинг лозим. Шундагина сен ҳурмат қозонасан ва ўз-ўзингни ҳурмат қиласан. Акс ҳолда, чексиз руҳий изтиробларга замин яратиб берасан, ҳатто умрингга зомин бўласан. Умринг қисқар-

ганда ҳам ярмига, балки ундан кўпроғига қисқариши мумкин. Негаки, ўзидан, эгаллаб турган мавқеядан, аҳволидан қаноатланмаган одам, ўзини рўёбга чиқаролмаган кимса (ҳолбуки, чиқариши мумкин эди, ахир, тенгқурлари ҳаёт йўлларида жуда ўзиб кетишди-ку) ҳам чекавериб, ўзини ҳам, яқинларини ҳам адои тамом қилади. Унга ҳеч қандай тиргович — на ароқ, на кўнгилхушлик, на дағаллик орқали ўзини кўрсатиш — ҳеч бири ёрдам беролмайди. Одамнинг мустаҳкам ва ишончли таянчи — ўз касбини жуда юксак маҳорат билан эгаллаганида. Шундай эгалласинки, одамлар уни «уста» деб аташсин.

Спорт сени шунга ўргатдики, сен тонналаб тер тўкиш оқибатидагина бирон дуруст натижага эришиш мумкинлигига амин бўлдинг. Бу жуда катта сабоқ. Сенинг инсоний ғуруринг энг асосий нарсага йўналтирилган бўлиши керак. Бу — бошқа ҳеч нарсага қизиқмаслик керак деган гап эмас, албатта. Лекин ҳар қалай, бир неча ёки кўпгина таянчларинг орасида битта асосийси бўлиши зарур. Шу асосий таянч сенинг бардамлигингни, ўз кучингга ишонишингни, оёқда мустаҳкам туришинг, инсоний қадр-қимматингни чуқур ҳис қилишингни таъминлайди.

Ешлигида катта-катта режалар тузмайдиган одам бўлмайди (мен бу ўринда ҳам фақат эркаклар ҳақида гапиряпман).

Мен истардимки, сенинг улкан режаларинг заррача ҳам камаймасин. Бунга эса фақат бир йўл билан эришиш мумкин — танлаган соҳангда юксак маҳоратли мутахассис бўлиб етишмоғинг шарт.

Эркак одам ишлай билиши керак. Бусиз у уйда ҳам, корхонада ҳам қимматга эга бўлолмайди.

Қайсидир журналда бир шиор ўқиган эдим. Уни қидирувчи-геологлар отрядининг бошлиғи А. В. Прохоров кабинетининг деворига осиб қўйган экан. Мана, ўша шиор:

Бирон иш қилмоқни истаган одам
Чора ахтаради.
Ҳеч нарса қилмоқчи бўлмаган одам
Баҳона топади.

Ўзинг яхши биласанки, бирор ишга хафсаланг келмаса, албатта, минглаб баҳона топилади. Том Соьер мактабга боргиси келмаганда ҳар гал тиши оғриганини баҳона қилгандай, одам ўз ялқовлигига кўп нарсани рўқач қилиши мумкин. Бироқ ишни бугун бажармасанг, эртага бажармасанг, индинга яна ўзингни аясанг, унда ўша ишнинггина эмас, умуман, сенинг тақдиринг устида бош қотирмоқ керак бўлади.

Ишинг сен учун қизиқарли бўлиши керак. Яна — мураккаб, оғир бўлмоғи шарт. Агар у оғир бўлмаса, сенга қизиғи қолмайди, қаердадир ўқиганим бор: тоғ тепасига машаққатли сўқмоқлардан юриб чиққан одам билан ўша жойга осма йўл орқали кўтарилган одам жуда ўринли таққосланган. Албатта, альпинистга ўхшаб тирмашиб тоққа чиққан одамга қараганда иккинчиси тоғнинг нима эканини ўнлаб марта камроқ ҳис қилади.

Бир неча саҳифа аввал ортопед доктор, новатор врач Илизаров ҳақида гапирган эдим. Мен бу кишини кўрмаган бўлсам ҳам, жуда-жуда ҳурмат қиламан. Яқинда унинг бир мақоласини ўқиб қолдим. Мақолага топиб сарлавҳа қўйилган: «Бедор илҳомни афзал кўраман». Мақолада шундай дейилади: «Ҳаётда ўзлигингни намоён қилишининг зарур шarti — билим-дон мутахассис ва укувли одам бўлишдир. Моҳир уста бўлсанг, шунинг ўзи ўз-ўзингни ҳурмат қилишга, ўзлигингни намоён этишга, сенга ардоқли ва одамларга зарур иш учун курашмоққа асос бўлади. Халақит

берувчи шарт-шароитни, вазиятни енгиб ўтмоқ керак. Белгиланган мақсад сари ҳамisha қатъият билан бориш зарур. Ҳамма нарса оддийгина кундан бошланади. Бировлар театрга, кинога, зиёфатларга боради, бошқалар дарсликлар устида терлаб-пишади. Менга шулар кўпроқ ёқади. Ешликда ўйнаб қолиш керак, акс ҳолда, эслаб юрадиган ҳеч вақо бўлмайди, дейишади. Менимча, ўткинчи, муваққат қувончларга чалғийверсанг, ана шунда чиндан ҳам эслаб юрадиган ҳеч вақо қолмайди... Ҳар бир одам ўз соҳасида кичкина бўлса ҳамки, ғалабага эришмоғи керак. Бу, одамга табиий қувонч ато этади. Қилаётган ишинг, ақлий ёхуд жисмоний ҳаракатларинг бефойда эмаслигига амин бўласан.

Ўз ишини пухта эгаллаган одамларнинг маҳорати бизга нима бериши мумкинлигини кўрсатувчи кўпгина мисоллар тўплаганман. Шулардан яна биттасини келтирмоқчиман. У менда чуқур таассурот қолдирган эди. Шу мисолдан кўрасанки, маҳорат, усталик билан иш кўрмоқ одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳам қодир.

Константин Симоновнинг кундаликларида 107-дивизиянинг фаолиятига доир шундай рақамлар келтирилади: «Ельня этагидаги жангларда [1941 йил] дивизия душманнинг 28 танкини, 65 та тўпи ва миномётини, 750 га яқин солдат ва офицерини маҳв этди, ўзи эса, ўлганлар ва ярадор бўлганларни қўшиб ҳисоблаганда 4 минг 200 кишини йўқотди. Кўриниб турибдики, эришилган зафар жуда қимматга тушган. Уша, 107-дивизия Кенигсбергга жанг қилганида [1945 йил], бошқача аҳволни кўрамиз. Шаҳарнинг 55 та кварталини эгаллаган дивизия 15 минг 100 нафар немис солдати ва офицерини асир олади, ўзи эса ҳужум вақтида атиги 186 кишини йўқотди. Бир-бирдан кескин фарқ қилувчи ана шу рақамлар қўшинларимиз жанг санъатини қанчалик эгаллаганликларини кўрсатади».

Бундан хулоса нима! Яхши, сен яна бир-икки марта шу рақамларга синчиклаб қара-да, уларнинг мағзини обдон чақиб кўр. Ва тасаввур қилгинки, ҳалок бўлган ҳар бир совет солдати ўрнида, масалан, сенинг бобонг Андрей бўлиши мумкин эди. Ҳар бирини бутун, бир Олам деса арзийдиган қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётини, уларнинг фарзандлари бахтига неваралари ва эваралари бахтига бизнинг ҳарбий саркардаларимиз асраб қолишган. Маҳоратнинг баҳоси шунақа!

Шундоқ экан, ўғлим, сен ҳам ўз имкониятларингни юксак даражада рўёбга чиқаришга интиль — шунда бахтиёр бўласан, одамлар ҳам сендан миннатдор бўлишади.

НАФРАТ ИЗҲОРИ

... Шунда бахтиёр бўласан, одамлар ҳам сендан миннатдор бўлишади...

Сенга бир воқеани эслатмоқчиман. Ёдингдами, бир вақтлар уйимизни ремонт қилган эдик. Сен кўча эшикни бўяшинг керак эди. Уни мойли бўёқ билан бўядинг. Чакки бўямадинг. Лекин, йўл-йўлакай жиндай бўёқ электр кўнғироғининг ичига кириб қолибди ва шу тўфайли кўнғироқ деярли жирингламай қўйди. Уни жингирилатиш учун анча овора бўлиш керак эди. Мен бир неча марта сендан кўнғироқни тузатиб қўйгин, деб илтимос қилдим, лекин доим нимадир сенга халал берди, қўлинг тегмади. Ҳа, энди, нима бўпти, бор-йўғи битта кўнғироқ-да, керак одам жингирилатиб олар, деб қўяқолдик...

Кейин, ёзининг охирида иккалаимиз уйда ёлғиз қолганимизда, тўсатдан қорнинг оғриб қолди. Оғриганда ҳам

шундай бураб оғридики, унинг азобига дош бериш мумкин эмасди. Бу воқеа кечқурун соат ўн бирларда рўй берди. Бахтимизга, тез ёрдам станцияси уйимиздан унча узоқ эмас эди, мен у ерга югуриб бордим, менга: «Ҳозирча машиналарнинг ҳаммаси йўлда, келиши билан биринчисини сизникига юборамиз», дейишди. Машинани кутар эканмиз, сени оғриқ азобидан чалғитиш учун бирга шахмат ўйнай бошладик. Бироқ вақт ўтиб борар, машинадан эса дарак йўқ эди. Кейин қандайдир мўъжиза рўй бердими — билмадим, соат бирларда эшик тақиллаб қолди. Мен югуриб бориб эшикни очдим ва ташқарида оқ халатли докторни кўрдим. У менга тикилиб туриб, сўради: «Врачнн сиз чақирганмидингиз!» «Ҳа, мен чақирган эдим, — дедим. — Анчадан бери кутяпмиз. Ишимиз чатоқ». «Қизиқ бўлди-ку, — деб бош чайқади у. — Мен бир соат аввал келиб кетувдим. Роса кўнғироқни босдим, ҳеч ким чиқмади. Кейин бошқа касалга кетдим. Қайтаётиб, уйингизнинг деразаларига кўзим тушди. Юқорида, қоронғи деразалар орасида биттасида чироқ кўринди. Эҳтимол, шу уйдагилар мени кутишаётгандир, деб ўйладим. Яна бир марта олтинчи қаватга кўтарилдим. Яна бир марта кўнғироқни босдим. Яна ҳеч кимдан дарак бўлмади. Шундан кейин эшикни тақиллатган эдим, сиз чиқдингиз...»

Албатта, ўшанда лаънати кўнғироқ учун сени койийдиган фурсат эмас эди. Врач сени кўриб, «аппендицит», деди. Сени «Тез ёрдам» машинасида касалхонага олиб кетишди ва дарҳол операция қилишди. Маълум бўлдики, ярим соат кечикилганда перитонит, яъни қориннинг яллиғланиши бошланар экан. Унинг оқибати маълум... Хайриятки, врач яхши одам экан, ҳовлидан деразага қарашга эринмабди, иккинчи марта олтинчи қаватга чиқишга эринмабди, кўнғироққа ишонмай, эшикни тақиллатибди. Борди-ю, унинг ўрнида бошқа врач бўлганида-чи! Ишига совуққон қарайдиган, ҳафсаласиз бир одам бўлганда-ми! Энди ўйласам, юрагим орзиқиб кетади. Кўряпанми, ҳар қандай эътиборсизлик, ҳатто арзимас бир бепарволик ҳам сенга ва сенинг яқинларингга катта кулфат келтириши мумкин экан. Бўлмаса, нима деган гап — электр кўнғироғига бир-икки томчи бўёқ кириб қолибди, холос.

Уйлайманки, бу воқеа сенга бир умрлик сабоқ бўлган.

Эътироф этаман, пала-партишлик билан, қўл учда, энгил-елпи қилинган ҳар қандай иш менда кучли нафрат кўзгайди. Бу — кўр-кўрона отилган тўп ўқи сингари, айбсиз-гуноҳсиз анча одамни мажруҳ қилиши мумкин.

Аллақайси ҳафсаласиз одам магистрал труба ремонт қилиб бўлингач, чуқурни кўммайди, текислаб қўймайди. Оқибатда минглаб одам оилар мобайнида тиззадан лой кечади. У-чи! У, уйининг ёнида асфальтдан бамайлихотир юраверади.

Виждонсиз бир одам заводда қўл учида меҳнат қилади — болтни бураб қотирмайди-да, шундоқ тешикка тиқиб қўяқолади. Бунинг оқибатида қизғин ғалла ўрми пайти ишдан чиққан комбайн неча кунлаб бекор туриб қолади. Пишган бугдой бошоқлардан ерга тўкилади, у эса уйда бамайлихотир нон кавшаб ўтираверади.

Альпинистлар базасида кимдир арқонларни яхши текшириб кўрмагани оқибатида, кучга тўлган икки ёш — йигит ва қиз нобуд бўлади, ота-оналар уларнинг ғамида куйиб, адои тамом бўлишади. У эса, куйиб-пишиб марҳумларнинг ўзини айблади, тоққа чиқаётганда буни эмас, бошқа арқонни олишлари керак эканини исботлашга уринади, Жаҳаннам қаъридан лоақал уларнинг жасадларини ҳам топиш имкони бўлмайди, уларнинг ҳалокатига сабабчи бўлган одам эса парвойи фалак яшайверади.

Айтгандай, бошқача ҳам бўлиши — бир кўзбўямачи отган ўқ иккинчисига тегиши ҳам мумкин. Шундай мақола ўқиган эдим. Унда бир одам янгигина сотиб олган буюми уйга олиб келиб улгурмай ишдан чиққанидан дарғазаб бўлиб, ўзи ҳам корхонада яроқсиз буюмларни сифатли деб ўтказиб, техника назорати бўлимини алдаганини эслайди ва тавба-тазаррулар қилади. Бироқ бундай пушаймонларнинг фойдаси йўқ. Биз шундай жамиятда яшаймизки, унда меҳнат тақсимо-ти ҳаммамизни бир-биримизга узвий боғлаб туради. Менинг тинчлигим, хотиржамлигим, қолаверса, бутун ҳаётим кўпчилик одамларнинг қандай ишлаётганига боғлиқ. Гарчи мен уларни шахсан танимасам-да, гарчи бизни минглаб чақирим масофа ажратиб турса-да — шундай. Уларнинг ҳам саломатлиги, фаровонлиги, бўш вақтини бамаъни ўтказиши менинг нечоғли виждонан ишлашимга боғлиқ.

Рисоладагидек меҳнат қилса бўлади. Уқув билан меҳнат қилса бўлади. Пишиқ ишласа бўлади. Бундай меҳнат ўша одамнинг ўзига ҳам, унинг меҳнати самараларидан баҳраманд бўлувчиларга ҳам ҳузур бағишлайди.

Кўзбўямачилик қилиш ҳам мумкин. Бунда ҳам ўз қалбингни мажруҳ қиласан, ҳам одамларнинг қарғиш ва лаънатларига дучор бўласан, уларнинг назаридан қола-сан.

Сен ҳали ёш экансан, ўғлим, бепарволик ва лоқайдлик қобиги ҳали виждонингни қоплаб олмаган экан, илтимос қиламан, кўзбўямачиликка, моҳияти жиҳатидан ҳам, шакли жиҳатидан ҳам бемаза, хунук ишга ҳозирданоқ ўзингда фаол нафрат туйғусини тарбиялаб бор!

БИР МЕДАЛНИНГ ИККИ ТОМОНИ ЁКИ БЕЛКУРАК БИЛАН ЕР ҚАЗИГАН ЯХШИМИ?

Кўзбўямачи қандай одам экани ҳақида қатъий фикрга эгаман. Бу — омадсиз одам, ҳаётда ўрнини тополмаган одам. Қилаётган ишни унинг ўзига ёқмайди. Бу ишни сифатсиз бажарар экан, шу билан у бутун эл-юрт олдида ўзининг омадсиз, ночор одамлигини ошкора тан олгандай бўлади.

Кўринадик, бу ўринда ҳам гап ҳаётда ўз ўрнини тўғри топишга, касби-корини жуда аниқ белгилашга бориб тақалади. Халқ ҳаётининг умумий уммонига бориб қуйиладиган қирқ минг ёки эллик минг ирмоқдан бирини — ўзинга тегишли ирмоқни нечоғли тўғри танласан, ишингдан шунчалик мамнун бўласан. Бахтли бўлишинг ҳам шунга боғлиқ. Завқ билан ёниб меҳнат қиласанми ёхуд бўйнидан бойлагандек, ўлганнинг кунидан ишлайсанми — шунга боғлиқ.

Бу муаммо умумдават аҳамиятига эга. Социологларнинг маълумотига кўра, ўз ишига кўнгили қўйиб ишлайдиган одамга қараганда худди шундай ишни бажарувчи омадсиз одам уч баравар кам самара берар экан. Мана «шу учдан бир»ни ўзлигини тополма-ганларнинг сонига кўпайтирсанг, бу муаммо давлат миқёсига эга эканини тушуниб оласан.

Айтмоқчи бўлган гапимдан бир оз чалғиб шунки таъкидламанки, XX асрда, айниқса, сен яшайдиган ва ишлайдиган XXI асрда бундай аҳволга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Шу муаммо билан боғлиқ равишда,

шунингдек, инсон ҳаёти ва давлат ҳаётининг яна бошқа кўпгина муаммолари билан боғлиқ равишда психология фани эртами-кечми (кошкийди эртароқ бўлса) ижтимоий ҳаётнинг энг олдинги марраларига чиқмоғи керак, деб ўйлайман. Ҳар битта одамнинг профессионал маълумларини аниқлашга ёрдам берадиган психологик тадбир системаси мавжуд бўлса ва у аниқ ва қатъий амал қилса, ўзлигини тополмаган одамларнинг сони камайган бўларди, албатта. Ўз-ўзидан маълумки, одам-ови кимса сотувчи бўлиб ишлаёлмайди, паришонхотир одамдан учувчи чиқмайди, қунти йўқ одам ўзини архив ишига ёки нотариус ишига бағишланмагани маъқул. Бизнинг кунларимизда фан чинакамига ишлаб чиқариш кучига айланди ва мен аминманки, психология имкони борича кенг миқёсларда ва юксак илмий савияда бу соҳага кириб борса, инсон бахтининг даражасига эмас, фаровонлигимизнинг умумий даражаси ҳам беқийс ортган бўларди.

Энди асосий масалага қайтайлик. Кўнгилга ёқмаган иш муаммоси анчагина мураккаб. Фараз қилайлик, сен кўнгилингга ёқадиган соҳани топгансан. Фараз қилайлик, бу соҳа сенга шодлик ва мамнуният бахш этади. Бироқ, ҳамма гап шундаки, бошидан охиригача фақат ҳузур бахш этадиган иш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир иш, беистисно, ўзининг қийин томонларига ҳам эга.

Моҳир пианистнинг бармоқлари ҳар кун иш машқ қилиб, клавишлар узра минглаб метр масофага югуради. Шундай қилмаса, пианист жуда қисқа фурсатда ўртача ижрочи даражасига тушиб қолади.

Физиолог қурбақалар устида минг-минглаб марта бир хил тажрибалар ўтказиб, битта — яккаю ягона натижага эга бўлади, бу натижа эса ўз навбатида, келгуси тажрибаларнинг зарурлигини асослаш учун жиндеккина далил бўлиб хизмат қилади, холос.

Текстологиясиз, архивларда изланишсиз, картотека устида меҳнатсиз ҳақиқий филолог бўлиш мумкин эмас.

Чилангир ҳам маҳорат чўққиларини эгаллаб, мураккаб буюмлар ясайдиган бўлгунича тонна-тонна металл чиқиндига чиқаради.

Ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Бундан қандай хулоса чиқади! Ишининг кўп қисми қора меҳнатдан, тайёргарликдан, машқдан иборат экан-да. Демак, ишнинг кўп қисми кўнгилга урадиган машғулотлар сирасига кирар эканда! Унда яна кўнгили совийми! Яна кўзбўямачиликми!

Йўқ, азизим. Бу медалнинг, яъни биз танлаб оладиган ишининг икки томони бор. Уни ўзгартиришнинг сира иложи йўқ.

Бир томони — қувонч ва мамнуният туйғуси, иккинчи томони эса — бурч ва ишни албатта виждонан бажаришдир.

Анна хола ҳақидаги ҳикоя эсингдами! Унинг бодрингларини сўғориш учун беҳисоб миқдорда ташиган челақ-челақ сувларга нафратим эсингдами! Ҳолбуки, кейинги йили бошқа кекса аёлларнинг полизини сўғориш учун катта-катта челақларда сув ташидим. Лекин бу ишни нафрат билан эмас, қувонч билан қилдим. Нима ўзгарган эди ўшанда! Ўзгаргани шу бўлдики, ўн тўрт ёшга кирганимда мени комсомолга қабул қилишди ва комсомол топшириғи сифатда Темур командасини тузишни топширишди. Аввал командада синфдошларимдан бир неча кишигина бор эди, холос. Кейин бизга қўшни олтинчи синфдан, сўнг еттинчи синфдан ва бошқа юқори синфлардан ҳам анчагина бола қўшилди. Уқув йилининг охирига келиб, отрядимизнинг сони етмиш кишига яқинлашди. Ҳатто тевааратроф кўчалардаги баъзи бир безори болалар ҳам отрядга киришга ҳаракат қилиб қолишди. Нега бундай

бўлди! Сабаб шуки, биз амалда анча иш қилиб қўйган эдик. Қизларимиз госпиталларда ярадорлар учун концертлар қўйиб беришарди. Мухтож оилаларга қўшимча озиқ-овқат талонлари олиб борардик. Бизнинг энг севган машғулотибиз эса, фронтовиклар оилаларининг полизларини чопиб, сўғориш эди. Бу ишни махфий тарзда қилар эдик. Аёлларнинг ўтинини ёриб, ногирон одамларнинг сувини ташиб, бочкасини тўлғазиб қўярдик, лекин уларнинг ҳеч қайсиси бу ишларни ким қилганини билмаслиги керак эди.

Албатта, буларнинг бари ўзига хос ўйин эди. Ҳаммамизнинг ишимизни бошқариб турадиган ва «разведка» маълумотларини тўплайдиган штабимиз бор эди. Одамларнинг ўтинхоналарига ва полизларига кишибилмас тарзда киришни ўринлатадиган зўр мутахассисларимиз бор эди. Ер қавлашни қойил қиладиган бир гуруҳ болалар бизнинг ифтихоримиз эди. Улар жуда бақувват ва абжир эдилар. Уларнинг сафига қўшилиш катта шараф ҳисобланарди.

Ҳа, албатта, буларнинг бари ўйин эди ва айни чоқда жуда жиддий иш ҳам эди. Айниқса, полиз чопгани бориб, чопиб саришталаб қўйилган пушталарини кўриганда ҳанг-манг бўлиб қолган мадорсиз кампирларни ариқларда бекиниб ётиб кузатарканмиз, ишимизнинг аҳамиятини чуқур ҳис қилардик. Утинхона ортига яшириниб, кимлардир ёриб, бежирим қилиб тахлаб кетган ўтинини кўриб кўзлари ёшланган қўлсиз ногиронларга боқарканмиз, кўнглимиз тоғдай кўтарилар эди. Болаларига қўшимча овқатга талон олиб берганимиз учун оналар штабимизга хатлар ёзиб, миннатдорлик билдиришарди. Госпиталларда қизларимиз қўйган концертларни ярадорлар ойлари ўтиб ҳам унутишмас эди. Улар тузалиб чиқиб, фронтга кетганларидан кейин у ердан бизга хат йўллашарди. Бу хатларни мен ҳамон авайлаб асрайман — улар ҳозиргача ҳам юракни ҳаяжонга солади. Қизиқ, ўша кезларда безорилар бирон марта бизнинг темурчиларимизга тажовуз қилишмаган. Билмадим, улар бизнинг кучли эканимизни билишганми ёки биз қилаётган ишнинг муқаддас эканини қинғир қалблари билан ҳис этишганми... Бу ҳам ҳолва... Мен ишимизга баъзи бир кўча болалари ҳам қўшилганини айтудим. Абжирлик ва эҳтиёткорлик талаб қиладиган анча-мунча ишларни уларга ишониб топширганмиз ва улар «разведкачи» сифатида бизга талай фойда келтирган.

Энди яна челақлаб сув ташиш масаласига қайтайлик. Қачон, қай шароитда сув ташимаслик кераклигини айтиш қийин. «Челақлаб сув ташиш» деганда ҳозир зерикарли, жисмоний, ҳеч қандай қобилият талаб қилмайдиган меҳнат назарда тутилаётганини тушунган бўлсанг керак, албатта. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан бирга эски касб-корларнинг ҳам миқдори камаяди, ҳар қандай ижодий ишнинг икки-чикир қисми барҳам топа боради. Бироқ, биринчидан, бу қачон содир бўлади, иккинчидан, ҳозир нима қилмоқ керак! Ҳозир эса, бирон бир ашаддий ҳусусий мулкчининг полизига челақ-челақ сув ташимаётганини, бирон бир ёвуз йиртқичнинг бойиши учун белкурак билан ер қавламаётганини тушунишнинг, бу ишларнинг барчаси ўзингга, яхши одамларга, бутун жамиятимизга керак эканини аёнлашнинг талаб қилинади.

Гап шундаки, ҳар қандай иш ҳалоллик билан, сифатли бажарилганда, бу меҳнаткаш одамда — унинг ким бўлишидан қатъи назар — этикдўзми ё ҳаммолми, фаррош ё ажнабий журналлар мазмунини изоҳловчиси, бари бир — мамнуният ва ўз-ўзига ҳурмат туйғусини уйғотмаслиги мумкин эмас.

Яна гап шундаки, одамлар ўз ҳунарининг билимдони,

моҳир усталарини чинакамига ҳурмат қилади. Билагонлик, касбнинг нозик сирларини эгаллаш ишдан мамнун бўлишнинг энг муҳим йўлларида биридир. Амалда бу йўл поёнсиз, агар одам танбалликни касб қилиб олмаган бўлса, албатта, унинг учун ҳеч қайси соҳада камолотнинг чеки йўқ.

ҚОНУНЛАРНИНГ ҚОНУНИ

ЁХУД

КАЛИТЛАРНИНГ КАЛИТИ

Истаган одамнинг ҳаёти нашъали ва ижодий бўлиши мумкин. Фақат бунинг учун одамзод, даставвал, ўз ҳаётини бунёд этишга қатъий аҳд қилмоғи ва бутун ирода кучини шунга сарфламоғи керак. Яъни, мен сени нимага ундамоқдаман! Мана, қулоқ сол: одам ўз ҳаётини ижодий иш принципларига амал қилиб бунёд этмоғи керак, ҳаётнинг энг яхши принципларини эса ўз ишининг асос-негизига айлантarmoғи зарур.

Мутахассис психологларнинг лабораториялари ҳозирги, илмий-техник инқилоб даражаси талаб қиладиган юксак даражага кўтарилиб улгурмаган шароитда касб-кор танлаш масаласига келсак, бунда энг тўғри йўл — истисно усулига амал қилишдир: қобилиятларининг ҳалол чамалаб кўриб, ўзингга тўғри келмайдиган касбларни бирин-кетин истисно қила бориш лозим.

Мана, ниҳоят, бирон касбни танлаб ҳам олдинг, дейлик. Унинг қанақа касб экани ҳақида фол очмай қўя қолайлик. Яхшиси, профессионал ўсишнинг қонунилари билан ҳаётининг ривожланиш қонунилари ўртасидаги муносабатни ўйлаб кўрайлик. Бунда ўзлигини инсон сифатида намоён қилишга, ҳаётдан олишдан кўра кўпроқ беришга уринишингга, инсониятнинг жиндек бўлса-да олға босишига ҳисса қўшишга интилишингга асосланайлик. Олдингга қўйган мақсадларининг дарҳол амалга оширишга кириш — бу иш қанча эрта бўлса, шунча яхши. Ҳали олдинда жуда кўп вақтим бор, деган хомхаёлдан кулгилироқ нарса йўқ. Вақт жуда тез ўтади, ўғлим. Энг муҳими эса — вақтни қайтариб бўлмайдди. Герцен айтган эди: жуда кўп одамлар олдинда кўзга чалиниб турган ҳов анови дарвозага етишлари билан ҳаётларини янгидан бошлашга, чинакамига қайта қуришга аҳд қиладилар. Лекин ўша дарвозага етиб бориб кўрсаларки, у қабристоннинг дарвозаси экан...

Дарҳол бошлаш керак. Бунинг учун нималар зарур! Биринчидан, китоблар, материаллар, спорт анжомлари олгани моддий маблағ керак. Мен, албатта, ёрдам бераман, лекин ўзинг ишлаб, пул топсанг нур устига аъло нур бўларди. Ишлаб пул топиш имконитлари жуда кўп: студентлар билан бирга ёзда қурилиш отрядида иштирок этсанг бўлади. Почтада ишлаб кўриш мумкин. Аҳолига хизмат кўрсатувчи бирон муассаса ҳам бажонидил сенинг меҳнатингдан фойдаланиши мумкин. Ёзда дала ишларига ёлланишнинг ҳам сира уяти йўқ. Кучингни ёғоч аралашда ёхуд ўтин ёришда синаб кўрсанг ҳам зиён қилмасди.

Бунинг нимаси яхши!

Шуниси яхшики, пулнинг қадрини биласан, буюмларнинг аҳамиятини тушунасан. Пул ҳам, буюмлар ҳам бизга қулайликлар яратиш учун, олдимишга қўйган мақсадларимизга эришмоққа бизга ёрдам бериш учун зарур. Улар бизнинг ҳўжайинимиз эмас, хизматкорларимиз бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам биринчи марта ва ундан кейин қам мустақил тер тўкиб топган пулнинг муайян мақсад йўлида харжлашингни маслаҳат кўра-

ман, бу — бутун ҳаётингга асқотадиган барқарор кўникма ҳосил қилишга ёрдам беради.

Ҳаётимизнинг шундай бир ғоят мураккаб соҳаси борки, унда моддий ва маънавий, юксак ва тубан омиллар, ғаразли ва муқаддас майллар бир-бири билан ҳамбарчас чатишиб кетган. Манфаатларимизнинг ана шу мураккаб чорраҳасида жиддий бир «лекин» мавжуд. Ҳозир ана шу тўғрида гаплашиб олиш фурсати келди. Таажжубли жойи шундаки, ҳозирги пайтда мутлақо янги хилдаги мешчан пайдо бўлди. Толмас ва ўзгарувчан ажриқдек, бу мешчан фаоллик билан кўпайиб бормоқда. У кўпроқ маънавий бойликларга ўч истеъмолчи мешчандир.

Эскича мешчан асосан буюмларни, турли-туман латта-путталарни, ҳашамни ақл бовар қилмас даражада «истеъмол» қилса, янги хили кўпроқ китобхонларни, санъат асарларини, адабиёт, фан маҳсулотларини «истеъмол» қилади. Унинг ўтмишдошидан [балон нафсининг рамзи — ялтироқ, мебель, дала ҳовли ва автомобиль] фарқи аён кўриниб турибди. Бироқ, уларнинг ўзаро ўхшаш томонлари аниқ: униси ҳам, буниси ҳам ҳаётнинг маъносини истеъмолдан иборат, деб билади. Бундай қараш одамга ўзлигини рўёбга чиқаришга, ўзининг ички қудратини намоён этишга имкон берувчи қарашга бутунлай зиддир.

Яна бир марта, сен менга ўқишни тавсия этган Олег Куваевнинг «Территория» деган ажойиб китобига мурожаат қилмоқчиман. Китобда бошқа персонажлар қаторида геолог Гурин образи ҳам бор. У чет тилларни билади, мотоцикл пойгаларида қатнашади, тоғ чанғиси спорти билан шуғулланади. Бу одам ўзининг яққо ягоналигига ишонади. Бутун феъл-атвори билан ўзининг бошқалардан ажралиб туришини, одоб-ахлоқ деб аталмиш «хурофот»лардан холи эканини таъкидлайди. «Менда пода инстинкти занф», деб белисанд гапиради у. Гурин буюмпарастликка бутунлай қарши. У бу ишга мукасидан кетган истеъмолчи устидан заҳарханда билан кула олади. Бироқ унинг ўзи дунёнинг дардлари ва ташвишларидан кўз юмиб, фақат бир нарсага интилади — ҳеч нарса сарфламай, ҳеч нарсани қурбон қилмай, заррача озор чекмасдан, оламдаги жамики мавжуд гўзалликни ўзиники қилишга тиришади. У фақат ўзини ўйлайди. Унинг назарида, унинг «мен»и қаршисида ҳамма нарса хира тортиши, маҳв бўлиши керак. Унинг учун ҳамкасаба дўсти қандай шароитда ҳалок бўлганининг қизиғи йўқ, аёл кишининг қадр-қиммати ҳам аҳамиятга эга эмас. Экспедициянинг мақсади ҳам унга бир пул. Шунинг учун ҳам фақулудда муҳим, қийин ва масъулиятли ишнинг бажарилиши ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлиб турган бир шароитда у ишни қўйиб, тоғ чанғисига сайр қилиб юради. Унинг истаклари, шахсий эҳтиёжлари қаршида ҳамма нарса иккинчи ўринга тушиб қолади.

Ажойиб ёзувчи Олег Куваев «Территория» асари билан ўзининг бевақт ўлими олдидан шундай васият қилгандай бўлади: ҳа, одамзод ўзини юксак даражада намоён этиши, шахсий имкониятларини тўла рўёбга чиқармоғи, ўсмоғи керак. Бироқ, у бунга оёғи остида мустаҳкам замин бўлгандагина, бошқа одамлар билан, халқ билан муштараклик туйғуси мавжуд бўлгандагина, боши узра эса виждон қуёшдек нур сочиб тургандагина эришмоғи мумкин. Мана шу муҳим мақсадларсиз, булардан лоақал бирортасини назардан қочирганда ҳам инсоннинг шахс сифатида ўсиши жуда хунук шаклларга тушиб қолиши мумкин...

Ҳаётда мен шунанга гурунларга дуч келганим бор. Улардан бири собиқ филолог эди. Кейин у китоб бозорининг кўзирларидан бирига айланди. Ундан кўра

кўп ўқиган чайқовчини тасаввур ҳам қилолмайсан киши. Бошқа яна биттаси — чиндан ҳам зеҳни ўткир одам эди, бироқ имкониятининг лоақал юздан биридан ҳам фойдаланмади, биронта арзирли иш ярата олгани йўқ, чунки бутун вужуди билан бошқалар бажарган ишни танқид қилишга берилиб кетди. Ўзи бирон иш қилай деса, бунга на иродаси етди, на феъли йўл қўйди. Йиллар, ўн йиллар давомида бошқаларнинг камчиликларини кавлаштириб, шундан ҳузурланиб яшаш мумкин бўлгач, ўзинини қийнаб, меҳнат қилиб бирор нарса яратишга не ҳожат... Буларнинг бари айрим спорт «ишқибозлари»га жуда ўхшаб кетади — уларнинг ҳам спорт билан шуғулланиши телевизордан турли мусобақаларни томоша қилишдан нарига ўтмайди.

Хулласи калом, юксак мақсадларга эришмоқ учун қобилиятининг шундай ўстирмоғинг керакки, у ҳамиша эҳтиёжларининг ўсиш суръатидан устун бўлсин.

Маркс бундай дейди: «... турли-туман буюмларни истифода қилмоқ учун одам улардан фойдаланишга қобил бўлиши керак, яъни у жуда юксак даражадаги маданий одам бўлмоғи шарт...» Ҳақиқий маданий одам эса шундай одамки, унинг қобилиятлари ва эҳтиёжларининг ривож ҳамма вақт ўзаро жуда аниқ нисбатда бўлади.

Қобилиятларнинг илдам ривожини учун нима талаб қилинади!

Бунинг учун, албатта, ишни саъй-ҳаракатдан бошламоқ даркор — сувга кирмагунча, сузишни ўрганиб бўлмайди. Бинобарин, даставвал, танлаб олган касб-корининг ўрганишга киришмоқ зарур.

Албатта, ёшлик йиллариданоқ одам ўзини доимий, пухта режаланган меҳнатга ўргатмоғи лозим. Хонаси келиб қолгандагина, аҳён-аҳёндагина эмас, мунтазам ишлай билиш керак. Ердамчи кири-чикир, қоралама тайёргарлик ишларини ҳам, меҳнатининг мунтазамлигини таъминловчи бошқа ишларни ҳам эринмай, пишиқ-пухта бажариш зарур.

Яна нима талаб қилинади!

Ўз олдинга бири биридан мураккаброқ вазибалар қўйиб, фикрининг чарҳлаб боришинг, фикрлашда қолишга тушиб қолмаслигинг лозим. Умумий маданиятининг, савиянинг доимий тарзда ўстира бориш талаб қилинади, чунки тафаккуримизни яхлитлигича мукамаллаштира борар эканмиз, бу билан биз профессионал тафаккуримизни ҳам мукамаллаштирамиз. Ҳаётдаги муваффақиятсизликларга мардона, доноларча муносабатда бўлиш, мағлубият чоғида ваҳимага берилмаслик, аксинча, ундан тегишли сабоқлар чиқара билиш даркор. Хуллас, кўп нарса талаб қилинади.

Ана энди биз энг асосий талабга келдик — уни бажармай туриб, қобилиятни бирон бир даражада теран ва жиддий ривожлантириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу талаб аввалгиларини рад этмайди, балки уларнинг ҳаммасини бирлаштириб, уларга янги сифат бағишлайди. Эътибор билан қулоқ сол: ҳозир дунёда турли-туман ахборот бўрони содир бўлмоқда. Ишлаб чиқариш ва фаннинг кўпгина соҳаларида ҳар ўн йил давомида жамики билимларнинг деярли ярми бутунлай янгиланмоқда. Кўп нарсалар эскириб қоляпти, кўп соҳаларда эса ҳозирча изоҳлаб бўлмайдиган бўшлиқлар пайдо бўляпти. Шундай шароитда, тобора ўсиб, ривожланиб бораётган илғор билимлар тўлқинидан ортда қолмаслик учун, балки ҳамиша шу билимлар даражасида ва ҳатто ундан олға бориш учун нима талаб қилинади!

Талаб битта: сен қайси ишга, ҳодисага, жараёнга мурожаат қилсанг, уларнинг моҳиятини англаб олишга

интилишинг керак, ўзингда шу иштиёқни мунтазам равишда ўстира бормоғинг лозим.

Ҳар бир ишнинг калитини изла!

Бошқа ҳамма нарсага таянч бўлган заминни изла. Бош сабабни, асосий ҳаракатлантирувчи кучни, етакчи эдидиятни, таянч вазиятни, калитларнинг калитини изла!

Тобора мураккаброқ нарсаларнинг моҳиятига кириб бормоқ учун сира меҳнатингни аяма. Ана шундагина профессионал қобилиятларинг мунтазам ўсиб бораётганини кўрасан ва бошқалар ҳам бунга амин бўлади.

Бу гапларимни тўғри тушун — мен сенга албатта назариячи олим йўлидан боргин, демоқчи эмасман.

Гап бутунлай бошқа нарса ҳақида кетяпти. Ҳар бир ишда, машғулотда, ҳунарда, истаган вазиятда масаланинг моҳиятини, туб ўзагини аниқ ва ишбилармонлик билан ўрганишга интилмоқ керак. Шунга эриша олсанг сен бебаҳо ходим бўласан.

Бу йўлда ўзингга манзиллар белгилаб ол: аввал малакали моҳир усталарга эрғаш, кейин ундан юксакроғига, сўнгра яна ҳам юксакларига интил. Ўз маҳоратинг билан уларга етиб ол ва улардан ўзиб кет.

Маршал бўлишга интилмаган солдат — ёмон солдат деган, ибора бор. Бошқа яна бир ибора ҳам бор: тенглар орасида илғор бўл ва илғорлар орасида тенг бўл.

Бу иборалар ҳаққинг йўқ жойдан бирон улуш айириб олишга йўналтирилган эмас, балки сенга табиат ато қилган ва ўз меҳнатинг билан эришилган жамики қимматбаҳо сифатларни имкони борича тўла рўёбга чиқаришга қаратилган. Ва яна — ишинг омадли бўлишига, бинобарин, бахтли ҳаёт кечиришингга қаратилган.

БЎЛАЖАК БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Мана, очиқча суҳбатимиз ниҳоясига етай деб қолганда биз яна бир масалага етиб келдик. Балки бу барча масалалар ичида энг мураккабидир. Бу — эркак ва аёлнинг муносабати масаласи.

Нима учун мен бу ҳақда суҳбатимизнинг охирида гапиришга жазм қилдим? Шунинг учунки, бу масалани ҳал этиш учун аввал гаплашган гапларимизнинг ҳаммасини билиш ва улардан фойдалана олиш даркор.

Бунинг сабаби яна шундаки, мазкур масалада сен бир-бирига зид беҳисоб ҳодисалар орасида уларнинг моҳиятини англаб олишга, шу моҳият ичидаги ўзгаришларни ўқиб олишга тайёр бўлишинг керак эди.

Ниҳоят, сабаб яна шундаки, сенинг онгинг, ироданг, бутун табиатинг, бир йил эмас, икки йил эмас, умр бўйи давом этадиган бениҳоя мураккаб бир ишга шай бўлмоғи лозим эди. Бу иш сенга инсон ҳаётининг тўлақонлигини, нашъадорлигини ҳис қилишга ёрдам берадиган, ҳаётдан мамнунлик туйғусини уйғотадиган энг муҳим ишлардан биридир.

Эсингда бўлса керак, суҳбатимизнинг бошларида инсоният ҳаётида содир бўлаётган тезкор ўзгаришлар ҳақида, олтмиш километрга югурган одам тўғрисида, бу масофанинг сўнги метрдагина электр чироғи пайдо бўлгани ҳақида гапирган эдим. Шундоқ экан, онги яхши ривож топмаган одам, бир йил ёки беш йил кейинги ҳаётга олдиндан назар ташлай билмайдиган одамгина ҳозиргидек тезкор суръатлар қўйнида ҳам аёл билан эркак ўртасидаги муносабатлар ўзгармай қолаверади, деб ўйлаши мумкин.

Йўқ, ўғлим, ундай эмас.

Шундай деб ўйлайдиган одам поездига кеч қолиши

аниқ. У, умуман, бахти сари эмас, бутунлай тескари томонга йўл олиши мумкин. Нега бундай? Шунинг учунки, гоҳ маънили-маънисиз баҳсларга берилиб, сон-саноксиз ишларга кўмилиб кетиб, биз ҳозир дунёда жуда катта инқилоб содир бўлаётганига эътибор бермаяпмиз, уни сезмай ҳам қоляпмиз. Ҳолбуки, бу инқилобни кўлами жиҳатидан инсоният тарихида қачонлардир юз берган энг катта ўзгаришлар билангина таққослаш мумкин. Бу инқилобни ҳатто кўп хотинли оиладан бир хотинли оиллага кўчиш туфайли одамларнинг ҳаёт тарзида, жамики инсоний ахлоқда рўй берган ўзгаришлар билан қиёсласа ҳам бўлади.

Мен нимани назарда тутяпман! Мана, қулоқ сол. Юзлаб, минглаб йиллар давомида, турли ижтимоий даврлар мобайнида аёл киши эрига бутулай қарам бўлиб келган. Эри унга хўжайин бўлган, уни ҳимоя қилган. Бироқ, инсоният тарихида бир лаҳзанигина ифодаловчи бир неча ўн йилликлар ичида аёл ҳуқуқ жиҳатдангина эмас, иқтисодий жиҳатдан ҳам эркак билан тенг бўлиб қолди. Шундай вазият юзага келдики, энди аёл иқтисодий жиҳатдан эрига қарам эмас, балки аксар ҳолларда унга нисбатан кўпроқ маош олади. Аёл киши иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб қолди, энди у эри билан низолашган, муросалари келишмай қолган пайтларида унга қараб, «Азизим, тўрт томонинг қибла...» дейиши ҳам мумкин.

Иқтисодий ҳолатдаги бу ўзгариш, шак-шубҳасиз, маънавият соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришларни вужудга келтирди. Бундан кейин ана шу ўзгаришларнинг янада кўпайиши муқаррар. Шу муносабат билан илгари асти кўрилмаган кўплаб янгича муносабатлар туғилди. Бу яхшиими, ёмонми — ҳозирча ҳеч ким аниқ билмайди. Энг муҳими шундаки, ҳозирнинг ўзида ана шундай вазият мавжуд. Яқин келажак ичида жинслар ўртасидаги муносабатларда янада жиддий ўзгаришлар содир бўлишига имоним комил, негак иқтисодий муносабатлар замирида рўй бераётган қудратли зилзилалар унинг заминини ҳам ўзгартирмай қўймайди.

У ҳолда нима бўлади! Бўладигани шуки, меҳнат соҳасида ва ижтимоий фаолият бобида мустақил бўлган аёл табиий равишда шахсий тақдир бобида, интим муносабатлар соҳасида ҳам худди шундай мавқега интилади. Бунинг тушунмаган эркаклар эса жуда ночор аҳволда қолиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт сатҳида аён қалқиб кўринган нарсалар билан ҳисоблашмай бўлмайди. Минглаб йиллар давомида зулм кўриб келган аёл табиатида тўпланиб, камол топган қатъият, сабр, бардош, матонат, қийинчиликларни куч билан эмас, маккорлик билан енгиш каби хислатлар илгари эркаклар ҳоқимлик қилган соҳаларда аёл меҳнатини ҳозирданоқ устун ҳолатга солиб қўяётганини тан олмаслик ношонлик бўлур эди.

Дарҳақиқат, теварак-атрофингга бир разм сол: ҳозир ҳозда кимлар муаллимлик қиляпти! Аёллар. Медицина ходимлари кимлар! Аёллар. Маданият ходимлари ким! Аёллар. Истаган илмий-тадқиқот институтига кириб қара — у ерда кўпроқ кимни учратасан! Аёлларни. Хўш, эркаклар қаёққа ғойиб бўлишган! Ҳозирча бу саволни қўйиб турайлик...

Петроградлик бир одам ҳақида шундай ривоят қиладилар. Эмишки, у 24-октябрдан 25-нчига ўтар кечаси Халқ уйига Шаляпиннинг концертига бориб, улў хонанданинг қўшиғини маза қилиб тинглабди, концертдан кейин тун оғушида кўчага чиқиб аллақандай отишмани эшитибди. Уйига келиб, йўлда қандайдир тўпдан гумбирлар ўқ узилганини, Қишки Сарой кўприги тўсиб қўйилганини, шунинг учун Троицк кўпригидан ўтиб келганини қайнонасига айтиб берибди. Кейин

ИНСОНИЯТНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ

концертдан олган таассуротини сўзлаб, уйқуга ётибди. Эрталаб маълум бўладики, бу одам ўша кеч тўшакда тарракдек қотиб, Улуғ Октябрь инқилоби содир бўлганидан беҳабар қолган экан... Мен шу одамнинг аҳволига тушингани сира истайман, ўғлим. Ҳозир бутун инсоният ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришлардан беҳабар қолмаслигимиз учун унинг моҳиятини, табиатини, мақсадларини аниқ тасаввур қилмоғимиз керак. Бошқача айтганда, биз бу ўзгаришларнинг йўналишини аниқлаб олмағимиз шарт.

Бир вақтлар — XIX асрнинг ўртасидаёқ Фридрих Энгельс шундай деб ёзган эди: «Келгусида капиталистик ишлаб-чиқариш барҳам топганидан сўнг жисслар ўртасидаги муносабатлар шакли ҳақидаги ҳозирги тасаввурларимизда кўпроқ салбий қарашлар устун бўлади. Ҳолбуки, бу қарашлар вақти-соати келиб йўқ бўлиб кетади. Хўш, уларнинг ўрнига нималар келади! Бу нарса янги авлод — бутун ҳаёти давомида аёлни пулга сотиб олиш ёки ҳокимликнинг бошқа ижтимоий воситалари орқали уни тобе қилиш нималигини билмайдиган эркаклар авлоди ҳамда бутун ҳаёти давомида чинакам муҳаббатдан бошқа бирон майл туфайли эркакка рўйи хуш кўрсатиш нималигини ўйламайдиган, иқтисодий оқибатлардан чўчимаё, сеvimли одамига яқинликини рад этмайдиган аёллар авлоди етишиб чиққанида маълум бўлади». Мана шундай шароитда ўсиб етишган йигит ва қизлар авлоди ўз ахлоқларидаги энг муҳим нарса нима эканини тўғри белгилай олишларини Ф. Энгельс олдиндан башорат қилган.

Шуниси қизиқки, социалистик мамлакатларнинг социологлари ҳозирги авлод аёллари ҳаётда нималарни кўпроқ маъқул кўришини аллақачон аниқлаб бердилар. Масалани амалий тарзда қўйсак, бундай: ҳозир аёллар эркакларни, биринчи навбатда нимаси учун қадрлайди! Яна ҳам аниқроғи: аёллар сандан нимани талаб қилади!

Тарихан шундай бўлганки, эркак одам жисмоний кучини ўзининг энг бирламчи сифати деб ҳисоблашга кўнжиб қолган, чунки у жисмоний кучи ёрдамида жўмард ҳимоячи вазифасини адо этган, оиласини едириб-ичирган, боққан. Жисмоний куч унинг аёлдан устунлигини ҳам таъминлаган. Ҳозир эса бошқача аҳволни кўрамиз. Яқинда Ленинградда, Болтиқ бўйида, Польша ва Чехословакияда ўтказилган тадқиқотларга қараганда, қизлар бўлажак турмуш ўртоқларида зиёлилик сифатини биринчи ўринга қўяр эканлар. Зиёлилик деганда улар эркакнинг ахлоқий даражасини, нечоғли тарбия кўрганлигини, юксак дидга эғалигини, ҳамдард бўла билиш қобилиятини, хуллас, маънавий ва ақлий дунёсининг баркамоллигини назарда тутшади.

Эркак кишига хос жисмоний куч масаласининг аҳамияти худ-бехуд, тобора пасайиб қоляпти, аввалги тасаввурлар ўрнини янги тушунчалар эгалляпти. Эркакларнинг фазилатлари ҳақидаги тасаввурлар ўзгаришти, янги мазмун касб этапти. Энди муштарак қудрати ўрнига зиёлилик қудрати чиқяпти. Социологлар ҳозирги қиз-жувонларнинг бугунги замонавий йигитлар қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги тасаввурларини умумлаштириб, бир махражга келтирганларида аён бўляптики, аёллар ҳамон эркак кишининг кучли бўлишини исташди, бироқ энди маънавий, руҳий, ақлий кучга эга бўлмоғи керак. Бу фазилатларсиз у ҳозирги мураккаб воқеликда хотинга чинакам таянч бўла олмайди ва аёл киши ҳам уни асл эркак деб билмайди.

Мен сенинг ишда ҳам, оилавий ҳаётда ҳам бахтиёр бўлишингни хоҳлайман, ўғлим. Бунинг учун эса, шахсиятнинг ривожига энг муҳим, етакчи майллар инсониятнинг тарихий ривожига асосий мақсад йўналишларига мос келиши керак.

Шундай қилиб, аёллар биздан нима кутишларини билиб олдик. Иложимиз қанча, уларнинг талабларига мослашмоғимиз керак бўлади. Бироқ яна бир масала бор — хўш, биз-чи, биз улардан нима истаймиз! Ёки гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, яхши хотин бўладиган қизни қандай қилиб беҳато топмоқ мумкин! Яхшиси, бундай қилайлик: аёллар истайдиган сифатларимизни жаҳон тараққиётининг тенденциялари ёрдамида аниқлаган эканмиз, аёллардан биз истайдиган етакчи сифатларини ҳам ана шу йўл билан аниқлай қолайлик.

Лекин, бу ишга киришмасдан олдин, инсониятнинг олтин хазинаси қаерга яширинганини топишга шахсан қандай муваффақ бўлганимни ва аёллар эркакларда йўқ сифатларга эга эканини умрбод қаттиқ ишонч ҳосил қилганимни айтиб берай. Ҳа, ҳатто эркаклар ўзларини тўла ҳоким деб биладиган соҳаларда ҳам аёллар уларда йўқ сифатларга эга эканлар.

Бу воқеа Ленинград университетининг жисмоний тарбия ва спорт кафедрасида самбодан тренер бўлиб ишлаб юрган кезларимда содир бўлган.

Бир гал Биринчи Май намоёиши вақтида университет колоннаси Менделеев кўчасида тўпланди. Минглаб одамлар байроқлар ва транспарантлар орасида рақс тушиб, қўшиқ айтиб, жилишга буйруқ берилишини кутиб туришарди. Эрталабдан ичиб олган аллақандай йигит бир студент қизга ёпишиб олиб, шилқимлик қила бошлади. Шунда ҳалиги қиз оломоннинг кўз ўнгига самбо усулларидан бирини қўлади-да, кўз очиб-юмгунча йигитни ерга чилпарчин қилиб ташлади. Қизнинг бу иши жуда ажойиб самара берди. Байрам ўтгач, 3 майдаёқ спорт клуб маъмуриятига самбо секциясига киришни истаган қизлардан ариза ёғилиб кетди. Эркаклар группалари кўп, машғулотлар жадалда бўш ўрин йўқ эди. Шундай бўлса-да, бошлаб ариза берганлардан йигирмата қизни танлаб олиб, группа ташкил қилинди. Катта ўқитувчи Сергей Валентинович Магеровскийнинг топшириғига биноан, бу группа билан мен машғулот ўтказа бошладим...

Уша пайтларда ёшгина йигит эдим. Шундай қилиб десангиз, залга кириб келаман. Қаршимда бири биридан барно йигирмата нотаниш қиз саф тортиб туради. Саломлашамиз. Кейин машғулот бошланади. Айтишим керакки, биз машғулотларни эшикни ичидан беркитиб олиб ўтказардик. Акс ҳолда, томошаталаб йигитлар залга тўлиб кетар, уларнинг гап отишлари эса шоғирдларимни машғулотдан чалғитар эди. Аввал бошлаб менга ҳам осон бўлгани йўқ — беҳосдан бирор қизга ноқулайроқ тегиниб кетсам, хижолат тортаверардим. Айниқса, уларни партерда курашишга ўргатиш чоғларида ҳаракатларим бесўнақай чиқарди. Лекин, кейинчалик ўзимни қўлга олдим, мен улар учун бор-йўғи бир врачман, улар эса мен учун шунчаки бир бемор, холос, деган қарорга келдим. Шундан сўнг машғулотларимиз юришиб кетди.

Албатта, биз эркакларга ўргатадиган нарсаларнинг ҳаммасини уларга ўргатиб бўлмасди — аёл организмнинг ўзига хослигини, уларнинг эртаки-кечми она бўлишлари муқаррарлигини ҳисобга олиш зарур эди. Масалан, жиддий жисмоний куч талаб қиладиган кўтариб уриш усулини ўрганганимиз йўқ. Қизларга оғир юк ҳам кўтартирмас эдик. Бундан бошқа ҳам баъзи бир чеклашлар бор эди. Бироқ, яхлит олганда, уларнинг программаси энди машқ қила бошлайдиган йигитларникидан фарқ қилмасди. Машғулотлар давомида мени кўп

нарса ҳайрон қолдирарди. Гап шундаки, қизлар ҳар хил усулларни йигитларга қараганда тезроқ илғаб, аниқроқ ўзлаштириб олишарди... Уша пайтда мен университетнинг самбо бўйича терма командасига ҳам тренерлик қилардим. Қизларни ана шу энг қобилиятли йигитлар билан таққослаганимда ҳам, улар кўп жиҳатдан устун чиқарди. Янги материални тез ўзлаштириш ва уни пухталаш бобида, тасодифий принцип асосида танлаб олинган ана шу оддийгина қизлар терма командадаги йигитлардан анча устун эдилар. Бирор усул ё комбинацияни йигитлар уч-тўрт машғулотда ўзлаштиришса, қизларга бир машғулот кифоя эди. Буни кўриб лол қолмаслик мумкин эмасди.

Мураккаб ҳаракатларни бирлаштириб бошқариш қобилияти қизларда йигитларга қараганда сифат жиҳатидан анча юқори даражада эди. Олдинга кўп ҳайрон бўлдим, кейин бир фикр хаёлимга келди: мени — анча етук спортчини ҳар хил қизлар рақсга таклиф қилса ва мен ҳар гал уларнинг ҳаракатига мослашаверадиган бўлсам, рақсни сира ҳам эпполмаган бўлардим. Ҳолбуки, истаган қиз истаган йигит билан рақс тушар экан, йигитнинг услубига жуда осон мослашади, унинг ҳаракатидаги ўзига хосликни жуда тез ва аниқ илғаб олади. (Мен бу ўринда чинакам рақсни назарда тутяпман, шеригига эътибор бермай, ҳадеб эгилиб-букилиб, уч-тўртта ёқимсиз ҳаракатни такрорлайверибдан нари ўтмайдиган силкинишларни айтаётганим йўқ, албатта).

Қизлар билан бир йил машғулот ўтказдим. Бунинг оқибатида мавҳуман бир мулоҳаза тарзида эмас, рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқат сифатида шуни умрбод англадимки, аёл киши кўп ҳолларда эркекларга нисбатан уддабурронроқ, яшашга қобилроқ бўлар экан. Аёллар том маънода шундай бир олтин хазина эканки, инсоният ўзининг ўзлуксиз тадрижи давомида топган энг қимматбаҳо хислатларини шу хазинада асраш экан. Биологик нуқтан назардан ҳам, ижтимоий нуқтан назардан ҳам аёл кишининг бу қобилиятини тушунириб, изоҳлаб бериш мумкин. Ҳар қандай система икки хусусиятга эга бўлгандагина муваффақият билан ривожланиши мумкин. Булардан бири — ривожланиш жараёнида топишган нарсаларнинг энг яхшиларини пухталаб, сақлаб қолиш қобилияти; иккинчиси эса — воқеликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда ўзгара олиш қобилияти. Шундай қилиб, истаган барқарор система вазибаларининг бир қисми ўзгармас табиатга эга, иккинчи қисми эса фаол изловчи хусусиятга эгадир.

Менимча, одамзоднинг жамғарилган, сараланган, вақт синовидан ўтган энг яхши сифатлари ва хислатларини асраш вазибаларини табиат аёллар зиммасига юклаган, деб ҳисоблайдиган олимлар мутлақо ҳақ. Тажриба қилиш вазибаси, излаш, қидириш вазибаси, синаш ва адашлар вазибасини эса табиат эркеклар зиммасига юклаган. Узининг актив фаолияти давомида эркек эришган натижа бутун одамзоднинг барқарорлиги ва гуллаб-яшнаши учун хизмат қилса, фойдали бўлса, уни аёл зоти пухталайди ва асраб қолади. Борди-ю, ундоқ бўлмаса, тажриба муваффақиятсиз чиқса, тажриба қилувчининг ўзи ҳам ўзининг нотўғри, боши берк кўчага олиб борувчи тамойилларини мерос қолдирмай, ғойиб бўлади. Бу тирик мавжудотларнинг кўпчилики турига хос бўлган биологик ҳодисадир. Аёлларга қараганда эркекларнинг умри қисқароқ экани ҳам буни тасдиқлайди. Бу ўринда ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, чунки «разведка маълумотлари» фақат ижобий эмас, ҳалокатли ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун бу маълумотлар эвазига ўз жинсининг давом этишини таъ-

минлайдиган насларни туғиб, ўстирадиганларни қурбон қилмаган яхшироқ.

Мен В. Геодакянинг фикрига батамом қўшиламан. У бундай деб ёзади: «Жинслар ўртасида уларнинг ижтимоий ҳаётида мусобақа ва рақобат муносабатлари ҳукмрон бўлмаслиги керак. Негаки, ҳаётда ҳар бир жинс ўз мавқеига эга ва унинг хусусиятлари уларнинг ички тадрижи жараёнида бажарадиган вазифаларига мос келади. Умумий манфаатлар йўлида жинслар бир-бирини тўлдирди. Масалани бир оз жўнлаштириб, айтиш мумкинки, эркеклар биринчи марта қилинадиган, бироқ қўл учиди бажариб қўяқолса ҳам бўлаверадиган ишларни яхшироқ ўринлатадилар. Аёллар эса, бир неча марта қўл урилган, бироқ энг яхши тарзда бажарилиши лозим бўлган ишларни дурустроқ ўрнига қўяди».

В. Геодакян «Бу — яхшими, ёмонми!» деб савол беради ва ўзи шундай жавоб қайтаради: «Масалани бу тарзда қўйиш бемаъниликдир. Ижтимоий амалиётда бу фарқлардан жамиятга, эркеклар ва аёлларнинг ўзига энг кўп фойда келтирадиган тарзда фойдаланишни ўрганиб олиш муҳимроқ аҳамиятга эга. Эркекларга ҳам, аёлларга ҳам ўз қобилиятларини энг мақбул мукамаллик ва ёрқинлик билан рўйбга чиқаришга, оилавий ҳаётдан, ижтимоий ҳаётдан, меҳнатдан энг кўп мамнун бўлишга ёрдам берадиган нарса — рақобат эмас, ҳамдўстликдир».

Бу гапларга яна бир гапни қайта-қайта илова қилмоқ даркор: аёл — онадир. Шунинг учун инсоният тарихий тараққиёти давомида ишлаб чиққан бойликларни сақловчи, жамғарувчи ва фарзандларга етказувчи хазина сифатида табиат аёлни танлаган экан, бу — ғоят табиийдир.

Ҳаракатларининг зеболиги, мукамаллиги билан мени лол қолдирган қизларга самбо усулларини ўргатганимдан бери анча йиллар ўтиб кетди, аммо ўша йилларда аёлларга нисбатан кўнглимда пайдо бўлган эҳтиром, теран ҳурмат, ҳайрат бир умр сақланиб қолди. Кейинчалик тақдир мени қандай аёлга рўпара қилмасин, ҳатто аёл жуда кўримсиз ва нимжон бўлса ҳамки, теран ҳурмат билангина эмас, катта миннатдорлик туйғуси билан ҳам ўз-ўзимга шундай дердим: инсоният олтин хазинасининг вакиласи, инсоният ўзининг олис ривожланиш йўлларида жамғарган ва эришган энг яхши, энг қимматбаҳо нарсаларни асровчи сиймо қаршимда турибди, мен билан гаплашяпти, мени ўзи билан мулоқотда бўлиш шарафига ноил қилмоқда...

Албатта, эркеклар муқаррар тарзда аёллардан устун бўлиши талаб қилинадиган соҳалар бўлганини, борлигини ва келажакда ҳам ҳаммиша бўлишини яхши биламан. Қаердаки иш қийинроқ бўлса, қаер хатарлироқ бўлса, қаердаки жон фидо қилиш лозим бўлса, қаердаки жўмардлик талаб этилса, ўша жойда биринчи навбатда эркек бўлиши керак. Сирасини айтганда, эркек аслида шунинг учун яратилган. Бироқ, у ҳаммиша шуни эсда сақлаши керакки, ҳаёт йўлларида орттирган жаммики катта-кичик «ўлжа»лари, бирон бир қимматга эга бўлган жаммики бойлиги унинг мулки эмас, балки инсониятнинг олтин хазинасига қўшилган жиндаи улушдир, холос. Бу хазинани асраш эса Аёлга ишониб топширилган.

«Биз аёллардан нима истаймиз!» деган саволга жавоб бериш учун гапни шундай узоқдан бошлашга тўғри келди. «Яхши хотин бўладиган қизни қаердан топиш керак!» деган амалий саволга ҳам юқоридаги муқаддасмасиз жавоб бериш қийин эди.

Энди ана шу амалий саволга жавоб берай. Бироқ, гапларимни яхшироқ тушуниб олишининг учун, яна баъзи бир фикрларга тўхтаб ўтмоқчиман.

Энг яхши рафиқани қандай танлаш керак, деган

мавзудан ҳам мураккаброғи дунёда бўлмаса керак. Бу вазифани умумдават миқёсида самарали ҳал этмоқ учун фаннинг энг яхши кучлари ва ҳозирги техниканинг илгор ютуқлари жалб қилиниши керак. Бунга имоним комил.

Қўрқма, энсанг ҳам қотмай қўяқолсин: тўсатдан туғилган ва алангаланган эҳтирослар туфайли қуриладиган оилалар ҳамма вақт бўлган ва бўлади. Ешлар қалбида ҳам, балоғатга етган одамлар қалбида ҳам ҳаммиша муҳаббат туйғулари жўш урган ва бундан кейин ҳам шундай бўлаверади. Лекин, шу билан бирга, менда заррача шубҳа йўқки, келажакда, олис эмас, яқин келажакда оила қурмоқчи бўлганлар кенг программалар асосида ишлайдиган электрон-ҳисоблаш машиналарининг маслаҳатларига таяниб бир-бирлари билан танишадилар. Эҳтимол, бу фикр жуда ғалати туюлар, айниқса, ҳозир вақт нечоғли тез ҳаракатланаётганини тушунмайдиган одамларнинг ғашини келтирар. Бироқ, яқин-яқинларда ҳам бунақа одамлар кибернетика, генетика, аксиология каби тушунчаларни эшитиб, ғашлари келиб юрарди. Ҳолбуки, ҳозир бу илмларсиз на халқ хўжалигининг бирон муҳим тармоғини на гуманитар соҳалардаги жиддий тадқиқотларни ривожлантириб бўлмайди.

Нима учун мен келажакда оила қуриш ишларида ЭҶМ имкониятларига мурожаат этилажанини комил ишонч билан каромат қилмоқдаман! Бунинг бир қатор сабаблари бор. Энг дастлабки сабаб — иқтисодий сабаб. Гап шундаки, мавжуд статистик маълумотларга қараганда, ҳозир бизда йигирма ва ундан ортиқ ёшдаги ўн миллионлаб одам оилавий турмуш қурмаган экан. Бунинг маъноси шуки, мамлакат ҳар йили миллион-миллион бўлғуси граждандардан, яъни болалардан маҳрум бўлмоқда.

Иккинчидан, шахсий инсоний бахт жамият бахтининг энг муҳим унсурини эканини ҳеч ким эътибордан соқит қилолмайди. Сирасини айтганда, давлат ўз аъзоларининг, ўз граждандарининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун барпо этилади. Шундоқ экан, оила қуриш ишларида замонавий техника ёрдамини, замонавий билимлар кўмагини четлаб ўтиб бўлмайди. Ҳаёт шаронтимиз тез ўзгариб бормоқда. Ўзинг ўйлаб кўр — мана сен каттакон ўйда яшайсан. Шу ўйда танишларинг кўпми! Шу ўйда истиқомат қилувчилар ҳақида нима биласан! Ҳолбуки, бир пайтлар қишлоқларда ҳамма ҳамма ҳақидаги барча гаплардан ҳатто ўз қишлоғига эмас, теварак-атрофдаги қишлоқларнинг ҳаётидан ҳам бохабар бўларди. Ҳозирги тараққиёт шароитида, ҳаёт суръати ғоят тезлашган шароитда, умрининг кўп қисми ишда ўтаётган шароитда келгусида сенга умр йўлдоши бўладиган одам ҳақидаги барча муҳим гапларни қаёқдан билиб оласан! Майли, у-бу нарсаларни билиб олдинг ҳам, дейлик. Бироқ илм-фан, техника ривожланган асримизда ана шу билганинга асосланиб иш кўриш — ёхуд — «Омадимни берсин», деб таваккал қилиш бемаънилик бўлмайди! Психологларнинг маълумотига кўра, тахминан олтмиш минг ҳолдан биттасидагина эркак ва аёл шахсиятининг инсоний сифатлари бир-бирига тўла мос келар экан. Шундоқ экан, ана шу олтмиш минг ичидан ўзига энг мувофиқ жуфти ҳалолни излаб топишга одамнинг кучи етадими! Эркак ёки аёл бўлажак умр йўлдошини кўрганида излаб юргани худди шу одам эканини беҳато аниқлашга қодирми!

Оилавий турмуш қуриш масалаларида ЭҶМ одамларга ёрдамга келиши ҳақида комил ишонч билан гапиришимнинг яна бир боиси шуки, социалистик мамлакатлардаги дўстларимиз бўлғуси келин-куёвлар-

ни бир-бирлари билан таништиришда кўп ҳолларда илмий-техника воситаларини муваффақият билан қўлламоқдалар. Бундай иш эртами-кечми бизда ҳам йўлга қўйилади. Кейинги пайтларда матбуотда шу масалага онд материалларнинг кўплаб эълон қилинаётгани шундан далolat беради.

Социологлар, психологлар, сексологларнинг кўпгина асарлари яқдиллик билан шу ишни йўлга қўйишга ундамоқда. Модомики, масала пишиб етилган экан, модомики, у чиндан ҳам катта ижтимоий қимматга молик экан, бир кун келиб амалда жорий қилиниши аниқ.

Мен ҳаддан ташқари мураккаб бу мавзуга энгил-елпи ёндашмоқчи эмасман, албатта. Шак-шубҳа йўқки, танишиш бобида машина берадиган тавсиялар — бори-йўғи тавсия, холос. Барибир, масалани одам ҳал қилади. Албатта, бу борада психологлар, физиологлар ва социологлар қиладиган ишлар ҳали жуда кўп.

Инсон шу қадар мураккаб мавжудотки, унинг шахсиятини баҳолашга имкон берадиган сифатларнинг ҳаммасини санаб чиқиш амримаҳол. Масалан, чехлар ва венгерларнинг таништириш хизматида одамлар ўзи ҳақида ва танишишни истаган одами ҳақида бир неча ўн саволга мутлақо ростгўйлик билан жавоб бериши шарт. Французларнинг никоҳ ишини бошқариш институти тавсия этган анкетада саксонга яқин савол бор. Даниядаги никоҳ институти онлавий ҳаётда муҳим аҳамият касб этадиган тўрт юзга яқин ички ва ташқи инсоний ҳислатларни қайд қилади. Шахсни ҳар томонлама ўрганиш билан шуғулланувчи москвалик мутахассислар одамга икки юзта савол беришади. Ленинград олимлари дастлабки босқичда ўн-ўн бешта савол кифоя, деб ҳисоблашади. Кўриниб турибдики, масала чиндан ҳам мураккаб: уни ҳал қилиш учун гоҳо ўнта, гоҳо юзта хислатни ҳисобга олиш керак экан. Буларнинг ҳар бири оилавий ҳаётда ўз аҳамиятига эга бўлиши мумкин.

Айланиб-айланиб яна ўша саволга қайтамиз: хўш, сен нима қилишинг керак! Илм-фан ва техника бу масалада қанот ёйгунча, тақдирингни ҳал этишни уларга ишониб топширсанг бўладиган даражага етгунча, ёшинг ҳам бир жойга бориб қолиши мумкин. Масалани ҳозир ҳал этишинг лозим. Шундай қилиб, сен ғоят чигал ва мураккаб муаммо қаршида турибсан — ҳаётингдаги энг муҳим йўллардан бирини қандай танлаган маъқул! Қандай қизни умр йўлдоши қилиб олмоқ керак! Уларнинг қайси бирига жону жаҳонингни бахш этсанг бўлади!

Агар дунёда аёл зиммасига юкланган асосий тарихий бурч-вазифага таянадиган бўлсак, агар энг яхши инсоний хислатлар аёл томонидан жамғарилиши ва асралишини, шу туфайли табиат аёлга она бўлиш ҳуқуқини, яъни ўзининг хислатларини ва умумбашарий сифатларни фарзандларига етказиш ҳуқуқини ато этганини жуда теран англасак, унда сен танлайдиган аёлга тўрт юзми ёхуд қирқ тўрт мингми инсоний сифатлардан битта энг муҳими мавжуд бўлиши керак. Бу — аёлнинг эзгулиги, олижаноблиги, меҳрга тўлаллиги, мушфиқлиги масаласидир.

Фикримни тўғри тушун — гап оддий бўшанглик, иродасизлик ёхуд кўнгилчанлик ҳақида кетаётгани йўқ. Мен фаол эзгулик ҳақида гапиряпман. Бу эзгулик баъзан ўта талабчан бўлиши мумкин, баъзан жуда нозик, нафис, лекин ҳаммиша сенинг манфаатингга йўналтирилган бўлади.

Агар сен йўлдан тойгудек бўлсанг, ҳақиқий меҳрибон аёл қаттиққўллик билан сени тўғри йўлга қайтариши мумкин.

Агар сен бекор-бемақсад вақт ўтказишдан ҳаловат топиб, умрингни беҳуда нарсаларга сарф этиш йўлига кирсанг, чинакам меҳрибон аёл сира тап тортмай, ҳушингни жойига келтириб қўйиши мумкин.

Муваффақиятлардан эсанкираб, беҳад кибр-ҳаво пайдо қилсанг, чинакамига меҳрибон аёл сохта мулоимликка берилмай, юз-хотир қилмай, муваффақиятларининг ҳақиқий баҳосини бериб қўя олади.

Сенинг тошбағирлигинг, ўжарлигинг аёлнинг фидокорона меҳрига муҳтож бўлиб қоладиган бўлса, чинакам меҳрибон аёл буни бировнинг кўрсатмасисиз, ўз қалби билан пайқаб олади.

Ҳа, чинакамига меҳрибон аёл учун энг муҳим нарас — сенинг фароғатингдир.

Шунинг учун ҳам бошинга мушкул иш тушган чоғларда у сенга чин юракдан ачинади ва ўзингни қайта тиклаб олишингга кўмаклашади.

Шунинг учун ҳам сен ўз ишингга ҳаддан зиёд берилиб кетган тақдирда ҳам у сени тушунади ва ҳуда-беҳудага хараша қилавермайди.

Шунинг учун ҳам сен уйингдан олисга кетсанг, узоқ сафарларда юрсанг, мушкул йўллари ўтсанг, биласанки, дунёда сенинг қалбингга ҳамоҳанг қалб бор ва у фақат сени деб яшайди.

Ҳа, азизим, агар аёл кишида меҳр бўлмаса, демак, у аёл эмас. У ақли бўлиши мумкин, чеҳраси гулгун офатижон бўлиши мумкин, ўз ишининг моҳир устаси бўлиши мумкин. Лекин, барибир, уни аёл сифатида юксак қадрлаб бўлмайди. Чунки аёл — шунчаки инсон эмас. У — инсоннинг ва инсониятнинг онаси. Шунинг учун ҳам у меҳрдан маҳрум бўлса, ўз жинсининг энг муҳим белгисидан маҳрум бўлади.

Сен адолатли, инсонпарвар одамсан, шунинг учун ҳайрон бўлиб, мендан сўрашинг мумкин: меҳрдан маҳрум, ғарзгўй, худбин аёлларчи! Ҳеч ким уларга уйланмаса, қандоқ бўлади! Эҳтимол, бошқа ҳамма хислатларига кўра улар яхши одамлардир! Нима учун уларни шахсий бахтдан маҳрум этмоқ керак!

Мен бошқачароқ фикр қиламан: ҳамма қилмиши учун одам ўзи жавоб бериши шарт. Ёмонлигининг касри ҳам ўзига уриши керак. Шунинг учун ҳам умумбашариёт тараққиёти миқёсларида оладиган бўлса, фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам ўйлашга қобил аёлларгина бахт масаласида ҳамма имтиёзлардан фойдаланса, фақат уларгина энг яхши инсоний сифатлар силсиласини келажак сари элтса, адолатдан бўлар эди.

СЕН + ҚИЗ = ± !

«Эрак ва аёл» деган беҳад мураккаб мавзу ҳақидаги суҳбатимиз давомида умуминсоний тараққиёт жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, сенинг қай сифатларинг аёлга ҳозир маъқул эканини ва келгусида янада маъқулроқ бўлишини, аёлнинг қай сифатлари сенга манзур эканини ва келажакда янада манзурроқ бўлишини аниқладик.

Мана, демак, сизлар қовушдинглар, оила ташкил топди. Яъни — янги сифатга эга бўлдинглар. Оила дегани икки кишининг бир-бири билан шунчаки ибтидоий қўшилувидан иборат эмас. Бу янги сифат икковингизнинг улкан бахтингиз ҳам бўлиши мумкин, энг катта кулфатингиз ҳам бўлиши мумкин. Ҳамма нараса оилавий ҳаёт қонуларини қанчалик тўғри тушунишларингизга боғлиқ. Қўлоғингга айтиб қўяй: бу қонуларни тушуниш, ўзлаштириб олиш, уларга амал қилиш рафиқанга нисбатан сен учун муҳимроқдир. Бунинг сабаби бор: ишончли илмий далилларга кўра, хотинли эракларга қараганда бўйдоқ ёки хотиндан ажраган эраклар ўртасида ўлиш ҳодисаси кўпроқ

бўлар экан. Бўйдоқ эракларда ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли оилали эракларга нисбатан роппа-рос икки баравар ортиқ экан. Тул қолган эраклар эса уйланганларига қараганда беш баравар кўпроқ ўз-ўзини ўлдирар экан. Яна: жигар хасталигидан ўлиш эҳтимоли сўққабош эракларда уйланганларига нисбатан 3,3 марта ортиқ. Яна: сўққабош эракларнинг сил касалидан ўлиш эҳтимоли ўйланган эракларникидан 5,4 марта кўп. Тул эраклар учун эса бунинг эҳтимоли 11,5 баравар ортиқ. Қант касаллигидан ўлиш эҳтимоли ҳам шундай.

Аёлларнинг учала тоифаси — ёлғизлар, эрдан чиққанлар ва тул қолганларнинг ҳаммаси учун ҳам бу рақамлар бир хил. Бу далиллардан биз — эраклар жиддий хулосалар чиқариб олмоғимиз керак. Шунақа, ўғлим, бу гапларнинг маъзини чақ-да, кимга нима кўпроқ керак эканини ўзинг билaver... Бироқ, ҳар бир бекам-кўст қиз бола эртами-кечми оила қуришга интилгани учун улар ҳам оилавий ҳаёт асосларини пухта билишлари ва унга амал қилишлари керак.

Мен саккиз йил давомида йилга икки мартадан халқ судининг мажлисларида маслаҳатчи сифатида иштирок этганман. Суд шўғулланган бошқа ишлар қаторида кўплаб қўйди-чиқдиларни ҳам кузатишга тўғри келган. Оиланинг бузилишига олиб келадиган асосий сабаблардан бири, балки энг асосий сабаб шу эдики, эр-хотинлар оилавий ҳаёт масалаларида, умуман ҳаёт масалаларида ҳайрон қоларли даражада саводсиз эдилар. Ҳеч ким уларни одоб-ахлоққа, ўзаро ёрдамлаш-шишга, бир-бирига мададкор бўлишга ўргатмаган. Ҳолбуки, бу нарсалар оилавий ҳаётнинг асосини ташкил қилади. Энг ачинарлиси шуки, улар қурган оила бошиданоқ умри қисқа бўлишга маҳқум этилган. Чунки улар бир-бирларига рақиб сифатида муносабатда бўлишган — бири бирдан устуни келишга, бири бирдан кўпроқ ўмаришга, бири бирининг ҳисобидан улуш олишга интилишган. Бундан ҳам бемаънироқ ва бундан ҳам ярамасроқ одатни атайини ўйлаб топиб бўлмайди...

Оиланинг моҳияти нима! Халқда бу ҳақда бир гап бор: «Эру хотин — қўш ҳўкиз». Бу — оддий ҳақиқат, бироқ жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шу ҳақиқатни билмаса, унга амал қилмаса, кўп оилалар бузилиб кетиши мумкин. Оиланинг моҳияти — икки кишининг иттифоқида. Ҳа, бирининг иккинчисига қарши туришида эмас, рақобатда эмас — иттифоқда, шерикликда.

Минг қатла шўкри, сен билан бизнинг ўрناк оладиган мисолимиз бор: менинг отам — сенинг бо-бон ёшлик йилларида менинг онам — сенинг бувингни олий маълумотли қилиш учун жонини жабборга бериб ишлаган. Ҳолбуки, унинг ўзи ишдан ортиб, институтда ўқий олган эмас, нимаики билими бўлса, ҳаммасига мустақил ўқиб эришган. Онам ҳам ҳаётнинг энг мушкул дақиқаларида ҳамиша унга мадад берар, доимо кўмаклашар эди. Улар не-не гапларни биргаликда бошдан кечиришган... Шу алфозда ярим асрдан бери бирга яшаб келишяпти.

Ҳа, оғайни, муҳаббат ва оилавий муносабатлар ҳам инсон фаолиятининг бошқа ҳамма турлари қатори ўзига эътиборни, ғамхўрлик қилишни, доимо камол топтиришни талаб қилади. Биз — эраклар ҳаётимиздаги энг асосий нараса деб ишни биламиз ва эътиборимизни шунга қаратамиз. Муҳаббат ва оилавий муносабатлар ҳам бундан кам эътибор талаб қилмайди. Муҳаббатни телевизор мисол хонага олиб кириб, бурчакка қўйиб қўйса бас, ўша ерда тураверади, деб ўйлашдан ортиқ нодонлик бўлмайди. Сен теварак-атрофда кўп кўргансан — бир тоифа аёллар бор. Улар эрга теккунимизча хушрўй бўлса, ораста бўлса, жозибадор бўлса бас,

деб ҳисоблайдилар. Эрга теккандан кейин эса, сочларини патила-патила қилиб, йиртиқ-ямоқ халатларни кийиб, тишларини ҳам ювмай юраверишади. Мени кечирасан-у, булар бефаросат, ақли калта аёллар. Улар ўзларини аёллик жозибасидан маҳрум қилишади, ўзлари ўтирган шохга болта уришга ошиқишади. Тўй ўтиб улгурмай қуёвлик завқу виқорини йўқотиб, жуфти ҳалолларига бепарво бўлиб қоладиган эркаклар ҳам улардан қолишмайди.

Энди стратегия масаласига келайлик. Унинг мураккаблиги шундаки, стратегия бутун умрга кифоя қиладиган даражада яхлит бўлолмайди. Ҳамма фаслга бирдай ярайдиган, ўзгармас, қотиб қолган стратегия йўқ. Ҳаёт ҳам, муҳаббатнинг ўзи ҳам, ўтиб бораётган умр ҳам эру хотин олдига доимо янги-янги вазифалар қўйиб боради. Уларни ҳар гал янгича ҳал этиш талаб қилинади. Оилавий турмушнинг дастлабки ойларида яраган нарса, муқаррарки, олтин тўй арафасидаги ойларга ярамайди. Бошқача айтсак, сенинг меҳнат жараёнидаги тақомилинга ўсиш тўхтамоғи мумкин бўлмаганидек, оилавий ҳаёт бобида ҳам турғунлик, дангасалик, бамайли-хотирликка ўрин йўқ.

Шундай қилиб, иккингиининг мақсадинингиз бир: оилавий ҳаёт бобидаги сон-саноқсиз зиддиятларни, тўсиқларни енгиб, ғолиб чиқишларинг керак. Бу тўсиқлар сизлардан ташқарида ҳам, ўз ораларингизда ҳам мавжуд. Агар сен ҳақиқий эркак бўлсанг, хотиннинг сенга ҳамиша ошиқу беқарор бўлиб юришига эришмоққа интиласан. Майли, у сени ҳар гал бошқача, ҳар гал янгича севсин. Фақат — сендан безмасин, сендан кўнгли совимасин, ҳафсаласи пир бўлмасин. Сен шунга интилмоғинг керак. Албатта, бунга ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўлмайди. Ҳамиша хотинингга ёқишга интилиш ҳисси касб-корингга маҳоратининг ўстиришда ҳам, руҳият оламининг камол топтириш бобида ҳам, жисмоний имкониятларинг соҳасида ҳам сенга илҳом-бахш туртки бўлади.

Агар сен ҳақиқий эркак бўлсанг, бошқа эркакларга қараганда теранроқ, донороқ, зеҳнироқ, кучлироқ бўлишга интиласан. Хотининг сени «эрим» деб ғурурланиб юришини, сенинг паноҳингда кўнгли тоғдай кўтарилиб яшашини истасанг, уй юмушларининг анча қисмини ўз зиммангга ол. Лекин, ақл-идроқ билан танлаб ол. Шунда рафиқанг ёнингда ҳамиша гул-гул очилиб, яшнаб юради. Вақти-соати келганда эса, ҳақиқий ота эканингни ҳам исбот қиласан. Социологлар шуни аниқлашганки, ота ўғли ёки қизига қанчалик кўпроқ эътибор билан қараса, уларга меҳри шунчалик ўсади ва ўзи ҳам ҳаётнинг тўлақонлилигини чуқурроқ ҳис этади. Яна аниқланганки, фарзанд кўрган, оилали эркакларнинг вақти бўйдоқларниқидан кямроқ бўлса-да, улар маданиятни бўйдоқлардан кўпроқ ва тезроқ эгаллашади. Бунинг сабаби шундаки, фарзандли оталар болаларнинг келажаги учун масъулиятни теранроқ англашади. Ҳақиқий эркак доимий равишда хотинини дунёнинг янги-янги билимлари ва кашфиётлари сари етаклайди. Яна бир бағоят муҳим нарса бор: ҳақиқий эркак ҳамиша ўз хотининг ошиғи сифатида мукаммаллашиб бориши керак. Аммо бир бемаъни қараш бор. Эмишки, гўё севги объекти янгилиниб турса, ундан олинадиган ҳузур-ҳаловат ҳам янгилиниб турармиш. Йўқ, азизим. Энг катта ҳузурни одам ўзининг доимий маҳраמידангина олиши мумкин. Чунки у сенинг ҳар бир имонинг тушунади, нигоҳинг кўнглингдагини билиб олади. Худди ана шунда ранг-баранглик ва мукаммаллашиш имкониятлари ҳудудсиздир.

Шуни англамоқ керакки, воқелигимиз мураккаблаша борган сари, унда аёлнинг мавқеи ортиб борган сари,

бинобарин, унинг шахсияти ҳам ранг-баранг жиллоларга кўпроқ эга бўла борган сари оилавий ҳаёт ҳам ўзига доимий эътибор талаб қилувчи мураккаб соҳага айланмоқда. Бу эътибор, бу ғамхўрлик, туйғуларни гард юқтирмай ҳамиша покиза сақлашга интилиш сенга бутун умрингга татигулик қувонч бахш этади, сарфлаган меҳнатинг ортиғи билан ўзингга қайтади, чунки шундай бир садоқатли дўст ортираманки, бу дўст сенинг танмаҳраминггина бўлиб қолмайди, балки энг яхши, энг ардоқли умр йўлдошингга айланади. Бунинг маъноси шуки, сен берилган битта умрни яшаб, айни чоқда, уни икки баравар узайтиргандек, умрингга умр қўшгандек бўласан. Бундан ҳам муҳими шуки, ҳаётингни руҳий мамнуният ичида кечирасан. Касб-корингдаги маҳорат ўз кучингга ишонч туғдиргандай, сени бахтли қилганидай, бу мамнуният ҳам батамом янги бир сифат билан ҳаётингга ҳусн қўшади. Чиндан ҳам, моҳир уста янглиғ, ўзинг барпо этган бахтли оиладан мамнуният жуда улкан қувонч туйғусини адо этади...

АЖИБ ТЕЗАУРУС ЁХУД СИРЛАРНИНГ СИРИ

Сезиб турибман, гапларимга унча қўшилгинг келма-япти, ичингда норози бўляпсан: ахир, муҳаббат, эҳтирос самовий туйғулар бўлса-ю, яна буларнинг устида меҳнат қилиш лозим бўлса... Унинг романтикаси қаёқда қолди! Юрак сиқилиб кетмайдими! Бошқа илож йўқми!

Нега бўлмасин! Бошқа илож ҳам бор. Бироқ бунда статистика сени унча қўллаб-қувватламайди. Статистиканинг кўрсатишича, 1913 йилдаги қараганда ҳозир оиланинг бузилиши 65 марта кўпайган. Ҳозир шундай шаҳарлар мавжудки, уларда янги қурилаётган оилалар билан бузилаётган оилаларнинг сони тенг келиб қолган. Бундай таҳликали вазиятнинг асосий сабаби нимада! Шундаки, ҳаёт мураккаблашиб кетди, аёлнинг эркакка, эркакнинг аёлга талаблари ортди, лекин оилавий муносабатларнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар биринчи жаҳон урушидан аввалги даражадан унча кўтарилгани йўқ. Шундоқ экан, кўнглинг тусаса, юрагингни сиқмай қўяқол, билганингдан қолма, омадсизлар сафини кўпайтир, ўзининг ҳам, аёлларнинг ҳам қалбини чилпарчин қил, болаларингни хўрлаб, улардан юз ўғир, умри бир ойга ҳам етмайдиган, аммо сен мангу деб ўйладиган эҳтироснинг ялтироқ қанотларида қапалакдай гулдан-гулга кўчиб юр! Муҳаббат гуллари ичида заҳарлилари ҳам бўлади. Бир кун келиб ўшанақасига йўлиқсанг, роса таъзиригини еб, ўзингга келиб қоласан.

Йўқ, биродар, мен сенинг бундай ҳаёт кечиришингни хоҳламайман. Узинг ҳам, албатта, бошқача ҳаёт кечиришни истайсан, ахир, сен расмона одамсан-ку! Бинобарин, ҳамма гап шундаки, ҳар қандай орзунни, шу жумладан, бахтли муҳаббат ҳақидаги орзунни ҳам фақат азият чекиб, меҳнат қилиб, куч сарфлабгина рўёбга чиқариш мумкин. Ҳаётимизнинг муҳим қисмини ташкил этувчи меҳнат бобида умумий қонуниятларни билиш сенга қанчалик кўмак берса, муҳаббат ва оила бобида ҳам баъзи бир асосий қондаларни билиш шунчалик ёрдам беради, улкан шахсий бахтнинг таянчи бўлади.

Сирасини айтганда, мен сенга замонавий қиз-жувонлар ҳозир эркакларнинг ҳамма сифатлари орасида зиёлиликини афзал кўриши ҳақида сўзлаганимда энг муҳим гапимни айтишга яқин келиб қолган эдим. Бу гап шундай: сен ахборот назариясининг тили билан айтганда ўз тезаурусинг, яъни дастлаб тўплаган бойлигинг нечоғли улкан эканини, ҳаётинг давомида бу бойлик кўпайишга қобилми-йўқми эканини аниқлаб олишинг

керак. Бу ўринда тезаурус деганда нимани тушунамиз? Бу — билимларининг бойлиги, сенинг маънавий баркамоллигинг, ҳамдарад бўла билиш қобилиятинг, мустақил ўсишга иштиёқинг... Ҳаётдаги ҳар бир бетакрор вазиятда сенинг қандай ҳаракат қилишинг ана шу тезауруснинг бойлигига боғлиқ!

Бир мисол: икки йигит аёл кишининг симфоник музикани тинглаб ўтириб, йиғлётганини ўради.

Йигитларнинг бири дейди: тентакми бу аёл! Аллақандай музикадан йиғлаб ўтирибди-я... Иккинчиси эса лол қолиб ўйлайди: маънавий баркамолликни қаранг! Ана буни чинакам аёл деса бўлади.

Биринчи йигитни ёмон одам деб бўлмайди. Йўқ, у шунчаки маънавий жиҳатдан қашшоқ, маҳдуд, унинг тезауруси ибтидоий ҳолатда. Агар у ўз тезаурусини бойитиши зарурлигини тушуниб етмаса, аҳволи чатоқ бўлади: ҳар ҳолда бояги аёл билан турмуш қурса, турмуши ширин кечиши амримаҳол. Ҳолбуки, яхши, меҳнаткаш, қувноқ йигит бўлиши мумкин.

Никоҳ ва оилавий муносабатлар — ҳам илм, ҳам санъатдир. Муҳаббат қутилмаган вазиятларда бемаъни ва дағал ҳаракатларга йўл қўймайдиган катта тезаурус билан бир қаторда махсус билимларни ҳам талаб қилади ва бу билимларни доимо тўлдириб боришни тақозо этади.

Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда махсус билимларнинг камида икки соҳаси мавжуд. Буларнинг ҳар қайсиси бутун бошли илмдир ва уларнинг ҳар қайсисини ҳаётинг давомида мунтазам мукамаллаштириб боришинг зарур. Буларнинг бири — кундалик турмушдаги муносабатлар, иккинчиси — интим муносабатлар.

Авал биринчиси ҳақида.

Шоирнинг «турмуш соҳилига урилиб синди муҳаббатнинг оппоқ елкани» деган сўзлари кўпчиликка маълум. Ҳаёт оқими бундай елканлардан қанча қанчасини кўз ўнгимиздан олиб ўтади. Энг таассуфли жойи шундаки, бу синиқ елканларнинг баъзи бирларида ўзимиз ҳам ўтирган бўлишимиз мумкин.

Нима учун бундай бўлди! Нимадан беҳабар қолдим! Нимани ҳисобга олмадим!

Одам бир ҳақиқатни жуда теран тушуниб, англаб олиши учун аччиқ-аччиқ сабоқларни кўрмоғи керак: агар биз бор кучимиз билан ҳаракат қилиб, жамики воситаларни ишга солиб, муҳаббат билан дўстликни бириктириб юборишга эришсак, муҳаббат сўниб қолмайди, муҳаббат қайғи синов қояларига урилиб чилпарчин бўлмайди.

Севишганлар бир-бирларидан мароқланишлари керак. Уларнинг ишлари бир-бирлари учун қизиқарли бўлмоғи лозим. Қизиқ бир факт: белорус социологларининг аниқлашича, оилавий ҳаётдан мамнун эркаклар кўп ҳолларда хотинлари билан ўз ишларини муҳофама қилишар экан; аксинча, оилавий турмушдан норози бўлган эркакларнинг кўпчилиги оилада ё ишларини бутунлай муҳофама қилишмас, ёхуд аҳён-аҳёндагина бу мавзуда гаплашар экан. Менимча, эру хотин ўқишдан ё ишдан қайтиб келгандан кейин, кун давомида содир бўлган воқеаларни бир-бирлари билан ўртоқлашишса, бу жуда табиий ва тўғри бўлади.

Севишганлар бир-бирларининг шахсиятларини ардоқлашлари керак. Уларнинг ҳар бири оила турмушига қанчалик ранг-баранг жилоларни олиб кирса, умумий манзара шунчалик бой бўлади. Масалан, бизнинг оиламиздаги аёллар учун энг ҳузурбахш нарса шанба ва якшанба кунлари Токсово ёки Кавголоводаги адирларда чанғи учишдир. Юзлаб, минглаб чанғичилар даврасида ўзларини эркин ҳис қилишади, улар билан мулоқотда

бўлиб, ёруғ дунёдаги жамики янгилликларни муҳофамадан ўтказишади. Оиламиздаги эркаклар эса хилватроқ жойларни афзал кўришади. Улар чанғида қалин ўрмон қаърига кириб кетишни, чанғи йўллари буғилар изини кесиб ўтадиган жойларни ёқтиришади. Шуниси яхши эмасми! Аёлларимизни кўнгилларига ўтиришмаган ишларни қилишга мажбур этишга на ҳожат! Еки улар бизларни дам олиш ўрнига толиқтириб, нима ҳузур кўришади! Уйга эса улар ҳам, биз ҳам бирдай ҳориб-чарчаб, қордан, осмондан, мусаффо ҳаводан бирдай яйраб қайтамыз.

Севишганлар бир-бирларига мададкор бўлишга, катта ишларда ҳам, кичик ишларда ҳам бир-бирларига кўмаклашишга тайёр туришлари керак. Мен ҳозир ўз-ўзидан маълум нарсалар ҳақида гапирмайман. Масалан, одам бетоб бўлиб қолса, оила аъзолари ҳамма ишларини, юмушларини ҳатто энг зарур ишларини ҳам йиғиштириб қўйиб, унга ёрдамга ошиқишади. Йўқ, мен яна бир марта кундалик турмушдаги икир-чикир юмушларни айтмоқчиман, негаки худди шу нуқтада кўпинча муҳаббатнинг тиниқ ранглари хира тортади. Холисанлилло айтганда, нима учун сен қатори бирор муассасада ишлайдиган аёл ишдан кейин яна сенинг хизматингни қилиши керак! Ҳа, биламан, даққионусдан қолган томил шунақа. [Лекин шуниси ҳам борки, илгари аёл кишининг зиммасида уй ишларидан бўлак юмуш бўлмасди.] Техникадан яхши хабардор экансан, нима учун машинада кир ювишни зимманга ола қолмайсан! Чангютар билан хоналарни тозаласанг, бирор жойинг камайиб қоладими! Муқулларнинг паҳлавонникидай бўлгач, ҳар кун картошка, нон, сут-қатиқларни сен кўтариб келсанг бўлмайди! Кундалик ҳаётимиздаги бунақа юмушлар ҳар қанча икир-чикирдек кўринмасин, зарур ишлардир, улардан қочиб қутулиб бўлмайди. Шундоқ экан, нега умуман меҳнатга муносабатни бу ишларга ҳам жорий этмаслик керак! Ҳа, уй юмушлари серзавқ эмас, бироқ, модомики, бу юмушлар зарур экан, уларни бажарсам хотиним хурсанд бўлар экан, бу юмушларни турли йўллар билан енгиллатиш менинг қўлимдан келар экан, мен уларни бажараман ва буни аллақандай қаҳрамонлик деб ҳисобламайман. Рўзгор юмушларидан азият чекиш у ёқда турсин, чинакамига ҳузур оламдан.

Севишганлар бир-бирларининг руҳий ва маънавий хусусиятларини ўрганмоққа ва ҳисобга олмаққа интилишлари керак. Хотин ёки эр, масалан, умр йўлдошининг мезожи флагматик эканини билса ва бундай одамдан масалани дарҳол ҳал қилишни талаб этиш мумкин эмаслигидан хабардор бўлса, қанчадан-қанча мутлақо арзимас оилавий жанжалларга барҳам берилган бўларди. Бундай одам билан кечқурун театрга бориладиган бўлса, умр йўлдоши уни кечқурун соат олтида, у ишдан қайтганда эмас, кундузи ўн бирда лоақал ишхонасига телефон қилиб, отлантира бошларди... Муносабатлар илми — ҳақиқатан ҳам илмдир. Шундоқ экан, унинг фойдали хулосалари нима учун бизнинг ҳаётимизни енгиллаштирмаслиги керак! Нима учун биз ана шу фоят муҳим соҳада ўта нодон одамлар бўлишимиз керак!

Севишганлар бир-бирларига ҳурмат сақланган ҳолда баҳс қилишлари керак [баҳссиз ҳаётнинг ўзи йўқ]. Улар бир-бирларини камситмай, ҳар қандай қилиб бўлса-да, муқаррар тарзда ўз нуқтаи назарларини ўтказишга уринмай, фақат ҳақиқатга интилиб баҳслашмоқлари лозим. Эслатиб ўтай, эру хотин рақобатчи эмас — иттифоқчи, бири бирига шерик. Улар бирон масалани ҳал қилишар экан, ҳар икковлари учун ҳам баравар зарур бўлган энг тўғри хулосани излашади. Баҳс

жанжалга айланиб кетмаслиги шарт. Фақат тезауруси қашшоқ одамгина фикрлар тўқнашувида низо чиқиб қолса, дарҳол бир вақтлар ўтиб кетган ҳақоратлар ва аламларни эслай бошлайди. Бунақа бозорбоп гаплар сенинг шаънингга ярашмайди. Мен ҳозир ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ва улкан мавзулар ҳақида гапирдим. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида муфассал гаплашса арзийди. Бу мавзулар бирлашиб, «аёлга муҳаббат» нима эканини тушунишга ёрдам беради. Кўрдикки, бу муҳаббат бошдан-оёқ аёл кишига теран эҳтиром билан сўғорилган бўлиши, у билан чинакам дўстлик асосига қурилиши керак экан. Оламдаги жамики бойликлар ичида энг улуғи — юксак маънавиятга асосланган бой инсоний мулоқот бу муҳаббатни беза турмоғи зарур.

Ана энди сен билан биз энг сирли, энг жумбоқ масалага етиб келдик. Бу — аёл ва эркак ўртасидаги нозик муносабатлар масаласидирки, улар муҳаббат бобидаги чинакам инсоний муносабатларнинг гултожи бўлмоғи лозим.

Қизлар билан бу мавзуда онанг гаплашгани маъқул, биз сен билан ўзимиз эркакчасига гаплашиб олайлик. Бу масала — табиатнинг энг мураккаб жумбоқларидан бири. Бу жумбоқни ечишнинг бирдан бир йўли борки, уни ўзим тушунган даражада сенга айтиб берай.

Оилаларимизда фарзанд туғилганда, бу ҳодисани кўпинча «чақалоқни лайлак олиб келди» ёки «бозордан сотиб олдик», деб тушунтирамиз. Ҳолбуки, биринчи синфга бориб улгурмаган тирмизаклар ҳовлига тўпланишиб, бир-бирларига чақалоқнинг пайдо бўлиш «сирлари»ни ўқтиришади. Афсуски, бу масалада кўпгина одамларнинг тасаввури умр давомида ўша тирмизакларнинг «билгани»дан унча нари ўтмайди ва шунинг учун ҳам улар кўп ҳолларда ўз нодонликларининг жабрини тортишади. Ҳозир ИТР асри. Шундоқ бўлган, статистиканинг таҳликали далилларига қулоқ солишимиз керак-да. Унинг гувоҳлигига кўра, эр-хотинларнинг етмиш фоизга яқини интим ҳаёт муаммоларида мутлақо саводсиз экан... Йўқ, бас — бу масалада сохта уятчанлик зарар келтиради, холос. Гап маънавий соғломлик ва жисмоний соғломлик каби жуда муҳим масалалар устида кетяпти.

Шунинг учун ҳам бу масалаларда кўча-кўйдаги донолардан «ақл ўрганганингдан» кўра, мен гапириб бера қолганим яхши. Ҳа, насли давом эттириш борасида табиат инсонни нима билан жалб қилишни билган: эркак ва аёлнинг жинсий яқинлиги уларга лаззат бахш этишга, фавқулодда кўтаринки туйғулар ато этишга қодир. Лекин, ато этмаслиги ҳам, аксинча, кулфат келтириши ҳам мумкин. Айниқса, аёлларга. Чунки бу ўринда ҳайрон қоладиган бир жумбоқ бор. Бу жумбоқ шундаки, жинсий яқинлик вақтида туйғулар парвози эркак ва аёлда баравар содир бўлмайди — эркак кишида аёлга нисбатан олдинроқ рўй беради. Ана шу ақл бовар қилмайдиган вазиятни чизиб тасвирлайдиган бўлсак, тахминан туянинг иккита ўркачига ўхшаш нарса пайдо бўлади.

Хўш, бунинг замирида қандай жумбоқ яшириниб ётади? Парвознинг бир-бирига мос келмайдиган икки нуқтаси оралигидаги масофанинг қандай маъноси бор! Бу — нима учун керак! Менинг гапларимга диққат билан қулоқ сол. Икки «ўркач» оралигидаги масофани мен «инсонийлик масофаси» деб атайман. Сабаби — қуйидагича: агар эркак киши фақат ўзини ўйласа, фақат ўзининг лаззатини кўзласа, агар аёлга лаззат манбаигина деб қараса, унинг туйғулари ҳеч қачон парвознинг олий нуқталарига кўтарилмайдик, чунки бунда эркак ва аёл ўртасида ўзаро мамнунлик туйғуси тўғилмайди.

Агар эркак киши ҳақиқатан инсон бўлса, аёл киши ўзининг ҳузур-ҳаловати учунгина яратилганини, аксинча, эркак аёлнинг хизматини қилиши лозимлигини тушунса, унда аҳвол батамом бошқача бўлади. Унда уларнинг бир-биридан топган мамнуниятининг чеки бўлмайди. Бу мамнуният — чинакамга инсоний, фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам ўйлайдиган одамларгина эришиши мумкин бўлган мамнуниятдир.

Шу сабабдан мен масофани «инсонийлик масофаси» деб атадим. Дунёдаги энг муҳим ақидаларнинг нисбатини тушунган эркакки, инсониятнинг олтин хазинаси аёл эканини, ўзи эса шу хазинани бойитишга хизмат қилишини билган эркакки, бу масофани энгиб ўтишга қодир. Ҳар бир эркак буни яхши билиши керак. Бундай фидокорлик эвазига эса у поёнсиз қувонч туйғуси билан тақдирланади. Яна шуни айтишга журъат этаманки, бундай қарашларга эга бўлган эркак чинакам замонавий эркакдир, чунки у ҳаётни Птолемей кўзи билан эмас, Коперник кўзи билан кўради. У биладикки, коинотнинг маркази бўлмиш Қуёш ўзи эмас — аёлдир. Маълумки, бу масалада эскича тасаввурлар бор. Уларга кўра, марказ — эркак киши, бутун Олам, шу жумладан, аёл ҳам унинг теварагида айланади. Сен ана шу эскирган тасаввурни энгиб ўтмоғинг керак. Йўқ, аҳвол бутунлай бошқача. Сен Птолемейнинг қарашлари аллақачон эскириб қолганини, Коперник ҳақ эканини тушуниб олсанг, жуфти ҳалолликка танлаб олган аёлнинг ҳам чинакамга бахтли бўлади, ўзинг ҳам ўзига бини қўйган ва шунинг учун ҳам калтабин бўлиб қолган эркаклардан фарқ қилароқ бахтли бўласан!

КЎРИШГУНЧА, ХАЙР!

Сен билан кўпгина муҳим масалалар ҳақида батафсил гаплашдик. Лекин, баъзи масалаларни шунчаки тилга олдик, холос. Биз тилга олиб улгурмаган масалалар ҳали кўп. Майли, зарари йўқ: ҳаёт тугамайди, бизнинг учрашувларимиз ва суҳбатларимиз ҳам давом этади. Ҳали кўп учрашамиз ва кўп суҳбатлашамиз.

Ҳозир — суҳбатимиз охирига қолганида нимани ўйлаётган дегин! Вақти-соати келиб суҳбатларимиз бошқача тус олади. Уйлайманки, секин-аста ҳар хил янгиликларни, номаълум нарсаларни менга сен айтиб берадиган бўласан. Бўйинг ўсиб қолди, катта бўлиб қолдинг. Кўпинча сен қилган яхши ишларни кўриб қувонаман, ҳа, ўғлимнинг калласи жойида, деб қўяман ўзимга. Баъзан эса, бирор ишинга қараб, тўғри қилдингми, нотўғри қилдингми — айтишим қийинроқ бўлиб қоляпти. Туансе яқинидаги спорт лагеридан қайтиб келиб, менга бир воқеани айтиб берган эдинг. Тунда бўрон вақтида бир бадмаст аҳмоқ олифтарчилик қилиб, денгизга — тўлқинлар қаърига тушиб кетибди. Унинг нажот сўраб бақирганини эшитиб, сен қотириб турган денгизга ташланибсан, уни излаб топибсан, кайфи тарқаб, ўши жойига келмагунча сувда ўзини тутиб туришга ёрдам берибсан. Кейин бир соат давомида тўлқинлар билан ҳарб олишибсизлар, қирғоққа чиқолмай роса қийналибсизлар. Қандайдир мўъжиза билан омон қолибсизлар — баҳайбат тўлқинлар сизларни ҳар лаҳзада бетон устунларга уриб, мажақлаб ташлаши мумкин экан. Сизларга ҳеч ким ёрдам беролмас, чунки ҳар қандай довюрак одам ҳам яқин келиши билан, тўлқин суриб кетиши мумкин экан. Ушанда тўлқин сизларни қандай қилиб тоши соҳилга улоқтириб юборганини билмай қолганингни айтган эдинг. Шундай ҳам бўлган эканки, тўлқин сенинг чалажон танангни қирғоқдан яна денгиз қаърига судраб олиб кетишига сал қолибди...

Шуни эшитганимдан сўнг ўз-ўзимдан сўрадим: «Уғлим тўғри иш қилганмикан!» Ахир, сенинг омон қолишингга заррача умид йўқ эди. Аксинча, бетон устунларга урилиб мажақланишинг ёхуд қоя тошларига тегиб ҳалок бўлишинг эҳтимоли катта эди. Ўзингнинг гапингга қараганда, сувга тушиб кетган йигит арзийдиган одам эмас экан. Агар ўшанда фарқ бўлганингда бизнинг бошимиз қанақа кулфатда қолмоғини ўзинг яхши тасаввур қиласан.

Такрор айтаман: сенинг ўрнингда бўлганимда нима қилардим — билмайман. Эҳтимол, мен ҳам сувга таш-

ланардим — ахир, ёнгинангда бир одам ҳалок бўлаётганини кўриб, индамай туриб бўладими! Эҳтимол, битта пиянистани деб ҳаётимни қурбон қилмасмидим... Билмадим, билмадим...

Сен эса таваккал қилиб, ютиб чиққансан. Нима дейин, бунинг учун сени қоралайми ё алқайми! Демак, сен ҳаётингнинг шахмат тахтасидаги қиролни аниқ танлагансан. Демак, менинг меҳнатларим зое кетмабди. Демак, ҳаёт давом этяпти ва фарзандларимиз биздан ўзиб кетишади.



Хавfli вазият.

Р. АЛБЕКОВ фотоси



Музаффар Турсунов

ЭРМАКНОМА

Ҳ А Ж В И Я



оп-қоронғи хона. Фақат деразанинг олди бироз ёришиб турибди. Кўп ўтмай, стол устидаги электр лампаси ёниб, бир варақ қоғозни ёритди. Сўфи Тўрғаев столга ўмровини тираганча ҳадиксираб ўтирди.

Умрида биринчи марта юмалоқ хат ёзишга киришди. Ким ҳақида ёзишни билади-ю, нимани ёзишни билмай ганғиди. Э, бор-э, таваккал, деб, қўлига қалам олган эди, назарида оппоқ қоғоз усти вижирлаб кетгандай бўлди.

Сўфи Тўрғаев кўзини юмиб-очди. Рўпарасида Карим Қодирович гўё кулиб турарди.

— Ҳорманг, ўртоқ Тўрғаев, — деди бошлиғи. Сўфи довди-раб қолди.

— Ассалому алайкум, аяхон! — деб юборди шошганидан.

— Бир нарса қилмоқчисиз чоғи!

— Шу... ўтирибмиз, эрмак қилиб...

Карим Қодирович қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Эрмак денг-а! Жуда яхши от топибсиз лекин. Анонимни ўзбекчасига Эрмакнома деса, яхши чиқаркан. Ваҳ-ваҳ-ваҳ! Майли, бошланг эрмагингизни. Сизга халақат бермайин...

Шундай дедию Карим Қодирович гойиб бўлди. Тўрғаев бир оз дадиллашди. Лекин, барибир хонада кимнингдир шарпаси кезиб юргандай, қўрқинчли эди. Сўфи Тўрғаев ўрнидан туриб катта қандилини ёқди. Ён-верига аланглади, столнинг тагига ҳам эгилиб қаради, ҳеч ким кўринмади. Уни совуқ тер босди. Графиндан сув қуйиб ичди. Чироқни ўчирди. Жойига ўтирди. Бир варақ қоғоз оқариб кўринади. Қоғоз устида ручка ушлаган қўлининг сояси титраб турибди. У ёзишни бошламоқчи эди, варақ бетидан яна ўша тўла юзли, таниш чеҳра кўринди. Қорасоч, қорақош, пастки лабининг остидаги чуқурча ҳам қора.

— Энди тек ўтиринг, Карим Қодирович, — деди Тўрғаев кўрсаткич бармоғи билан таҳдид қилиб, — биз ҳозир устингиздан битта аноним... ҳа, ҳали эрмакнома дедингизми! Ана ўшандан ёзмасак бўлмайди. Кеча бизни кўп хафа қилдингиз! Шу ҳафтада бир кун ишга бормаи, икки кун кечикканимни айтиб... меҳнат дафтарчамга ҳайфсан туширдингиз. Тўғрими! Тўрғаев ичига ютиб кетаверади деб ўйлайсизми! Йўқ! Энди навбат бизга, аяхон...

Сўфи Тўрғаевнинг қўли равон юриб кетди. Шариллатиб тўрт қатор «Эрмакнома» ёзди. Бу сатрлар Карим Қодировичнинг оқ қоғозда қорайиб турган сочларини кўлиб юборди.

— Ана, энди пешонангизга ёзамиз-да, аяхон, — деди Тўрғаев, — биз сўкканинг сўк оши, деб кетадиганлардан эмасмиз. Хафа бўлсангиз, пешонангиздан кўринг энди! Биз ҳозир пешонангизни тўлдирамиз.

У анча ёзди. Нуқта аломатидан кейин ўнг қўлини рақс тушаётгандек ҳар томонга силтаб, яна ручка чангаллади.

Қоронғи хона, товоқнинг оғзидек ўткир нур стол устини ёритмоқда. Яرمىси қоғозда ручка ушлаган қўлининг сояси титрайди.

— Мана, энди қошларингизнинг устига ёзамиз-да, аяхон! Қошларингиз ҳам сербар-да, бемалол уч қатор сизгади — деди

у. Сўнг «Бошлиғимиз бегона аёлларга қош қоқишни яхши кўради» деган гапни ёзиб, қаддини ростлади.

— Мана энди кўзингизнинг устига ёзамиз-да, аяхон! — деди ишшайиб Сўфи Тўрғаевич, — лекин кўзингизга тик қараб бўлмаяпти-да. Хайрият, кулимсираб турибсиз. Сиз яна озгина кулиб туринг, биз эрмакиномани ёзиб олайлик, аяхон...

Оқ қоғоз устида ручка ушлаган қўл сояси ўрмалай бошлади. Тўрғаев «Бошлиқнинг кўзи асло тўймайди, халқ мулкини ўмаргани-ўмарган», деб ёздию қорачиқ устига катта нуқта қўйди.

— Ана энди, Карим Қодирович, — деди энтикиб Тўрғаев, — ижозатингиз билан ҳақиқатгўй лабларингизга ёзамиз...

Қоғознинг устидаги қўл сояси қалтиради. Лабларга ёзиш жуда қийнаб юборди уни. Сўфи Тўрғаевич чуқур уф торди. Қўлини чўзиб, ҳар хил ҳаракатлар қилди. Энди ёзса бўлади. Оқ қоғоз устида тагин қора соя ўрмалай кетди. Мана, кулгига мойил устки лабдан бир амаллаб ўтди. Шу пайт... лаблар титраб, оғиз очилиб, Карим Қодирович... «Ап-чу!» деб юборди. Сўфи Тўрғаевнинг қўлидан ручкаси учиб кетди, нимагадир жиринглаб урилди. Даг-даг титраётган Сўфи Тўрғаевич столга мук тушганча қотиб қолди.

Бухоро



Нормамат Тоғаев

Ақлимни олиб кетди...

МОНОЛОГ



ИР УМРГА ЙУЛДОШИМ БУЛАР ДЕБ УЙЛАГАН ЭДИМ. Минг афсуски, у кетди. Мени тамом лол қилиб, ақлимни олиб кетди. Узоқ йиллар ишқидан куйган қалбимга ғам-алам солиб кетди.

Қанча азоблар билан васлига етган эдим-а, ҳай аттанг... Эндигина ўзимга ром бўлиб келаётганида менсимай қўйдим уни. Эвоҳ, нега шундай қилдим-а!! Олдинроқ билганимда ғафлатда қолмасдим. Осмонга учса оёғидан, ерга кирса қулоғидан тортиб, чирмовикдек тарма-шардим унга. Васлидан баҳраманд бўлдим, ишим битди, деб ўйлабман. Уни пеш қилиб, кўп бўлмағур кўчаларга кирдим. У эса чидади. Тишини-тишига босиб чидади кўп вақт.

Мана энди, у қўлдан кетди. Унинг билан кечирган даври-давронлар, ширин дамлардан дилда фақат ширин хотира, ўчмас из қолди.

Одамлар, гапиринг, энди мен... у бевафони қайлардан қидирай! Топганимда ҳам келармикан! Дардимга малҳам, ишимга ҳамдам, белимга қувват — у мансабни энди қайлардан топаман!

АВТОРЛАРИМИЗ

Шарофат АШУРОВА. Қашқадарё область, Қамашы районида туғилган. Қарши Давлат педагогика институтининг математика факультетини битирган. Ҳозир туғилган районидаги «Фарғона» совхоз-техникумида ўқитувчилик қилади.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ. 1954 йили Қашқадарё областининг Яккабоғ районидаги Қишлиқ қишлоғида туғилган. Совет Армиясида хизмат қилгач, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини 1982 йили тамомлаган. Ҳикоялари республика вақтли матбуотида эълон қилинган. Ўзбекистон телевидениеси Адабий-драматик эшиттиришлар бош редакциясида редактор.

Ҳамид МАЛЛАЕВ. 1955 йили Қашқадарё областининг Деҳқонобод районида туғилган. 1979 йилда Қарши Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Урта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Матбуотда илк бор чиқши.

Эркин УСМОНОВ. 1952 йили Тошкентда туғилган. Совет Армияси сафида хизмат қилгач, Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили факультетини битирган. 1981 йилда «Бинафша» номли биринчи китоби чоп этилган. Ўзбекистон радиоси Адабий-драматик эшиттиришлар бош редакциясида хизмат қилади.

Назар ШУКУР. 1955 йили Қашқадарё область, Чироқчи районидаги Жар қишлоғида туғилган. 1979 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг география факультетини тамомлаган. Шеърлари «Ешлик баёзи», «Ешлик» альманахларида ва республика матбуотида эълон қилинган. «Ўқитувчи» нашриётида редактор.

Нафас ШОДМОНОВ. 1957 йили Қашқадарё областининг Ғузор районида туғилган. Совет Армияси сафида хизмат қилган. Шеърлари 1980 йилдан буён вақтли матбуотда эълон қилинмоқда. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида ўқийди.

Урозбой ҲАЙДАРОВ. Қашқадарё областининг Чироқчи районида 1957 йили туғилган. 1980 йилда ТошДунинг инженерлик гидрологияси бўлимини тамомлаган. Чироқчи район суғориш системаларининг мелиорация бўлимида хизмат қилади.

Омон МАТЖОН. Хоразм область, Гурлан районида туғилган. Ундан ортиқ шеърли китоб муаллифи. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди.

Анорбой ҚУРОНБОВ. Андижонда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Бўз ердаги бўз йигит», «Денгиз мавжланади» каби китоблари чоп этилган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. «Совет Ўзбекистони» газетасининг Андижон области бўйича муҳбири.

Умарали НОРМАТОВ. Фарғона областида туғилган. Филология фанлари доктори, ТошДУ профессори. Кўплаб адабий-танқидий асарлар автор. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Иброҳим ҒАФУРОВ. 1937 йилда Тошкентда туғилган. Таниқли адабиётшунос ва таржимон. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. «Гўзалликнинг олмос қирралари», «Усмон Носир», «Жозиба», «Енар сўз» сингари китоблари чоп этилган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлайди.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ешлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Рассом: **Х. СОЛИХОВ**
Техник редактор: **В. УРУСОВА**
Корректор: **Урдабек ҲОШИМОВ**

Адресимиз: 700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар:
Бош редактор ўринбосари — 32-54-73
Масъул секретарь — 32-56-27
Проза бўлими — 32-57-34
Шеърят, адабий танқид ва санъат бўлими — 32-56-41
Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлезмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлезмаларинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ешлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 28.12.83 й. да туширилди. Босишга 25.01.84 й. да рухсат берилди. Р—11040. Қоғоз формати 84×108/16. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 11,0. Тиражи 148633 нусха. Буюртма № 2398. Баҳоси 50 тиийн.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26.

С. «Ешлик» № 2. 1984
«Еш гвардия» нашриёти.